


ҚАҲРАМОН ОЛИМОВ

ЕНГИЛ САНОАТ МАШИНАЛАРИ ВА АППАРАТЛАРИ







677
0-54

ҚАҲРАМОН ОЛИМОВ

2003
01-2

ЕНГИЛ САНОАТ МАШИНАЛАРИ ВА АППАРАТЛАРИ

Тўлдирилган иккинчи нашри

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртларининг енгил sanoat соҳасида
таълим олаётган талабалари учун ўқув қўлланма сифатида
тавсия этган*

БИБЛИОТЕКА

Бух. ТИП и ЛП

№ 412729

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти
Тошкент — 2003

37.2
У-49

Тақризчилар:

А.Ж.ЖУРАЕВ – Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори, техника фанлари доктори.

С.С.МУСАЕВ – Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти «Енгил саноат технологияси» кафедраси мудир, доцент.

Ушбу китобда тикувчилик, пойабзал ва чарм-мўйна ишлаб чиқариш машиналари, аппаратлари ҳамда яримавтоматларнинг тузилишлари, ишлаш жараёнлари ва асосий созланишлари баён этилган. Енгил саноат машиналари ишчи органларининг асосий параметрларини ҳисоблаш методлари келтирилган.

Китоб олий ўқув юрғларининг енгил саноат соҳасида таълим олаётган талабалари учун муҳалланган бўлиб, ундан магистрлар ва енгил саноатнинг муҳандис-техник ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

В книге описывается конструкции, принцип работы и основные регулировки машин и аппаратов и полуавтоматов швейного, обувного и кожевенного производства. Описана методология расчёта основных параметров рабочих органов машин легкой промышленности.

Книга предназначена для студентов вузов учащихся по направлению легкой промышленности и может быть использована магистрами и инженерами техническими работниками легкой промышленности.

In the book on constructions, principles of work and the main adjustment of machines and apparatus and semi-apparatus of sewing, shoe and leather production are described. Methodology of calculation of the main parameters of working bodies of light industry machines.

The book is intended for the students of the higher educational institutions specialized in the light industry and may be used by the masters and engineer technical workers of light industry.

О 3002000000-432 / триф – 2003
М361(04)-2003

ISBN 5-86484-101-3

© А.Қодирий помидаги
халқ мероси нашриёти, 2003 й.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	11
-------------	----

1-БОБ. Енгил саноат машиналари ҳақида умумий маълумотлар

1.1. Машиналарда бажариладиган технологик жараёнлар ..	13
1.2. Енгил саноат машиналарининг пухталиги	15
1.3. Енгил саноат машиналарининг деталлари ва уларнинг структуравий тасвири	17
1.4. Енгил саноат машиналарини лойиҳалаш босқичлари	27
1.5. Машиналар циклограммаси. Циклограммаларни тузиш	30
1.6. Енгил саноат машинасозлигида қўлланиладиган материаллар	32

I БЎЛИМ. ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ

2-БОБ. Тайёрлов ва бичиш ишларида қўлланиладиган жиҳозлар

2.1. Андазалар юзасини ўлчаш машиналари	37
2.2. Материалларнинг энини, узунлигини ўлчаш ва нуқсонларини аниқлаш машиналари	42
2.3. Материалларни тўшаш ва қирқиш машиналари	49
2.4. Бичиш усуллари	53
2.5. Газламани бичиш учун ишлатиладиган ускуналар	56
2.6. Қўзғалувчан пичоқли бичиш машиналарида қирқиш жараёни	64

3-БОБ. Тикув машиналари

3.1. Тикув машиналари ҳақида умумий маълумотлар	72
3.2. Тикув машиналарининг асосий ишчи органлари	75
3.3. Моки бахяли тикув машиналари. Моки бахяқаторнинг хусусиятлари	84
3.4. «Текстима» (Германия) енгил саноат машинасозлик бирлашмасининг 8332 русумли тикув машинаси	88
3.5. «Орна» (Белоруссия) енгил машинасозлик фирмаси моки бахяли 1022-М русумли тикув машинаси	93

3.6. «Juki» (Япония) фирмасининг LH-1162-S-5-4B русумли икки игнали тикув машинаси	103
3.7. «Adler» (Германия) фирмасининг 221-76-FA-RAP73 русумли тикув машинаси	110
3.8. «Pfaff» (Германия) фирмасининг 45-909-0045-001/001 русумли тикув машинаси	111
3.9. Синиқ бахяқаторлар ҳосил қилиб тикувчи машиналар. Синиқ бахяқаторлар ҳосил бўлиш хусусиятлари	113
3.10. 1026 (Россия) русумли тикув машинаси	115
3.11. «Dюгkopp» фирмасининг 267-508SM4 синиқ бахяқатор ҳосил қилиб тикувчи машинаси	118
3.12. «Минерва» (Чехия) фирмасининг 335 русумли тикув машинаси	119
3.13. Машинада бажариладиган иш ўрнини ташкил қилиш ва машинада ишлаш усуллари	122
3.14. Тикувчилик машиналарини ишлатиш ва таъмирлашда техника хавфсизлиги	126

4-БОБ. Занжирсимон бахяли тикув машиналари

4.1. Бир игли занжирсимон бахянинг хусусиятлари	130
4.2. «Орша» (Белоруссия) фирмасининг 1622 русумли тикув машинаси	135
4.3. «Pfaff» фирмасининг 5487 R 16 980b икки игнали занжирсимон бахяли тикув машинаси	140
4.4. Йўрмаш машиналарининг вазифаси ва бахяқатор турлари	142
4.5. «Juki» (Япония) фирмасининг MO-2516-DD4-300 йўрмаш-тикиш машинаси	147
4.6. «Pegasus» (Япония) фирмасининг EX3216-42P2/233 русумли тикув машинаси	151
4.7. «Текстима» (Германия) бирлашмасининг 8515/700 русумли йўрмаб тикиш машинаси	157
4.8. Яширин бахя ҳосил қилиб тикиш машиналари	162

5-БОБ. Яримавтоматик машиналар. Яримавтоматик тикув машиналар ишининг хусусиятлари

5.1. LK-981-555/BR-2 (Япониянинг «Juki» фирмаси) тугма қадаш яримавтомати	172
5.2. «Dюгkopp» фирмасининг 541-15105 яримавтоматик тикув машинаси	174
5.3. «Паннония» (Венгрия) фирмасининг CS1652K-303A пухталама яримавтомати	176
5.4. 3022-M русумли яримавтомат	180
5.5. 827 (Россия) русумли тугма қадаш яримавтоматик тикув машинаси	184

5.6.	220-М русумли яримавтоматик тикув мащинаси	187
5.7.	«Minerva» (Чехия) фирмасининг 811 яримавтомати	190

II БЎЛИМ. ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ

6-БОБ. Пойабзал деталларини бичиш ишларида қўлланиладиган жиҳозлар

6.1.	Бичиш усуллари	198
6.2.	Пойабзал деталларини чопиш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар	202
6.3.	Пойабзал остки деталларини чопиш пресслари	206
6.4.	Кескичларда пойабзал деталларини қирқиш жараёни	208
6.5.	Пойабзал устки деталларини чопиш пресслари	212

7-БОБ. Пойабзал деталларига ишлов бериш жиҳозлари

7.1.	Пойабзал деталларига кесиб ишлов бериш жараёнлари ва ишчи асбоблари	216
7.2.	Материални кесишда таъсир қилувчи кучлар	223
7.3.	Пойабзал остки деталларига ишлов бериш машиналари	229
7.4.	Пойабзал устки деталларига ишлов бериш машиналари	231
7.5.	01280/P1 (Австрия) русумли пойабзал деталлари четларини букиб слимлаш машинаси	234

8-БОБ. Пойабзал деталларини йиғув жараёнида қўлланиладиган жиҳозлар

8.1.	ЗНК-2М-О русумли пойабзал устки тайёрламасини слимлаб қолипга тортиш машинаси	237
8.2.	«SVIT» фирмасининг 02146/P3 машинаси	239
8.3.	«SVIT» фирмасининг 03012/P3 машинаси	242
8.4.	«VIGEVANO» (Италия) фирмасининг СК-24 машинаси	244
8.5.	02146/P2 яримавтомати	247
8.6.	Пойабзал остки деталларини михлар, шпилкалар ёрдами- да бириктиришда ишчи органлари ҳаракати таҳлили	250
8.7.	ПЛК-3-0 яримавтоматик қатори	252

9-БОБ. Маҳсулотларга нам-иссиқлик билан ишлов бериш ва дазмоллаш ускуналари

9.1. Нам-иссиқлик билан ишлов беришнинг вазифалари	256
9.2. Дазмоллаш прессларининг турлари	259
9.3. CS-311, CS-313 (Венгрия) пресслари	260
9.4. Пойабзал устки деталларига иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш ускуналари	264
9.5. «Ринальди» (Италия) фирмасининг пойабзалларга иссиқлик ва намлик билан ишлов берувчи аппарати	265

III БЎЛИМ. ЧАРМ ВА МУЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНАЛАРИ ВА АППАРАТЛАРИ

10-БОБ. Чарм ва муйна ишлаб чиқариш ҳақида қисқача маълумот

10.1. Чарм юзасини ўлчаш машиналари	268
10.2. Хом ашёга суюқлик билан ишлов бериш аппаратлари	269
10.3. Қўзғалувчан корпусли аппаратлар	271
10.4. Терини мездралаш машиналари	273
10.5. Мездралаш жараёнида хом ашёга таъсир қилувчи кучлар	277
10.6. Хом ашёни юмшатиш машиналари	281

CONTENTS

Introduction	11
--------------------	----

CHAPTER 1. General information about light industry machines

1.1. Tecnological processes carried out by the machines	13
1.2. Durability of the light industry machines	15
1.3. Details of light industry machines and their structural description	17
1.4. Designing stages of light industry machines	27
1.5. Cycle-gramme of machines. Drawing up the cycle-grammes	30
1.6. Materials used in the light industry machine building	32

PART 1. SEWING INDUSTRY MACHINES AND APPARATUS

CHAPTER 2. Equipments used in preparational and cutting processes

2.1. Machines measuring the surface of patterns	37
2.2. Machines measuring the width, length and determining the defects of materials	42
2.3. Machines spreading and cutting the materials	49
2.4. Cutting methods	53
2.5. Apparatus used in cutting the cloth	56
2.6. Cutting process on cutting machines with moxing knives..	64

CHAPTER 3. Sewing-machines

3.1. General information about sewing machines	72
3.2. The main working bodies of the machines	75
3.3. Sewing-machines with suttile stitch. Properties of the suttile stitch line	84
3.4. Sewing-machines of the model 8332 of light industry machine-building association «Textima» (Germany)	88
3.5. Sewing-machines of the model 1022-M with suttile stitch of the light machine building firm «Orsha» (Belorussia)	93
3.6. Twin-needle Sewing machines of the model LH-1162-S-S-4B of the firm «Juki» (Japan)	103
3.7. Sewing machine of the model 221-76-FA-RAF 73 of the firm «Adler» (Germany)	110
3.8. Sewing-machine of the model 45-909-0045-001/001 of the firm «Praff» (Germany)	111

3.9. Machines sewing broken lines.	
Properties of making broken lines	113
3.10. Sewing-machine of the model-1026 (Russia)	115
3.11. Machines sewing broken lines of the model	
267-508SM4 of the firm «Dürkopp»	118
3.12. Sewing-machine of the model	
336 of the firm «Munerva»	119
3.13. Preparing the place for machine work	
and methods of working on machines	122
3.14. Application and technical safety of repair	
of sewing machines	126

CHAPTER 4. Sewing-machines with zigzag stitch

4.1. Properties of the zigzag stitch with one thread	130
4.2. Sewing-machine of the model	
1622 of the firm «Orsha» (Belorussia)	135
4.3. Twin-needle zigzag stitch sewing-machine of the model	
5487 R 16980 of the firm «Praff»	140
4.4. Functions of over-stitch machines	
and types of stitch lines	142
4.5. Over-stitch machine of model	
MD-2516-DD4-3DD of the firm «Juki» (Japan)	147
4.6. Sewing-machine of the model EX 3216-42P2/233	
of the firm «Pegasus» (Japan)	151
4.7. Over-stitch machine of the model 8515/700	
of the association «Textima» (Germany)	157
4.8. Machines sewing hidden stitch	162

CHAPTER 5. Semi-automatic machines

5.1. Button feed semi-automat of the model	
LK-981-555/BR-2 of the firm «Juki» (Japan)	172
5.2. Semi-automatic sewing-machine of the model	
541-15105 of the firm «Dürkopp»	174
5.3. Strengthening semi-automat of the model	
CS 1652K-303A of the firm «Pannoniya» (Hungaria) ..	176
5.4. Semi-automat of the model 3022-M	180
5.5. Button feed semi-automatic sewing-machine	
of the model 827 (Russia)	184
5.6. Semi-automat sewing-machine of the model 220-M	187
5.7. Semi-automat of the model	
811 of the firm «Minerva» (Greece)	190

PART 2. SHOE MANUFACTURE MACHINES AND APPARATUS

CHAPTER 6. Equipments applied in cutting shoe details

6.1. Cutting methods	198
6.2. Instrument used for cutting shoe details	202
6.3. Presses cutting the lower details of shoes	206
6.4. Cutting process of the shoe details	208
6.5. Presses cutting the upper details of shoes	212

CHAPTER 7. Equipments of processing shoe details

7.1. Machining processes of shoe details by cutting and working with instruments	216
7.2. Forces during cutting of the materials	223
7.3. Processing machines of the lower details of shoes	229
7.4. Processing machines of the upper details of shoes	231
7.5. Celving shoe machine of the model of the firm 01280/P1 (Austria)	234

CHAPTER 8. Equipments applied in gathering

8.1. Forming machine by olving the upper part of shoes of the model 3HK-2M-0	237
8.2. Machine of the model 02148/P3 of the firm «Svit»	239
8.3. Machine of the model 03012/P3 of the firm «Svit»	242
8.4. Machine of the model CK-24 of the firm «Vigevano» (Italy)	244
8.5. Semi-automat of the model 02146/P2	247
8.6. Analysis of movement of working bodies in joining the lower details of shoes by means of nails and tacks ..	250
8.7. Semi-automatic row of the model PLK-3-0	252

CHAPTER 9. Apparatus processing and pressing the products by moisture and heat

9.1. Tasks of processing by moisture and heat	256
9.2. Types of iron presses	259
9.3. Presses of the model CS-311, CS-313 (Hungaria)	260
9.4. Processing apparatus of the upper shoe details by moisture and heat	264
9.5. Processing aparatus of shoes by moisture and heat of the firm «Rinaldi» (Italy)	265

PART 3. MACHINES AND APPARATUS OF LEATHER AND FUR PRODUCTION

CHAPTER 10. The General information about leather and fur production

10.1. Machines measuring the surface of leather	268
10.2. Apparatus processing the raw material by means of fluid	269
10.3. Apparatus with moving body	271
10.4. Machines processing the inner side of hide	273
10.5. Forces influencing on the raw material during processing the inner side of hide	277
10.6. Machines softening the raw material	281

КИРИШ

Республикамиз ишлаб чиқариш салоҳиятини, иқтисодини кутарадиган, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган харидоргир енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, енгил саноатни фан ва техника тараққиётига асосланиб энг муҳим, энг долзарб соҳага айлантириш бугунги кундаги устувор вазифалардан ҳисобланади. Сунгги йиллар мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ хўжалигини, саноатнинг барча соҳаларини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, енгил саноатда бир қанча тикувчилик, пойабзал ишлаб чиқариш қорхоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда, қўшма қорхоналар ташкил этиляпти.

Ҳозирги пайтда тикувчилик маҳсулотларининг ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш учун қорхоналарни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, тугалланган технологик жараённи таъминловчи ишлаб чиқариш кувватларини яратишга оид бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Пойабзал ишлаб чиқариш саноатида кам операцияли технологиялар, микропроцессор воситалари кенг қўлланилган автоматик бошқарувчи системаларни, пойабзал устки деталлари учун янги тўқимачилик, трикотаж материалларини ҳамда автоматик ва ярим-автомат машина ва аппаратларни қўллаш кўзда тутилган.

Енгил саноат маҳсулотлари хилма-хил ва ўзгарувчан, технологик жараёнлари мураккаб саноат тармоқларидан бўлганлиги сабабли, шу соҳа мутахассисларидан доимий талқиқотлар олиб бориш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усулларини татбиқ этиш, замонавий ускуналарни тўғри танлаш ва уларни такомиллаштиришга доир ишларни бажаришлари талаб этилади.

— Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда енгил саноат соҳасида таълим олиб чиқадиган юқори малакали ва истеъдодли мутахассис кадрларнинг янги техника ва технологияни чуқур билишлари, мулоҳаза ва таҳлил қила олишлари ҳамда янгисини яратиш даражасига эга бўлишлари жуда муҳим бўлиб, муҳит талабига айланди. Бунинг учун улар мутахассислик фанларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур урганишлари керак булади.

«Енгил саноат машиналари ва аппаратлари» ўқув қўлланмаси учта асосий бўлимдан иборат. Бўлимлардан олдин енгил саноат машиналари ва уларни лойиҳалашга доир умумий маълумотлар берилган:

I бўлимда тикувчилик саноати машиналари ва ускуналари;

II бўлимда пойабзал ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналари;

III бўлимда чарм ва мўйна ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратларида бажариладиган технологик жараёнлар, уларнинг тузилишлари ва ишлаш асослари баён этилган.

Бу ўқув қўлланма енгил саноат йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлайдиган олий ўқув юрглари педагоглари ҳамда шу соҳа мутахассисларининг биринчи нашр юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиб қайта ишланди ва тўлдирилди.

1-БОБ

ЕНГИЛ САНОАТ МАШИНАЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Машиналарда бажариладиган технологик жараёнлар

Енгил саноат маҳсулотлари хилма-хил ва ўзгарувчан, уни ишлаб чиқариш шароити ҳам ўзгариб турадиган саноат тармоқларидан биридир. Енгил саноат буюмлари доимо ва узлуксиз янгиланиб турганлиги сабабли уларни тайёрлашда қўлланиладиган машина ва аппаратларнинг унумдорлиги ҳамда пухталигини ошириш, сифатини яхшилаш, уларда бажариладиган технологик жараёнларни такомиллаштириб бориш талаб қилинади. Енгил саноат машиналарини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Пойабзал ва тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш машиналари.

2. Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари.

Биринчи гуруҳдаги машиналарда механик-технологик жараёнлар бажарилади. Тикувчиликдаги технологик жараён асосан газламани бичишдан, кийим тикишдан, пардозлашдан ва сифатни текширишдан иборат. Пойабзал ишлаб чиқаришда пойабзал деталларини чопиш, қирқиш ва уларни шаклга келтириш, устки ва остки ипли, елимли ёки металл бириктириш жараёнлари бажарилади.

Пойабзал ва тикувчилик ишлаб чиқариш машиналари тузилиш жиҳатидан бир позицияли агрегатлаштирилган ҳамда кўп позицияли агрегатлаштирилган гуруҳларга бўлинади.

Машинани автоматлаштирилган даражасига қараб яримавтоматлар, автоматлар ва автоматик қаторларга ажратиш мумкин.

Иккинчи гуруҳдаги машиналарда кимё-технологик жараёнлар бажарилади. Бажариладиган технологик жараёнларига қараб чарм ва мўйна ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- Ҳом ашёга суюқлик ва эмульсия билан ишлов берувчи машиналар (чанлар, баркаслар, барабанлар ва аппаратлар);
- Ҳом ашёга механик ишлов бериш машиналари (чармга ишлов бериш машина ва аппаратларининг барча турлари);
- қуриштириш ва дазмоллаш ускуналари (каландрлар ва вакуумли аппаратлар);
- механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган қурилмалар (тери ва чармни саралаш агрегатлари, тахламалар ва бошқа қурилмалар);
- ёрдамчи жиҳозлар (транспорт воситалари, Ҳом ашё ҳамда маҳсулотни кўтариш ва тушириш, ишчи суюқлик аралашмаларни ташиш қурилмалари).

Энгил саноат машиналарида технологик жараёнлар кетма-кет, параллел ёки аралаш (кетма-кет параллел) ишлов бериш усуллари билан бажарилиши мумкин.

Кетма-кет ишлов беришда жараёнлар бирин-кетин бажарилади, маҳсулотнинг ҳамма жойларига ҳам бир вақтда эмас, балки бирин-кетин битта ёки бир неча асбобда ишлов берилди. Ушбу усул билан ишлов беришнинг назарий унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$Q_n = \frac{1}{T_k + t_n + t_y}$$

Бу ерда: T_k – битта маҳсулотга ишлов беришда сарфланадиган иш вақти;

t_n – кейинги маҳсулотни машинага жойлаштиришга кетган вақт;

t_y – маҳсулотни бошланғич жойлаштиришга ва ишлов берилгандан кейин уни машинадан олишга кетган вақт.

Кетма-кет усулда маҳсулотларга ишлов бериш мураккаб бўлиб, унга вақт кўп кетади. Машина тезлигини, пресслар босимини, ускуналарнинг қизийдиган сатҳи ҳароратини ошириш каби йўллар билан иш бажаришга кетган вақтни қисқартириш мумкин. Кетма-кет усул учун мўлжалланган машиналарнинг кинематик схемаси ва иш ҳаракатлари мураккаб эканлиги комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишларини қийинлаштиради.

Параллел ишлов бериш усулида маҳсулотнинг барча ишлов бериладиган жойларига бир ёки бир неча асбоб ёрдамида бир вақтда барабар таъсир кўрсатилади. Бу усулда назарий унумдорлик қуйидагича аниқланади:

$$Q_{n, n} = \frac{1}{T_k + t_y}$$

Аралаш ишлов бериш усули иккала усулнинг аралашмасидан иборат. Бунда маҳсулотга ишлов беришнинг бир қисми кетма-кет, қолган қисми билан параллел бажарилади. Назарий унумдорлик қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\text{ан}} = \frac{1}{T_k + t_n + t_y}$$

1.2. Енгил саноат машиналарининг пухталиги

Фан ва техниканинг ривожланиб бориши замонавий ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сифатига катта талаб қўймоқда.

Ҳар бир янги технологик машина ўзининг сифатини тавсифлайдиган умрбоқийлик, пухталиқ ва ишга қобилиятлилиқ кўрсаткичларига эгадир. Умрбоқийлик деганда машинанинг бузилгунга қадар ёки бошқа чегаравий ҳолатга келгунга қадар ундан узлуксиз фойдаланишга яроқчилиги тушунилади.

Машинанинг пухталиги деганда унинг берилган вазифаларни белгиланган иш кўрсаткичлари қийматларини сақлаган ҳолда техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва ташиш тартиби шартларига мос келган ҳолда бажариш хусусияти тушунилади.

Машинанинг ишга қобилиятлилиги деганда унинг меъёрий-техник ҳужжатлар, техник шартлар ва стандартлар бўйича қуйилган талаблардаги параметрларни сақлаб қолган ҳолда топширилган функцияни тўлиқ бажариши тушунилади. Бу кўрсаткичларга мисол қилиб машинанинг қуввати, бош валнинг айланиш частотаси, унумдорлиги, сифат ва бошқа кўрсаткичларини келтириш мумкин.

Машинанинг носозлиги деганда унинг техник ҳужжатлардаги талабларнинг бирортасига ҳам мос келмайдиган ҳолати тушунилади. Бироқ ҳамма носозликлар ҳам ишга қобилиятлилиқнинг йўқолишига олиб келмайди. Масалан, машинанинг бўялган қисмидаги бўёқ зарарланса, машина носоз деб ҳисобланади, лекин ишга қобилиятлилигини йўқотмайди. Агар носозлик машина иш қобилиятининг бузилишини келтириб чиқарса, унда бу инкор содир бўлганлигини билдиради. Инкор деганда механизмнинг иш қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган пайтидаги ҳолати тушунилади.

Машинанинг бажарган иши бу унинг ишлаш давомийлиги ёки ҳажми бўлиб, вақт, узунлик, маҳсулот

сони ва бошқа бирликларда ўлчанади.

Машинанинг техник шартларда кўрсатилган охириги ҳолатга келгунга қадар бажарган иши унинг ресурси деб айгиллади. Машинанинг таъмирлашга яроқлилиги — унинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йули билан ишламай қолиши ҳамда нуқсонларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга мослашганлигидан иборат бўлган хусусиятидир.

Пухталикининг кўрсатиб ўтилган ҳар бир таркиби машинанинг сифатига ўзгача таъсир қилади. Шубҳасиз, машиналарнинг пухталигини ошириш ишлатиладиган машиналар сонини оширишга олиб келади.

Машинанинг сақланувчанлиги — унинг ўз иш кўрсаткичларини сақлаши ва сақланиш муддати давомида ҳамда бу муддат тугагандан сўнг ҳам техник шартларда кўрсатилган қийматларда сақланиб туриш хусусиятидир.

Енгил саноат корхоналари машиналарининг пухталиги қисман жорий инкорлар билан, шунингдек, деталлар ейилиши натижасида юзага келадиган тулиқ инкорлар билан аниқланади. Машиналарга техник хизмат кўрсатишнинг элементларидан бири жорий инкорларни бартараф этиш ҳисобланади. Тулиқ инкорлар машина иш қобилиятининг йўқолишига олиб келади ва капитал таъмир ўтказиш заруриятини келтириб чиқаради. Тасодикий инкорлар, айниқса, янги машина ва автоматларда камдан-кам учрайди. Фойдаланишга киритилган янги жиҳозларнинг биринчи инкори уларнинг конструкциялари сифати ва тайёрланиш технологиясини тавсифлайди.

Машина ишининг асосий пухталиқ кўрсаткичларидан бири техник фойдаланиш коэффиценти ҳисобланади. Техник фойдаланиш коэффиценти Кт.ф. қуйидаги тенгликдан аниқланади:

$$K_{тф} = \frac{t_k}{(t_t + t_{ix})}$$

Бу ерда:

t_k — ишлатиш даврида машинанинг бажарган иши йиғиндиси;

t_t — шу давр ичида таъмирлаш учун сарфланган вақт йиғиндиси;

t_{ix} — шу давр мобайнида техник хизмат кўрсатиш учун сарфланган вақт йиғиндиси.

1.3. Енгил саноат машиналарининг деталлари ва уларнинг структуравий тасвири

Тикувчилик ва пойабзал ишлаб чиқаришда қўлланиладиган машиналар деталлардан йиғиладиган узеллар ва механизмлардан тузилган. Деталларни тўғри бирлаштириш, уларни бири-бирига тўғри келтириш, бахяқатор ҳосил қилиш ва бошқа бир қанча функциялар бажарилишида механизмларнинг бири-бирига мос ҳаракатланишини таъминлаш керак бўлади. Тикув машиналарида йиғиш узеллари қисмларини бириктирадиган, айланма ҳаракат узатадиган ва ҳаракатни ўзгартирадиган деталлар ишлатилади (1-жадвал).

Машинанинг айрим қисмларини бириктирадиган деталлар. Машинанинг қисмлари ажраладиган ёки ажралмайдиган қилиб бириктирилиши мумкин. Ажралмайдиган бириктиришда бир деталь иккинчисига нисбатан ҳеч қанақасига силжий олмайди.

Пайвандланган ва парчинланган бирикмалар ажралмайдиган бирикмаларга киради. Ажраладиган бикр бирикмалар анча кенг тарқалган бўлиб, улар винтлар, болтлар, шпгилнтлар, шпонкалар ва бошқа деталлар билан бириктирилади.

Барча винтлар вазифасига қараб тирак, қисувчи, тортиш ва ўрнатиш винтларига бўлинади.

Тирак винт (1-жадвалдаги 1-қатор) бир детални иккинчисига маҳкамлашда ишлатилади. Бунда резьбали қисмининг учи деталлардан бирининг юзасига тиралиб туради. Винт 3 бўшатилгандан кейин деталь 2 ни стержень 1 бўйлаб суриш ёки шу ўқ атрофида буриш мумкин.

Қисувчи винт (1-жадвалдаги 2-қатор) ҳам бир детални иккинчисига бириктиришда ишлатилади, бунда 1 ва 3 пластиналар бири-бирига винтлар 2 нинг каллақлари билан қисиб маҳкамланади. Деталларни бундай маҳкамлаш винтлар 2 бўшатилгандан кейин пластиналарни бири-бирига нисбатан узунасига суриш имконини беради.

Тортиш винти (1-жадвалдаги 3-қатор) қирқилган бир детални иккинчисига нисбатан тортиш йўли билан маҳкамлашга хизмат қилади. Винт 3 деталь 2 нинг чап қисмига бураб киритилади, бунда винт 3 нинг каллаги деталь 2 нинг чап ярмини ўнг ярмига тортиб стержень 1 га маҳкамлайди.

Винт 3 бўшатилгандан кейин деталь 2 ни стержень 1 га нисбатан шу стержень ўқи бўйлаб суриш ёки унинг атрофида буриш мумкин.



Ўрнатиш винти (1-жадвалдаги 4-қатор) бир детални иккинчисига қатъий аниқ ҳолатда маҳкамлашда қўлланади. Кривошип 2 вал 3 га винт 1 билан маҳкамланади. Бунда винтнинг цилиндрлик бармоғи 7 кривошип 2 тешигига киради. Деталларни бундай маҳкамлаш бир деталнинг иккинчисига нисбатан сурилишига йўл қўймайди.

Ўрнатиш винти 4 нинг резъбали стержени учида втулка 5 ни маҳкамлайдиган конуссимон ёки ясси торец бўлиши мумкин. Бундай бириктириш винт 4 бўшатиладиган кейин втулка 5 ни вал 6 бўйлаб суриш имконини беради.

Пойабзал устки қисмларини ва тикувчилик буюмларини тикиш машиналарида бир деталнинг иккинчисига нисбатан сурилишини таъминлайдиган шарнирли винтлар (1-жадвалдаги 5-қатор) кенг ишлатилади. Чунончи, цилиндрлик шарнири бор шарнирли винт 1 деталь 2 га тебранма ёки айланма ҳаракат қилиш имконини беради, конуссимон шарнирли винт 3 эса детал 4 ва 5 ларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро сурилишини таъминлайди.

Шарнирли винтлар 1,3 туташувчи деталларнинг битта текисликда, шарсимон шарнирли винтлар эса фазода ҳаракатланиш имконини беради. Ҳаракатланувчи деталларни тутиб туриш учун шарнирли бармоқлар (1-жадвалдаги 6-қатор) ишлатилади. Масалан, тирак винт 2 билан маҳкамланган шарнирли бармоқ 1 га бурилма ёки тебранма ҳаракат қила оладиган деталь 3 кийдирилади.

Айланма ҳаракатни узатувчи деталлар. Айланадиган ёки тебранадиған валларни ва ўқларни тутиб туриш учун машиналарда марказий бармоқлар (1-жадвалдаги 7-қатор) ишлатилади. Вал 1 нинг четларида конуссимон тешикчалар пармаланиб, уларга тирак винтлар 3 билан маҳкамланган марказий бармоқлар 2 кириб туради. Сирпаниш подшипниклари (1-жадвалдаги 8-қатор), втулкалар ва юмалаш подшипниклари (1-жадвалдаги 9-қатор), шарикли подшипниклар ва игнали подшипниклар кенг ишлатилмоқда. Бир-биридан узоқ масофада ётган параллел валларга айланма ҳаракат узатиш учун думалоқ тасмали, понасимон тасмали, тишли тасмали узатмалар (1-жадвалдаги 10-қатор) ишлатилади. Параллел 1 ва 5 валларга тишли барабанлар 2 ва 4 маҳкамланиб, уларга тишли тасма 3 кийдирилади.

Катер номери	Згід	Фізика	Технічна
1			
2			
3			







20

4			
5			
6			
7			
8			

21






9			
10			
11			
12			

Давоми

13			
14			
15			
16			


22

Давоми

17			
18			
19			
20			

23

Давоми



21

ТРИКОМ

Машиналарида буровчи моментни бир валдан иккинчисига узатиш учун хилма-хил тишли узатмалар: ташқи илашмали (1-жадвалдаги 11-қатор) ва ички илашмали (1-жадвалдаги 12-қатор), тўғри тишли цилиндрик узатмалар, қия тишли цилиндрик узатмалар (1-жадвалдаги 13-қатор), доиравий тишли конуссимон узатмалар (1-жадвалдаги 14-қатор), кирмаксимон узатмалар (1-жадвалдаги 15-қатор) ишлатилади.

Ҳаракатни ўзгартирадиган механизмлар. Айланма ҳаракатни илгариланма ҳаракатга айлантириш учун енгил саноат машиналарида кривошип шатунли механизмлар ишлатилади. Бундай механизмлар вал 9 нинг учига маҳкамланган ва у билан бирга айланадиган кривошип 7 дан (1-жадвалдаги 21-қатор) иборат. Механизмлар шенеларининг ҳаракатланувчи қисмини мувозанатлайдиган посангилари бўлган кривошиплар ишлатилади. Кривошипда бармоқ 6 бўлиб, у кривошип 7 нинг тешигига киритиб қўйилади; вал 9 марказидан бармоқ 6 марказигача бўлган масофа кривошипнинг радиуси ҳисобланади.

Бир ҳаракат турини иккинчи ҳаракага турига айлантириш учун шатун (1-жадвалдаги 16-қатор) ҳам ишлатилиб, унда иккита каллак ва стержень бўлади. Шатун кривошипнинг бармоғига, остки каллаги эса поводок бармоғи 3 га (21-қатор) кийдирилади. Кривошип айланганда унинг бармоғи айланма ҳаракатланади, поводок эса илгариланма ҳаракат қилади. Бунда агар ползуннинг сурилиши кривошип шатуннинг ўқига перпендикуляр бўлса, поводокнинг юриш узуңлиги кривошип радиусидан икки марта катта бўлади.

Валларни тебранма ҳаракатлантириш ва улардан бошқа ҳаракат турларини узагиш учун енгил саноат машиналарида коромислолар (1-жадвалдаги 17-қатор) ишлатилади. Коромисло 5 вал 4 билан бирга ясалиши ёки валга винт 6 билан маҳкамланиши мумкин. Бошқа деталларга илгарилама ёки тебранма ҳаракат узатиш учун коромисло 1 нинг бармоғи 2 га ползун 3 кийдирилади.

Эксцентрикли узатма (1-жадвалдаги 18-қатор) асосан айланма ҳаракатни тебранма ҳаракатга айлантиришга хизмат қилади. Механизм вал 1 га маҳкамланган эксцентрик 2 дан, вал 1 нинг марказига нисбатан бир оз сурилган цилиндрик деталдан, коромисло 4 га бириктирилган шатун

3 дан иборат. Эксцентрик 2 ва вал 1 марказларининг силжиш катталиги эксцентрикнинг *эксцентриситети* дейилади ва *e* ҳарфи билан белгиланади. Эксцентрик 2 таъсирида шатун 3 коромисло 4 га ва унинг вали 5 га тебранма ҳаракат узатади.

1-жадвалда тикув машинаси тепкисининг (19-қатор) ва рейканинг (20-қатор) структуравий тасвири кўрсатилган.

Структуравий схемаларни чизиш. Фазовий структуравий схемаларни тўғри бурчакли диаметрик проекцияда чизган маъқул, чунки у механизм звеноларининг структураси ва биргаликдаги ҳаракати тўғрисида яққол тасаввур беради.

Механизм ёки машинанинг структуравий схемасини чизиш олдидан уларнинг тузилиши ва ишлаши билан танишиб чиқиш, яъни деталлар конфигурациясини, уларни бириктириш усулларини, таянчлар ўрнини ва айрим нуқталарнинг ҳаракатланиш характерини аниқлаб олиш керак. Схема чизишни етакчи звенодан бошлаш керак. Масалан, кривошип-шатун механизмнинг (1-жадвалдаги 21-қатор) кинемагик схемасини чизишдан олдин горизонтал текисликка нисбатан 7° бурчак остида асосий вал 9 чизилади, унинг втулкаси 8 шартли тасвирланади. Горизонтал текисликка нисбатан 41° бурчак остида кривошип 7 га маҳкамланган бармоқ 6 ни бош (асосий) вал 9 ўқига параллел қилиб тасвирланади. Бармоқ 6 да бош вал ўқига параллел қилиб шатун 10 нинг юқори каллаги (шатунни вертикал жойлаштириб) чизилади. Шатун 10 нинг поводок 3 бармоғига кийдирилган пастки каллаги бош вал ўқига параллел жойлаштирилади. Шатун 10 стержени ўқига параллел қилиб поводок 3 ва игнаюритгич 4 чизилади. Ўнг томонда поводок 3 бармоғида ползун 11 тасвирланади, унинг вертикал деворлари ва йўналтиргич 12 игнаюритгич 4 га, горизонтал деворлари эса кривошип 7 га параллел қилиб чизилади. Втулкалар 1,5 ва поводок 3 даги игнаюритгич 4 ни маҳкамлайдиган винг 2 шартли тасвирланади.

Механизмнинг структуравий схемаси унинг тузилиши ҳақидагина эмас, балки ишлаш принципи ҳақида ҳам яққол тасаввур беради.

1.4. Енгил саноат машиналарини лойиҳалаш босқичлари

Енгил саноат буюмларининг кун сайин ўзгариб бориши, жаҳон бозори талабларига мос келадиган янги кўрinishларининг яратилиши технологик машина ва ускуналарнинг янгиisini яратиш ёки такомиллаштиришни талаб этади.

Янги машиналарни яратиш бир қатор техник масалаларни назарий ва амалий ечишдан иборат. Лойиҳалаш янги машиналарни яратиш ёки мавжуд машиналар конструкцияларини такомиллаштиришни ўз ичига олади. Мавжуд конструкцияларни такомиллаштириш деганда, замонавий талаблар ва техник нормативларга боғлиқ ҳолда, ишлов бериш методларини ва конструкцияларини ўзгартириш тушунилади. Янги машиналарни яратишдан мақсад эса, технологик жараёнларнинг бажарилишида фан ва техниканинг охириги ютуқларига асосланиб уларнинг автоматлаштириш даражасини оширишдан иборат.

Янги машиналарни яратиш ва такомиллаштириш жараёнида лойиҳаловчи технологик жараёни, техник ва патент адабиётларни ўрганиб чиқиши, мавжуд конструкцияларнинг конструктив, технологик камчиликларини аниқлаши ҳамда таҳлил қилиши керак. Лойиҳаловчи машинанинг кинематик схемасида механизм ва узеллардан ташқари, ҳимоялаш, қизитиш, совитиш, созлагичлар каби қурилмаларни ҳам кўрсатиши керак.

Янги машиналарни яратиш ёки мавжуд конструкцияларни такомиллаштириш жараёни (1.1-схема) қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Техник топшириқни ишлаб чиқиш.

Лойиҳалаш жараёнида техник топшириқни аниқ қўйиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Техник топшириқни ишлаб чиқишда машинага қўйиладиган қуйидаги техник ва технологик талаблар ўрганилади ва лойиҳалаш жараёнида ҳисобга олинади:

- бажарадиган функцияси;
- қувват, куч, тезлик;
- бошқариш системаси;
- оғирлиги ва габарит ўлчамлари;
- техника хавфсизлиги;

- ишлагиш муддати;
- кўриниши;
- лойиҳалаш ва тайёрлаш нархи.

Атроф-муҳит талабларига қуйидагилар киради:

- атроф-муҳитнинг машинага таъсири (температура, намлик, ҳаво);
- янги лойиҳаланаётган машинанинг атроф-муҳитга таъсири (зарарли газ, шовқин, титраш, нурланиш);
- техника хавфсизлиги қоидалари.

Тайёрланиш ва ишлатиш жараёнида содир буладиган талаблар:

- тайёрланиш (пластмассалар, қўйма ва пайвандланадиган бирикма);
- синов (тажрибавий ва ишлаб чиқариш синовлари);
- ишлагиш;
- таъмирлаш.

Бу босқичда машинага қўйилган техник талаблар бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрланади ва техник толқириқ ишлаб чиқилади.

2. Техник талабни ишлаб чиқиш.


Техник талабни ишлаб чиқишда илмий адабиётлар ҳамда патент материаллари, машинанинг мавжуд ва янги конструкцияларининг конструктив, эксплуатацион хусусиятлари ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинади ва лойиҳаланаётган машинага аниқ техник талаб қўйилади.

3. Лойиҳанинг эскизини ишлаб чиқиш.

Эскиз лойиҳасида лойиҳаланаётган машинанинг вазифаси, асосий параметрлари ва габарит ўлчамлари ҳақида маълумотлар кўрсатилади ва машина ишлаш принципини кўрсатувчи схемалар бажарилади. Баъзи ҳолларда макети тайёрланиб, синовдан ўтказилади.

4. Техник лойиҳани ишлаб чиқиш.

Бу босқичда лойиҳаланаётган машина тузилиши ҳақида тўлиқ маълумотлар берилади, яъни лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари (умумий кўринишлари, циклограммалари, кинематик схемалари, асосий механизмларининг йиғма чизмалари) бажарилади.



5. Дастлабки лойиҳани ишлаб чиқиш.

Бу босқичда янги ёки такомиллаштирилган машина конструкцияси тайёрланади ва дастлабки тажриба синовдан ўтказилади. Тажриба синовидан олинган натижалар бўйича конструктив камчиликлар тузатилиб, ишлаб чиқариш корхоналарида синовдан ўтказилади.

6. Технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш синови ва тайёрланиш натижалари бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, давлат синовидан ўтказилади. Ўтказилган синов натижалари бўйича ҳужжатлар тайёрланади. Янги яратилган ёки такомиллаштирилган машина лойиҳаси барча техник, технологик ва иқтисодий талабларга жавоб берган ҳолатида ишлаб чиқаришга татбиқ қилинади.

1.5. Машиналар циклограммаси Циклограммаларни тузиш

Енгил саноат корхоналаридаги машиналарнинг кўпчилигида технологик жараён даврий равишда бажарилади. Машинанинг механизмлари технологик жараён бажарилиш даврининг тўлиқ ёки унинг бир қисмида иш бажарадилар.

Машиналарда технологик жараён бажарилиши технологик, ишчи ва кинематик даврларининг ўзаро боғлиқлиги билан характерланади. Янги машиналарни лойиҳалашда ва мавжуд конструкцияларни такомиллаштиришда алоҳида механизмлар билан бажариладиган технологик жараёнларнинг рационал кетма-кетлигини кўрсатувчи графиклар — циклограммалар тузилади.

Циклограммалар механизмларнинг қандай кетма-кетликда ишга тушиши ва ишни тугатишини кўрсатади. Лойиҳалаш ишларининг бажарилиши циклограммалар тузилишига боғлиқ бўлади.


Циклограммалар куйидаги кўринишларда тузилади:

- а) Айланма кўринишда;
- б) тўғри бурчакли;
- в) чизикли кўринишда.

Мавжуд машиналар циклограммаси механизмларнинг иш бажарувчи органларнинг битта кинематик даврда ҳаракатини белгилаб, тажриба йўли билан тузилади ва асосан градусли диск, хронограф ёки осциллограф қўлланилади.

1-расмда «PFAFF» фирмасининг 42-7-909-0042-010/002 моки бахяли тўғри бахяқатор ҳосил қилиб тикувчи машинасининг циклограммаси кўрсатилган. Бу тикув машинасида моки бахяқатори ҳосил қилинишида игна, моки, иптортгич ва материални суриш механизмлари иштирок этади. Тепки бахяқатор ҳосил бўлиш жараёнида материалга устдан босим бериб туради. Моки бахясининг ҳосил бўлиш жараёнини игнанинг газламага санчилишидан бошлаб кўриб чиқамиз.

Игнанинг санчилиши тикилаётган материалнинг қалинлигига қараб бош валнинг 90° — 105° га бурилганида (А нуқтада) бошланади. Бош валнинг 180° га бурилганида (Б нуқтада) игна ўзининг энг остки ҳолатига этади. Бош вал яна 24° — 25° га бурилиб, игна остки ҳолатидан 2 мм



1-расм. «PFAFF» фирмасининг 42-7-909-0042-0110/002 русумли моки бахяли тикув машинасининг циклограммаси.

қутарилганда игна ипидан ҳалқа ҳосил бўлади. Бош вал (В нуқтада) ўртача 260° га бурилганда игна газламадан чиқади.

Игнанинг иш йўли коэффиценти қуйидагича аниқланади:

$$K = 160^\circ / 360^\circ = 0,44$$

Материал қалинлигига қараб $K = 0,4 - 0,5$ га тенг бўлади. Моки учи игна ипини (Г нуқтада) бош вал 210° га бурилганда илиб олади. Моки игна ипини ўз атрофидан (Д нуқтага) бош валнинг $320^\circ - 330^\circ$ бурилишида айлантириб олади ва устки ҳамда остки иплар бир-бири билан чалишади.

Мокининг иш йўли коэффиценти қуйидагича аниқланади:

$$K = 110^\circ / 360^\circ = 0,3$$

Бош вал 310° га бурилганда (Е нуқтада) иптортгич юқориги ҳаракатини бошлайди. Юқориги ҳолатига етганда устки ипни ғалтақдан бушатади ва пастга ҳаракатланиб чок ҳосил бўлиш учун сарф бўладиган ипни узатади. Ипни узатиш жараёни бош валнинг $60^\circ - 70^\circ$ дан 310° гача бурилишида амалга ошади.

Тишли рейканинг газламани суриши бош вал 10° га бурилганда бошланиб (З нуқтадан) 95° га (И нуқтагача) бурилишида тугайди.

Тишли рейка иш йўли коэффиценти:

$$K = (50 - 60) / 360 = 0,15 - 0,16$$

Сифатли бахяқатор ҳосил бўлиши учун машина ишчи органлари ҳаракатлари ўртасидаги боғлиқлик қатъиян сақланиши керак.

1.6. Енгил саноат машинасозлигида қўлланиладиган материаллар

Енгил саноат машиналарини лойиҳалаш жараёнида деталларнинг тайёрланиши ва ишлаш шароитлари ўрганилиб, уларга материаллар танланади. Олиб борилган илмий изланишлар шунча кўрсатадики, енгил саноат машиналарининг асосий деталлари унча катта бўлмаган ҳажмий кучланишларга эга.

Енгил саноат машиналарининг деталлари ишлатилганда, ўлчамлари кичрайганда ва лойиҳалаш жараёнидаги

орадиқлар бузилганда деталлар ишга яроқсиз бўлиб қолади. Ҳар бир деталь турли материаллардан тайёрланиши мумкин, шунинг учун ҳам керакли материалларнинг танланиши жуда мураккабдир.

Лойиҳаловчи деталь материалининг тўғри шаклланиши учун унинг ишлаш шароити, унга қўйилган талабларни ўрганиш шарт. Бу талаблар деталнинг мустаҳкамлиги, қаттиқлик кўрсаткичи, қизиш температураси, узоқ ишлаши, ишқаланиш коэффициенти, массаси ва бошқа кўрсаткичлари билан боғлиқ. Лойиҳаловчи ҳар бирининг таркибини, техникавий кўрсаткичларини, уларнинг нархини, механикавий ва иссиқликка ишлов беришга хослигини ўрганиши керак.

Илгариланма-қайтма, тебранма ҳаракатланувчи деталларда катта инерция зўриқишлари ҳосил қилмаслиги учун энгил ва мустаҳкам бўлиши, айланма ҳаракат қилувчи маховикли, ҳаракатлантирувчи гилдиракли валларнинг нотекис айланиши бартараф этилишини ҳисобга олиб уларнинг оғир вазли бўлиши талаб этилади.

Энгил саноат машиналарининг деталларини тайёрлашда асосан чўян, пўлат, алюминий, рангли металллар, пластмассалар ва металлмас материаллар кенг қўлланилади.

Чўян қуймалари

Чўян асосан қуйиш материалларидан бўлиб, кучланиш ва тебранишни сўндиради, қисилиш ва буралишларга юқори қаршилик кўрсатади. Арзонлиги сабабли мураккаб шаклдаги деталлар ясалади.

Чўян таркибида 2,14 % дан 6,7% гача углерод бўлган темир билан углерод қотишмасидан иборат. Қўйиладиган талабларга, кимёвий таркибига ва бошқа хусусиятларга қараб чўянлар қуйидаги турларга бўлинади:

- а) Кулранг чўянлар;
- б) антифрикцион хоссали чўянлар;
- в) пухталиги юқори бўлган чўянлар.

Чўянлар КЧ-12-28 каби белгиланади, яъни КЧ – кулранг чўян бўлиб, 12-28 эса унинг ейилиш ва чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасини билдиради. КЧ-12-28 маркали чўяндан камроқ зўриқишда ишлайдиган деталлар, станиналар;

КЧ-18-36 маркали чўяндан шкивлар, кронштейнлар, кулачоклар тайёрланади. АКЧ-П антифрикцион чўянлардан эса гўлқалар, тишли гўлдираклар тайёрланади.

Пўлатлар

Таркибида 2,14% гача углерод бўлган темир билан углероднинг қотишмаси *пўлат* дейилади. Пўлатлар юқори пухталиққа эгаллиги, иссиқлик ва кимёвий иссиқлик билан ишлов беришга қулайлиги учун ҳам улардан ўзгарувчан тезликда ишлайдиган зарбий кўчларга чидамли деталлар тайёрланади. Углеродли пўлатлар вазифасига кўра **асбобсозлик** ва **лигерланган пўлатларга** бўлинади.

Пўлатлар оддий, ўрта ва юқори сифатли бўлиши мумкин. Оддий сифатли пўлатларга П 1 дан 4 гача бўлган маркали пўлатлар киради. Ундаги рақамлар пўлатнинг чўзилишдаги мустақкамлик чегарасининг $\frac{1}{10}$ улушига тенг. Бу пўлатлардан қотириладиган деталлар — винт, яъни гайка, шайба, шкивлар тайёрланади.

Ўрта сифатли конструкторцион пўлатларга П 10 дан 45 гача бўлган маркали пўлатлар киради. Бу пўлатлардан валлар, шатунлар, ричаглар каби деталлар тайёрланади.

Лигерланган пўлатлардан асосан пухталиги, қовушқоқлиги, ейилишга чидамлилиги ва технологик хусусиятлари юқори бўлган деталлар тайёрланади. Таркибида хром, марганец, хремний, никель, вольфрам, титан, алюминий, мис бор пўлатлар лигерланган пўлатлар дейилади.

Пластмассалар

Енгил саноат машинаозлигида пластмассалар титрашни камайтириш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли улардан шкивлар, гўлдираклар каби деталлар тайёрланади. Пластмассалар терморектив ва термопластик гуруҳларга бўлинади. Пластмассалардан айёрланадиган деталлар босим остида қуйма, пресслаш ва механик усулларда олинади. Ҳозирги пайтда асосан текстолит ва гетинакс, шишали текстолит, волокнит, винипласт, капрон каби пластмассалар кенг қўлланилади.

Алюминийлар

Енгил саноат машинасозлигида алюминийлар ҳам кенг қўлланилади. АЛ-4, АЛ-6, АЛ-8 маркали алюминийлардан кам зуриқишда ишлайдиган деталлар, шкивлар, корпуслар тайёрланади.

МЛ-3, МЛ-4, МЛ-5 маркали алюминийлардан эса юқори тешикда ишлайдиган машиналар учун шатунлар ва ричаглар тайёрланади.

Алюминийлардан тайёрланган деталлар енгил бўлганлиги учун уларни қўллашда машина оғирлиги ва тайёрланиши учун сарф бўладиган хароҷатлар камаяди.

Металлмас материаллар

Енгил саноат машиналарида титрашни сундиргичлар, манжетлар каби деталларни тайёрлашда резиналар қўлланилади. Иссиқлик ва электрдан ҳимоялаш элементларини тайёрлашда асбестдан фойдаланилади. Асбест толаси узилишга юқори пухталиққа, диэлектрик ҳусусиятга эга.

Савол ва топшириқлар

1. Машинанинг пухталиги деганда нимани тушунасиз?
2. Машинанинг умрбоқийлиги ва ишга қобилиятлигини қандай тушунасиз?
3. Машиналарда қандай инкорлар содир булади?
4. Техник фойдаланиш коэффиценти қандай аниқланади?
5. Янги машиналарни лойиҳалаш жараёни қандай босқичларда амалга оширилади?
6. Циклограммалар қайси кўринишда тузилади?
7. Моки баҳаяли тикув машинасининг иш циклограммасини тўлинг.
8. Енгил саноат машинасозлигида қандай материаллар қўлланилади?
9. Енгил саноат машиналарида ҳаракатни узатувчи деталларга қайси деталлар киради?
10. Кривошип ползунли игна механизмининг структуравий таъсирини чизинг.
11. Машиналар меҳнат унумдорлиги қандай аниқланади?

1 БЎЛИМ

ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ

2-БОБ

ТАЙЁРЛОВ ВА БИЧИШ ИШЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖИҲОЗЛАР

Тикувчилик буюмларини тайёрлов-бичиш бўлимида газламаларни тўшаш, тўшама қаватларининг четини қирқиш, тўшамани бўлақларга қирқиш, деталларни қирқиш, бичилган деталларни жамлаш ва тикиш бўлимига жўнатиш каби ишлар бажарилади.

Тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида тери, газлама ёки бошқа материаллардан унумли фойдаланиш (чиқиндисиз) талаб этилади. Ҳозирги пайтда материалларни тежаш, улардан унумли фойдаланиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Тайёрлов ишларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) Меҳнат унумдорлигини ошириш, материалларни тайёрлаш ишларида технологик жараёнларни такомиллаштириш;

б) материалларни қабул қилиш ва тайёрлаш ишларини кенг механизациялаштириш;

в) қўл меҳнатини енгиллаштирувчи автоматик қурилмалар билан таъминланган машиналар конструкцияларини такомиллаштириш;

г) меҳнат унумдорлигини оширувчи кичик механизациялашган мослама ва қурилмаларни яратиш.

2.1. Андазалар юзасини улчаш машиналари

Андазалар қалинлиги 0,9 – 1,2 мм қаттиқ прессшпат картондан тайёрланади. Қўшимча андазалар картондан тайёрланган бўлса, атрофига тунука қопланади. Узоқ вақтгача ўзгармайдиган кийим деталларини бичишга мўлжалланган қўшимча андазалар эса дюралюминий ёки бошқа металл тунукалардан тайёрланади.

Тайёрлов ва бичиш ишларини автоматлаштириш мавзуси энг муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Бу ишларни комплекс автоматлаштириш устида купгина олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари тадқиқотлар ўтказиб, технологик комплекс воситасини ишлаб чиқдилар. Технологик комплекс воситаси «Силуэт» деб аталади.

«Силуэт» комплекси учта машинадан иборат бўлиб, «Силуэт-С», «Силуэт-К», «Силуэт-Р» деб аталади.

«Силуэт-С» машинаси ЭҲМ билан бирга қуйидаги ишларни бажаради:

а) Андаза контурларини ҳисоблаб, маълумотини автоматик ёки яримавтоматик равишда босиб чиқаради;

б) андазаларнинг юзасини ва периметрларини ҳисоблаб, маълумотини босиб чиқаради;

в) андазаларни табиий катталиқда ёки керакли масштабда чизиб чиқаради;


г) кичиклаштирилган андазаларни қўллаб, бичишга мўлжаллаб, механик равишда дастур тузади;

д) танланган масштабда андаза контурини ёки андазалар жойлашмасини кўриб назорат қилиш учун уни график тарзда чизиб беради. «Силуэт-К» машинаси ЭҲМда ёки бошқа қурилмада ҳисоблаб олинган андазаларни ёки андазалар жойлашмасини инсталган масштабда чизиб беради. Бундан ташқари «Силуэт-К» машинаси дастурлаштирилган бичиш машинаси – «Луч»га боғлиқ бўлган жараёнларни бажаради ва қўлда бичиш ишларига мўлжаллаб андазалар жойлашмасини чизиб тайёрлаб беради.

«Силуэт-К» машинаси ҳам «Силуэт-С» машинасидек нукта координата (x ва y ўқи) системасида ишлайди. Машина иккита галтаги: узатувчи-пассив 11 (2-расм) ва

қабул қилувчи — юритадиган ғалтақлари бор қўзғалмас столдан иборат. Стол устида иш асбоби 1 ни ташувчи ижрочи механизм (поргал) 2 ҳаракатланиб туради. Иш асбоби 1 стол 13 устидаги материал (қоғоз) 12 га тегадиган булади.

Стол четига қўзғалмас қилиб маҳкамланган иккита вертикал йўналтиргич 4 ва 8 лтанга 6 нинг икки учига маҳкамланган иккита буралма ярим ўқ 5 ва 7 ичидан бемалол ўтади.



2-рasm. «Силузт-К» машинасининг ишчи планшети.


Йўналтиргичларнинг бирининг юқори учига ПИЩ-6-1 контактсиз электржратгич 9 ўрнатиб қуйилган.

Ғалтақдан узатилаётган қоғозни бир оз захираси билан столга маҳкамланади. Қоғознинг ён томонлари электр-қамрагичлар орасидан ўтказилади, бунда қоғознинг мўлжалдаги кенглигига мослаб, поргал бўйлаб сурилма қамрагич олдин ўрнатиб олинади. Қабул ғалтагини пуьлт орқали ишга тушириб, керакли қоғоз ўраб олинади.

Кейин иккала координата бўйлаб иш механизмини дастлабки бошланғич ҳолатга чиқарилади. Бошқарув қурилмасига чизиш дастурини тўғрилаб, уни «Силузт-К»га узатиб ишга туширилади. Машина ишга туширилганда, олдин материални (қоғозни) тортиб турадиган вакуум уланади, кейин андазалар жойлашмаси чизила бошланади.

«Силуэт-Р» машинаси картон ёки қоғоздан ясаладиган шидзаларни табиий катталиклда ёки исталган катталиклда қирқиш учун мўлжалланган.

«Силуэт-Р» нинг иш органи газли лазер бўлиб, асосий иш асбоби лазерли кескичдир. Бу машина ҳам икки координатали сурилма система бўлиб, андаза қирқиладиган материал қўйилган қўзғалмас иш столи устида қаракатланади. Машинанинг конструкцияси 250-300Вт қувватда ишлайдиган ҳар қандай лазерга мўлжалланган. Лазер 4 (3-расм, а) машина 1 дан ташқарига жойлашган бўлиб, дастурга қараб, лазер нурини тўхтатиш учун унга электромагнитли бошқарув тўсиқ 3 ўрнатилган бўлади. Нурга нисбатан 45° бурчак остида жойлашган оғма кўзгу 2 лазерли кескич 5 га нур узатиб беради.



3-расм. «Силуэт-Р» машинасида: а — ишчи планшет билан лазернинг жойлашиши; б — лазерли кескич.


«Силуэт-Р» машинасидаги кескич (3-расм, б) асосий иш асбоби ҳисобланади. У ичи буш тунтарилган конус шаклида бўлади. Кескичнинг остки учи ингичкалашган ва

диаметри 2 мм ли тешиги бор сопло 1 дан иборат. Юқори қисми эса орасидан газли лазер нури ўталган оптик линза 3 қўйиб герметик ёпилган бўлади. Қирқаётган зонадан материал 5 нинг куйган маҳсулини ҳаво оқими ёрдамида сопло тешигидан чиқариб ташлаш учун линза билан сопло орасидаги кескич корпусига 0.5.10 Па босим остида ҳаво киритадиган резъбали деталь 2 маҳкамланган.

Газламалардан унумли фойдаланиш асосан андазалар юзасини тўғри ўлчашга боғлиқ бўлади. Ҳозирги пайтда тикувчилик корхоналарида ва моделлар уйида андазалар юзасини ўлчашда ИЛ фотоэлектрон машинаси ишлатилади. ИЛ маркали фотоэлектрон машинаси текис фигуралаги андазаларни ўлчаш учун мўлжалланган. Бу машинада 100 – 550 мм узунликчаги ва 100 – 750 мм энли андазаларни ўлчаш мумкин.

Машинанинг техник кўрсаткичлари

Меҳнат унумдорлиги, дона/соат	32
Каретканинг ҳаракат тезлиги, м/с	0,024
Андаза узунлиги, м	0,1 – 1,5
Андаза эни, м	0,1 – 0,35
Турел вали айланишлар сони, айл/мин	235
Генератор филдираклари	
айланишлар сони, айл/мин	1410
Электржўриткич: тури	AD-21-2
Куввати, кВт	0,27
Кучланиш, В	220
Машина габарит ўлчамлари,	
мм	3750x1270x1140
Машина массаси, кг	650
Андазаларни ўлчаш аниқлиги, %	0,2 – 0,6



4-расм. ИЛ фотоэлектрон машинаси кинематик схемаси.

Ўлчанадиган андаза 4 қўзғалувчан стол 3 га жойлаштирилади. Стол остки қисмида ёйсимон тирқишли юпқа пўлат металл маҳкамланган. Қўзғалувчан стол доимий тегишда йўналтиргич 2 да бўйлама ҳаракатланади. Стол устки қисмига ёриткич 5 ўрнатилган бўлиб, ундан тушадиган сўғурик оптик трубкалар 9 га тушади. Трубкалар стол остида жойлашган турел валига ўрнатилган (4-расм).

Турел 6 трубкалар 9 билан биргаликда доимий бурчак тегишда айланади. Турелнинг бир айланишида стол 4 см га силжийди. Турел 6 нинг айланиш ўқи вертикал текисликда бурчак остида жойлашган. Ҳар битта трубка кетма-кет айланма ҳаракатланиб, 80 см узунликда ва 1 см радиус юзани ўлчайди. Турел бир тўлиқ айланишида $4 \times 80 = 320$ см юз ўлчанади. Машинада турелнинг ҳар бир айланишида

320 импульс берувчи генератор 8 мавжуд. Импульслар генератори 8 дан маълумот кучайтиргичи орқали фотореле 10 га ва электрон ҳисоблагич 11 га узатилади. Табло 12 ўлчаш натижаларини кўрсатади. Стол 3, турел 6 ва импульслар генераторига ҳаракат тишли узатмалар системаси орқали берилади. Машинада бир сменада 200 — 250 дона андазалар юзасини ўлчаш мумкин.

2.2. Материалларнинг энини, узунлигини ўлчаш ва нуқсонларини аниқлаш машиналари

Материалнинг энини, узунлигини ўлчаш ва нуқсонларини аниқлаш тайёрлов бўлимининг асосий технологик жараёнларидан бири ҳисобланади.

Тайёрлов бўлимларида материалларнинг муайян қалинлиги ва кенлигига мосланган механизациялашган РС-1, РС-2, ПРС-140, ПРС-160 каби нуқсон топиш-ўлчаш станокларининг ҳар хил турлари ишлатилади.


Материалларнинг узунлигини ўлчаш.

Ҳозирги пайтда материалларни ўлчаш ва нуқсонларини аниқлаш машиналарига қўйиладиган асосий талаблардан бири ўлчаш аниқлигидир. Узунлигини ўлчаш билан бир вақтда нуқсонларини аниқлашда материал тезлиги 0.15 — 0.25 м/с дан ошмайди. Фақат материалнинг узунлигини ўлчаш машиналарида эса 0.65 — 0.85 м/с га етади.


Материал узунлигини ўлчаш аниқлиги машина ишлаш принципига ҳам боғлиқ бўлади. Машиналар конструкциялари турли бўлса ҳам ўлчаш механизмлари 5-расмда кўрсатилган иккита принципнинг бирида ишлайди.

Биринчи принципда (5-расм, а) ишлайдиган машиналарда ҳаракатлантирувчи орган ўлчаш вазифасини бажаради. Узатиш валининг ўқи ёзиш қурилмаси билан кинематик боғланган бўлиб, импульслар ҳисоблагичи вазифасини бажаради. Биринчи принципда кинематик занжир ўлчаш органининг бурчак силжишини ҳисоблагичга узатади.

Материал йўналтиргич 6 ва ҳаракатлантирувчи валиклар 3 орқали ўтади. Материални тўғри йўналтириш учун пружина 1 қўлланган валик 2 ўрнатилган. Валик 3 га тегиб турадиган ричаг 5 кинематик занжир 7 билан уланган.



a



b

3-рasm. Материал узунлигини ўлчаш механизми схемалари.

Иккинчи принципда эса бурчак силжишини импульслар сонига айлантиради. Биринчи принципда ишлайдиган материал узунлигини ўлчаш қурилмаларида ҳаракатлантирувчи орган ва салт айланишни ҳисоблаб берувчи қурилмаси орасида кинематик тугашув бўлиши лозим.

Узунликни ёзиб бориш учун фотореле ёрдамида ишлайдиган электр занжирли импульс ҳисоблагич қўлланилади.

Иккинчи принципда ишлайдиган қурилмада ўлчаш органи бўлиб ҳисоблаш гилдираги хизмат қилади (5-расм, б). Ҳаракатлантирувчи валиклар 3 газламани силжитиб, ҳисоблаш гилдираги 4 ни айланишга мажбур қилади. Газламани йўналтириш учун эркин айланувчи ролик 2 ва пружина 1 қўлланилган. Газлама тугагандан сўнг, ҳисоблаш гилдираги ўз инерцияси ёрдамида айланмаслиги учун автоматик тўхтатиш қурилмаси ўрнатилган.

Газлама билан ҳаракатлантирувчи вал ва ҳисоблаш гилдираги орасидаги масофани таъминлаш узунликни ўлчаш қурилмаларига қўйиладиган асосий талаблардан бири ҳисобланади (5-расм, а ва 5-расм, б). Газлама ва ўлчаш органлари орасидаги ишқаланиш коэффициентини ошириш мақсадида ҳаракатлантирувчи валикларга ва ҳисоблаш гилдирагига резина ёки кардолента ўрнатилган. Газламалар узунлигини цилиндрик гилдирак ёки валикларда ўлчаш мобайнида ўлчов хатоликлари юзага келади. Ўлчаш хатоликлари газламанинг сурилишига, унинг таранглигига ва қалинлигига боғлиқ бўлади. Газлама билан цилиндрик ўлчаш органлари ўзаро таъсир схемасини кўриб чиқамиз.

Ўлчанаётган газлама қалинлиги — δ , гилдирак ёки валикнинг радиуси — R_k , ўлчаш қисмларида таранглик S бўлсин (6-расм).

Агар ўлчаш вақтида ҳисоблаш гилдираги m марта айланган бўлса, у ҳолда материал узунлиги қуйидагича аниқланади:

$$L_n = m \cdot 2\pi R_k$$

Ўлчанаётган газлама ҳақиқий узунлиги эса қуйидагича топилади:

$$L_k = m \cdot 2\pi \rho, \text{ бу ерда } \rho = R_k + \delta/2 \text{ ёки } L_k = L_n \frac{\rho}{R_k}$$

Газламанинг ўлчанаётган жойидаги тортилган ҳолдаги нисбий силжишини $\varepsilon = S_0 / EF$ ни ҳисобга олсак, у ҳолда ўлчаш қисмининг ҳақиқий узунлиги $L_d = L_x(1 - \varepsilon)$ га тенг бўлади.


Ўлчашнинг абсолют хатолиги қуйидагича аниқланади:

$$\Delta L = L_u - L_d \text{ ёки } \Delta L = L_x \left(1 - \frac{\rho}{R_k} + \frac{\rho}{R_k} \varepsilon \right)$$

Олинган ифодаларни таҳлил қилиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Агар $\frac{\rho}{R_k} > 1 + \frac{\rho}{R_k} \varepsilon$ бўлса, ΔL — хатolik манфий ҳисобланади, яъни ўлчанган узунлик ҳақиқий узунликдан кам бўлади.

Ўлчаш хатолигини камайтириш учун ўлчовчи филдирак ёки валикнинг номинал диаметри ва газлама қалинлигини ҳисобга олиб аниқлаш мумкин. Шу мақсадда РС-1 ва РС-2 каби станокларда диаметри ўзгарувчан қурилмали ўлчаш филдираги ёрдамида газламанинг ҳаракатини тўғри тақсимлаш учун μ — ишқаланиш коэффициентини ҳамда газлама ва филдирак таъсирланиш бурчаги α ни тўғри танлаш лозим. Ўлчаш эса минимал S_0 куч таъсирида амалга оширилади.



6-расм.
Материал ва
ўлчаш
органларининг
ўзаро таъсири.

Газлама ҳаракатланишида филдиракка таъсир қилувчи кучларни кўриб чиқамиз (6-расм). Филдирак айланма ҳаракатини таъминлаш учун қуйидаги шарт bajarиллиши керак:

$$S_1 R_K = S_0 R_K + M_C$$

S_1 куч қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$S_1 = S_0 e^{\mu\alpha}$$

Бу ҳолда: $e^{\mu\alpha} = 1 + \frac{M_C}{R_K S_0}$ бўлади.

$$\text{Бу ерда } \mu\alpha = \ln\left(1 + \frac{M_C}{R_K S_0}\right)$$

Олинган ифодадан S_0 нинг рухсат этилган қийматларига боғлиқ ҳолда α ва μ параметрларини танлаш мумкин.


Материалларнинг энини ўлчаш.

Замоनावий ўлчаш ва нуқсонларини аниқлаш машиналарида материалнинг энини ўлчаш учун контактсиз фотоэлектрик усул қўлланилган. РС-1, РС-2 станокларида газлама 10 юқоридан пастга ҳаракатланиб, ёриткич 6 ва айланувчи винт 9 орасидан ўтади. Винт 9 айланма ҳаракатни электромагнит муфта 7 дан олади. Винтда кронштейн 1, гайка 8 ҳамда уларда ўрнатилган фотоқаршилиқлар 2,3 ва 4,5 жойлаштирилган. Фотоқаршилиқлар 2 ва 5 га ёруғлик тушмай қолганда ёки фотоқаршилиқлар 3 ва 4 га ёруғлик туша бошлаганда электромагнит муфтада электр қисқа тугашуви содир бўлади (7-расм).


Материал рулон 1 дан йўналтиргич 2, ҳаракатлантирувчи вал 3, экран 4, йўналтирувчи валлар 7, 8, 10 орқали валик 11 га уралади. Экран 4 ни ости ва устига ёриткичлар 5 ва 6 ўрнатилган. Валик 11 га ҳаракат вал 12 дан берилади (8-расм).

Газлама эни ўзгариши билан фотоқаршилиқлар силжий бошлайди ва винтсимон валнинг бурчак силжиши ҳисоблагич 11 да қайд қилинади.

Москва экспериментал механика заводи ишлаб чиқарадиган нуқсон топиш-ўлчаш станогининг ишлаш принципини кўриб чиқамиз. Станокда пайванд конструкцияли корпус бўлиб, унга қия жойлашган назорат тахтаси 18 (9-расм) маҳкамланган. Тахта 18 да ойна 17 ёпиб турадиган дарча бўлиб, материал шу дарча орқали люминесцент ёриткичлар 19 ёрдамида таг томонидан



7-рasm. Материал эини
улчаш механизми.




8-рasm. PC-2 машинаси
ишчи органлари.

Ўритилади. Юқоридан ҳам материал ёриткич 14 даги люминесцент ёриткичлар ёрдамида ёритилади. Материал ўрами 7 нов 8 га қўйилади ёки скалканинг айланишини енгилаштирадиган тўртта шарикли подшипниги бор оқкига таянч 9 да айланиб турадиган скалкага кийдириб қўйилади. Дафта 15 ни буриб, қисувчи валик 11 ташувчи валик 10 дан узоқлаштирилади ва улар ўртасидаги оралиққа материал учи киритилади. Кейин кўтарилиб қўйилган ёриткич 12 ни вал 13 да юқори томонга буриб туриб, материални штанга 16 устидан ўтказиб, назорат тахтаси 18 бўлиб тортила бошланади. Материал учини пастга томон олиб тушиб, скалкага ўралади-да, уни йўналтиргичлар 23 ва 2 тўғри пазларига киритилади. Машинанинг ўнг томондаги панель тагидаги тугмачали улагич ёрдамида нуқсон топиш-улчаш станогини электр манбаига уланади. Педаль 25 босилса, станок ишга тушиб, материал юқоридан пастга томон сўрила бошлайди. Остки ташувчи валиклар 24 ва 1 ёрдамида материал ўрами 21 бўлиб ўралади. Материалнинг эни эиниёнка 20 га биноан визуал, бўйи эса ҳисоблагич 6 ёрдамида назорат қилиб борилади. Ишчи ўлчаб бўлинган материал бўйича кўрсатувчи рақамларни ўчириш учун ричаг 3 ни босади; керакли рақамни ўрнатиш учун дафта 4 бурилади. Педаль 27 материални тескари йўналишда, яъни пастдан юқорига томон сўришга хизмат қилади. Материал нуқсонини топиш батамом тугаб, бир тўғрининг бўйи ва эни

ўлчаб бўлингандан кейин ишчи даста 22 ни ўзига томон буриб, педаль 26 ни босади.

Бунда йўналтиргичлар 23 билан 2 ишловчидан пастга томон бурилади ва ўралган материал рулони лентали конвейер 3 устига тушади. Педаль 27 босилганда конвейер 3 рулонни чап томонга, педаль 25 босилганда эса ўнг томонга суради.

Нуқсон топиш-ўлчаш станокларининг бошқа турлари бир қават ва икки қават материалларнинг, китоб қилиб таҳланган ва рулон қилиб ўралган материалларнинг нуқсонини топиш имконини беради. Материалнинг сурилиш тезлигини улардаги расмлар мураккаблигига ва тўқимачилик нуқсонлари сонига қараб 10–24 м/мин оралиғида ўрнатилади. Станоклар педаль ва тугмача ёрдамида бошқарилиши мумкин. Бир қатор тикувчилик корхоналарида материаллар усти силлиқ, бўйлама ва кўндаланг линейкалари бор бўйи 3 м ли ўлчаш столларида ўлчанади ва нуқсонлари аниқланади. Ўлчанадиган материал механик воситалар ёрдамида столнинг узунасига сурилади,



9-расм. Нуқсон топиш-ўлчаш станогини.

бунда электромеханик белгилагич материалга ҳар 3 м да бўр билан белги қўйиб боради. Материалнинг эни линейка бўйича ҳар 3 м да текширилади. Нуқсон топиш ва материал ўрамини ўлчаш натижалари ёзиб борилади.

2.3. Материалларни тўшаш ва қирқиш машиналари

Бичиладиган материалнинг ва бўлажак кийимнинг турига қараб, бичиш учун мўлжалланган материал асосан «ўнгини настига қаратиб яланг қават ёки ўнгини ўнгига қаратиб яланг қават» тўшалади. Иккала ҳолда ҳам материал энига тўла очиб юборилиб тўшалиши керак. Материалларни тўшаш учун махсус машиналар, тўшаш комплекслари қўлланилади. Кийим бичиладиган механизациялаштирилган комплекс қаторнинг умумий схемаси 10-расмда кўрсатилган.

Корхонага ўрам, тўп ёки тах-тах бўлиб келтирилган материал 1 супача тагликлар 2 га жойлаштирилади. Материал ортилган супача тагликлар ташиш воситаси 3 ёрдамида жавонларга ўрнатилади.

Супача тагликлар жавонлардан электр ташиш воситаси ёрдамида эини, узунлигини ўлчаш ва нуқсон топиш машинаси 4 га, ундан кейин эса ҳар қайси тўп алоҳида ўлчаш машинаси 5 га ўтказилади. Нуқсон топиб ва ўлчаб бўлинган материал ўзиюлар аравача 6 лар ёрдамида элеватор 7 га ортиради. Элеваторлар қатори бўйлаб ўрнатилган транспортёр 8 туширилган рулонларни ўлчаб қирқиш машинаси 9 га ўтказиб беради. Бу машинада аниқ узунликда кесилган газлама бўлаклари механизациялаштирилган тўшаш столи 10 га ўтказилади. Тўшама тайёр бўлгандан кейин қирқиш столи 11 га берилади.


Тўшаманинг қирқиб олинган қисмлари қирқиш столи устига қопланган узатиш қурилмаси ёрдамида лентали бичиш машинаси 12 га ўтказилиб, унда текислаб қирқилади.

Материалларни тўшаш ишларида турли машиналар ишлатилади. Шулардан бири ПНК яримавтоматик тўшаш комплексидир. ПНК тўшаш комплекси текис тўшама столи, автоматик тўшаш машинаси, газлама ўрамлари элеватори, тўшалаётган газламани қисий линейкаси, тўшамани кесий қурилмаси ва чеклаш линейкаларидан тузилган тўшама столи 2 қаркас 3 га ўрнатилган бўлиб, остида занжирли


конвейер 7 жойлашган. Тўшаш каретки 5, қисқич 4 ва тўшама чеккаларини текислаш қурилмаси билан биргаликда йўналтиргичларда ҳаракатланади. Каркасда кесиш қурилмаси 1 ва чеклаш линейкаси мавжуд (11-расм).

Тўшаш кареткасининг қирқиш қурилмаси ўрнатилган қисмига тўшаманинг охири маҳкамланади. Каретка стол устида ҳаракатланиб, материални ўрамдан ажратеди ва тўшайди. Каретка чеклаш линейкасига яқинлашганда 3 марта тезлигини камайтиради ва тўхтайди. Материалнинг бошланиш қисми автоматик равишда линейка ёрдамида қистирилади ва каретка газлама чеккаларини тўғрилаб, ортга ҳаракатланади. Каретка олдинги ҳолатида тўхтаганда тўшама қирқилади. Тўшамаларни юзма-юз тўшаганда газлама 180° га айлантирилади.

Материални машинада тўшаш сифати янада яхшироқ бўлсин учун уни янги йўл билан тўшаш инлаб чиқилди.



10-расм. Механизацияланштирилган комплекс қаторнинг умумий схемаси.



11-расм. ПНК яримавтоматик тўшаш комплекси.


Машинада тўшашдаги бу янги йўлнинг моҳияти шундан иборатки, унда маълум узунликдаги тўшама қаватлари олдин кесиб олиниб, кейин тўшалади. Шу мақсадда махсус ўлчаб қирқиш машинаси ясалди (12-расм). Унда қирқилаётган тўшама қаватига газлама рулоннинг массаси ўнгариб туриши таъсир этмайди, материал стол ёки экран сатҳига ишқаланмайди, ўлчаш пайтида материал қаватига таъсир этаётган кучлар ўзгармас бўлади.

Ўлчаб қирқиш машинасида рулон ўрамини очиш механизми 1, транспортёр 2, қирқиш механизми 3 ва узунлик ўлчаш ҳисоблагичи 4 бўлади.

Ўлчаб қирқиш машинасининг аравачаси +5 мм хатога йўл қўйиши мумкин. Тўшаш учун қирқилаётган газлама қаватлари узунлигини белгилашда буни ҳам ҳисобга олиш керак.

Баъзи газламалар ўлчаб қирқиш машинасида чўзилиши мумкин. Чўзилиш даражаси газламанинг турига боғлиқ. Лекин у ҳеч қачон нормадан ортиқ бўлмайди.


Ўлчаб қирқиш машинасида мўлжалдаги узунликка нисбатан йўл қўйиладиган қўйим ҳаммавақт ҳисоб кўрсаткичида назарда тутилганидан кам бўлади. Шунинг учун бу машинада газлама кўпроқ тежаллади. Тажрибалар ўлчаб қирқиш машинасидаги қўйим одатдагига нисбатан 25–50% кам бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ўлчаб қирқиш машинасида газлама текисроқ қирқилгани сабабли қирқим нотаъсирлиги натижасидаги чиқиндилар 2–2,5 марта камаяди. Ўлчаб қирқиш машинасида тайёрланган қаватларни тўшаш учун ёсал МНТ-2-00-000 тўшаш машинаси (13-расм) ишлаб



12-рasm. Газламани улчаб қирқиш машинасининг схемаси.

чиқилди. Бу машинада тўшама қаватларининг узунлиги, ўрамнинг массаси кабилар тўшаш учун сарф буладиган кучга таъсир этмайди.

Материаллар бундай тўшалганда, ҳар қайси тўшаш столининг «маҳсулдорлиги» орғиб, зарур столларнинг



13-рasm. МНТ-2-00-000 тўшаш машинасининг схемаси.

умумий сони анчагина камаяди, чунки бу машинада фақат қирқилган қаватларни тўшашнинг ўзи учунгина вақт кетади. Қаватларни қирқиш, тўшамада уларни текислаш, милқларини тўғрилаш каби ҳамма операциялар тўшаш жараёни билан бир вақтда бажарилалади.

МНТ-2-00-000 машинасида ташиш тасмалари 1 газлама 2 ни каретка 3 ёрдамида торта бориб, тўшама 4 га гахлайди

(13-расм).

Бу машина газламани юзма-юз ва кетма-кет усулларда тушаш имкониятига эга.

2.4. Бичиш усуллари

Меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида аҳамият берилаётган ҳозирги пайтда тикувчилик саноатида тайёрлов-бичиш ишларини автоматлаштириш энг актуал масалалардан биридир, чунки газламаларни қўлда тушаш ва бичиш ниҳоятда кўп жисмоний куч талаб қилиш билан бирга меҳнат унуми ниҳоятда паст бўлади.

Бичиш ишларини автоматлаштириш учун янги усуллар топиш керак. Бу йўлдаги фаол изланишлар натижасида газламаларни қирқадиган асбобларнинг бир қанча янги турлари топилди. Қирқиш асбобларининг қайси тури ишлатилишига қараб ҳозирда мавжуд бичиш усулларини миқдум системага солиш мумкин. Бундай система асосан икки хил: универсал асбобларда бичиш ва махсус асбобларда бичиш системалари. Универсал асбобларда бичишга кўчма бичиш машиналарида (диск пичоқлиси ҳам, вертикал пичоқлиси ҳам) бичиш, лента пичоқли машиналарда бичиш ва қайчида бичиш киради; махсус асбобларда бичишга эса чопқиларда (бир гуруҳ чопқиларда ҳам, якка чопқиларда ҳам) бичиш, матрица ва пуансон тарламида бичиш, СО лазери нурида бичиш, электр учқунда бичиш, гидромониторда бичиш киради.

Бичиладиган деталлар шаклида ясалган чопқиларни гуруҳ қилиб ёки якка-якка ишлатишга асосланган усуллар алоҳида кўриб чиқилиши лозим. Булар – бичиш столини сирпантириб бичиш (14-расм), валикларда бичиш (15-расм) ва ўйиб олиш прессларида бичиш усулларидан иборат.


Қатор илмий текшириш институтларида газлама, трикотаж ва бошқа материалларни лазер нури билан қирқиш юзасидан тадқиқотлар ўтказилди. Лазер нури билан қирқилган тушама профили 16-расмда кўрсатилган. Синтетик толаси 60% дан ошмайдиган снгил ва оғир газламалардан бичиладиган кийим деталларини тушамадан

мўлжалланган махсус дастурга биноан газли лазер ёрдамида қирқиб олишга мўлжалланган машиналар яратилди. Бу машинада сунъий мўйна ва замша материаллардан тўшама қилмай бир қават қилиб бичиш ҳам мумкин.


Газламаларни контактсиз бичиш усулларида янада бири электр учқунларидан фойдаланиш усулидир (17-расм). Электр учқуни билан бичиш усулида газлама 1 устига графит чизиқ 2 чизилиб, унга электрод 3 уланади. Графит чизиқнинг нариги учига яна бир электрод 4 бўлади.

Электродларга юқори кучли ток берилса, газлама бутун графит чизиқ бўйлаб қўйиб қирқилади. Ҳозирда газламаларни ниҳоятда кагга босим кучи билан отилиб чиқаётган ингичка сув оқимида қирқиш усули ҳам синаб кўрилмақда. Бу ҳам контактсиз бичиш усулига оид бўлиб, гидроманиторда бичиш деб аталади.


Бироқ бичиш ишларини механизациялаштиришдаги юқорида кўрилган усуллар тайёрлов-бичиш ишларини тўла автоматлаштириш имконини бермайди. Шу сабабли бу ниҳоятда муҳим соҳада илмий текшириш ишлари давом этмоқда.




14-расм. Сирнантириб бичиш машинасининг схемаси.



15-расм. Иккита валик орасидан утказиб бичиш схемаси.



16-расм. Лазер нури билан қирқилган тушама профили:
 а) нур бир марта секинроқ утказилганда;
 б) нур бир неча марта тез-тез утказилганда.



17-расм. Гадамаларни электр учқуни билан бичиш.

2.5. Газламани бичиш учун ишлатиладиган ускуналар

Тикувчилик саноатида ишлатиладиган тўқимачилик материаллари хусусияти ва тузилиши жиҳатидан хилма-хил бўлади. Тикиладиган кийимлар ассортиментги ҳам турлитумандир. Шунинг учун газламаларни бичиш усули ҳам бир хил бўлмайди. Газламанинг хусусиятларига, бичиш усулига, корхонанинг турига қараб, бир вақтда бир неча қават газламани баравар қирқиш мумкинлиги аниқланади. Бундай қаватлар сони биттадан 250 тагача бўлиши мумкин. Газламалар бичилаётганда, кўпинча, тушамаларни олдин секцияларга бўлиб олиб, кейин секциялардаги деталлар қирқиб олинади. Кейинги вақтларда кийим деталларини ўйиб оладиган пресслар ишлатила бошлангани муносабати билан газламани тўғридан-тўғри рулондан бичиб олишга ҳаракат қилинмоқда.

Ленга пичоқли ва кўчма бичиш машиналари.

Оммавий тикишнинг ривожланиши, тикувчилик фабрикаларининг ихтисосланиши, меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва тикувчилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш зарурати газлама бичишнинг самаралироқ усулларини топишни талаб қилди. Натижада газлама бичишнинг янги-янги усуллари, жумладан, прессларда, ротацион қурилмаларда ва бошқа ускуналарда махсус асбоблар ёрдамида бичиш усуллари пайдо бўлди.

Тикувчилик саноатида газлама бичишнинг бундай усуллари ишлатилганде, тушаш билан бичиш ишлари, бичиш билан кертиш жарёнлари бир вақтда бажариладиган бўлса, материалларни кўпроқ тежаш ва меҳнат унумдорлигини кўпроқ ошириш мумкин бўлади. Бироқ, бундай усулларда бичилганга, асбоблар тури ниҳоятда кўпайиб, уларга кетадиган харажатлар ортади, чунки бунда ҳар бир шакл ва ҳар бир ўлчамли кийимнинг ҳар қайси детали учун биттадан асбоб лойиҳалаш ва тайёрлаш, газлама бичишнинг бирор усулидан бошқасига ўтиш учун янги асбобни ўрнатиш ва уни узоқ вақт ишга мослаш керак бўлади. Шу сабабли, мутлақо табиийки, асбобларга кетган харажатлар уларнинг кўп вақтга чидаши ва материалларни тежаш ҳисобига қоплансагина газламаларни махсус асбобларда бичиш самарали натижа беради.


Ҳозирги вақтда тикувчилик корхоналарида юпқа ва туқимачилик материалларини универсал усулда қирқишда қуйидаги машиналар ишлатилади: *кучма бичиш машиналари* (ЭЗМ-3, CS-529 типдаги вертикал пластинасимон пичоқли, ЭЗДМ-3, ЭЗДМ-2 типдаги дисксимон пичоқли машиналар), *қўзғалмас машиналар* (РЛ-4, РЛ-5, РЛ-6 ва ШВн-03 типдаги лента пичоқли машиналар).

Тикувчиликда икки, уч ва тўрт шкивли лента пичоқли машиналар кенг миқёсда қўлланилмоқда (18-расм). Икки шкивли машиналарга нисбатан уч ва тўрт шкивли машиналарда L — ишчи қулочи анча кенгайтирилган. Бу эса ишчининг ишлаши учун қулайлик яратиши билан бир қаторда катта юзали материалларни кесиш имконини беради.

РЛ-6 типдаги лента пичоқли стационар бичиш машинаси.


РЛ-6 типдаги лента пичоқли стационар бичиш машинаси шайба ва мураккаб шакли деталларни узил-кесил қирқиб олиш учун ишлатилади. Бу машина лента пичоқни йўналтириш, ҳаракатни узатиш механизмлари, пичоқ тигини автоматик чарқлайдиган ва пичоқни таранглаш қурилмалари, ишчи қўлини жароҳатдан сақлайдиган, пичоқ тезлигини ўзгартирадиган ва ўлчайдиган мосламалардан тузилган. Бу машинадаги лента пичоқ 2 (19-расм) гилдиракларга тортилган, эни 20 мм га яқин, қалинлиги эса 0,4 — 0,7 мм пўлат лентадан иборат. Пастдаги ҳаракатлантурувчи шкив 24 электрјоритгичдан келган тасма ёрдамида айланади. Лента пичоқ эса 32, 19, 20 шкивларни айлантиради. Бунда лента пичоқнинг ҳаракат тезлиги шкивлар диаметрига ва уларнинг айланishi тезлигига боғлиқ бўлади.

Машинага ҳаракат электрјоритгич 28 дан узатилади. Шкивлар 19, 20, 24 ва 32 юзалари бўйлаб лентали пичоқ 2 тортилган. Конуссимон вариатор 27 тўхтатиш барабани моқдамланган йўналтирувчи шкив 24 га ҳаракатни узатади. Тўхтатиш барабанига электромагнит тўхтатиш колодкаси 26 ўрнатилган. Машина иш даврида электромагнит тўхтатиш механизми кучланиши остида бўлади. Пичоқ тезлиги механик 29 ёрдамида ўзгартирилади ва тахометр 33 билан ўлчанади. Таранглаш ва лентатутгич қурилмалари йўналтирувчи шкив 19 га қўзғалувчан қаретка орқали ўрнатилган.



18-расм. Лента пичққли бичиш машиналари.

Пичоқнинг таранглиги маховик 7, винт 9, гайка 15 ва пружина 16 ёрдамида ҳосил қилинади. Лентатутгич қурилмаси устки ва остки электромагнит лентатутгич 25 лар ва контакт ажратгичи 30,31 дан тузилган. Пичоқ таранглаш қурилмаси винт 18 ўқиға жойлаштирилган ричаг 6 ва кулачок 11, остки кулачок 10, кронштейн 18 ва фиксатор 12 лардан тузилган. Маховик 7 ни бураш йўли билан пичоқнинг таранглигини ўзгартириш мумкин. Кронштейн 8 га



19-рasm. РЛ-6 типидаги турі шкифли
лента ничоқли бичиш машинаси.

Ўрнатилган мойлаш системаси орқали пичоқ доимий равишда мойлаб турилади. Пичоқ ҳаракати пайтида ўткирлаш айланалари 22 ёрдамида чархланади. Ўткирлаш қурилмаси тепки 23 ёрдамида бошқарилади. Бундан ташқари бу машинада материал силжишини енгиллаштириш учун стол юзаси бўйлаб ҳаво оқимини ҳосил қилувчи қурилма ўрнатилган.

Материал қўйиладиган стол 1 нинг устки қисмига лента узилганда ишчи қўлини ҳимоялаш учун скоба 3 ричаг 5 га ўрнатилган.

Венгриянинг Паннония фирмаси қўзғалувчан пичоқли бичиш машиналарининг 20 дан ортиқ вариантларини ишлаб чиқарган. Ҳозирги пайтда фирма CS 529 16-1-42-К типигаги такомиллаштирилган пластинасимон пичоқли қўзғалувчан бичиш машинасини ишлаб чиқармоқда. Бу машина бош валининг айланишлар сони 2800 айл/мин. Электрюртгичи тури — F572 НН 01. Габарит ўлчамлари — 560x185x330. Пичоқнинг ҳаракат йўли 26 мм. Пичоқ қалинлиги 0,7 мм. Қирқиладиган материал қалинлиги 160 мм. Ўткирлаш органи ҳаракат йўли 156 мм. Пичоқни автоматик ўткирланиш вақти 2 — 2,5 мин. Пичоқ 20° остида ўткирланади.

CS 529 16-1-42-К машинаси толали, тўқима ва синтетик материалларни бичишга мўлжалланган. Машина дастак 30 орқали бошқарилади ва тугмача 33 ёрдамида ишга туширилади.

Бу машина бичиш столи бўйлаб пластинкали пружинага ўрнатилган роликли платформада ҳаракатланади. Платформага таянч 17 маҳкамланган бўлиб, унинг юқори қисмига электрюртгич 32 ўрнатилган (21-расм).

Электрюртгич валига шпонка 12 ва винт 13 орқали қривошип маҳкамланган (20-расм).

Кривошип 15 га думалоқ подшипниклар 16 орқали бармоқ 10 ўрнатилган. Шатун 9 нинг юқориги қисми бармоқ 10 билан боғланган бўлиб, остки қисми бармоқ 5, втулка 6 орқали ползун 7 га маҳкамланган.

Ползуниинг остки қисмига штифт 3 ва винт 2 ёрдамида пичоқ 1 маҳкамланган. Ползун йўналтирувчилар 4 орасида илгариланма-қайтма ҳаракатланади. Пичоқ ўткирланиш бурчагини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\operatorname{tg} \alpha_2 = \operatorname{tg} \alpha_1 \frac{1}{\sqrt{1+k^2}}; \quad k = \frac{v_2}{v_1}$$


α_2 — пичоқнинг яримўткирланиш ишчи бурчаги.

α_1 — пичоқ яримконструктив бурчаги.


v_1 — материални пичоққа узагилиш тезлиги.

v — пичоқ ҳаракати тезлиги.

Ползун билан йўналтиргичлар орасидаги масофа, йўнал-



20-расм. CS-529 типидagi кўчма бичиш машинаси кинематик схемаси.



21-расм. CS-529 типидagi кўчма бичиш машинаси ташқи кўриниши.

тиргичларни корпус 18 ни винтлар 9 ва 23 орқали силжитиш бўли билан созланади.

Ползуннинг йўналтиргичлар орасидаги ҳаракатида ейилишни камайтириш учун мойлаш қистирмаси 8 ўрнатилган. Платформа 24 нинг остига роликлар 25 ва 26 ўрнатилган бўлиб, машинанинг эркин ҳаракатланишини

таъминлайди. Платформа олд қисми 27 ёйсимон кўринишда қилинган (21-расм).

Кўчма бичиш машиналари стационар ҳолатда ўрнатилса, уларни легитли бичиш машиналари ўрнида ишлаши ҳам мумкин.


Вертикал пичоқли кўчма бичиш машиналарига пичоқ ҳаракати тезлигини кўрсатадиган таксометр ўрнатилса, қирқиш тезлигини керагича ўзгартириш мумкин бўлади. Бунинг зарурати шундаки, масалан, синтетик толалардан тўқилган газламалар тез эрийдиган бўлгани учун бичиш машинаси электрюритгичи айланиш тезлиги минутига 1800 мартагача камайтирилиши керак бўлади. Ҳозир вертикал пичоқли кўчма бичиш машиналарини такомиллаштириш устида ишланмоқда. Бунинг учун электрюритгич подшипниклари автоматик мойланадиган, машина механизмлари газчама чангидан, толалардан, иплардан механик йўл билан тозаланадиган қилинмоқда; машинанинг ичига ип ёки сийрак тўқилган газламалар кириб кетишига йўл қўймайдиган ва газламанинг бичиш сифатини яхшилайдиган қилиб пичоқ тиғининг янгича конструкциялари топилмоқда. Пичоқ тиғини тезлаш ва қировини тўкиш автоматлаштирилмоқда. Бундан ташқари, кўриниши ҳар хил пичоқлардан фойдаланиш устида ҳам иш қилинмоқда. Масалан, жуда дағал материалларни кесиш учун дами силлиқ пичоқлар, махсус кийимлар тикиладиган қалин газламаларни ва дағал сунъий чармни қирқиш учун дами аррасимон, серпардоз газламаларни ва синтетик материалларни қирқиш учун эса дами тўлқинсимон пичоқлар ишлатиш тавсия этилади.

ЭЗДМ-3 типдаги диск пичоқли кўчма бичиш машинаси.

Диск пичоқли ЭЗДМ-3 кўчма бичиш машиналари (22-расм) материални алоҳида қисмларга бўлишда ва шакллари мураккаб бўлмаган деталларни қирқишда ишлатилади. Диск пичоқли бичиш машиналарининг кичикроқлари кўпинча текислаш қайчилари деб аталади. Улар баландлиги 1 — 3,5 см тўшамаларни бичиш ва кийим деталларини текислаб қирқиш учун ишлатилади. Уларда пичоқ тиғини тезлайдиган ва мойлайдиган мосламалар бўлади.

ЭЗДМ-3 машинасининг қирқиш органи 120 мм диаметрли 1,1 мм қалинликдаги диск пичоқ 1 дан иборат. Бу пичоқнинг тутқичи кагга яеси доирадан иборат бўлгани

учун унда тўшамани радиуси кичик траектория бўлганда қирқиб бўлмайди, акс ҳолда қирқилаётган жой яқинидаги қисмлар сурилиб кетади. Бу машинанинг платформасига қўйилмас яна битга пичоқ 2 ўрнатилган бўлиб, у пружина ёрдамида диск пичоқ тигига қисилиб туради. Диск пичоқнинг тиги машинанинг ўзига ўрнатилган қўзғалмас нарқита доиравий мослама 6 да чархланади. Диск пичоқ тегиртак 3 устига ўрнатилган электрюртгич 4 ёрдамида, конуссимон тишли гилдирақлар воситасида айланади.



22-расм. ЭЗДМ-3 диск пичоқли кўчма бичиш машинаси.

Тутқич диск пичоқниқидан каттароқ диаметрли дискдан иборат бўлиб, машинанинг платформаси 5 га бириктирилади. Бу машинанинг вертикал пичоқли машинадан фарқи шуки, ундаги пичоқнинг қирқиб тезлиги ўлғармас — 9 м/сек бўлиши мумкин. Бундай машиналарни ишлаганида пичоқнинг диаметри 120 мм бўлса, материаллар

қатламиңинг баландлиги 20 – 25 мм дан ошмаслиги шарглигини ва кескин бурилишли ҳамда бурчак жойларинг қирқишда тушаманинг пастки қаватлари охиригача қирқилмай қолишини назарда тутиш керак.

2.6. Қузгалувчан пичоқли бичиш машиналарида қирқиш жараёни

Қирқиш жараёнида пичоқнинг ўткирланиш бурчаги конструктив бурчагига нисбатан кичик бўлганлиги сабабли кесиш кучи камаяди ва машинанинг ишлаши енгиллашади.

Материалнинг пичоққа томон v_1 тезликда узатилишида ва Δt вақт мобайнида пичоқнинг v_2 тезликда ҳаракати натижасида материал пичоққа нисбатан C_2 нуқтала силжийди (23-расм, а).

Пичоқ ишчи ва конструктив яримбурчакларининг α_2, α_1 , тезликлар нисбатини $k = v_2/v_1$ деб белгиласак, у ҳолда:

$$\operatorname{tg} \alpha_2 = \frac{B_2 C_1}{AB_2 \sqrt{1 + \left(\frac{B_1 B_2}{AB_1} \right)^2}};$$

$$\frac{B_1 C_1}{AB_1} = \operatorname{tg} \alpha_1;$$

$$\frac{B_1 B_2}{AB_1} = \frac{v_1 \Delta t}{v_2 \Delta t} = \frac{v_2}{v_1} = k;$$

$$\operatorname{tg} \alpha_2 = \operatorname{tg} \alpha_1 \frac{1}{\sqrt{1 + k^2}}$$

α_1 – кесиш бурчагининг интенсив ўзгариши $k < 30$ да аниқланган (23-расм, б).

Материалга қўйиладиган кесиш кучининг йўналиши пичоқнинг материалга нисбатан ҳаракат тезлиги йўналишига тўғри келади.

Тулиқ кесиш кучи қўйиладигига тенг бўлади:

$$P_r = P_0 + 2N \sin \alpha_2 + 2N\mu_1 \cos \alpha_2$$

Бу ерда:

P_n — пичоқ ўткир қисми қаршилиги.

N — материалнинг пичоққа нисбатан босими.


μ_1 — материал билан пичоқ орасидаги ишқаланиш коэффициентини.

$F = \mu_1 N$ — пичоқ билан материал орасидаги ишқаланиш кучи.

k ошиши билан P_y куч камаяди. Демак, P_x ва P_y — кесии кучларни ва Q — материал ҳаракат қаршилигини қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$P_x = P_n \cos \beta, \quad P_y = P_n \sin \beta$$

$$Q = P_x + \mu_2 (P_y + G_m)$$



23-расм. Пичоққа таъсир қилувчи кучлар схемаси.

Бу ерда: μ_2 – материалнинг столга нисбатан ишқаланиш коэффициенти.

G_n – материал массаси.

$tg\beta = k$ бўлганлиги сабабли,

$$P_x = P_n \frac{1}{\sqrt{1+k^2}}; \quad P_y = \frac{K}{\sqrt{1+k^2}};$$

$$Q = \frac{P_n}{\sqrt{1+k^2}}(1 + \mu_2 k) + \mu_2 G_n \quad \text{бўлади.}$$

Формулалардан кўриниб турибдики, k , P_x ва Q лар ошиши билан α_2 интенсив ўзгаради, P_x куч эса дастлаб ўсиб бориб, кейин камаяди (23-расм, в). Тасмали бичиш машиналарида иш жараёнида пичоқда кўндаланг тебраниш содир бўлади. Пичоқнинг таранглигини ошириш билан унинг кўндалангига тебраниш амплитудасини ва кесиш ноаниқлигини камайтириш мумкин. Бундан ташқари пичоқнинг тебраниш амплитудаси шкифлар диаметрига, пичоқ тезлиги ва қаттиқлигига боғлиқ бўлади. Сифатли қирқиш жараёнини таъминлаш учун $k=40-100$ ораликда қабул қилинган. У ҳолда $v_1=0,2-0,25$ м/с, $v_2=8-20$ м/с га тенг бўлади.

Пичоқ эни тушаш усулига ва деталлар айланма радиусига боғлиқ бўлади (24-расм). ρ – радиусли деталларни қирқишда пичоқ ўтқир қисми А I-I траектория буйлаб, пичоқнинг ён қисми В эса II-II эгри чизиқ бўйлаб ҳаракатланади. Q бурчак материал хусусиятига боғлиқ бўлади ва BAD бурчакка тенг бўлади. Бу ерда $AB=AD$.

$$\text{У ҳолда: } \angle AOD = \pi - 2\left(\frac{\pi}{2} - Q\right) = 2\theta$$

Пичоқнинг максимал эни қуйидагича топилади:

$$e_{\max} = 2\rho \sin Q_{\max}$$

Q бурчакни экспериментал усулда ҳам аниқлаш мумкин. $\triangle ABO$ учун $(\rho + c)^2 = \rho^2 + e^2$, $\triangle AOD$ учун $b^2 = 4\rho^2 \sin^2 Q$ тенглик қониқарли бўлади.


$$\text{Бу ерда: } \sin Q = 0,7 \sqrt{\frac{c}{\rho}}$$

Бундан маълумки, ρ бурчак ёки пичоқ эни b ўзгаришида $Q = \text{const}$ бўлганда $c/\rho \approx \text{const}$ нисбат ўринлидир.


Шу сабабли ҳам Q_{\max} ни ҳисоблаш учун қирқилаётган деталь кичик айланмасини аниқлаш керак бўлади. Ўтказилган изланишлар ва ҳисоблашлар асосида $Q_{\max} = 9-12^\circ$ оралиқни қабул қилинган.

Пластинасимон пичоқли машиналар кривошип 1, шатун 2 ва пластинасимон пичоқ 4 маҳкамланган ползун 3 дан тўзилган кривошип ползунли механизмдан иборат (25-расм).

Пластинасимон пичоқли бичиш машиналарида пичоқнинг тезлиги йўналиши ва қиймати бўйича ўзгарувчан бўлганлиги учун кесиш жараёни ҳам стабил бўлмайди.



24-расм. Айланма шаклдаги деталларни қирқиш жараёнида пичоқ ва материалнинг жойлашиш схемаси.



25-расм. Пластинасимон пичоқли бичиш машинаси схемаси.

Пичоқнинг вертикал ҳолати қуйидаги ординатадан топилади:

$$y = l \cos \varphi_1 - r \cos \varphi$$

ёки $\sin \varphi_1 = \frac{r}{l} \sin \varphi = \lambda \sin \varphi$.

Бу ерда: r — кривошип радиуси; l — шатуннинг узунлиги; φ_1 — ползун ҳаракат йўли ва шатун орасидаги бурчак.

Агар: $y \approx r \left(\frac{1}{\lambda} - \cos \varphi - \frac{\lambda}{2} \sin^2 \varphi \right)$ бўлса, у ҳолда пичоқнинг тезлиги ва тезланиши қуйидаги функциялардан аниқланади:

$$v_2 = \frac{dy}{dt} = \frac{dy}{d\varphi} \frac{d\varphi}{dt} \approx \omega_1 r \left(\sin \varphi - \frac{\lambda}{2} \sin 2\varphi \right),$$


$$a_2 = \frac{dv_2}{dt} \approx \omega_1^2 (\cos \varphi - \lambda \cos 2\varphi)$$

α/α_1 нисбат, пичоқнинг тезлиги ва тезланиши ўзгариши графиклари 26-расмда кўрсатилган.


Графикдан кўриниб турибдики, машина ишлаш жараёнида α/α_1 бурчаклар нисбати тез ўзгаради. Бу эса кесиш кучи P_x ва P_y ларни йўналиш ва қиймати бўйича ўзгаришига олиб келади (27-расм). Кучлар ва машина титрашининг ўзгариши эса кесиш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Дисксимон қўзгалувчан бичиш машиналарида пичоқ 1 айланма ҳаракатни корпус 4 га ўрнатилган конуссимон узатма 3 лар орқали электрюритгичи 2 дан олади (28-расм, а). Машина иши тўшамани қалинлиги бўйича кесиш шартлари билан характерланади, яъни деталь кесилаётганда силжиш содир бўлиши мумкин.

Тўшама баландлигига боғлиқ ҳолда кесиш тезлиги йўналиши ва қиймати ўзгаради. Айланма шаклдаги деталларни қирқишда пичоқнинг А нуқтаси (28-расм, б) радиуснинг I-I ёйи, С нуқта эса радиуснинг II-II ёйи бўйича ҳаракатланади. Деталларни кесиш радиуси $\rho \approx (AB)^2 / 2l$ га тенг. Умуман олганда, қирқилаётган тўшаманинг устки ва остки қатлами ўлчамлари бир хил бўлмайди.




26-расм. Пластинасимон пичоқнинг тезлиги (1), теълиниши (2) ва α_1/α_2 нисбатнинг ўзгариш графиклари.




27-расм. Пичоқ ва материалга таъсир этувчи P_n (1), P_x (2) ва P_y (3) ўзаро таъсир кучлари графиги.

Кесмиш ноаниқлиги тўшама баландлигига, пичоқ радиусига ва деталлар шаклига боғлиқ бўлади. Тўшама баландлиги H нинг ва пичоқ радиуси R нинг ошиши билан



28-расм. Диск пичоқли бичиш машиналари ишини характерловчи схемалар.

$\Delta C_1 O_1$ ни горизонтал ўсиб боради (29-расм). Δ нинг H, R ва ρ га нисбатан аналитик боғлиқлигини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. $A_1' O_1 C_1$ ва $A_1' O_1 C_1$ учбурчаклари ва $A O C$ учбурчакни учун қуйидаги тенглик қоникарли бўлади (28-расм).



29-расм. Диск пичоқ радиуси ва тушамга баландлигининг кесини жараёнига таъсири.

$$(A_1'O')^2 = (A_1'C')^2 + R^2 - 2(A_1'C')R \cos \eta_1;$$

$$(A_1'C')^2 = H^2 + R^2 - 2HR \cos \eta_2;$$

$$(AC)^2 = (\rho + \Delta)^2 = \Delta(2\rho + \Delta); \quad \cos \eta_1 = -\sin \eta_3;$$

$$\cos \eta_2 = -\cos \eta_4 = f_1 / R;$$

$$\cos \eta_3 = \frac{R - f_2}{R}; \quad \sin \eta_3 = \frac{1}{R} \sqrt{f_2(2R - f_2)}$$

Бу ерда: R – пичоқнинг кичик радиуси; f_1 – пичоқ ўқидан тушамгача бўлган масофа; f_2 – платформадан пичоқнинг остки қиррасигача бўлган масофа.

Агар $A_1'O'$ ёки $AC = A_1C$ тенгликни ҳисобга олмасак, у ҳолда қуйидагига эга бўламиз:

$$\left. \begin{aligned} R_0 &= R + \Delta_H; & H_0 &= R - f_2 \\ R &= \frac{H^2(H + 2f_1)^2}{8f_2\Delta(2\rho + \Delta)} + \frac{f_2}{2} \end{aligned} \right\}$$

Бу ерда: Δ_H – пичоқ ейилиш даражаси; H_0 – платформадан пичоқ айланиш ўқигача бўлган масофа; R_0 – пичоқ радиуси.

Савол ва топшириқлар

1. Тикувчиликда тайёрлов ишларини ривожлантиришнинг асосий принциплари нималардан иборат?
2. Андазалар қандай материаллардан тайёрланади?
3. «СИЛУЭТ» технологик комплекси қандай ишларни бажаришга мўлжалланган?
4. «СИЛУЭТ»-Р машинасининг асосий ишчи асбоби нима? Унинг тузилиши қандай?
5. Москва экспериментал механика заводининг нуқсон топиш ва газламаларнинг энини ҳамда узунлигини ўлчаш машинасининг ишлашини тушунтиринг.
6. Ўлчанган газламанинг ҳақиқий узунлиги қайси формуладан аниқланади?
7. ИЛ-2 машинасида андазалар юзаси қандай ўлчанади?
8. ИЛ-2 андазалар юзини ўлчаш машинасидаги оптик трубкаларнинг вазифаси нимада?
9. Газламаларни тўшашнинг қандай усуллари мавжуд?
10. Механизациялаштирилган тўшаш комплексидида технологик жараён қандай бажарилади?
11. Тикувчилик саноатида бичишнинг қайси усуллари кенг қўлланилади?
12. Газламаларни электр учқун билан бичиш усулини тунуштиринг?
13. Тикувчилик саноатида газламаларни универсал усулда бичишда қандай машина ва ускуналар қўлланилади?
14. Вертикал пичоқли кўчма бичиш машинасининг пичоқ механизми кинематик схемасини чизинг.
15. ЭЗДМ-3 бичиш машинасидаги пичоқ тузилишини ва ишлаш принципини тушунтириб беринг.
16. Лента пичоқли машиналарнинг қайси турларини биласиз?
17. Лента пичоқли бичиш машиналарининг конструктив хусусиятлари нималардан иборат?
18. Вертикал пичоқли кўчма бичиш машинасида пичоқнинг ўткириланиш бурчаги қайси формуладан топилади?
19. Қўзғалувчан пичоқ ва материалга қандай кучлар таъсир қилади?
20. Пластинасимон пичоқнинг кесиш жараёнида тезлиги ва тегилишининг ўзгариш графигини чизинг.

3-БОБ

ТИКУВ МАШИНАЛАРИ

3.1. Тикув машиналари ҳақида умумий маълумотлар

Тикувчилик буюмлари қисмлари асосан хилма-хил тикув машиналарида баҳяқатор юритиб бирлаштирилади. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган тикув машиналари рақамлар ва ҳарфлар билан белгиланади. Бу рақам ва ҳарфлар орқали машиналарнинг техникавий ва технологик параметрларини аниқлаш мумкин.

Россиядаги Подольск тикувчилик машинасозлик корхонаси маиший тикув машиналари синфи бир рақамли, саноат тикув машиналари эса икки рақамли тартибда белгиланган (масалан, 2, 22, 26, 51 ва ҳоказо).

Агар шу машиналар асосида бошқа вариантлари яратилган бўлса, уларни 22-А, 22-Б, 26-А, 51-А русумли тикув машиналари, деб ҳарфлар қўшиб белгиланар эди.

Кейинчалик янги яратилган ёки такомиллаштирилган машиналар вариантларига эса 2 рақамидан бошланган тартиб номери ва 8 рақамини қўшиб белгилашга қарор қилинган. Масалан: 1276-1, 1276-2 ёки 823, 1823, 2823, 3823 ва ҳоказо. Айрим ҳолларда моки баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи икки игнали тикув машиналари русумига игналар орасидаги масофани билдирувчи рақам кўпайтириш белгиси орқали киритилган. Масалан, 852 x 38, 852-1x10. Автоматик тўхтатиш қурилмаси ўрнатилган тикув машиналари русуми белгиланиши ноль билан бошланади.

«ОРША» (Белоруссия) енгил саноати машинасозлик корхонаси ҳам ўз тикув машиналарига шу йўсинда қуйидагича белгиланлар қўйган: моки баҳяли тўғри баҳяқатор юритадиган 97-А русумли тикув машинаси; остки газламадан солқи ҳосил қиладиган 297 русумли тикув машинаси;

гадламма четини қирқишга мўлжалланган 397-М русумли тикув машинаси; материални дифференциал сурувчи 697 русумли тикув машинаси ва ҳоказо. Ростов-Дон енгил машинасозлик заводи ўзининг тикиш ва йўрмашга мўлжалланган машиналарини вазифасига кўра рақам ва ҳарфлар билан белгилайди (масалан, 408-АЭМ, 508-М ва ҳоказо).

«PFAFF» (Германия) фирмаси тикув машиналари 22 та рақамли белгиланишга эга. Масалан, 142-732/09-263/02-900/05 BS x 10 тикув машинаси белгиланиши қуйидагича таҳлил қилинади: 1 — икки ипли моки баҳя ҳосил қилиб тикувчи, 4 — текис платформали, 2 — тебранма ҳаракатланувчи ипнали, газламани остки рейка орқали сурувчи икки ипнали, 732/09 — газлама четини қирқувчи қурилмали, 263/02 — чуңгак тикувчи қурилмали, 900/05 — ипни қирқувчи пичоқли, В — қалинликдаги, S — турдаги газламани тикувчи машина ҳисобланади. Игналар орасидаги масофа 10 мм га тенг.

«ТЕКСТИМА» (Германия) машинасозлик бирлашма-сида ишлаб чиқариладиган тикув машиналари 2 гуруҳ рақамлар билан белгиланади. Масалан, 8332/3355 русумли тикув машинасида 8332 — синфий белгиси ҳисобланса, 3355 техникавий ва технологик маълумотларини билдиради, яъни, 3 — моки баҳяли, ипни найчага ўраш механизми, 3 — газламани остки суриш ва газламанинг чеккасини кесувчи пичоқ механизми, 5 — ипни қирқувчи, игна ҳолатини таъминловчи, тепкини кўтариш ва тушириш механизми, 5 — қалинлиги 5 мм гача бўлган газламани тикувчи машина қалинлигини аңлатади.

Ватанимиз тикувчилик корхоналарида «MINERVA» фирмаси синиқ баҳяқатор билан тикиш машиналари, «ПАНИОНИЯ» фирмаси дазмоллаш пресслари, «PFAFF», «ADLER» (Германия), «JUKI» (Япония) фирмалари ҳар хил турдаги тикув машиналари, «SHTROBEL» фирмаси кўринмас чок ҳосил қилиб тикувчи, Россия ва Белоруссия енгил машинасозлик заводларида ишлаб чиқарилаётган универсал ва махсус вазифали тикув машиналари кенг қўлланилмоқда.

Тикув машиналарини яратиш ва такомиллаштиришда тикиладиган материалнинг физик-механик хоссаси ва

тузилиши, технологик жараёнга таъсир қидувчи факторлар эътиборга олинади. Тикилаётган материалнинг ишқаланиш коэффициенти, чўзилувчанлиги, зичлиги, эриш температураси каби параметрлари — тикувчилик машинаси конструкциясига, бахяқатор ҳосил бўлишидаги иплар боғланишлигига, қўлланиладиган игна геометриясига, машина тезлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Ташқи кўриниши, вазифаси, ишлаш принципи, техник кўрсаткичлари, кинематикаси, конструкцияси жиҳатидан тикув машиналари жуда хилма-хилдир. Бахяқатор ҳосил булиш жараёнида иплар чалишиш характериға қараб тикув машиналари икки гуруҳға бўлинади:

- моки бахяли тикув машиналари;
- занжирсимон бахяли тикув машиналари.

Моки бахяқатори кам чўзилувчанлиги ва пухталиқ хусусиятиға эға бўлганлиги учун моки бахяси билан тикувчи машиналари асосан қаттиқ ва мустаҳкам газламаларни тикишда қўлланилади.

Занжирсимон бахяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар чўзилувчан трикотаж газламаларни тикишға ва кийим деталларини вақтинчалиқ бирлаштиришға мўлжалланган.

Тикув машиналари вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларға бўлинади:

- моки бахяли тўғри бахяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- бир ипли занжирсимон тўғри бахяқатор билан тикувчи машиналар;
- кўп ипли занжирсимон тўғри бахяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- моки бахяли синиқ бахяқатор билан тикувчи машиналар;
- газлама четларини йўрмаш машиналари;
- яширин бахяли тикув машиналари;
- тугма ва бошқа фурнитураларини қадайдиган, пухталайдиган ва калта чокларни тикайдиган, ҳалқа йўрмайдиган ва буюмнинг айрим деталларига ишлов берайдиган яримавтоматик тикув машиналари.

Тезлик кўрсаткичлари бўйича тикув машиналари уч гуруҳға бўлинади:

- асосий валнинг айланишлар частотаси 2500 айл/мин гача бўлган паст тезликли;

– 2500 айл/мин дан 5000 айл/мин гача бўлган уртача тезликли;

– 5000 айл/мин дан баланд булган юқори тезликли.

Ишчига нисбаган жойлашиши буйича тикув машиналари унч, чап ва фронтал қулочли бўлади. Тикув машинаси ишчи қулоччи ишлов берилаётган маҳсулотнинг максимал ўлчамини аниқлайди. Ишчи қулочлари буйича тикув машиналари қуйидагиларга бўлинади:

– қисқа ишчи қулочли ($L = 200$ мм гача);

– уртача ишчи қулочли ($L = 200$ мм дан 260 мм гача);

– узун ишчи қулочли ($L = 260$ мм дан юқори).

Бугун бир технологик жараён учун ишлаб чиқариладиган тикувчилик ускуналарини корхонанинг аниқ бўлимига проқдидилигига, автоматлаштириш ва механизациялаштириш даражасига қараб ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин.

3.2. Тикув машиналарининг асосий ишчи органлари



30-расм. Тикув машинасининг игнаси.

Игна — тикув машинасининг асосий ишчи органларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳамма машина игналари газлама-ни тешиб, устки

ишни игна пластинаси остига олиб ўтиш ва устки ипдан қалқа ҳосил қилиш учун хизмат қилади.


Игна ўзгарувчан кесимли пўлат стержень кўринишида бўлиб, унда колба, қисқа ва узун ариқчали стержень, кўзи ва материални тешиб ўтадиган учи бўлади (30-расм). Игнанинг кўзига устки ип ўтказилади. Узун ариқча эса устки ишни ишқаланишдан сақлайди. Стержень кесимининг шаклига, учининг чархланишига ва колбасининг тузилишига қараб игналар махсус рақамлар билан белгиланган. Бундан ташқари, колбанинг диаметри, узунлиги, игнанинг умумий узунлиги, кўзининг устки четидан колбанинг охиригача бўлган масофа, ариқчаларнинг стерженда жойлашиш ҳолати ҳам ҳисобга олинган. Игналар тўғри ва ёйсимон кўринишларда бўлади. Игнанинг

узудлиги ва иш йўли орқали тикув машинасининг конструктив параметрлари аниқланади. Баҳя ҳосил бўлиш жараёнида тўғри ва ёйсимон игналарнинг ҳолати 31-расмда кўрсатилган.

Яширин занжирсимон чок билан тикувчи машиналарда ёйсимон игна газлама қатламининг ярим қалинлигига санчилади. Бу жараён игнанинг ёйсимон трасктория бўйича ҳаракати орқали таъминланади (32-расм).




31-расм. Тўғри ва ёйсимон игнанинг баҳя ҳосил бўлиш жараёнидаги ҳолати: а – игнанинг газламага санчилиши; б – игна ипи ҳалқаси ҳосил булиши; в – моки ёки чалиштиргичнинг ҳалқани илиб олиши.



32-расм. Яширин занжирсимон баҳя ҳосил бўлиш жараёни: а, б – игнанинг газлама устки қисмига санчилиш нуқталари: 1 – игна; 2 – буртгич; 3 – игна пластинаси.

Вертикал текисликда илгариланма-қайтма ҳаракат қилувчи игнанинг иш йўли газламага санчилишдан бошланиб, газламадан чиқишда тугайди. Игнанинг ҳалқа ҳосил бўлишидаги ҳолати 33-расмда кўрсатилган.



33-расм. Игнанинг ҳалқа ҳосил бўлишидаги ҳолати.

Игнанинг газламага санчилгандан кейинги йўлини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$S_u = m + c + e + \Delta$$

m — игна учидан кўзигача бўлган масофа.

c — ҳалқа ҳосил бўлишидаги игнанинг ҳаракат йўли.

e — моки учининг юқориги ҳолатидан игна пластинаси-
гича бўлган масофа.

Δ — тикилаётган газлама қалинлиги.

Игна газламага санчилгандан кейин узунлигини аниқлагандан сўнгра унинг умумий узунлигини топиш мумкин:

$$L = l_1 + l_2 + l_3 + l_4$$

l_1 — игнанинг игна пластинаси сатҳидан пастига тушадиган қисми.

l_2 — игна пластинасидан игна колбасигача бўлган масофа.

l_3 — игна колбасининг узунлиги.


l_4 — игнаюритгичга маҳкамланган игна колбасининг узунлиги.

Игнанинг умумий йўли: $S_0 = S_u + S_c$

Бу ерда S_c — игнанинг салт ҳаракати йўли.

Моки устки игна ипини илиб олиб, уни кенгайтириб, ўз агрофидан айлангириб остки ип билан чалиштириш учун хизмат қилади. Моки қурилмаси (34-расм) найча — 1, найча қопқоғи — 2, моки ўқи — 3, найчаушлагич — 4 ва моки учи — 5 дан тузилган. Моки бахяси ҳосил бўлиш жараёнида моки учи игна энг остки ҳолатидан кўтарилиши пайтида ҳосил бўлган ипнинг ҳалқасини илиб олиб, уни кенгайтириб найчаушлагич агрофидан айлантиради. Моки ташқи диаметри бўйлаб айлангирилган игна ипи моки ипи билан чалинади ва бахя ҳосил бўлади.

Тикув машиналарида найчадаги ипнинг узунлигига қараб нормал ва катта ҳажмли мокилар қўлланилади. Тикув машинасини лойиҳалаш ва тақомиллаштириш жараёнида унинг стабил ишлаши ва умрбоқийлигини таъминлаш асосан мокиларни туғри танлашга боғлиқ бўлади. Тикилаётган кийимдаги бахяқатор кўриниши ҳам моки танланишига боғлиқ.



34-расм. Моки ёрдамида бахя ҳосил бўлиши: 1 — найча; 2 — найча қопқоғи; 3 — моки ўқи; 4 — найчаушлагич; 5 — моки учи; 6 — игна; 7 — тепки; 8 — газлама.

Мокиларни жойлашиши, ҳаракати, кўриниши ва шайчасининг конструкциясига қараб шартли равишда гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Мокилар жойлашиши буйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) вертикал текисликда жойлашган, айланиш ўқи эса горизонтал бўлган мокилар;

б) горизонтал текисликда жойлашган, айланиш ўқи вертикал бўлган мокилар;

в) платформага нисбатан бурчак остида жойлашган мокилар.

2. Ҳаракати буйича қуйидагиларга бўлинади:

а) илгариланма-қайтма ҳаракатланувчи мокилар;

б) буралма-қайтма ҳаракатланувчи мокилар;

в) айланма ҳаракатланувчи мокилар.

3. Қуйидаги кўринишдаги мокилар бўлади:

а) цилиндрик кўринишдаги мокилар асосан паст теъликда ишлайдиган майший тикув машиналарида қўлланилган;

б) айланма шаклдаги мокилар тебранма ҳаракатланувчан бўлиб, яримавтоматик тикув машиналарида кўпроқ қўлланилади;

в) тарелкасимон мокилар найчаушлагичга ўрнатилган бўлиб, текис айланувчан бўлади. Бундай мокилар юқори теъликда ишлайдиган тикув машиналарида кенг қўлланилган.

Моки бахяси ҳосил бўлиш жараёнида моки иш йўли коэффициентини K_m муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги формула орқали топилади:


$$K_m = \varphi_m / \varphi_0$$

Бу ерда: φ_m — моки учининг игна ипи ҳалқасини илиб олишдан бошлаб уни ўз атрофидан айлантириб бўлгунга қадар бош валнинг бурилиш бурчаги;

φ_0 — бош валнинг тўлиқ бурилиш бурчаги.

Тикув машиналарида K_m коэффициентини 0,25–0,42 бўлиқда бўлади.

Моки қурилмасининг асосий технологик камчилиги шундаки, найчани алмаштиришга кўп вақт сарфланади. 35-расм, а да найчани алмаштиришга (1) ва ипг узилганда уни



35-расм. а) Найчани алмаштиришга кетадиган вақт - t ва меҳнат унумдорлиги - Q нинг найча ҳажми - $V_{шт}$ га нисбатан ўзгариш графиги. б) Моки диаметрал кесими.

тақишга сарф бўладиган вақтнинг ўзгариши(2), шунингдек, машина меҳнат унумдорлиги - Q нинг найча ҳажми $V_{шт}$ (3) га боғлиқлиги графиги кўрсатилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ипнинг пухталиги моки атрофидан айлантирилган ип узунлиги - L_m нинг бир баҳяга сарф бўладиган игна ипи - L_b узунлиги нисбатига тенг бўлади

$$K_u = L_m / L_b$$

Битта баҳяга сарф бўладиган игна ипининг узунлиги қуйидагича топилади: $L_b = (S + \Delta)\eta_N$

Бу ерда: S - баҳя қадами.

Δ - тикилаётган материал қалинлиги.

η_N - баҳянинг таранглик коэффициенти.

L_m ни мокининг диаметрал кесимидан аниқлаймиз:

$$L_m = 2K_0(D_m + b_m + h) \text{ ёки } D_m + b_m = P = \frac{L_m - 2K_0h}{2K_0}$$

Бу ерда: K_0 — ҳалқа шаклининг рухсат этилганидан четга чиқишини кўрсатувчи коэффициент;

h — моки учи ҳаракат траекториясининг игна пластинасигача бўлган масофа;

P — моки периметри.

Найча ҳажми қуйидаги формуладан топилади:

$$V_A = \frac{\pi}{4} (D_H^2 - d_H^2) b_h$$

Бу ерда: D_H ва b_h — найча диаметри ва эни;

d_H — найча стерженининг диаметри.


Найчани алмаштириш оралиғидаги тикув машинасининг ишлаш вақти қуйидаги формуладан аниқланади:

$$T = \frac{60L}{l_s} = \frac{60D_H^2(1-\alpha^2)b_H}{d_H l_u n}$$

Бу ерда: n — бир минутда ҳосил қилинган бахялар сони;

d_H — игнинг диаметри.

Занжирсимон бахяли тикув машиналарида моки функциясини чалиштиргич бажаради. Иш жараёнида чалиштиргич 1 игна ипи ҳалқаси 4 ни илиб олиб, унга ўзининг ипи 3 ни ўтказиб, уни игна 2 нинг газлама 5 га кейинги санчилишига тайёрлайди (36-расм) ва ҳалқага ҳалқани ўтказиш билан бахя ҳосил бўлади.




36-расм. Чалиштиргич ёрдамида бахя ҳосил бўлиши:

2 — игна, 3 — чалиштиргич ипи;
4 — игна ипи; 5 — газлама.

Ҳаракат йўналиши бўйича ўнг ва чап чалиштиргичлар мавжуд. Чалиштиргичнинг тебраниш ва айланиш ўқи горизонтал ҳамда вертикал бўлади. Газламалар четини йўрмаб тикувчи машиналарда бахя ҳосил бўлишида игна билан иккита устки ва остки чалиштиргичлар қатнашади.

Бир игли йўрмалаш бахяси игна билан иккита кенгай-



37-расм. Материални суриш қурилмалари.

тиргич ицгирокида олинади. Тишли рейка материални бир баъи узунликка суриш вазифасини бажаради.

Маҳсулот сифати, машина меҳнат унумдорлиги, меҳнат сифими ва эксплуатацион харажатлар асосан ишлов бериш жараёнида материалнинг узагилиш ва сурилиш механизмларига боғлиқ бўлади. Тикув машиналарида асосан материални суриш механизмларининг учта тури кенг қўлланилади. Буларга *тишли рейка*, *роликлар* ва *каретка* ёрдамида суриш турлари киради. Материал устдан тепки билан босилади ва остдан рейка тишлари ёрдамида бир баъи узунлигига сурилади. Тикув машиналарида битта ва иккита рейкали механизмлар қўлланилади. Битта рейкали суриш механизмлари асосан универсал тикув машиналарида ш баъзи махсус тикув машиналарида қўлланилади. Тишли рейка оддий типдаги тепки (37-расм, а) ёки ҳаракатланувчи тепки (37-расм, б) билан ҳамкорликда материални суради. Бундан ташқари материалга устдан ролик (37-расм, в) босим бериши мумкин. Солқи ҳосил қилиб тикувчи машиналарда материал тишли рейка ҳамда тебранма ишлар (37-расм, г) ёрдамида сурилади.

Иккита рейкали механизмларда ҳар бир рейка алоҳида механизмлардан ҳаракатни олади. Газлама четларини йўрмаб тикиш машиналарида дифференциал рейкали механизм (37-расм, д) қўлланилган. Рейкалар 1 ва 2 ҳар хил V_1 ва V_2 тешикларда ҳаракатланади ва $V_1 > V_2$ бўлади.

Баъзи тикув машиналарида рейкалар 1 ва 3 (37-расм, е) материалнинг устида ва остида жойлашган бўлади. Материал қўлдамлари орасига ажратувчи пластина 2 ўрнатилади.

Тишли роликли суриш механизмлари чарм ва мўйна маҳсулотларини тикадиган машиналарда қўлланилади:

а) Чармларни тикишга мўлжалланган машиналарда ролик (37-расм, ж) узлукли айланма ҳаракатланади.

б) Мўйналарни тикишга мўлжалланган машиналарда тишли роликлар горизонтал текисликда жойлашади (37-расм, з). Ролик 1 етакчи ҳисобланиб, айланма ҳаракатланади. Ролик 3 эса етакланувчи бўлиб, пружина ёрдамида материал 2 ни босиб туради.

в) Пойабзал устки деталларини тикиш машиналарида иккита роликлар 1 ва 3 етакчи ҳисобланиб, айланма ҳаракатланадилар.


г) Пахтали тўшамаларни тикувчи кўп игнали тикув машиналарда материал (37-расм, к) иккита етакчи валиклар 1 ва 2 ёрдамида сурилади. Бу валиклар тепки 3 нинг орт тарафига ўрнатилади.

Ҳаракатланувчи кареткалар яримавтоматик тикув машиналарида ва автоматик қаторларда қўлланилган бўлиб, улар платформага нисбатан бўйлама ва кўндаланг ҳаракатланиши мумкин.

Иптортгич — игнанинг пастга ҳаракатида, моки атрофида айлантирилишида сарф бўладиган ипни узатиш ва бахяни таранглаш учун хизмат қилади. Занжирсимон чок билан тикувчи машиналарда иптортгич функциясини ипузатгич бажаради. Иптортгичлар кўп ҳолларда мураккаб ҳаракатланувчи ричаг кўринишида тайёрланади. Иптортгич ўз функциясини игна ва моки билан ҳамкорликда бажаради. Тикув машиналарида ҳар хил кўринишдаги иптортгич конструкциялари қўлланилган. Ип узатиш системасига ҳар хил турдаги устки ипни таранглаш қурилмасисиз сифатли чок олиб бўлмайди. Моки бахяли тикув машиналарида найча қопқоғида пружинали остки ипни таранглаш қурилмаси ўрнатилган. Бахяқатор сифати устки ва остки ишларнинг тарангланиш даражасига боғлиқ бўлади.

3.3. Моки бахяли тикув машиналари Моки бахяқаторнинг хусусиятлари

Икки ипли моки бахяқатор (38-расм) иккита устки А ва остки Б ипнинг тикилаётган газламалар орасида бир-бири билан чалишишидан ҳосил бўлади. Устки ип А игна кўзига тақилгани учун игна ипи деб, остки ип Б эса моки ипи деб аталади.



38-расм. Икки ипли моки бахяқатор.

Игна ўтган иккита қўшни тешиклар орасидаги масофа бахя пириклиги — L ни ифодалайди. Моки бахяқатор қийин сууладиган бўлиб, бу бахяқатор узунасига ҳам, кундалангига ҳам узилишга етарли даражада чидамлидир. Моки бахяқатор занжирсимон бахяқаторга нисбатан камроқ чуқуради, шунинг учун турли кийимлар — уст ва ич кийимлар тикишда ундан кенг фойдаланилади.

Моки бахяқатор ҳосил қилишга сарфланадиган ипни аниқлигида урта ҳисобда 1,2—1,7 га тенг бўлган ишлатиш коэффициентини ҳисобга олинади. Чунончи, ишлатиш коэффициентини 1,3 га тенг бўлганда, узунлиги 10 см бўлган моки устки ипдан 13 см ва остки ипдан 13 см сарфланади.

Ишлатиш коэффициентини бахя йириклигига, сууладиган газлама хусусияти ва қалинлигига, ипнинг тартибдик даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Занжирсимон бахяқатор ҳосил қилишга қараганда моки бахяқатор ҳосил қилиш учун анчагина мураккаб механизмлар керак бўлади. Масалан, моки қурилмаси ўқининг деталлардан иборат бўлиб, уни доимий мойлаб, деталлар туртиш талаб қилинади. Моки қурилмасида найча ёрлиги машинанинг ишлаш коэффициентини камайтиради. Масалан, 97-А русумли тикув машинасида шимнинг оқим қирқимларини чоклашда 3—5% иш вақти найчага ип ўрашга сарфланади.

Моки бахяқатор ҳосил бўлиш жараёни.

Моки бахяқатор ҳосил қилишда иплар чайқаладиган, тебранадиган ва айланадиган моки ёрдамида чалиштирилиши мумкин. Айланадиган мокили машиналар кўпроқ тарқалган, шунинг учун қуйида айланадиган мокили машиналарда моки бахяқатор ҳосил бўлиш жараёнини қараб чиқимиз.

Ҳалтақ 5 даги (39-расм, а) устки ипни иптортгич шибалар 3 орасидан олиб ўтиб, иптортгич 4 нинг қулоғидан ўтказилади-да, игна 2 нинг кўзига тақилади. Игна 2 материални тешиб, устки ипни ундан олиб ўтади ва энг остиги ҳолатга тушади. Игна остки ҳолатидан 1.5—2 мм афтарилганда устки ипдан ҳалқа ҳосил бўлади, бу ҳалқани моки 1 нинг учи илиб олади.

Игна (39-расм, б) юқорига кўтарила бошлайди, шунда машинанинг учи 7 устки ип ҳалқасини илиб кенгайтиради.

Иптортгич 4 пастга томон ҳаракатланиб, мокига ип узатиб беради. Устки ип ҳалқасини моки найча атрофидан айлантиради (39-расм, в).

Устки ип ҳалқаси 180° орғиқ бурчак ҳосил қиладиган даражада айланганда (39-расм, г), иптортгич юқорига кутарилиб, бахяни таранглайди. Тишли рейка 6 газламани бахя узунлигига суради.


Моки (39-расм, д) иккинчи салт айланишида бошқа ишчи органлар ўз ишини тугаллайди. Тебранма мокили машиналар ҳам шу тарғибда ишлайди. Бундай мокилар паст тезликли машиналарда кўпроқ қўлланилган.

Устки ип узатилиш жараёни.

Иптортгич ричагининг E_1 ҳолатидан (40-расм) E_2 ҳолатига томон силжиганда ип узунлиги қуйидагича топилади:

$$P_{1-2} = (N_1 E_1 + N_2 E_1) - (N_1 E_2 + N_2 E_2)$$

Бу ерда: N_1 ва N_2 — қўзғалмас ипйўналтиргичлар жойлашиш нуқтаси; E_1 ва E_2 — иптортгич кўзининг жойлашиш нуқталари.



39-расм. Моки бахя ҳосил бўлиши.

Биринчи даврда ип узатилиши $P=0$ дан $P=P_{max}$ гача ошади, игна ипни материал орасидан утказади, моки игна ипини илиб олиб, уни кенгайтириб найча атрофидан айлантиради.

Иккинчи даврда ип узатилиши P_{max} дан нолгача камаяди. Бу пайтда иптортгич чокни таранглайди.

Хар битта баҳя ҳосил қилинишида сарф бўладиган ип ўзининги игна ва моки ҳолатига ҳамда улар ўлчамларига боғлиқ бўлади. Устки ип йўналтиргичлар ва иптортгич кўнидан ўтаётган вақтда катта қаршилиққа дуч келади. T_0 қаршилиқ кучини енгилш учун (40-расм) T_1 кучни қўйиш керак бўлади:


$$T_k = T_1 e^{\sum \mu \alpha}$$

Бу ерда: T_1 — таранглаш қурилмасидан чиқаётган ип таранглиги; a_1 — N_1 ва N_2 — ипйўналтиргичлар ва иптортгич кўнидан ўтаётган ипнинг эгилиш бурчаги; μ — ип ва йўналтиргичлар орасидаги ишқаланиш коэффициенти.

T_1 таранглигини қуйидаги формуладан ҳам аниқлаш мумкин:

$$T_1 = E_0 e^{\mu_1 \alpha} + \frac{2P\mu_2}{\alpha\mu_1} (e^{\mu_1 \alpha} - 1)$$

Бу ерда: μ_1 ва μ_2 — ип ва таранглаш қурилмаси шайбалари орасидаги ишқаланиш коэффициенти; α — таранглаш




40-расм. Ип узатиш жараёни схемаси.

қурилмаси стержени винтининг бурилиш бурчаги; P — шайбаларнинг ипни қисилш кучи. T_0 кучни бартараф этиш учун 0.1 Н куч сарф қилиш керак бўлади.

3.4. «ТЕКСТИМА» (Германия) энгил саноат
машинасозлик бирлашмасининг
8332 русумли тикув машинаси

«ТЕКСТИМА» (Германия) энгил машинасозлик бирлашмасининг 8332 русумли тикув машинаси ич кийимлар, костюмбоп, пальтобоп газламаларни битта моки бахяқатор юритиб тикишга мулжалланган. Шу машина асосида бирлашма 100 дан ортиқ турдаги машиналар ишлаб чиқаради.

Ип тақиш. Устки ипни ғалтак 1 дан (41-расм) юқоридан пастга ғалтак таянчининг илгагидан ўтказиб, пластина-симон ипйўналтиргич 5 нинг учта тешигидан, чапга иккинчи пластинасимон ипйўналтиргич 6 нинг учта тешигидан ўтказилади, юқоридан пастга ипйўналтиргич найча 8 нинг ичига киритиб, соат мили ҳаракатига қарши йўналишда устки ипни таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантириб, пастдан олдинга томон иппортгичнинг пружинаси 4 тагига киргизилади, пастдан юқорига ипйўналтиргич 9 нинг тагига олиб борилади, ўнгдан чапга иппортгич 7 нинг қулоқчасига тақиб, пастга ипйўналтиргич 10 нинг тагидан ўтказилиб, сўнгра иккита сим ипйўналтиргич 11, 12 дан игнатутгичга маҳкамланган ипйўналтиргич 13 дан ўтказилади ва чапдан ўнгга игна 15 нинг кўзига тақилади.




41-расм. 8332
машинасининг
ташқи кўриниши
ва устки ипни
тақиш.


Остки ип машина танасига ўрнатилган ўрагич ёрдамида найчага ўралади. Ип 1 ни (42-расм) галтақдан пластинасимон йўналиштиргич 3 нинг учта тешигига ўнгдан чапга ўтказилади, иптаранглагич 4 нинг шайбалари орасидан соат мили ҳаракати йўналишида айлантириб, ўнгдан чапга ипйўналтиргич шайбалари 5 нинг тагидан ўтказилади. Найчани шпиндель 6 га кўйдирилади; найча ариқчасига кириб турадиган пластинали пружина 12 найча ҳолатини фиксациялайди. Найчанинг шпининги девори томонга ипни келтириб, найчани шпиндель деворига тиралгунча силжита бориб, ип қисиб қўйилади. Ўрагич 11 ни ишлатиш учун тикувчи ричаг 7 ни соат мили ҳаракатига қарши йўналишда буриши керак. Бунда чекловчи қопқоқ 9 соат мили ҳаракатига қарши йўналишда бурилади-ла, шпиндель 6 нинг тореци рўпарасига келади, найчага ип ўрналишининг чекловчи қопқоқ 9 ўқига маҳкамланган чеклагичи эса найча деворчалари орасига жойлашади. Найчага чеклагич ҳолатига қараб белгиланадиган керакли миқдорда ип ўралгандан кейин ўрагич тўхтайтиди. Ричаг 7 билан чеклагич қопқоқ 9 автоматик равишда соат мили ҳаракати йўналишида бурилади. Найчани шпиндель 6 дан олиб, ипнинг бўш учи қопқоқ 8 тагига олиб келинади. Найча чапга кескин бурилганда қопқоқ 8 нинг тагидаги пичоқ ипни қирқади.

Найчадаги ипнинг миқдори ростланади, бироқ ростлаш учун мой келишини тўхтатиш, учта винт 10 ни бураб олингандан кейин ўрагич 11 ни чиқариб олиш керак. Шу билан ростлаш учун механикни чақирган маъқул.

Найчага ип бир текисда ўралмаса, таранглаш ростлагичи 4 ни ипнинг 2 ни бушатгандан кейин уни ўз ўқи бўйлаб суриб, шайбалар найча ўқининг ўртасига тўғри келадиган қилиб қўйиш керак.



42-расм. 8332 русумли тикув
машинасининг найчага ип ўрагичи.



43-расм. Найча
қалпоқчаси.


Найча 6 ни (43-расм) унинг деворчаларидаги тешикчалар ташқарига қараб турадиган қилиб найча қопқоғи 1 ичига киритилади. Ип 2 ни ўйиқ 5 ичига киритиб, пластинасимон пружина 3 нинг тагидан ўтказилади ва найчатутгич ичига киритиб қўйилади.

Найча найча қопқоғи 1 нинг ичида, унга қулфча томондан қараганда соат мили ҳаракати йўналишида айланиши лозим.

«Текстима» бирлашмасининг ҳозирги машиналари моки қурилмаларида найчатутгичнинг тагига ташқи томондан пластинасимон пружина маҳкамланган бўлиб, у найчани айланиб кетишдан сақлаб туради. Машина асосий валининг айланиш частотаси кескин камайганда найча инерция билан айланимайди, бу эса чокнинг яхши чиқишини таъминлайди.

Игна механизми. Бош валдан кривошип 11, қўшалоқ бармоқ 9 ва шатун 8 орқали поршень 7 га илгариланма-қайтма ҳаракат узатилади (44-расм).

Поршенга игнаюритгич 4 маҳкамланган булиб, болт 6 ва винт 3 ёрдамида корпусга маҳкамланган йуналтиргич 5 да ҳаракатланади. Игнаюритгич остки қисмига винт 2 билан игнатутгич 1 маҳкамланган. Бош вал роликли 12 ва думалоқ 14 подшипникларга ўрнатилган.



44-расм. 8332 русумли тикув машинасининг кинематик схемаси.

Шатун устки каллаги игнали подшипниклар ёрдамида бармоқ 9 га кийдирилган. Бу машинада кривошип коромислоли иптортгич механизми қўлланилган. Иптортгич 10 ричагининг остки каллаги бармоқ 9 нинг ташқи қисмига игнали подшипник орқали кийдирилган.

Бу машинада айланма мокили механизм бўлиб, унда қўшимча ипни кенгайтиргич механизми қўлланилган.


Материалли суриш механизми. Суриш вали 24 буралма - қўлتما ҳаракатни звено 23, стержень 20 ва кулиса-рамка 21 дан олади. Рамка-кулиса машина корпусига шарнирсимон боғланган бўлиб, буралма ҳаракатни коромисло 22 ва шатун 15 орқали олади. Шатун 15 каллаги бош валга ўрнатилган эксцентрик 13 га кийдирилган. Стержень 20 кулисали рамка 21 га нисбатан ҳолати тортгич 19 ва ричаг 17 ёрдамида боғланади. Ричаг ҳолати эса пружина 16 ва гайка 18 орқали фиксацияланади. Баҳя қадами стержень 20 ва звено 23 ни боғлайдиган шарнир ўқи ва кулиса рамка 21 ўқлари орасидаги мисофага боғлиқ бўлади. Агар бу ўқ кулиса рамка буралиш ўқидан юқорида жойлашган бўлса, у ҳолда материал ортга сурилади. Тишли рейка ричаг 27 га ўрнатилган.

Рейканинг тушиши ва кўтарилиши кўтариш вали коромислоси 25 ёрдамида таъминланади. Бунинг хусусияти шундаки, материални суриш механизмининг кўтариш ва суриш валлари конуссимон марказлашган таянчларга ўрнатилган.

Иш усуллари. 45-расмда 8332/3755 тикув машинаси тасвирланган. Бу машинанинг иккита педали бўлиб, махсус иш столига ўрнатилган педаль 4 машина асосий валининг айланадиган частотасини ростлашга, педаль 2 эса тепкини оёқ билан кўтаришга хизмат қилади. Ишлаш қулай бўлиши учун иккала педалнинг баландлиги ҳам уларни штанга 1 билан биргаликда вертикал суриб ростланади. Бунинг учун йиғма тортқининг болтлари 21 бўшатилади; болтлар 5, 20 билан уларнинг ўқларини иш столи таянчлари 22 даги тегишли тешиклар ичига сурилади. Тикишни бошлашдан олдин машинанинг ишга тушириш тугмачаси 6 босилади, бунда ёриткич 7, электр тақсимлаш қурилмаси панели 12 даги ёриткич 11 ёнади, бу электр автоматикаси элементлари ишга тайёрлигидан далолат беради. Ажратгич 13 ни ўнгга сурилса, электрўчтгич уланиб, салт тартибда ишлай

бошлайди. Агар тугмача 14 ни босилса, бошқариш педали маълум ҳолатга келганида игна энг юқори ҳолатда тўхтайтиди, лекин ип қирқилмайди. Ажратгичлар 15, 16, 17 ни юқорига бурилса, тепкини вертикал суриш автоматик системаси, автоматик бошқариш системаси, игни электромеханик қирқиш системаси ишга тушади. Электр магнитларнинг қаршилиги ўзгариши билан боғлиқ бўлган ажратгичлар 18, 19 ни бураш керак эмас.

Ростлашлар. Остки ип таранглиги винт 4 (43-расм) ёрдамида ростланади. Устки ип таранглигини, тепкининг материалга босимини ва тепкининг баландлигини ўрнатилган винтлар ёрдамида ростланади. Баҳя йириклиги ричаглар 8 (45-расм), 10 нинг гайкаларини бушатгандан кейин уларни буриб ростланади. Ричаглар юқорига бурилса, баҳя йириклашади, бунда ричаг 8 бурилганда устки рейка баҳясининг йириклиги ўзгаради, ричаг 10 бурилганда эса остки рейка баҳясининг йириклиги ўзгаради. Баҳяқаторни пухталаш даста 9 ни соат мили ҳаракати йуналишида буриб бажарилади.



45-расм. 8332/3755 машинаси иш столи билан.

3.5. «ОРША» (Белоруссия) енгил машинасозлик фирмаси моки бахяли 1022-М русумли тикув машинаси

Бу машина костюбоп, пальтобоп ва қишки ҳарбий кийимлик таъамаларни икки игли бигга моки бахяқатор юригиб тиковишга мўлжалланган. Асосий валнинг айланиш частотаси 4500 айл/мин га етади, бахя узунлигини 0 дан 5 мм гача ўзгартирса бўлади. Тикиладиган газламаларнинг тепки тагида қисилган қилини қилиниги 8 мм гача. Машина танасининг ишчи қулочи 200 мм, № 90-150 игналар ишлатилади.

Машина танасига марказлаштирилган мойлаш системаси, найчага автоматик ип ўрайдиган қурилма қўйлаштирилган. Кўпгина бирикмаларда тебраниш механизмлари ишлатилган.

1022 русумли тикув машинаси асосида турли вазифали, такомиллаштирилган бир қанча тикув машиналари ишлаб чиқарилаётганда. 1022-М ва 1022 русумли тикув машиналарининг бир-биридан фарқи шундаки, айланма ҳаракат асосий валдан тақсимлаш валига тишли филдираклар ёрдамида эмас, балки тишли тасма ёрдамида узатилади, материалларни суриш механизмининг конструкциясига кичикроқ массали деталлар ишлатилиб ўзгартириш киритилган.

Механизмлар машина платформаси тагидаги мой қортери ичига жойлашган.

1022-3 русумли тикув машинаси кўйлак ва болалар кийимларининг деталлари қирқимларини мағизлашга, 1022-4 эса пальто деталлари қирқимини мағизлашга мўлжалланган. 1022-4 тикув машинаси конструкциясининг ўзига хос хусусияти шундаки, шакллагич (мағизлагич) тишли рейка билан кинематик боғланган.


Суриладиган шакллагич қўлланилиши натижасида кам ишчи кучи сарфланиб, деталь қирқимларига ишлов бериш сифати оширилади.

Ҳозирги вақтда Орша енгил машинасозлик фирмасида 1022 русумли тикув машинаси чиқарилаётган бўлиб, у кўйлак, костюм ва пальтолارга безак бахяқатор юригиш учун ишлатилади. Бахяси 10 мм гача йириклаштирилган. 1022 русумли тикув машинасида игнани керакли ҳолатда (устки ва остки ҳолатда) механик тарзда тўхтатиш, тепкини автоматик кўтариш, ипни қирқиниш қурилмалари мавжуд.

Ип тақиш ва унинг таранглигини сошлаш. Устқи ипни тақиш. Ғалтак машина танасидаги стерженга ўрнагилади. Агар ип ғалтактутгичдан бошлаб ўтказиладиган бўлса, ипни пастдан юқорига тортиб, ғалтактутгич йўналтиргичнинг илғаги орқасига ўтказилиб, юқоридан пастга ипйўналтиргич 11 нинг ўнг тешигидан ўтказилади (46-расм) ва таранглик қўшимча ростлагичи 12 нинг шайбалари орасидан соат мили ҳаракати йўналишида айлантириб ўтказилади. Сўнгра ипни пастдан юқорига чапга бирин-кетин ипйўналтиргич 11 нинг учта тешигидан ва ипйўналтиргич 10 нинг учта тешигидан ўтказиб, соат мили ҳаракати йўналишида устки иптаранглагичи 20 нинг шайбалари орасидан айлантирилади. Ип учи иптортгич пружина 6 орқасига ўтказилади, пастдан юқори томон ипйўналтиргич бурчаклик 4 атрофидан айлантириб, ипйўналтиргич 7 га тақилади. Ўнгдан чап томонга ипсақлагич скоба 22 тагидаги иптортгич 8 нинг тешигига киритилади. Ипни юқоридан пастга ипйўналтиргичлари 5,18 орқали ўтказиб, чапдан ўнгга томон игна 17 кўзига тақилади.


Остки ипни найчага ўраш ва тақиш. Остки ипни автоматик ўрагич 24 ёрдамида найча 26 га ўралади. Остки ипни ғалтакдан найчага ўраш учун уни устки ипни тақишдаги сингари пастдан юқорига томон ғалтактутгичнинг йўналтирувчи илғаги ортига ўтказилади, кейин юқоридан пастга томон ипйўналтиргич 13 нинг ўнг тешигига киритилади, таранглаш қўшимча ростлагичи 14 нинг шайбалари орасидан соат мили ҳаракати йўналишида айлантириб ўтказилади, сўнгра пастдан юқорига бирин-кетин ипйўналтиргич 13 нинг учта тешигидан ўтказилади-да, соат мили ҳаракатига қарши йўналишда айлантириб, найча 26 га бир неча марта ўралади. Шпиндель 25 ни салгина босиб, унга найча 26 кийдирилади. Айни вақтда ажратгич 23 соат мили ҳаракати йўналишида айланиб, найча 26 деворлари орасига киради ва шпиндель 25 ни иш ҳолатида ушлаб туради.

Ипни найчага ўраш учун машинани ишлатиш олдидан ип игна 17 кўзидан чиқариб олинади ва ричаг 3 ни соат мили ҳаракати йўналишида буриб тепки 2 кўтарилади. Иш



46-расм. 1022-М русумли тикув машинасининг ташқи кўриниши.

стол қонқонининг ўнг томони тагида жойлашган дастани кўрига кўғариб, электрюритгич ишга туширилади. Педаль боғилса, электрюритгичдан айланма ҳаракат понасимон тасмали узатма орқали машинанинг маховик гилдираги 15 га на асосий валга узатилади. Найча 26 га етарли миқдорда ип ўралгандан кейин шпиндель 25 тўхтайти. Остки ипни моки қурилмасидан чиқариб олиш учун етарлича ип учи қўлдириб, найча 26 ни шпиндель 25 дан олинади.



47-расм. 1022-М русумли тикув машинасида остки ипни тақиш.

Остки ипни мокига қўйиш (тақиш)да найча 5 ни (47-расм) ўнг қўлга олиб, чап қўлда турган найча қалпоғи 6 нинг ковак стержени 7 га кийдирилади. Ип учини найча қалпоғидан ўйиқ 10 га киритиб, пластина-симон пружина 8 тагига олиб келинади-да, унинг гилчаси 11 нинг орқасига ўтказилади. Сурилма пластина 12 чапга сурилади

ва маховик гилдирагини айлантириб, игна 14 кўтарилади, бунда тепки ҳам кўтарилган бўлиши лозим. Найча қалпоғи қулфчасининг пластинаси 4 ни чап қўл бармоғи билан чап томонга тортиб, сурилма пластина 12 деворлари билан игна пластинаси 15 орасидаги ораликдан найча қалпоғини найчатутгич 1 нинг стержени 3 га кийдирилади, бунда найча қалпоғининг қирқими 2 юқори томонга қараб туриши керак. Пластина 4 остки ипни қисиб қолмаганлиги ва уни стержень 3 қанчалик зич ёпиб турганлиги текшириб қўйилади. Остки ип найча қалпоғидан силтанмасдан чиқаётганига ишонч ҳосил қилиб, кейин сурилма пластина 12 ўнг томонга суриб қўйилади. Устки ип учини босиб туриб ва маховик гилдиракни айлантириб игна 14 пастга туширилади. Моки устки ипни найча қалпоғи атрофидан айлантириб ўтади, таранглайди, остки ипни юқорига олиб чиқиб, устки ип билан биргаликда тепки 13 тагига олиб киради. Тепки 13 тагида иглар орасига газлама қўйиб, тепки туширилади ва тика бошланади.

Ипларнинг таранглигини ростлаш.

Иглар таранглигини ростлашни остки ипдан бошлаган маъқул.

Бунинг учун игна 14 ни кўтариб, найча қалпоғи 6 чиқариб олинади ва винт 9 бураб киритилиб ёки бураб чиқарилиб остки ип тарангланади ёки бўшатилади. Устки ип таранглиги гайка 21 (46-расм) ёрдамида ростланади: гайка бураб чиқарилса, шайбалар 20 нинг устки ипга босими камаяди, шунга яраша устки ип таранглиги камаяди.


Игна механизми. Бу машинада кривошип-шатунли игна механизми ишлатилади. Асосий вал 23 (48-расм) учта шарикли подшипник 24, 23 да айланади, асосий валнинг ўнг учига маховик гилдирак 26 иккита винт 25 ёрдамида маҳкамланган. Маховик гилдирак 26 нинг орқа томонига қўлда айлантириш қулай бўлсин учун учта винт билан қопқоқ 27 маҳкамланган. Маховик гилдирак 26 нинг ариқчасига понасимон тасма 28 киритилган бўлиб, у электрюртигичи шкивидан айланма ҳаракатни асосий вал 23 га узатади.

Асосий вал 23 нинг чап учига винт 30 ёрдамида кривошип 29 маҳкамланган, кривошип тешигига бармоқ 14 қўйилган ва иккита винт 21 маҳкамланган.

Бармоқ 14 нинг ташқи елкасига игнали подшипник 13 киритилган шатун 7 нинг устки қаллагига кийдирилган.

Шатун 7 устки қаллагининг уқ буйлаб силжиши 10 чапақай раъблии винт 8 ёрдамида бартараф этилади. Шатун 7 нинг пастки қаллаги винт 5 ёрдамида игнаюритгич 3 маҳкамланган поволок 6 нинг бармоғига кийдирилган. Поводок 6 бармоғининг ўнг томонига — машина корпусига винтлар маҳкамланган йўналтиргич 33 нинг пазига қўйилган ползун 12 кийдирилган. Игнаюритгич 3 машина корпусига винт 11 ёрдамида маҳкамланган иккита втулка 8, 4 ичида ҳаракатланади.

Игнаюритгичнинг пастки томонига симдан ясалган йўналтиргич 2 маҳкамланган. Игнаюритгичга қисқа



48-расм. 1022-М русумли тикув машинасининг игна ва йўналтиргич механизмлари: а — конструктив ва б — текисликдаги структуравий схемалари.

ариқчаси тикувчидан ўнг. томонга қаратиб ўрнатилган игна 1 винт 35 ёрдамида маҳкамланган (моки бахяли машиналарда қисқа ариқча моки учига қараб туриши лозим).

Асосий вал 23, кривошип 29 ва унинг бармоғи 14 айланганда айланма ҳаракат шатун 7 ёрдамида игнаюритгич 3 билан игна 1 нинг илгариланма ҳаракатига айланади.

Игна 1 ни ўрнатишдан олдин маховик филдирак 26 ни айлантриб, игнаюритгич 3 энг юқори ҳолатга кўтарилади. Винт 35 ни бушатиб игна 1 нинг колбасини игнатуггичга охиригача тақаб киритилади, қисқа ариқчасини моки учи томонга қаратиб игна винт 35 билан маҳкамланган.

Игна 1 нинг моки учига нисбатан баландлиги винт 5 ни бушатгандан кейин игнаюритгич 3 ни вертикал суриб ростланади. Бунинг учун игна 1 ни, найчатутгич пази 16 нинг тагидан игна кўзининг ярми кўриниб турадиган қилиб энг пастки ҳолатга тушириб қўйилади.

Ипторггич механизми. Машинада шарнир-стерженли ипторггич ишлатилади. Кривошип 29 бармоғи 14 нинг (48-расм) ички елкасига ипторггич ричағи 19 кийдирилган, ричағнинг пастки тешигига эса подшипник 15 қўйилган. Ричағ 19 нинг ўрта тешигига звено 18 нинг бармоғи кийдирилган, унинг орқа каллаги винт 17 билан машина корпусига маҳкамланган шарнирли бармоқ 16 га кийдирилган. Ричағ 19 нинг қулоқчаси 20 машина ўйиғидан чиқиб туради ва унга ип тақилади.

Моки механизми. Машинада марказий найчали бир текис айланадиган моки ишлатилади.


Асосий вал 1 га (49-расм) иккита винт 2 ёрдамида тишли барабан 3 маҳкамланган; тақсимлаш вали 18 га иккита винт 16 ёрдамида тишли остки барабан 15 маҳкамланган. Бу барабанларга пластмассадан ясалган тишли тасма 5 кийдирилган. Тасма 5 ни ўқ бўйлаб силжиши барабанни ҳалқали ариқчасига қўйилган пружинали ўрнатиш ҳалқалари 4 ёрдамида бартараф этилади. Тақсимлаш вали 18 шарикли подшипник 17 ва иккита втулка 19,73 да айланади. Тақсимлаш вали 18 нинг ўқ бўйлаб силжиши ўрнатиш ҳалқаси 20 ёрдамида бартараф этилади. Тақсимлаш вали 18 га иккита винт 69 ёрдамида қия тишли филдирак 21 маҳкамланган, бу филдирак моки вали билан бирга тайёрланган филдирак 22 билан илашади ($i=1:2$). Моки вали

Машина корпусига винт 31 билан маҳкамланган втулка 30 да айланади. Моки валининг чап учига иккита винт 33 ёрдамида моки 34 маҳкамланган.


Маховик гилдирак айлантирилганда, моки 34 соат мили шракатида қўриши айланади. Мокининг учи игнага ўз вақтида отиб келиши учун винтлар 33 ни бўшатиб, моки 34 ни буриб турланади. Бунда игна энг пастки ҳолатдан 1,6 – 1,9 мм ютарилганда моки учининг пастки чети игна кўзининг пастки четидан 0,9; 1,1 мм юқорида туришига эришиш лозим.

Моки учи 34 билан игнанинг орасидаги масофа 0,1 – 0,3 мм бўлиши учун винт 31 ни бўшатиб, втулка 30 ни ўқ йўлаб силжитиб ростланади.


Мокининг автоматик мойланиши. Мокининг ва газлама бурини механизми бир қанча бирикмаларининг автоматик мойланиб туриши учун машина платформаси тагида махсус мой қартери жойланган. Картерни машина платформаси қуйма буртиқларига тўртта винт 24 ёрдамида маҳкамланган машина қопқоғи 19 ҳосил қилиб туради (50-расм). Мой оқиб кетмаслиги учун қопқоқ 19 билан платформа қуйма буртиқларининг орасига қистирма 25 қўйилган. Платформа қуйма буртиқларига винт 23 ёрдамида втулка 5 маҳкамланган, платформа йўналмасига эса винт 11 ёрдамида пилик 18 ни тутиб турадиган пластина 12 маҳкамланган. Мой пилик 18 оқидан моки вали 13 нинг конус қисмига ва қисман радиал тешик 10 орқали канал 4 нинг ўқиға келиб тушади. Мойнинг қўйилган қисми мой ҳайдовчи резьба 9 орқали чапга йўналиб, моки вали 13 билан втулка 5 нинг тутатиш жойларини мойлайди. Мой ҳайдовчи резьба 9 орқали мой моки вали 13 нинг ўрта ўйиқчасига тушади ва радиал канал 7 бўйлаб моки валининг ичига ўғиб, каналлар 4, 3 орқали моки пази 1 билан найчатугич белбоғининг туташ жойлари мойланади. Мой ҳайдовчи резьба 6 га мой тушиб, моки вали 13 нинг ўрта ўйиқчасидан заррачалари канал 8 га отилиб чиқади ва тешик 22 орқали паз 20 дан қопқоқ 19 нинг қартерига қайтиб келади. Моки вали 13 нинг конуссимон юзасида мой зарраларини тутиб турадиган мой сидириш пластиналари 16 винт 17 ёрдамида втулка 5 нинг йўналмасига маҳкамланади. Моки вали 13 билан биргаликда тайёрланган тишли гилдирак 14 патта тишли гилдирак қартеригаги мойға ботиши натижасида мойланади.



49-рaсм. 1022-М русумли тикув машинаси моки ва материални суриш механизлари:
а — конструктив схемаси.



49-рaсм. Мокини автоматик мойлаш системаси.



49-рaсм. 1022-М русумли тикув машинаси моки ва материални суриш механизлари: б — структуравий схемаси.

Материалларни суриш механизми. Бу механизм рейкани вертикал, горизонтал суриш узелларидан, бахяростлагичдан ва тепки узелларидан иборат.

Рейкани вертикал суриш узели. Тақсимлаш вали 18 га иккита винт 71 ёрдамида қўшалоқ эксцентрик маҳкамланган, унинг унги қисмига — кўтариш эксцентрига шатун 23 нинг (49-расм) орқа каллаги кийдирилиб, бу каллакнинг тешигига игнали подшилник 70 қўйилган. Шатун 23 нинг олд каллаги винт 26 ёрдамида коромисло 24 тешигига қўйилган ўқ 27 га маҳкамланган. Коромисло 24 кўтариш вали 32 га винт 25 ёрдамида маҳкамланган, бу вални втулкалар 28, 37 тутиб туради, кўтариш вали 32 нинг ўқ бўйлаб силжиши ўрнатиш ҳалқаси 29 ёрдамида бартараф этилади. Кўтариш вали 32 га винт 35 ёрдамида коромисло 36 маҳкамланган, бу коромисло звено 38 орқали материалларни суриш механизмининг ричаги 39 билан бириктирилган. Бу ричагга иккита винт 41 ёрдамида рейка 40 маҳкамланган. Агар кўтариш эксцентриги шатун 23 тикувчидан олдинга томон ҳаракатланса, бунда коромислолар 24, 36 билан кўтариш вали 32 соат мили ҳаракати йўналишига бурилиб, звено 38 рейка 40 ни кўтиради.

Рейкани горизонтал суриш узели. Суриш механизмининг чап эксцентригига шатун 72 нинг олд каллаги кийдирилиб, унинг тешигига игнали подшилник ўрнатилган. Шатун 72 нинг орқа каллаги рамка 57 га иккита винт 59 ёрдамида маҳкамланган ўққа кийдирилган. Звено 56 билан коромисло 61 даги тешикларга киритиб қўйилган ўқ 58 рамка 57 нинг таянч нуқтаси вазифасини ўтайди. Рамка 57 нинг ўқига орқа шатун 55 нинг каллаги кийдирилган, устки каллаги эса ўқ 52 га кийдирилиб, винт 53 билан маҳкамланган. Ўқ 52 винт 51 ёрдамида суриш механизми 47 нинг валига маҳкамланган коромисло 50 нинг тешигига ўрнатилган. Бу вални иккита втулка 44, 49 тутиб туради, уни ўқ бўйлаб силжитиш ўрнатиш ҳалқаси 48 ёрдамида бартараф этилади. Коромисло 43 винт 42 ёрдамида вал 47 га маҳкамланган, коромисло 43 нинг тешигига материал суриш механизмининг ричаги 39 кийдирилган ўқ 45 ўрнатилади. Ўқ 45 коромисло 43 га винт 46 ёрдамида маҳкамланган.

Тепки узели. Тепкини кўтариш ва тушириш учун машинада қўлда ҳамда оёқда ҳаракатлантириладиган иккита қурилма ишлатилади.

Тикувчининг бармоқларини игна кириб кетишдан асраш учун симдан ясалган сақлагичи 24 бор шарнирли тепки 1 нинг 2 ёрдамида стержень 3 га маҳкамланади (51-расм). Стержень 3 втулка 4 да ҳаракатланади, бу втулка кронштейн 25 га бемалол кийдирилган, унинг бармоғи 8 эса машинанинг олд қисмидаги пазга киритилган. Стержень 3 га винт 28 ёрдамида пружинатутгич 29 маҳкамланган бўлиб, унинг бармоғи 9 машинанинг олд қисмидаги пазга киритиб қўйилган, бу эса тепки 1 билан стержень 3 ни ўз ўқлари втрофида айланиб кетишдан сақлайди. Тепкини қўлда кўтарадиган ричаг 5 га ўқ 6 кийдирилган, кронштейн 25 нинг бармоғи 8 ричаг 5 нинг қулачокли юзаси билан туташган. Ростлагич винт 13 стерженига кийдирилган пружина 30 пружинатутгич 29 га тиралиб туради. Пружинатутгич 29 га винт 26 ёрдамида ипйўналтирувчи бурчаклик 27 маҳкамланган.


Тепкини оёқ билан кўтариш учун тикувчи чап педални босади. Тортқи ва иш столининг ўқи ишлаб турадиган ричаг орқали тортқи 20 кўтарилиб, ричаг 14 ни соат милига қарши йуналишида буради. Звено 10 кўтарилиб, кронштейн 25 ва пружинатутгич 29 орқали тепкини кўтаради. Педалга босиш тўхтатилганда, пружина 30 тепкини пастга туширади, пружина 21 эса звеноларни илгариги ҳолатига қайтаради. Ричаг 14 нинг бурилиш бурчагини винт 15 чеклаб туради.

Тепкининг материалга босими винт 13 ёрдамида ростланади: уни бураб киритилса, тепкига бўлган босим ошади.

Тепки 1 нинг игна пластинасига нисбатан юқори кўтарилишини винт 28 ни бўшатгандан кейин пружинатутгич 29 ни вертикал суриб ростланади. Пружинатутгични пастга туширилса, тепки баландроқ кўтарилади. Тепки тешигининг игна ҳаракат чизигига нисбатан ҳолатини винт 28 ни бўшатгандан кейин стержень 3 ни буриб ростланади.

3.6. «JUKI» (Япония) фирмасининг LH -1162 -S-5-4B русумли икки игнали тикув машинаси

Бу машина костюмбоп ва пальтобоп материаллардан тикиладиган тикувчилик буюмлари деталларини икки игли параллел моки баҳяқатор юритиб тикишга мўлжалланган.



51-расм. 1022-М русумли тикув машинани теппи узели:
 а – конструктив; б – структуравий схемаси.

Асосий валининг айланиш частотаси 1000 айл/мин гача, баҳясининг йириклиги 0 дан 6 мм гача, параллел баҳяқаторлар оралиғи 3,2 мм.


Бу машина илгариланма-қайтма ҳаракатланувчан игналар, вертикал жойлашган мокилар, газламани тишли рейка ёрдамида суриш ва иптортги механизмларидан тузилган. Машинанинг устки қисмига технологик жараёнларни ва механизмлар ишини назорат қилувчи ҳамда ўтказувчи электрон бошқарув системаси ўрнатилган (52-расм). Электрон бошқарув системаси қўлланилиш натижасида баҳяқатор сифатли бажарилишини ва механизмларни автоматик мойлаш қўрилмасининг ишини доимий назорат қилиш имкони яратилган.

Бош валдан моки валига ҳаракат тишли тасмали узатма

орқаци узатилади. Унга плунжер насосли автоматлаштирилган мойлаш системаси ўрнатилган.

Бу машинада иккита педаль бўлиб, махсус иш столига ўрнатилган педаль 2 машина асосий валининг айланиш частотасини созлашга, педаль 3 эса тепкини оёқ ёрдамида қўтаришга хизмат қилади. Ишлаш қулай бўлиши учун иккала педалининг баландлиги ҳам уларни штанга 4 билан биргаликда пергикал суриб ростланади. Бунинг учун йиғма тортқининг болтлари 5 бўшатилади ва иш столи 6 таянчлари 7 даги тегишли тешиклар ичига сурилади. Тикишни бошлашдан олдин машинани ишга тушириш тугмачаси 8 босилади.

Машинада устки ва остки иплар таранглигини ўлгартирувчи ва назорат қилувчи қурилмалар ўрнатилган



52-расм. LH-1162-S-5-4B русумли тикув машинасининг умумий кўриниши.

бўлиб, унда чарм маҳсулотларини ва қалин материалларни ҳам тикиш имкони яратилган.


Ип тақиш. Устки ип бобина ёки ғалтақдан муайян изчилликда чап игна 9 га (53-расм) тақилади. Олдин ипни найчасимон ипйўналтиргичнинг тешигидан ўтказилиб, таранглаш ростлагичи 2 нинг шайбалар ҳамда асосий таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантириб, иптортиш пружинаси тагидан олиб ўтилади, пастдан юқорига пластинасимон ипйўналтиргич тагига, ўнгдан чапга иптортигич 4 нинг юқори қулоқчасига ва юқоридан пастга пластинаси ипйўналтиргич 5 дан ўтказилади. Сўнгра иккинчи пластинасимон ипйўналтиргич 6 тагидан ўтказиб, юқоридан пастга игнатугтич 7 даги ипйўналтириш тешигига ва ўнгдан чапга игна кўзи 9 дан ўтказиб тақилади.

Устки ипни ўнг томондаги игна 8 га тақиш учун ипни ғалтақдан найчасимон ипйўналтиргичнинг тешигидан ўтказилиб, таранглаш ростлагичи 2 нинг шайбалари ҳамда асосий таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантириб, иптортиш пружинаси тагига олиб келинади, пастдан юқорига пластинасимон ипйўналтиргич 5 нинг тагидан ўтказилиб, ўнгдан чапга иптортигич 4 нинг остки тешигига, юқоридан пастга пластинасимон ипйўналтиргич 6 нинг тагидан ўтказилади ва юқоридан пастга игна 8 нинг кўзига тақилади.


Остки ип машинадаги махсус қурилма ёрдамида найчага ўралгандан сўнг, игна пластинаси чиқариб олинади ва вертикал жойлашган моки қурилмаси 1 га (54-расм) ўрнатилади.

Остки ипларнинг иккаласи ҳам бир хилда тақилади. Шу сабабли фақат ўнг томондаги моки қурилмасига ип тақилишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун пластинасимон пружинани ўнг қўл билан босиб туриб, чап қўл ёрдамида пластинани ўнг томонга суриб қўйилади.

Илгаги очиб бўш моки олинади. Сўнгра найчатугтич марказий шпилкасига тўла найча кийдирилади. Ипни найчадан юқоридан пастга найчатугтичнинг ўйиғига ва пластинасимон пружина тагидан ўтказиб, унинг кесимидан ташқарига чиқариб қўйилади. Остки ип таранглиги винг ёрдамида пластинасимон пружинанинг босимини ўзгартириб созланади.



53-расм. Устки ипни тақиш.



54-расм. LH-1162-S-5-4В русумли тикув машинасида моки ва четлатгичлар жойлашиши.

Мокининг ён тарафига остки ипни кенгайтирувчи четлатгич 2 ўрнатилган бўлиб, у ёйсимон ҳаракатни моки валидаги эксцентрикли механизмдан олади.

Машинада турли ишларни бажариш учун махсус мосламалар ўрнатиб деталларга ишлов бериш имкони яратилган.


Созланишлари. Игнанинг баландликка ҳолатини ростлаш учун баҳя йириклиги «0» га қўйилиб, игна энг остки (55-расм, а) ҳолатига келтирилади, сўнгра винтлар 1 ва 2 бўшатилиб, игнатутгич остки қиррасидан игна пластинаси 3 сағҳигача $16,7+0,3$ мм масофага қўйилади ва винтлар қотирилади. Бунда игнаюритгич 4 ва тепки стержени 5 орасидаги масофа $14,8+0,1$ мм бўлиши керак. Игна остки ҳолатидан 2,2 мм га кўтарилганда моки учи игна учидан 1,2 мм баландда жойлашиши керак. Моки ва игна орасидаги масофа (55-расм, б) винтлар 1 ва 2 бўшатилиб, мокини ҳаракат узатиш вали 3 га нисбатан силжитиб ростланади.

Найча қопқоғи 1 (55-расм, в) ва игна пластинаси 2 орасидаги $0,8-1,0$ мм масофани ўрнатиш учун игна юқориги ҳолатига келтирилади, сўнгра игна пластинаси 2 ва тишли рейка олинади, моки валидаги ўрнатиш винти бўшатилиб, моки втулкаси силжитилиб керакли ҳолатга келтирилади ва винт қотирилади.

Тишли рейканинг игна пластинаси ариқчаларига нисбатан ҳолати (55-расм, г) суриш вали 1 га винт 2 ёрдамида маҳкамланган коромисло 3 ни силжитиб созланади. Бунинг учун винт 2 бўшатилиб, коромисло 3 суриш кулисаси 4 га ўрнатилган тишли рейка 5 билан биргаликда сурилиб керакли ҳолатга келтирилади ва винт 2 қотирилади.

Баҳя йириклиги ва ортга тикиш материални суриш механизми билан боғланган қурилма ёрдамида амалга оширилади. Ортга тикишга ўтказиш ричаги 1 (55-расм, д), втулка 2 ўрнатилган бўлиб, унга винт 3 ёрдамида ростлаш ричаги 4 ўрнатилган. Ростлаш ричаги 4 нинг иккинчи тарафи иккита винтлар 5 билан тортқи 6 га маҳкамланган.

Созловчи тортқиси 6 нинг чап томонини пружина 7 тортиб туради. Баҳяқатор сифатини текшириш учун баҳя йириклиги «3» га қўйилиб, олдинга ва ортга тикилади. Олдинга ва ортга тикилганда баҳялар йириклиги орасидаги фарқ 0,2 мм дан ошмаслиги керак. Агар фарқ 0,2 мм дан ортиқ бўлса, винтлар 5 бўшатилиб, ростловчи тортқи соат милига қарши йўналишда буралади ва винтлар қотирилади.




55-расм. «JUKI» (Япония) фирмасининг LH-1162-S-5-4B
 русумли икки игнали тикув машинаси ишчи органларининг
 ростланишлари.

3.7. «ADLER» (Германия) фирмасининг 221-76-FA-RAP73 русумли тикув машинаси

«ADLER» фирмасида ишлаб чиқариладиган бу машина оғир материалларни, яъни (тери, пахта, гилам материаллари) битта моки бахяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 1200 айл/мин гача, бахясининг йириклиги 0 дан 3 мм гача ростланади, машинанинг қулочи 760 мм. Бахя йириклиги 10 мм. Бахя йириклиги 2,5 мм бўлганда устки газламанинг солқилигини чок узунлигининг 25 фоизига етказса бўлади.

Машина ишчи қулочининг кенгайтирилганлиги катта ҳажмдаги буюмларни тикиш имконини беради. Катта сирғимли найча қўлланилганлиги меҳнат унумдорлигини оширади. Материал қалинлигига қараб қўзғалувчан тепки баланглигини ўзгартириш мумкин. Тепки кутарилиш махсус пневматик қурилма ёрдамида амалга оширилади. Жуда оғир материалларни тикишда тишли рейка ҳаракатлантирувчи роликлар билан алмаштирилади (56-расм).

Устки ипни тақиш учун ипни галтақдан чиқариб, скоба 1 нинг ипйўналтиргич тешигидан қўшимча таранглагич 2 нинг ва асосий таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари ҳамда пастга юстлагич 4 нинг шайбалари орасидан ўтказилиб, иптоштиш пружинаси 5 тагидан олиб ўтилади. Сўнг ипни пастда юқорига ипйўналтириш пластинаси 6 нинг тагига ўтказилади, ундан чапга сақлаш скобаси билан




56-расм. «ADLER» фирмасининг 221-76-FA-RAP73 русумли тикув машинаси.

бекилган импортчи 7 нинг қулоғига киритилади, юқоридан
пастга йўналтириш пластинаси 8 нинг тагидан ўтказилиб,
иқкинчи ийўналтириш пластинаси 9 нинг тагидан,
игнатугичнинг тешигидан ўтказилади ва чапдан ўнгга игна
10 нинг қузига тақилади.

3.8. «PFAFF» (Германия) фирмасининг 45-909-0045-001/001 русумли тикув машинаси

«PFAFF» фирмаси ишлаб чиқарадиган 45-909-0045-001/
001 русумли тикув машинаси қалин материалларга ишлов
беришда, эркаклар шими ва костюмларини икки ипли моки
баҳиқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Машина асосий
паддиниинг айланиш частотаси 2500 айл/мин. Баҳясининг
дириклигини нолдан 5 мм гача ўзгартириш мумкин. Тепки
кутарилиш баландлиги 9 мм. DPX35 134-35 системасининг
№ 110-140 рақамли игналари қўланилади. Игнаниннг ҳаракат
нуғли 33 мм. Машинаниннг массаси 46 кг. Габарит ўлчамлари
50x72x42. Тикилаётган материалда солқи ҳосил бўлмаслиги
ўчун машинада платформага нисбатан вертикал ва
горизонтал ҳаракатланувчан игнали механизм ишлатилган.



57-расм. «PFAFF» (Германия) фирмасининг
45-909-0045-001/001 русумли тикув машинаси.

Остки материал солқиси материалларнинг рейка ва игна билан бир вақтда сурилиши натижасида камаяди. Игна материал сурилаётган пайтда машина платформасининг кўндалангига орқага томон қайтади ва рейка пастга тушаётганда материалдан чиқади. Мокиси айланадиган марказий найчали бўлиб, четлагичи ҳам бор. Ипторггич шарнир — стерженли бўлиб, игнага устки ипни узатиш ва бахяни таранглаш учун хизмат қилади. Рейка типидаги газламани суриш механизми қўлланилган. Найчага ип ўрайдиган ўрагич машина танасига ўрнатилган.

Машинадаги игна, ипторггич ва материални суриш механизмлари тузилишлари жиҳатидан 1022-М тикув машинаси механизмларига ўхшаш. Мокиси эса платформага нисбатан вертикал жойлашган бўлиб, у ҳаракатни тақсимлаш валидан тишли узатмалар орқали олади. Моки учининг узайтирилганлиги бахянинг тортилмасдан ҳосил бўлишини таъминлайди.

Ғалтақдан чиқарилган (57-расм) ип найча ипйўналтиргич стержени 1 нинг тешигидан ўтказилади, юқоридан пастга эса ипйўналтиргич 2 нинг тешикларидан ўтказилиб, соат мили ҳаракати йўналишида таранглик ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантирилиб олинади. Ип соат мили ҳаракати йўналишида асосий таранглаш қурилмаси 4 шайбасининг ариқчасига киритилади, ўнгдан чапга ипторггич пружинасининг ортига ўтказиб, яна ўнгдан чап томонга ипторггич 5 нинг қулоғига киритилади, кейин ипйўналтиргич 6 нинг тагига олиб ўтилади ва игнаюритгич 7 нинг ипйўналтиргич тешигига киритиб, тикувчидан нарига томон игна 8 нинг кўзига тақилади.

Найчага ипни ўраш учун ип ғалтақдан бўшатилиб, ипйўналтиргич тешигидан ўтказилиб, ўрагич 9 нинг шпинделига кийдирилган найча ип бир неча марта ўралади, қурилма ишга туширилади. Найчага ип тўлиқ ўраб бўлингандан сўнг ўрагич автоматик тўхтади. Ипга тўлдирилган найча вертикал жойлашган моки қурилмасига ўрнатилади.

Бахя йириклиги даста 10 ни шкалага нисбатан тушириб, кўтариб ростланади. Агар даста 10 кўтарилса, бахя йириклашади. Бахяқаторни пухталаш учун даста 10 босилади.


3.9. Синиқ бахяқаторлар ҳосил қилиб тикувчи машиналар

Синиқ бахяқаторлар ҳосил бўлиш хусусиятлари

58-расм, а да тасвирланган синиқ бахяқатордан тикувчилик саноатида кенг фойдаланилади. Бундай бахяқатор моки бахя машиналарда ҳам, занжирсимон бахя машиналарда ҳам юритилиши мумкин. Синиқ бахяқатор қавиш ва букиб тикиш ишларида, тўрларни, қоплама безакларни улашда, деталларни тугаштириб тикишда, безак гули такрорланиб турадиган энг оддий кашта бахяқаторлар юритишда, ҳалқаларни йўрмашда ишлатилади.

Синиқ моки бахяқатор юритишда игна вертикал ҳаракатдан ташқари бахяқаторнинг кўндалангига (платформанинг узунасига) ҳам ҳаракатланади, шунинг учун моки шундай бурилган бўладики, унинг айланиш текислиги игнанинг оғиш текислигига параллель бўлади.

Синиқ моки бахяқатор қуйидагича ҳосил бўлади: игна чапки тешик 1 ни тешади ва энг пастки ҳолатдан кўтарилаётганда устки ипдан ҳалқа ҳосил қилади, бу ҳалқани мокининг учи илиб олиб, найча атрофидан айлантриб ўтади; кейин игна материалдан чиқиб, бахяқаторнинг кўндалангига оғади (рейка бу пайтда материални бир бахяқатор кенглигича суради) ва иккинчи тешик 2 ни тешади. Кейин жараён такрорланади.



58-расм. Синиқ бахяқаторнинг турлари.

Безак ишларини бажаришда деталларни бир-бирига жуда пишиқ қилиб улаш учун кўп санчиқли синиқ моки бахяқатор юритилади. Бу бахяқаторлар бир игнали ва икки игнали машиналарда бажарилади. Бундай бахяқаторлар 58-


расм. б да тасвирланган. Бу расмларда кўринишича (уларга чапдан ўнгга томон қаралса), кўп санчиқли баҳяқаторлар учта, олўита, ўн иккита ва иккита кетма-кет такрорланган баҳялардан иборат бўлади.

Икки чизиқли синиқ баҳяқатор юритиш учун битта моки билан ишлайдиган иккита игна махсус игнатутгичга ўрнатилади. Игналарни горизонтал ҳаракатга кофир гилдираги келтиради.

Синиқ баҳяқатор ҳосил қилиб тикиш машиналарида игна ва мокининг ўзаро ҳаракатини кўриб чиқамиз (59-расм). Кривошип 180° га бурилганда, игна ўзининг энг остки ҳолатини эгаллайди.

Игна остки ҳолатидан ΔZ , узунликка кўтарилганда, устки ипдан ҳалқа ҳосил қилади. Бу вақтда моки β_1 бурчакка бурилади. Ҳалқани илиб олиш даврида моки учи m нуқтадан — игна кўзидан C_1 масофада жойлашган бўлади. Игнанинг ўнг томонидан санчилишида моки бурилиш бурчаги $\beta_2 = \beta_1 + \eta$ га тенг бўлади. Игна ипи ҳалқасини илиб олиш вақтида моки учи h нуқтада жойлашади (59-расм).

Игнанинг ΔZ , кўтарилиш баландлиги ΔZ_1 га қараганда кичик, масофа эса $C_2 < C_1$ бўлади. Бундан маълумки,



59-расм. Игна ва мокининг ўзаро ҳаракат схемаси.

игнанинг тебраниш масофаси t_1 олиши билан игнанинг ўнг ҳолатида моки учининг ҳалқани илиб олиши имонланади. Буни бартараф этиш учун қуйидаги техник шартларни қўллаш мумкин:

1. Моки диаметрини катталаштириш билан η ва β_2 бурчакларни камайтиришга эришиш мумкин. Бироқ моки диаметрининг катталашши натижасида игна ипининг оғилиши ошади.

2. Мокининг нотекис ҳаракатини таъминлаш орқали мокининг иккинчи ҳолатидаги айланишини камайтириш мумкин. Бу усулни юқори тезликда ишлайдиган машиналарда қўллаб бўлмайди.

3. Моки уч O_1 ни силжитиш йўли билан моки учининг игна ипи ҳалқасини ўз вақтида илиб олишини таъминлаш мумкин.

59-расм, а дан кўришиб турибдики, O_2 нуқтадан ўтган PC радиус айланаси m ва n нуқталарда игна ўқини кесиб ўтади ҳамда C_1 ва C_2 орасидаги масофалар фарқи камаяди. Механизм типидagi игна механизмли машиналарда (59-расм, б) моки ўқи бош вал ўқи билан бир текисликда ётади. Игнанинг ўнг (I) ва чап (II) томондаги остки ҳолатида кривошип турли ҳолатларни эгаллайди.

Кривошип ҳаракатида ҳосил бўлган γ бурчак игна оғилишига боғлиқ бўлади. Кривошип ва моки айланиш ҳаракатлари турли бўлган ҳолатда, яъни AB_1 дан AB_2 ҳолатга ўтганда бош вал $\varphi=360^\circ-\gamma$ бурчакка бурилади.

Бу вақтда моки $2\varphi=720-2\gamma$ бурчакка бурилади.

Шундай қилиб, игнанинг ўнг тарафдан сәнчилишида мокининг ҳалқани илиб олиш бурчаги β_1 , чап сәнчилишида эса $\beta_2=2\gamma+\beta_1+\eta$ га тенг бўлади.

3.10. 1026 (Россия) русумли тикув машинаси

Россиядаги Подольск механика заводи ишлаб чиқарилган 1026 русумли тикув машинаси юпқа ва ўртача қалинликдаги материалларга ишлов беришда синиқ моки баҳяқатор юритиб қавиш, букиб тикиш ишларини бажаришга мўлжалланган. Машина асосий валининг айланиш частотаси 4500 айл/мин. Бахясининг йириклиги 0,5 дан 3 мм гача, баҳяқатор кенлигини 6 мм гача

ўзгартириш мумкин. Материалнинг тепки тагида қисилган ҳолатдаги максимал қалинлиги 4 мм.

Машинада кривошип-шатунли игна механизми бўлиб, игнаси машина платформасининг узунасига оға олади. Мокиси айланадиган марказий найчали бўлиб, четлаткичи ҳам бор. Импортгич шарнир-стерженли, рейка типидagi материалларни сурадиган механизм қўлланилган. Найчага ип ўрайдиган ўрагич машина танасига ўрнатилган.

Ипларни тақиш. Фалтакдан чиққан ип найча ипйўналтиргич 9 нинг тешигидан ўтказилади (60-расм), юқоридан пастга эса ипйўналтиргич 6 нинг тешиклари 20, 8, 7 дан ўтказилиб, соат мили ҳаракати йўналишида таранглик ростлагичи 21 нинг шайбалари 22 орасидан айлангириб олинади. Ип соат мили ҳаракати йўналишида шайба 23 нинг арқчасига киритилади, ўнгдан чапга импортгич пружина 24 нинг ортига ўтказилиб, яна ўнгдан чап томонга импортгич 5 нинг қулоғига киритилади, кейин ипйўналтиргич 25 нинг тагига олиб утилади, игнаюритгич 27 ни ипйўналтиргич тешигига киритиб, тикувчидан нарига томон игна 28 нинг кўзига тақилади.

Остки ипни ипйўналтиргич 14 нинг тешигига киритиб, таранглик ростлагичи шайбалари 13 орасидан айлангириб олиб, ўнгдан чапга найча ипйўналтиргич 12 нинг тўртта тешигидан биттасига тақилади. Сунг 852 русумли тикув машинасидагидек, ўрагич 11 нинг шпинделига кийдирилган найча ип ўралади.


Машинани ишлатиш. Игна 28 унинг узун ариқчасини тикувчи томонга қаратиб ўрнатилади ва винт 26 ёрдамида игнаюритгич 27 нинг тешигига маҳкамланади.

Найча қалпоғини найча билан бирга жойлаштириш учун маховик филдиракни буриб игна 28 юқорига кўтарилади, ричаг 4 ни эса соат мили ҳаракати йўналишида буриб, тепки 2 кўтарилади, сурилма пластина 3 ни чапга суриб, найчатутгич стерженига найча билан найча қалпоғи кийдирилади, уларни қулфча билан қулфлаб қўйилади. Тикувчи қулфчанинг зич қулфланганлигини ва остки ип унинг тагида қолмаганлигини текшириб кўриши керак. Машина асосий валининг айланиш частотаси ўнг педални босиб ўзгартирилади, чап педаль эса тепкини оёқ билан кўтаришга хизмат қилади.

Баҳя йириклиги гайка 18 ни бурагандан кейин даста 19 ни шкала 17 га нисбатан буриб ростланади. Даста 19 ни босишда баҳяқатор пухталанади. Материалларни тузукроқ тутиб суриш учун рейканинг тўртта олдинги палласи ва иккита пластинаси 1 нинг игна тешиги ортида жойлашган иккита палласи ишлатилади.

Баҳяқаторнинг кенглиги даста 15 ни босиб ва буриб ростланади. Агар даста 15 ни соат мили ҳаракати йўналишида бурилса, баҳяқатор кенгайди.

Машинада игна пластинаси 1 тешигининг марказига нисбатан баҳяқатор ҳолатини ўзгартириб ростлаш кўзда тутилган. Масалан, баҳяқаторни марказдан чапга суриш керак бўлса, даста 16 соат мили ҳаракати йўналишида бурилади.



60-расм. 1026 русумли тикув машинаси.

Тепки 2 нинг материалга бўлган босими 1022-М тикув машинасидагидек ростланади, лекин ростлаш учун қопқоқ 10 ни олиб қўйиш керак.

Битта мокида ишлайдиган иккита игна ёрдамида тикишни бажариш назарда тутилганлиги сабабли машинада иккита ипйўналтиргич иккита бўлади.

Машинада механизм деталларининг ҳамма туташма-ларини автоматик мойлаб турадиган система бор. Мой

машина платформаси тагида жойлашган картердан насос ёрдамида тақсимлагичга юборилади, тақсимлагичдан найчалар орқали машина платформаси тагидаги деталларнинг асосий мойланадиган жойларига, моки қурилмасига тушади.

3.11. «ДИОРКОР» фирмасининг 267-508SM4 синиқ бахяқатор ҳосил қилиб тикувчи машинаси

Бу машина эркаклар, аёллар ва болалар устки кийим деталларини синиқ бахяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Бахя узунлиги 4 мм. Синиқ бахяқаторнинг энини 6 мм га ўзгартириш мумкин. Асосий валининг айланишлар сони 5000 айл/мин.


Горизонтал ўрнатилган мокили, игнаси платформага нисбатан вертикал ва буйлама ҳаракатланувчи, материални сурадиган рейкали, илни автоматик қирқувчи механизмли машина. Моки қурилмасини мойлаш учун алоҳида система ўрнатилган. Максимал тезликда ҳам бахянинг таранглиниши аниқ таъминланади. Асосий валдан айланма ҳаракат тишли тасмали узатма орқали остки валга узатилади. Машинага қўшимча қурилма ва элементлар ўрнатилиб турли ишларни бажариш имкони бор.

Бахя йириклиги (61-расм) даста 1 ни босиб ростланади. Бахя кенглиги гайка 2 ни бўшатиб, ўзгартириш ричагини шкала 3 га нисбатан ўрнатиб ростланади. Даста 4 босилганда бахяқатор пухталанади. Устки ипни тақиш учун ипни ғалпақдан чиқариб ипйўналтиргич 5 тешикларидан ўтказиб, соат мили ҳаракати йўналишида таранглик ростлагичи 6 шайбалари 7 орасидан айлантириб олинади.

Сўнгра ип ўнгдан чашга иптортгич пружинаси ортига ўтказиб, яна ўнгдан чап томонга иптортгич 8 кўзига киритилади, кейин ипйўналтиргич 9 тешигидан олиб ўтилади ва игнаюртгич 10 тешигига киритиб, тикувчидан нарига томон игна 11 нинг кўзига тақилади.

Машинани ишга тушириш учун игна 11 нинг узун ариқчасини тикувчи томонга қаратиб ўрнатилади ва винг ёрдамида игнаюртгич 10 нинг тешигига маҳкамланади. Найчани моки қурилмасига жойлаштириш учун маховник гилдирагини бураб игна ва тепки 12 юқорига кўтарилади,

металла пластина 13 ни чапга суриб найчатуггич стерженига шийи кийдирилади. Машина асосий валининг айланишлар жини педални босиб ўзгартирилади.



61-расм. 265-15-20В русумли тикув машинаси ташқи кўриниши.


3.12. «МИНЕРВА» (Чехия) фирмасининг 335 русумли тикув машинаси

Бу машина синиқ моки баҳяқатор юритиб тикишга мўлжалланган бўлиб, икки вариантда ишлаб чиқарилади: 335-121 русумли тикув машинаси костюмбоп ва пальтобоп тамагалардан тикувчилик буюмлари тикишга ва 335-221 русумли тикув машинаси трикотаж ва енгил газламадан тикиладиган буюмларни тикишга мўлжалланган. Биринчи вариант машина асосий валининг айланиш частотаси 4000 айл/мин гача, иккинчи вариантники 4200 айл/мин гача, баҳяқаторнинг йириклиги 0 дан 5 мм гача ростланади, баҳяқаторнинг кенглиги биринчи вариантда 0 дан 10 мм гача, иккинчи вариантда 0 дан 6 мм гача ростланади.

Машинада кривошип-шатунли игна механизми, четлаткичи бор айланма моки, шарнир-стерженли интортгич, материалларни сурадиган рейка типигаги механизм, чокларни пухталаш қурилмаси бор. Бундан

ташқари, биринчи вариант машинада синиқ бахяқаторни игна пластинаси марказига нисбаган ўнгга ёки чапга суриш қурилмаси ҳам бор. Моки автоматик мойланади, моки вали мой картерининг ичида айланади.

Ип тақиш. Ип ўрами ёки ғалтақдан чиққан устки ип стержень 7 нинг (62-расм) тешигидан, ипйўналтириш бурчаклиги 6 нинг учта тешигидан бирин-кетин ўтказилади, устки ипни таранглаш ростлагичнинг шайбалари 14 орасидан айлангириб ўтиб, ип тортиш пружинаси 4 нинг ҳалқасига киритилади, ўнгдан юқорига қаратиб ипйўналтиргич 3 нинг ортига олиб ўтилади ва ўнгдан чапга иптортгич 5 нинг қулоғига тақилади. Кейин юқоридан пастга ипни сим ипйўналтиргич 13 дан, игнатутгич 2 нинг тешигидан ўтказиб, тикувчидан нарига томон игна 1 кузига тақилади.



62-расм. 335-121 русумли тикув машинаси ташқи куриниши.

Игна механизми иккита узелдан иборат: игнани вертикал ҳаракатлантириш узели ва горизонтал оғма ҳаракатлантириш узели.


Бош вал 3 (63-расм) думалаш подшипниклар 6, 15 ва втулка 14 ичида илгариланма-қайтма ҳаракатланади. Бош валининг чап учига қўшалоқ бармоқ ўрнатилган эксцентрик маҳкамланган. Бармоқнинг ташқи елкасига шатун 3 нинг устки қаллаги кийдирилган. Шатуннинг остки қаллаги поводок бармоғига кийдирилади. Поводок тортиш винти

бракетида игнаюритгич 42 га маҳкамланган шатун 3 нинг устки ва остки калбақларининг шарнирли боғланиши игнаюритгичнинг баёнаторга қўндаланг сурилишини таъминлайди.

Игнаюритгич 42 рамка 41 нинг иккита йўналтиргичи ва ползун 7 ўрнатилган йўналтиргич 1 да ҳаракатланади. Бу машинада 1022-М русумли тикув машинасидагидек криношип коромислоли иптортгич механизми қўлланилган.

Игна горизонтал оғма ҳаракати қуйидагича таъминланади. Игнаюритгич рамкаси 41 эксцентрисимон шпилька 40 орқали кулисаи шатун 27 билан шарнирли боғланган. У уз навбатида уч марказли кулачок 9 дан ҳаракатни олади.

Тишли гилдирак 8 бош валга нисбатан икки марта кам айланади. Кулиса-шатунъ 27 созлагич 11 ариқчасида ҳаракатланадиган ползун 10 билан шарнирли боғланган.



63-расм. 335-121 русумли тикув машинаси кинематик схемаси.

Ўқ 12 нинг олд учига ричаг 16 маҳкамланган булиб, у игнанинг силжиш масофасини ўзгартириш имконини беради. Моки 34 бош валдан тишли тасма 17 орқали айланма ҳаракатланади. Остки вал 22 нинг чап учига эксцентрик 28 ўрнатилган булиб, ундан найчаушлагич четлатгичи 33 буралма-қайтма ҳаракатини олади.

Материални суриш механизми қуйидагича тузилган: тишли рейка 38 бўйлама ҳаракатни остки вал 22 дан,

эксцентрик 29, шатунъ 30, коромисло 31, суриш вали 32 ва коромисло 39 лардан олади. Бахя қадами ростлагич 20 ариқчасига ўрнатилган бармоқ 19 ҳолатини ўзгартириб созланади. Бармоқ 19 ҳолатини вилка 18 аниқлайди. Вилка 18 коромисло 23, звено 25, тортгич 26 ва муфта 28 билан боғланган. Ричаг 21 материал сурилиш йўналишини ўзгартириш учун хизмат қилади. Материални вертикал суриш узели худди 1022-М тикув машинасидаги кабидир.

Асосий ростлашлар. Бахяқатор кенглиги даста 8 ни (62-расм) босиб ва уни даражаланган шкала 9 га нисбатан буриб ростланади. Агар даста 8 ни соат мили ҳаракати йўналишида бурилса, бахяқаторнинг кенглиги ошади.

Синиқ бахяқаторнинг игна пластинаси марказига нисбатан ҳолати даста 10 ни босиб, шу дастанинг ўзини даражаланган шкала 9 даги учта белги – P, S, L га нисбатан буриб ростланади. Биринчи белги синиқ бахяқаторнинг ўнг томондаги ҳолатига, иккинчи белги марказий ҳолатига, учинчиси эса чап томондаги ҳолатига мос келади.

Бахя йириклигини машина танасидаги белгига нисбатан даста 11 ни буриб ростланади. Агар даста 11 ни соат мили ҳаракати йўналишида бурилса, бахя йирикланади.

Бахяқаторни пухталашда даста 12 босилади. Қолган ҳамма ростлашлар бошқа тикув машиналаридагидек бажарилади.

Ҳозирги пайтда «MINERVA» фирмаси чиқарадиган 72524-105 русумли тикув машинаси ич кийим ва костюмбоп материалларга ишлов беришда синиқ моки бахяқатор юришиб, ҳам қавиб, ҳам букиб тикишга мўлжалланган. Машина асосий валининг айланиш частотаси 4400 ай/мин гача, бахясининг йириклиги 0 дан 4,5 мм гача ростланади, бахяқатор кенглиги 0 дан 10 мм гача, материалларнинг тепки тагида қисилган ҳолатдаги максимал қалинлиги 4 мм.

3.13. Машинада бажариладиган иш ўрнини ташкил қилиш ва машинада ишлаш усуллари


Машинада бажариладиган иш ўрни иш столи 1 (64-расм) ва унинг қопқоғи ўйиғига ўрнатилган машина бош қисми

билан жиҳозланган. Иш столи 1 ни иккита таянч 2 ушлаб туради.

Таянч 2 ичида болтлар ёрдамида траверсалар 3 маҳкамланган бўлиб, уларга стол қопқоғи 1 маҳкамланган. Бундай бириктириш стол қопқоғи 1 ни вертикал йўналишда буриб ростлашга имкон беради. Стол қопқоғи 1 нинг устида ёриткич ўрнатилиши мумкин. Машинанинг бош қисми қопқоқ 4 ўйиғида ўрнатилган бўлиб, бу машина бош қисмини тикмайдиган ҳолатга ўтказиб тозалаш ва деталларни мойлаш имконини беради, бунда унинг бурлини бурчаги тирак 5 билан чекланган.

Стол 1 нинг устида ғалтак таянчи 6 маҳкамланган. Ип, отвертка ва бошқа нарсаларни сақлаш учун ўрнатилган қутрича 7 ни стол қопқоғи 1 тагининг ўнг томонидаги иккита йўналишга тутиб туради. Қопқоқ 1 нинг тагида тепкини қўтирадиган тизза ричаги 8 нинг вали иккита кронштейнда тебришиб туради. Кундаланг тўсиқ 9 да резина қопланган педаль 10 ни иккита кронштейн туғиб туради, бу педаль элчи торғи 11 ёрдамида қопқоқ 1 тагидаги электрюритмаси ричаги билан боғланган. Қопқоқ 1 нинг тагига ажраткич 12 ўрнатилган бўлиб, у тикув машинасининг электрюритгичини тўхтатишга хизмат қилади. Электрюритмасининг остида материал хусусиятига қараб тикиш тезлигини назорат қилувчи бошқарув мезанизми ўрнатилган. Таянч 2 нинг тагига иш столини изоляция қилиш учун резина қоплама 13 кийдирилган. Электрюритгичини нолинчи сим билан таъминланган электр манбаига улаб ерга туташтирилади. Машина бош қисми 4 нинг устига бошқарув нульги ўрнатилган.

Тикувчининг машина олдида тўғри ўтириши, иш усулларини ўзлаштириб олиши меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради. Тикувчининг гавдаси олдинга сал тиллашиб туриши керак. Тикилаётган буюм тикувчининг кўзидан 30–40 см нари туриши, тикувчининг тирсақлари эса стол қопқоғи 1 билан бир хил баландликда бўлиши керак. Стулнинг баландлигини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Одатда, утиргич баландлигини ростлаш мумкин бўлган бурама стуллар ишлатилади. Тикувчи машина бош қисмининг рўпарасида ўтириши, унинг иккала оёғи педаль 10 устида туриши лозим. Ўнг оёқ кафтини сал олдинроқ



64-расм. Машинада ишлаш учун иш урни.


қўйиш керак, бунда машинани асосан ўнг оёқда юргизиб, чап оёқда тўхтатилади. Зуриқиш ҳам икки оёққа бир хилда тақсимланиб, машинада ишлаш бирмунча осонлашади. Тикилаётганда тепкини қўғариш учун тизза ричаги 8 босилади, у ўнг оёқ тиззаси баландлигида бўлиши керак.

Иш бошлангандан олдин ишларнинг тўғри тақилганлигини текшириши, агар зарур бўлса, машинани мойлаш керак. Бунда машинанинг электржоритмаси ўчирилган бўлиши

керак. Тикаётган деталлар машина тепкисининг чап томонида бўлиши лозим.

Бахяқатор чок бошланишида ва охирида пухталанади. Чок бошланишидаги бахяқаторни пухталаш учун узунлиги 10–15 мм бахяқатор юритилади-да, орқага қайтариш ричаги 14 босилади, материал орқага қайтади ва худди олдинги бахяқатор чизиги устидан иккинчи бахяқатор юритилади. Бир-бирига нисбатан бурчак ҳосил қиладиган бахяқаторлар юритаётганда бахяқатор узилиб қолмаслигига ва иғнанинг биринчи бахяқатор юритаётгандаги охирги санчиги янги бахяқаторнинг биринчи санчиги бўлишига аҳамият бериш керак. Материаллар сурилиб кетмаслиги учун машинани ишга олганда пастки ҳолатдалигида тўхтатиб, сўнгра тепкини юқтариб, материални маълум бурчакка бурилади. Тепки тўширилиб, янги йўналишда бахяқатор юритилади.

Яримавтоматик тикув машиналарини ишлатишда баъзи ҳолатларда битта тикувчи иккита машинани бошқаришини таъминлаш учун иш ўрни ташкил қилинади (65-расм).



65-расм. Яримавтоматик тикув машиналарида иш ўрни.

Биринчи ярим автоматик тикув машинасида технологик жараён бажарилгунга қадар тикувчи иккинчи машинага маҳсулотни жойлаштиради. Тикувчининг ишлаши қулай бўлиши учун иш жойи қўшимча мослама ва қурилмалар билан жиҳозланади. Бундан ташқари маҳсулотни иш жойидан чиқариб олиш учун автоматик ва яримавтоматик механизмлар қўлланилади. Машиналар эса ипни автоматик қирқиш ва тепкини автоматик кўтариш механизмли бўлиши керак.


3.14. Тикувчилик машиналарини ишлатиш ва таъмирлашда техника хавфсизлиги

Тикув машиналари махсус ҳимояланган қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Ҳар бир тикув машинасига ишлаётганда игна тикувчи қўлига санчилмаслиги учун тепки 8 га (66-расм) ҳимоялагич элементи 7 ўрнатилган. Машина танасидан чиқиб турувчи импортгич 11 скоба 10 билан ёпиб туради. Электрюртгич 14, муфта ва тасмали узатма махсус тўсиқлар билан чегараланган бўлиши керак. Иш столи 6 нинг баландлиги таянч 5 га нисбатан созланиши мумкин. Таянч 5 нинг остига резинали эластик элемент 3 ўрнатилган бўлиши керак. Педаль 2 га резинали қоплама маҳкамланган. Машина танаси 13 периметри бўйлаб эластик элементга ўрнатилиши лозим. Иш столи болт 4 ёрдамида ерга уланган бўлиши керак. Машина танаси кўтарилганда уни сақлаб турувчи таянч 12 ўрнатилган.

Тугма қадаш яримавтоматик машиналарида тикувчига синган игна ёки тугмалар тегмаслигидан сақланиш учун махсус экран ўрнатилган бўлиши керак.

Йўрмаш-тикиш машиналарида чалиштиргичлар шчитлар билан чегараланган, игна механизми эса кожухлар билан ёпилган бўлиши керак.

Барча тикув машиналарида 9...36В кучланишли ёриткич 9 ўрнатилиши керак. Тикув машинасида ишлаётганда қуйидаги техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак. Машинани ишлатишдан олдин иш ўрнини йиғиштириш, юритиш тасмасининг тўсиқлари, игнани бармоқларни тешишдан сақловчи сақлагичлар, шчитлар борлигини текшириш керак. Иш вақтида қайчи ва ипларни юритиш тасмаси яқинига қўйиш ярамайди. Иш тугагандан



66-рисм. Тикув машинасининг иш столи билан биргаликдаги куриниши.

койин ҳамма асбобларни махсус қутичаларга солиб қўйиш керак.

Чилангарлик ва йиғиш ишларини бажариш пайтида тўғмирловчи чилангарлар ўткирлаш ва пармалаш шеттоҳларида ишлайдилар. машина ва ярим-автоматларнинг электр жиҳозлари, турли хил юк кўтариш механизмларидан фойдаланилади. Тикув машиналарида

таъмирлаш ишларини ўтказиш пайтида техника хавфсизлиги қоидалари бўйича қуйидаги талабларни бажариш керак:

- махсус кийимни тартибга келтирган ҳолда туғри кийиш, сочларни бош кийими остига йиғиштириш;
- иш жойидан ортиқча нарсаларни олиш;
- махсус қурилмалар, тўсиқлар, мосламалар, асбоблар созлигини текшириш;
- маҳаллий ёруғликни кўзни қамаштирмайдиган қилиб ва ишчи ўрнига яхши ёруғлик тушадиган қилиб мослаштириш;
- агар таъмирлаш доимий иш жойига ўтказиладиган бўлса, машинани энергия манбаларидан ўчириш;
- технологик карта ва технологик жараён билан танишиш;
- кучланиш 36В дан, хавфли жойларда эса 12В дан ошмаган кўчма электрёткичлардан фойдаланиш.

Тикув машиналарини таъмирлашда ва шу машиналарда ишлаётганда қуйидагилар ман этилади:

- деталларга винтни осилган ҳолатда бураш;
- машина ишлаб турган пайтда тозалаш ва мойлаш;
- иш ўрнида электрёткичларни алмаштириш;
- ишдан кейин электрёткичларни токка уланган ҳолда қолдириш ва ҳоказо.

Савол ва топшириқлар

1. Тикув машиналари вазифасига кўра қайси гуруҳларга бўлинади?
2. Тикув машиналарининг ишчи органларига нималар киради?
3. Битта моки бахяси учун сарф буладиган ипнинг узунлиги қандай топилади?
4. Сикиқ бахяқатор ҳосил қилинишда игна ва мокининг ўзаро ҳамкорликдаги ишини тушунтиринг.
5. Моки бахяқаторининг занжирсимон бахяқатордан фарқи нимада?
6. Моки бахяқаторнинг ҳосил булиш жараёнини тушунтиринг.
7. «ТЕКСТИМА» (Германия) машинасозлик бирлашмасининг 8332 русумли тикув машинаси қайси ишларни бажаришга мўлжалланган?
Унинг асосида қандай тикув машиналари яратилган?
8. 8332 русумли тикув машинасида остки ип найчага қандай ўралди?
9. 8332 русумли тикув машинасида игна механизмининг текисликдаги схемасини чизинг.

10. 1022-М (Белоруссия) русумли тикув машинасида устки ип игнага қандай тақилади? Устки ва остки ипларнинг таранглиги қандай соланади?

11. 1022-М русумли тикув машинасида моки учининг игнага уз вақтида етиб келиши, игна ва моки учи орасидаги масофа қандай ростланади?

12. Тепкининг материалга нисбатан босими ва игна ҳаракат чиниғи нисбатан ҳолати қандай ростланади?

13. «JUKI» (Япония) фирмасининг LH-1162-S-5-4B русумли тикув машинаси қайси ишларга мулжалланган. Унинг 8335 русумли тикув машинасидан фарқи нимада?

14. «JUKI» (Япония) фирмасининг LH-1162-S-5-4B русумли тикув машинаси моки механизмида қандай созланишлар бажарилади?

15. «PFAFF» фирмасининг 45-909-0045-001/001 русумли тикув машинаси қайси ишларга мулжалланган? Бу машинада устки ип игналарга қандай тақилади?

16. «ADLER» (Германия) фирмаси 221-76-FA2-RAP73 тикув машинасида устки ип қандай тақилади?

17. «JUKI» (Япония) фирмасининг LH-1162-S-5-4B икки игнали тикув машинасида тишли рейканинг игна пластинасига нисбатан ҳолати қандай ростланади?

18. Силиқ баҳя ҳосил қилиб тикувчи машиналар қайси ишларда қўлланилади?

19. Силиқ баҳя ҳосил қилинишида игна қандай ҳаракатланади?

20. 1026 русумли тикув машинасида баҳя йириклиги қандай соланади?

21. 335-121 русумли тикув машинаси қайси механизм ва узел-ларини тузилган?

22. 335-121 русумли тикув машинаси материални суриш механизмининг текисликдаги схемасини чизинг.

23. «DIORKOPP» фирмасининг 267-508 SM4 тикув машинасига устки ип қандай тақилади?

24. Тикув машиналарида ишлаш учун иш урни қандай ташкил қилинади?


25. Тикув машиналарини ишлатиш ва таъмирлашда қандай техника халқисизлиги қоидаларига риоя қилинади?

ЗАНЖИРСИМОН БАХЯЛИ ТИКУВ МАШИНАЛАРИ

4.1. Бир ипли занжирсимон бахянинг хусусиятлари

Бир ипли занжирсимон бахяқатор уст томондан пунктир, ост томондан эса занжир тарзида куринади (67-расм). Охирги бахядан ип учини чиқариб олиб, уни тортилса, бахяқатор осонгина очилади. Тикувчилик буюмларини тикишда бир ипли занжирсимон бахяқатор кўпинча деталларни вақгинча улашда (бостириб кўклаш ва зий кўклаш ишларини бажаришда), тугма қадаш ва тугма тиргагини ўрашда, ҳалқа йўрмашда, бичиқ деталларига талон тикишда, безак ишларида ва ҳоказода ишлатилади. Бош кийимлар тикишда бир ипли занжирсимон бахяқатор деталларни доимий улашда ишлатилаверади, чунки бош кийимларда ҳамма чоклар астар тагида бўлиб, бу уларнинг ечилиб кетишига йўл қўймайди.

Бир ипли занжирсимон бахяқатор моки бахяқатордан икки барабар эластикроқ ва чокнинг узунасига тортилишига чидамли бўлади. Бу машиналарнинг унумдорлиги анча юқори, конструкцияси содда, чунки уларда остки ип қайта ўралмайди, иптортгичи ва бахяни пухталаш қурилмаси йуқ.



67-расм. Бир ипли занжирсимон бахяқатор.

Бир ипли занжирсимон бахя ҳосил бўлиш жараёни.

Бахя ҳосил бўлиш жараёнида чалиштиргич 3 (68-расм), игна 2, рейка 4, тепки 1 ва игнаюритгичга маҳкамланган ипузатгич қатнашади.

Бахя ҳосил бўлиш жараёнини қуйидаги характерли босқичларга бўлиш мумкин:

игна 2 газламанни тешиб ўтади ва энг пастки чекка томонга тушади, кейин 2–2,5 мм кўтарилганда ипда ҳалқа ҳосил қилади, бу ҳалқани чалиштиргич 3 нинг учи илиб қиради (68-расм, а);

чалиштиргич 3 ҳалқани чўзиб узайтиради, игна 2 газламадан чиқади, тишли рейка 4 кўтарилади ва газламаларни бир баҳя бўйи суради (68-расм, б);

газламалар сурилишининг охирида ҳалқа оғиб, унга игна 2 кириши учун қулай ҳолатни эгаллайди, айна вақтда чалиштиргич 3 нинг қия юзаси 5 ҳалқанинг қисқа (чапдаги) бўлагини чалиштиргич 3 стерженига ўралиб кетмайдиган қилиб олдинга олиб ўтади (68-расм, в),

игна 2 яна газламадан тешиб ўтади ва энг пастки ҳолатдан 2–2,5 мм кўтарилганда иккинчи ҳалқа ҳосил қилиб, бу ҳалқага чалиштиргич 3 нинг учи киради (68-расм, г, д);

чалиштиргич 3 нинг иккинчи ҳалқаси биринчиси ичига киритилади; биринчи ҳалқа чалиштиргич 3 остидан сираниб чиқади (68-расм, е);

игна 2 газламадан чиққан заҳоти рейка 4 кўтарилади ва материални баҳя бўйига суради. Биринчи баҳя ҳосил қилишда игна 2, чалиштиргич 3, кенгаювчи иккинчи ҳалқа ва рейка 4 қатнашади (68-расм, з, ж).

Бу босқичлар бажарилгач, яна жараён такрорланади.

68-расм, к да бир ипни занжирсимон баҳя ҳосил бўлишида ипнинг таранглианиши схемаси кўрсатилган. Чалиштиргич ипнинг таранглигини қуйидаги формуладан топиш мумкин:

$$T_T = T_c e^{\mu \sum \alpha} + F_1$$


Бу ерда: T_c — игна олдинги ҳосил қилинган чок томонидан бериладиган таранглик;

μ — материал ва ип орасидаги ишқаланиш коэффициентни

$\alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3 + \alpha_4 + \alpha_5 + \alpha_6 = \sum \alpha_i$ га тенг бўлган ипнинг материалга нисбатан бурилиш бурчаклари;

F_1 — чалиштиргич жойлашган қисмидаги ипнинг ишқаланиш кучи.

Игна T_c томонидан ипнинг таранглиги қуйидагича берилади:



68-расм. Бир ипли занжирсимон баҳя ҳосил бўлиш жараёни.

$$T_u = \frac{T_T}{e^{\mu_2 \alpha_1}} - F_2$$

Бу ерда: μ_2 — чалиштиргич ва ип орасидаги ишқаланиш коэффициентини;

α_1 — чалиштиргич ипининг бурилиш бурчаги;

F_2 — чалиштиргичдаги ипнинг ишқаланиш кучи.

Агар:

$$\alpha_2 = \alpha_3 = \alpha_4 = \alpha_5 = \alpha_6 = \frac{\pi}{2}; \quad \alpha_1 = \alpha_5 = \pi; \quad \mu_1 = 0,3$$

деб ҳисобласак, у ҳолда қуйидагига эга бўламиз:

$$T_T = 18T_C, \quad T_u = 11T_C$$

Олинган натижалардан маълумки, баҳя тортилишида игна томондан бериладиган таранглик чалиштиргичдагига қараганда кичик бўлади. Материалларнинг бир-бирига нисбатан қисилиш кучи:

$$P = T_C + T_{C_3}$$

Бу ерда:

$$T_{C_3} = T_{C_2} e^{\mu_1 \alpha_1}$$


T_{C_2} формулага қўйилса:

$$P = T_C (1 + e^{2\mu_1 \pi})$$

га тенг бўлади. Занжирсимон бахяли тикув машиналари учун $P = (2 - 2,5)T_u$ га тенг бўлади.

Икки ипли занжирсимон бахяқаторнинг хусусиятлари.

Икки ипли занжирсимон бахяқатор (69-расм) устки томонда пунктир чизиқлардан, остки томонда эса учта ипдан ташкил топган занжирдан иборат бўлади. Бахяқатор остки томони қабариқ бўлиб чиққани учун чок қилинлашиброқ қолади.



69 расм Икки ипли занжирсимон бахя.

Икки ипли занжирсимон бахяқатор моки бахяқаторга нисбатан икки баробар эластикроқ бўлади. Икки ипли занжирсимон бахяқатор осонгина сўкилади.

Бунинг учун бахядан чалиштиргич ипи учини чиқариб олиб тортиш керак: устки ип алоҳида сўкилади. Устки ип бахяқатор ўртасида узилган булса, шу ип узилган жойда сўкилиш қийинлашиб қолади. Икки ипли занжирсимон бахяқаторга моки бахяқаторга нисбатан 2,1 баробар ортиқ ип кетади.


Юксак эластик чок ҳосил қилиш талаб қиладиган трикотаж материаллар ва эластик синтетик толали тўқималардан буюмлар тикиш зарур булгани учун тикувчилик саноатида икки ипли занжирсимон бахя машиналар тобора кўп ишлатилмоқда. Бундан ташқари моки бахя машиналарга нисбатан икки ипли занжирсимон бахя машиналар бир қанча афзалликларга эга.

Икки ипли занжирсимон бахя ҳосил бўлиш жараёни.

Бахя ҳосил қилишда игна, чалиштиргич, рейка, тепки, ипуштигич иштирок этади. Чалиштиргич икки марта бахяқатор кўтиблангига ва икки марта бахяқатор узунасига ҳаракатланиб, мураккаб фазовий ҳаракат қилади (70-расм, а).

Бахя ҳосил бўлиш жараёнини бир қанча босқичларга бўлиш мумкин.

Игна 1 (70-расм, б, 1) материалларни тешиб ўтиб, энг остки ҳолатга тушади, бу пайтда чалиштиргич 2 бахяқаторнинг кўндалангига ҳаракатланади.



70-расм. Икки илти занжирсимон бахянинг ҳосил булиши:
 а) чалиштиргич ҳаракаг траекторияси;
 б) бахянинг ҳосил булиши.

Игна I (70-расм, б, II) энг дастки ҳолатидан 2–2,5 мм кутарилиб, ҳалқа A_1 ни ҳосил қилади, бу ҳалқага чалиштиргич 2 ўз ҳалқаси B_1 ни олиб киради.

Игна I (70-расм, б, III) юқори кутарилади ва материалдан чиқади, ипузатгич баҳяга кетган ипни талтақдан чуватади, рейка 3 юқори кутарилади ва материалларни бир баҳя бўйи суради. Чалиштиргич 2 баҳяқаторнинг узунасига (тикувчи томон) ҳаракатланади.

Игна I (70-расм, б, IV) материални тешиб ўтади ва чалиштиргич 2 нинг ҳалқаси B_1 га киради, бу пайтда игна ҳалқаси A_1 ни оған ҳолатда тутиб турган чалиштиргич 2 баҳяқатор кўндалангига ҳаракатланади.

Игна I (70-расм, б, V) пастга тушишда давом этади, ипузатгич ип чиқариб беради, игна ҳалқаси A_1 қисқаради. Игна баҳяни таранглаштириб, олдинги ҳалқа ипини тортади. Остки ипузатгич остки ипни бўшатади, чалиштиргичнинг игнага илинган ҳалқаси A_1 материалга томон тортади.

Чалиштиргич 2 (70-расм, б, VI) баҳяқаторнинг узунасига (тикувчидан олдинга томон) ҳаракатланади, кейин баҳяқаторнинг кўндалангига ҳаракатланиб, энг остки ҳолатидан 2–2,5 мм кутарилган игна I ҳалқа A_2 га киради. Кейин жараён такрорланади.

4.2. «ОРША» (Белоруссия) фирмасининг 1622 русумли тикув машинаси

«ОРША» енгил машинасозлик фирмасининг 1622 русумли тикув машинаси уст кийим бичиғи деталларида икки ипдан солқи ҳалқали бир ипли занжирсимон чалишишдагидек битта нусхалама баҳяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Машина бош валининг айланиш частотаси 1000 айл/мин гача, бир томондаги солқи учлари оралиғи 6 мм дан 12 мм гача, солқининг узунлиги камида 4 мм. Материалларнинг тепки тағида қисилган ҳолатдаги максимал қалинлиги 5 мм. Электрюритгичининг қуввати 0,25 кВт. Игналар 0277 № 90, 100.

1622 русумли тикув машинаси устки кривошип ползунли игна, газламани суриш, рейкани горизонтал суриш узели билан кинематик боғланган иккинчи остки игна ва ҳалқаларни чўзадиган ҳамда игналарда тутиб турадиган


чалиштиргич механизмларидан тузилган. Игналар айна вақтда ипузатгич вазифасини ҳам бажаради.

Нусхалама бахяқатор ҳосил қилиш жараёни.

Нусхалама бахяқатор ҳосил қилиш жараёнида устки игна 1 (71-расм), устки чалиштиргич 2, остки игна 6, чалиштиргич 4, рейка 5 ва тепки 3 қатнашади.

Устки игна 1 пастга туша бориб, материалларни тешиб ўтади; остки игна 6 нинг ҳалқасини устки чалиштиргич 2 материаллардан юқорида тутиб туради. Рейка 5 салт юриб тикувчи томонга сурилади. Устки игна 1 энг пастки чекка ҳолатга тушиб, кейин 2–2,5 мм юқори кўтарилиб, ҳалқа ҳосил қилади, унга остки чалиштиргич 4 кириб, ҳалқани тутиб туради. Устки игна 1 материалдан чиқади, устки чалиштиргич 2 остки игна 6 нинг ҳалқасидан чиқади.

Остки игна 6 юқорига кўтарилади, материални тешиб ўтади, бунда остки игна тешган жой устки игна 1 тешган жойдан тахминан ярим бахя бўйи берироқ бўлади. Айна вақтда рейка 5 юқори кўтарилиб, материалларни бир бахя бўйи суради. Рейка билан бирга остки игна 6 ҳам тикувчидан олдинга томон сурилади. Игна 6 энг юқори чекка ҳолатга



71-расм. Нусхалама бахяқатор ҳосил булиши.

ётиб, кейин 2–2,5 мм пастга тушади ва остки ипдан ҳалқа
сўриб қилади, бу ҳалқани устки чалиштиргич 2 илиб олади.
Материалларни суриш охирида остки чалиштиргич 4 устки
ипга 1 ҳалқасидан чиқади. Кейин жараён такрорланади.

Остки ипни тақиш. Остки ипни тақиш учун ғалтак таглик
ёнинг (72-расм) стержени 7 га ўрнатилиб, ипни таранглаш
роликни шайбалари 1 орасидан айлантириб ўтказилади-
ла, чапдан юқори томонга ипйўналтиргич тешик 6 га
тақилади. Маховик гилдиракни буриб, остки игна ричаги 2
пастга туширилади, ипни пастдан юқорига сим
иўналтиргич 5 қулоғидан, ипйўналтиргич тешиги 3 дан
ўтказилади ва чапдан ўнгга томон игна 4 кўзига тақилади.


Иппар тақилгандан кейин устки игна кўтарилган, остки
игна ва игна пластинаси сатҳидан паст туширилган пайтда
игна пластинаси устига материал қўйилади.

Устки чалиштиргич механизми. Кривошипдан ўнг тарафга
— бош вал 10 га (73-расм) иккита тирак винт 12 ёрдамида
пастга қулачок 11 маҳкамланиб, унга ричаг 9 нинг ролиги 13
киритилади. Ричаг 9 машина танасига тирак винт 14 ёрдамида
маҳкамланган шарнирли бармоқ 8 га кийдирилади. Ричаг 9
нинг остки елкасига вилка 16 киритилиб, тирак винт 15
ёрдамида маҳкамланади. Вилка 16 нинг пазига коромисло 18
нинг ўқи туғиб турадиган ролик 17 қўйилган. Бу коромисло
тешик 4 нинг стерженига тортиш винти 5 ёрдамида
маҳкамланган туғич 6 нинг тешигига киритилган ўқ 3 билан
бириг таъбирланган. Ўқ 3 нинг чап томондаги учига тортиш винти
7 ёрдамида туғич 2 маҳкамланиб, унга устки чалиштиргич 1
киритилиб, тирак винт 19 ёрдамида маҳкамланади.


Қулачок 11 нинг таъсирида ролик 13 тикувчи томонга
сурилса, ричаг 9 бармоқ 8 да соат мили йўналишида
бўрилади. Вилка 16 коромисло 18 ни, ўқ 3 ни ва туғич 2 ни
соат мили йўналишида буради, чалиштиргич 1 тикувчидан
ёнига, игнага томон сурилади.

Чалиштиргич 1 игна ёнига вақтида келиши қулачок 11
нинг шиглари 12 ни бўшатиб, кейин бош вални буриб
ростланади. Бундай ростлашни бажарганда игна энг устки
ҳалқадан 2 мм пастга тушганда чалиштиргичнинг учи игна
кўзидан 2 мм пастроқда бўлишига эришмоқ керак.

Игна билан чалиштиргич 1 орасидаги 0,02–0,05 мм га
теги бўлган оралиқ винт 19 ни бўшатиб, кейин чалиштир-



72-расм. 1622 русумли тикув
машинасида иш тақилиши.



73-расм. Устки чалиштиргич
механизми.

гични вертикал силжитиб ёки уни буриб суриш йўли билан ўрнатилади. Винт 5 бўшатиладан кейин тутгич 6 ни вертикал ёки буриб суриш йўли билан ҳам ростласа бўлади.

Вилка 16 нинг баландлик бўйича урнатиш винт 15 ни бўшатиб, кейин уни ричаг 9 га нисбатан суриб ростланади.


Остки игна механизми. Вал 17 га иккита тирак винт ёрдамида тишли филдирак (74-расм) 16 маҳкамланиб, унга вал 13 га иккита тирак винт ёрдамида маҳкамланган тишли филдирак 14 илашади ($i=1:1$). Вал 13 тирак винт ёрдамида машина платформасининг буртигига маҳкамланган втулкада айланади. Вал 13 нинг чап томондаги учига кривошип 1 прессланган бўлиб, бу кривошипнинг бармоғига ричаг 7 йўналтиргичига киритилган ползун 2 кийдирилган. Гайка 5 ёрдамида рамка 3 га маҳкамланган винтли шпилька 4 га ричаг 7 материалларни суриш механизмнинг ричаги билан

ёрига кийдирилади. Ричаг 6 га иккита қисувчи винт 9 ёрида рейка 11 маҳкамланади. Ричаг 7 нинг тешигига ёрида винт 28 ёрдамида маҳкамланган остки игна 27 кийриштирилади.

Игна 27 ни қайтма-тебранма ҳаракатлантириш учун ёрида кривошип-қулисали механизм ишлатилган. Ташқи гилдирак 14 соат мили йўналишида айланганда вал 13 билан кривошип 1 ҳам уша томонга айланади, вертикал қулисалида даврий тебранма ҳаракат қилади.

Игна 27 нинг уз вақтида вертикал ҳаракатланишини ташқи гилдирак 14 нинг винтлари бушатиладиган кривошип 1 ни буриб ростланади.

Остки чалиштиргич механизми. Остки чалиштиргич 8 машина гулаформасининг кўндалангига тебранма ҳаракат қилади. Вал 17 га иккита тирак винт ёрдамида кулачок 15 маҳкамланиб, унга ёрида тирак винтларида коромисло 20 қисилиб туради. Коромисло 20 машина гулаформасининг буртигига тирак винт 23 ёрида маҳкамланган итулка 22 да тебранма ҳаракатланадиган вал 26 ни тортиш винти 21 ёрдамида маҳкамланади.



24-рasm. Остки игна ва чалиштиргич механизми.

Вал 26 нинг чадаги учига тортиш винти 25 ёрдамида тутгич 24 маҳкамланиб, устки томондан тутгичининг тешигига остки чалиштиргич 8 киритилиб, тирак винт 10 ёрдамида маҳкамланади.

Кулачок 15 таъсирида коромисло 20 вертикал текисликда қайтма-тебранма ҳаракатланади.

Чалиштиргич 8 нинг учи игна ёнига вақтида етиб келишини кулачок 15 нинг иккита винтини бушатгандан кейин бош вални буриб ростланади. Бунда остки игна энг остки ҳолатидан 2 мм юқорироқда бўлишига эришмоқ керак.


Игна билан чалиштиргич 8 нинг учи орасидаги 0,02–0,05 мм га тенг масофа, шунингдек, чалиштиргич учининг игна кўзига нисбатан ҳолати винт 10 ни бушатгандан кейин чалиштиргични буриб ёки унинг ўқини суриб ростланади ёхуд винт 25 бушатиладан кейин тутгич 24 ни бураб ростланади.

4.3. «PFAFF» фирмасининг 5487 R 16 980b икки игнали занжирсимон бахяли тикув машинаси

«PFAFF» фирмаси ишлаб чиқарадиган бу машина шим ўрта қирқимларини ва қалин материалларни иккита параллел икки ипли занжирсимон бахяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 5000 айл/мин гача, бахясининг йириклиги 0 дан 6 мм гача ростланади, параллел игналари оралиғи 2 мм. Тепкисининг кўтарилиш баландлиги 8 мм.

Машинада игналар механизми, фазовий мураккаб ҳаракат қиладиган иккита чалиштиргич, материалларни сурадиган рейкали механизм бор. Машина ғилдиракли насос билан ишлайдиган марказлашган автоматик мойлаш системаси билан таъминланган.

Устки ипни тақиш учун маховик ғилдиракни (75-расм) буриб, игналар 1 ва 2 энг юқори ҳолатга кўтарилади ва чап игна 2 нинг устки ипни тақилади. Бунинг учун ғалтакдан чиққан ип ғалтак таянчи устидаги стержень тешикларидан (расмда кўрсатилмаган), бирин-кетин ипйўналтириш тешиклари 11, 12 дан ўтказилади ва таранглаш ростлагичи шайбалари 10 орасидан айлантирилиб, ипйўналтириш тешиги 9 га киритилади. Кейин ип ўнгдан чап томонга




75-расм. 5487 R 16 980b икки игнали
тикув машинасининг ташқи куриниши.

Ип ифталтиргич 8 нинг орқа тешигидан ўтказилиб, ифталтирчи 7, 6 нинг орқа тешигига киритилади, юқоридан платта томон сим ип ифталтиргич 5 нинг ҳалқасидан ўтказилиб, игнатуттичга маҳкамланган ип ифталтиргич 4 нинг тешигидан олиб ўтилади ва тикувчидан олдинга томон ифталтиришда игна 2 нинг кўзига тақилади.

Ўнгдаги игна 1 га ҳам ип шунга ўхшаш тақилади. Тиквишни бошлаш учун игналарга тақилган иплардан учунлиги 60—70 мм уч чиқарилади.

Чалиштиргичлар (76-расм, б) 1 ва 2 нинг остки ипларини тақиб олдидан платформа устидаги қопқоқ очилади. Маховик гилдирагини буриб, чалиштиргичлар 1 ва 2 ни ўнг томонидаги энг четки ҳолатга қўйиш керак.

Орқа чалиштиргич 2 ипини тақиб учун ғалтакдан чиққан ип ғалтак таянчи тепасида жойлашган стержендаги тешиклардан (расмда кўрсатилмаган), ип ифталтириш тешиклари 10 ва 11 дан (76-расм, а) ўтказилади, таранглаш роқдигичи шайбалари 9 орасидан пастдан юқори томон ифталтирилиб, ип ифталтириш тешиги 8 га киритилади.



76-расм. 5487 R 16 980b икки игнали
тикув машинасида остки ипни тақиш.

Кейин ип ипйўналтиргич 7 нинг тешиги орқали пастга томон пластина 6 нинг тешикларидан ўтказилиб, машина платформаси устида узунасига ўрнатилган пластина 5 тагидан олиб ўтилади. Сўнгра ип (76-расм, б) йўналтиргич 4 нинг тешикларидан ўтказилиб, ипузатгич 3 орқали орқа чалиштиргич 2 нинг иккита тешигидан бирин-кетин ўтказилади. Олдинги чалиштиргич 1 га ҳам остки ип юқоридагига ўхшаш тақилади.

Игналар 1 ва 2 игнатутгичнинг (75-расм) охиригача тақаб қўйилиб, винт ёрдамида маҳкамланади. Игналарнинг узун ариқчаси тикувчи томонга қараган бўлиши керак.

Баҳя йириклигини ошириш учун дастак 13 ни юқорига кўтариб, шкаладаги керакли рақамга келтирилади.

4.4. Йўрмаш машиналарининг вазифаси ва баҳяқатор турлари

Хилма-хил кийимларни тикаётганда деталлар қирқимларини йўрмаш буйича жуда кўп ишлар қилиш керак бўлади. Шу мақсадда занжирсимон баҳяли йўрмаш машиналари ишлатилади.


Тикувчилик саноатида бир ипли занжирсимон баҳяли йўрмаш машиналари мўйна тери тикишда ишлатилади. Бу

қанда тикиш билан бир вақтда деталь қирқимлари йўрмаб
 олиб кетилади. Бир ипли занжирсимон бахяли бахяқаторлар
 77-расм, а да тасвирланган. Бахя ҳосил бўлишида ҳалқа 1
 вертикал жойлашган терилардан ўтиб, ташқарига чиқади
 ва тери қирқимларини қамраб, иккинчи ҳалқа 2 келтири-
 ладиган чиқиққа туғриланади.

Костюмбоп ва пальтобоп материаллардан тикиладиган
 тивуқчилик буюмлари деталларининг қирқимларини
 олиш учун кўпинча икки ипли занжирсимон бахяли
 йўрмаш машиналари ишлатилади.

Бахя ҳосил қилишда устки ип ҳалқаси 1 га остки ипнинг
 материаллар қирқимини қамраб оладиган ҳалқа 3 кирити-
 лади, остки ип ҳалқаси 3 га эса устки ипнинг ҳалқаси 2
 киритилади (77-расм, б).

Трикотаж буюмлар, ички кўйлақлар, кўйлақлар
 деталларининг қирқимларини йўрмаш учун уч ипли
 занжирсимон бахяли йўрмаш машиналари ишлатилади.
 Бундай бахяқаторнинг тузилиши 54-расм, в да
 тасвирланган. Расмдан кўриниб турибдики, устки ип ҳалқаси
 1 га биринчи остки ипнинг ҳалқаси 3 киритилади, кейин
 бу ҳалқадан иккинчи ҳалқа 4 кириб, улар, одатда, иккита
 материал қирқимлари устида чалишади.



77-расм. Йўрмаш бахяқаторларининг турлари.

Сўнгра ҳалқа 4 ҳалқа 2 нинг ҳаракатланиш йўлига тўғри келиб ҳалқа ҳосил бўлиши такорланади. Демак, бунда материаллар қирқимини остки иплар 3 ва 4 нинг ҳалқалари қамраб олади, устки иплар ҳалқалари эса уларни бир-бирига улайди.

Бир ипли занжирсимон йўрма бахяли бахяқатор осон сўкилиб кетадиган бўлгани учун бундай бахяқаторлар доим ёпиқ чокларда ишлатилади. Икки ва айниқса уч ипли занжирсимон йўрма бахяли бахяқаторларнинг сўкилиши қийин бўлгани сабабли улар деталлар қирқимларини титилишдан сақлайдиган қилиб тикиш ва йўрмашда ишлатилади. Устки ип билан чалиштиргич ипларининг таранглигини ўзгартириб, ипларни материал қирқими ўртасида чалишадиган («мунчоқсимон бахяқатор») қилиш ёки материалнинг ўнг томонига чиқариб қўйиш мумкин.

Турли буюмларни тикишда чоклаш ва йўрмаш бахяқаторларини бир-бирига қўйиш йўли билан энг кун самаралорликка эришиш мумкин. Чоклашда икки ипли моки бахяқатор ёки икки ипли занжирсимон бахяқатор билан қирқимларни йўрмашни бирга қўшиб олиб борадиган машиналар ишлатилганда энг юқори иқтисодий самаранга эришилади. Тикувчилик буюмларининг ҳар қайси қирқимини алоҳида-алоҳида йўрмаб, уларни бирийўла тикиб кетадиган машиналар жорий қилиш йўли билан меҳнат унумдорлигини анчагина ошириш мумкин.

Икки ипли занжирсимон йўрма бахянинг ҳосил бўлиши.

Икки ипли занжирсимон йўрма бахяни ҳосил қилишда машинанинг қўйидаги иш органлари қатнашади: устки ип тақиладиган игна (78-расм), остки ип тақиладиган чалиштиргич 3, кенгайтиргич 2, рейка, тепки ва йўрмаш олдидан деталлар четини қирқадиган пичоқ механизми.


Игна 1 (78-расм, а) энг пастки ҳолатга тушади, чап чалиштиргич 3 чапда, кенгайтиргич 2 эса ўнгда бўлади.

Игна 1 (78-расм, б) энг пастки ҳолатдан 2,5–3 мм кўтарилиб, ҳалқа ҳосил қилади, бу ҳалқага чапдан ўнгга ҳаракатланиб чап чалиштиргич 3 киради.

Чап чалиштиргич 3 ўнгга ҳаракатланишда давом этиб, қаршисидан келатган кенгайтиргич 2 билан учрашади, кенгайтиргич чап чалиштиргич ҳалқасини илиб олади.

Игна 1 (78-рasm, в) шу пайтда материалдан чиқали, рейкалар кўтарилиб, материалларни бир бахя бўйи суради.

Кенгайтиргич 2 (78-рasm, г) игна пластинаси тепасига кўтарилиб, чап чалиштиргич 3 нинг ҳалқасини пастга томон



78-рasm. Икки ипли занжирсимон йурмаш бахясининг ҳосил бўлиши.

ҳаракатланаётган игна 1 нинг ҳаракат чизигига тўғрилаб кўлиди.

Игна 1 (89-рasm, д) чап чалиштиргич 3 нинг ҳалқасига киради, материалларни тешиб ўгиб, пастга туша бошлайди. Бу пайтда чап чалиштиргич 3 чапга, кенгайтиргич 2 эса ўнгга ҳаракатланади.

Шундан кейин бахя ҳосил бўлиш жараёни такрорланади. Материаллар силжиётганда иплар тепки бармоғида чўлишади, тортилган ҳалқалар тепки бармоғидан сирпаниб тушиб, материалларни уларнинг қирқимини тортмай қамраб олади.


Уч ипли занжирсимон йўрма бахянинг ҳосил бўлиши.

Бундай бахяни ҳосил-қилиш учун кенгайтиргич урнига учинчи ип 4 тақиладиган ўнг чалиштиргич 5 ишлатилади (79-расм).

Игна 3 (79-расм, а) энг пастки ҳолатга тушади, чап чалиштиргич 1 чапда, ўнг чалиштиргич 5 ўнгда бўлади.

Игна 3 (79-расм, б) энг пастки ҳолатдан 2,5–3 мм кўтарилаётганда ҳалқа ҳосил қилади. Чап чалиштиргич 1 чапдан ўнгга ҳаракатланиб, шу ҳалқага киради.

Ўнг чалиштиргич 5 (79-расм, в) унинг қаршисидан келаётган чап чалиштиргич 1 нинг ҳалқасига киради. Игна 3 материалдан чиқади, рейка кўтарилиб, материални бир бахя буйи сурлади.



79-расм. Уч ипли занжирсимон йўрмаш бахясининг ҳосил бўлиши.

Ўнг чалиштиргич 5 (79-расм, г) игна пластинаси тепасига кўтарилиб, ўзининг бошланғич ҳаракати чизиги ортига чап чалиштиргич 1 ҳалқасини ўтказиши ва ўз ҳалқасини игна 3 нинг ҳаракат чизигига тўғрилаб қўяди.

Игна 3 (79-расм, д) ўнг чалиштиргич 5 ҳалқасига киради. Материалларни тешиб ўтиб, пастга тушади. Бу вақтда чап чалиштиргич 1 чапга, ўнг чалиштиргич 5 эса ўнгга ҳаракатланади. Кейин жараён такрорланади.

4.5. «JUKI» (Япония) фирмасининг MO-2516-DD4-300 йўрмаш-тикиш машинаси

Машинадаги «JUKI» фирмаси кўп турдаги йўрмаш-тикиш машиналарини ишлаб чиқаради. Бу фирманинг йўрмаш-тикиш машиналари жаҳон миқёсида жуда кенг қўлланилади.

Бу машина аёллар енгил кўйлагини, болалар кийимлари, трюклар кўйлаklarини, трикотаж буюмларни икки ипли ва занжирсимон бахяқатор юритиб тикишга ва бир йўла уч ипли занжирсимон йўрма бахяли бахяқатор юритиб газламалар қирқимини йўрмашга мўлжалланган. Асосий валнинг айланиш частотаси 6500 айл/мин, бахясининг ширинлиги 0 дан 4 мм гача, йўрмаш кенглиги 3,2–6,35 мм, параллел игналари ўртасидаги оралиқ 3,2 мм, чок кенглиги 6,4–9,55 мм гача ростлаши мумкин. Японияда ишлаб чиқарилган DCx27 игналари ишлатилади.

Машина беш ипли бўлиб, иккита игна ва учта кўйлаштиргичи бор. Газламаларни сурадиган рейкали дифференциал механизми иккита рейкадан иборат бўлиб, олдинги рейкаси ҳам солқи ҳосил қила олади, ҳам газламани чўза олади. Пичоқ механизмлари қайчи шаклида ишлайди. Машинада тепки тагидан тикилиб ишқан газламалардаги занжирсимон ипларни қирқиш учун электрмагнит қурилма қўлланилади. Машинада марказлаш-тирилган автоматик мойлаш системаси бўлиб, уни асосий вал алоқасида келтирадиган тишли филдиракли насос ишлатади.

Машинада турли ипларни қўллаб тикиш имкони бор. Ипни совитиш қурилмаси машинанинг максимал тезлигида ҳам игна қизишидан ҳимоялайди. Дифференциал суриш механизмида микросозлагич системаси қўлланилган. Материал остидаги илти бошқарув ричаги ёрдамида енгил очилади.

Машинани ишлатиш.

Машина махсус иш столига ўрнатилган бўлади. Унинг ортири 5 (80-расм) иш столининг қоққоғи тагида жойлашган. Машинанинг олд ўнг томонида қирқим ва чиқиндиларини вашиш тушириш учун нов бор. Машина иккита педаль ёрдамида бошқарилади: чап педаль фрикцион юритмани ишга туширишга, ўнг педаль эса тепки 3 ни кўтаришга хизмат қилади. Бундан ташқари, бу машинада тепки 3 ни қўл билан кўтариш мумкин, бунда ричаг 6 ни кўтариб, кейин ричаг 4

ни соат мили ҳаракати йуналишида буриб, тепки 3 иш зонасидан чиқарилади. Материал тепки 3 тагидан чиққандан кейин ип занжири қирқилади. Рейкаларнинг кўтарилиш баландлигини маҳкамлаш винтларини бўшатгандан кейин рейкаларни вертикал суриб ростланади.

Машина ишлаётганида тишли ғилдиракли насос шаффоф назорат қалпоқчаси 7 тагига мой йуналтириб туради. Мой сочилиб чиқиб, деталларнинг туташмаларини мойлайди. Картер 5 даги мойнинг остки ва устки сатҳини кўрсатувчи иккита белги чизиги бор. Машинанинг иш органларини ҳар куни — шчитлар 1,2 ни ва игна механизмини ёпиб турувчи қопқоқ 5 ни очиб тозаланади.

Ип тақиш. Йўрмаш игнасининг ипини ғалтақдан чиқариб, юқоридан пастга томон ипйўналтирувчи ричаг 4 нинг (81-расм) тешигидан, бурчаклик 6 нинг иккита тешигидан бирин-кетин ўтказилади, ипйўналтирувчи втулка 9 дан ўтказиб, иптаранглик ростлагичи шайбалари 15 орасидан айлантириб олиб, ўнгдан чапга томон игна механизмини ёпиб турадиган шит тагига киритилади. Кейин ип сим ипйўналтиргич 14 илгагидан, ипйўналтиргич 13 нинг иккита тешигидан ўтказилади, юқоридан пастга томон кўшимча таранглик ростлагичи пластинаси 49 тагидан олиб ўгиб, тикувчидан нарига томон йуналтириб, йўрмаш игнаси 24 кўзига тақилади.

Чоклаш игнаси ипини ғалтақдан чиқариб, юқоридан олдинга томон ричаглар 2 ва 1 тешигидан, юқоридан пастга томон бурчаклик 6 нинг иккита тешигидан бирин-кетин ўтказилади, ипйўналтирувчи тешик 7 дан ўтказиб, таранглик ростлагичи шайбалари 8 нинг орасидан айлантириб, пастга томон ипйўналтирувчи тешик 12 га, ўнгдан чапга ипйўналтирувчи 23 ҳалқасидан ўтказилади, кейин юқоридан пастга томон ипйўналтирувчи чоклаш игнаси 46 кўзига тақилади.

Чап чалиштиргич ипини ғалтақдан ричаг 5, бурчаклик 6 тешикларидан ўтказиб, юқоридан пастга томон ипйўналтирувчи втулка 11 га, ипйўналтирувчи тешик 18 га киритиб, таранглик ростлагичи шайбалари 19 орасидан айлантириб, ипйўналтирувчи тешик 20 дан, кейин ипйўналтирувчи втулка 27 дан ўтказилади ва ипйўналтиргич 29 тешигига киритилади, ўнгдан чапга томон ипйўналтиргич




80-расм. «JUKI» (Япония) фирмасининг
MO -2516-DD4-300 йўрмаш-тикиш машинаси.

12 тешигига ва пастдан юқори томон ипузатгич тешиклари 33, 34 дпи ўтказилади. Маховик ғилдиракни бураб чап чалиштиргич 26 ни чап чекка ҳолатга келтириб, ипни пинцет ёрдамида чалиштиргичнинг учга тешигига тақилади (81-расм).

Ўнг чалиштиргич ипи бобинадан ортдан олдинга томон ричаглар 3 ва 5 нинг тешигидан ўтказилади, бурчаклик 6 нинг иккита тешигидан ҳамда юқоридан пастга томон ипйўналтирувчи втулка 10 дан ўтказилиб, ипйўналтирувчи тешик 17 га киритилади, таранглик ростлагичи шайбалари 16 орасидан айлантириб, ипйўналтирувчи тешик 21 га киритилади. Кейин ип ипйўналтирувчи втулка 28 дан, ипйўналтиргич 30 нинг тешигидан ўтказилади, ўнгдан чапга томон ипйўналтиргич 30 нинг орқа тешигига ва ипузатгич тешиги 33 га киритилиб, олд томондан ипйўналтиргич 31 тешигидан ўтказилади. Маховик ғилдиракни буриб ўнг чалиштиргич 25 ни ўнг чекка ҳолатга келтириб, пинцет ёрдамида унинг тешигига ип тақилади.

Тикиш чалиштиргичи ипини бобинадан чиқариб ричаг 1 билан бурчаклик 6 тешикларидан ўтказилади, сим



81-расм. «JUKI» (Япония) фирмасининг MO-2516-DD4-300 йурмаш-тикиш машинасига ипларни тақиш.

ипутказгич ёрдамида ўнгдан чапга томон найча 45 дан, ипйўналтиргич 44 тешигидан ўтказилади, таранглик ростлагичи шайбалари 43 орасидан айлантириб, ипйўналтиргич тешиги 42 га киритилади. Кейин ипни олдинга томон ипузатгич 40 устидан унинг ўнг тармоғи гагига олиб борилади, ипйўналтиргичнинг иккита тешиги 39 ва 38 дан олдинга томон ўтказиб, чапдан ўнгга томон

Игналар тиргичининг иккита тешиги 37 ва 36 дан ўтказилади. Массоник полдиракни буриб, тикиш чалиштиргичи 36 ни ўнг чекка ҳолатга келтириб, пинцет ёрдамида игчалиштиргичининг иккита тешигига тақилади.

4.6. «PEGASUS» (Япония) фирмасининг EX3216-42P2/233 русумли тикув машинаси


EX3216-42P2/233 тикув машинаси аёллар, болалар ва эркеклар кўйлақларини ҳамда трикотаж ва синтетик материаллардан тайёрланадиган кийим четларини икки йилли эластик бахяқатор ва йўрма бахяқатор юритиб тиковини мўлжалланган. Асосий валининг айланишлар сонини 1500 айл/мин гача, бахясининг йириклигини 0 дан 3,2 мм гача ўзгартириш мумкин. Йўрмаш бахясининг кенглиги 6 мм, игналар орасидаги масофа 5 мм, тепкиннинг ўтарилиш баландлиги 5 мм.

Машинада илгариланма-қайтма ҳаракатланувчи иккита игнали механизм ва мураккаб фазовий ҳаракатланувчи учта чалиштиргичли механизм бўлиб, чап игна тикишга, ўнг игна ва йўрмашга мўлжалланган. Материалларни сурадиган дифференциал механизм иккита рейкадан иборат бўлиб, олднингиси материалларда солқи ҳосил қилиши ҳамда материалларни чўза олиши мумкин. Газлама четларини қирқувчи пичоқ механизми бўлиб, унинг кўзгалмас ва қўналувчан пичоқлари бор (82-расм).

Машинада тепки тагидан тикилиб чиққан материаллардан эластик ипларни қирқиш учун электрмагнит қурилма ва игнани совитиш қурилмаси қўлланилган. Машинага игна ва чалиштиргич иплари «JUKI» (Япония) фирмасининг MO-2516-DD4-300 йўрмаш-тикиш машинасидагидек тақилади.

Машинадаги ҳар битта механизмнинг тузилишини ва ҳаракатини кўриб чиқамиз.

Игналар механизми. Игналар (83-расм) илгариланма-қайтма ҳаракатли машина бош валидан шарсимон шарнир орқали шатун 1 дан, унга шарнирсимон боғланган коромисло 2, игна вали 3 дан олади. Игна валининг чап қисмига коромисло 4 кийдирилган бўлиб, у болт 5 ёрдамида маҳкам-



82-расм. «PEGASUS» (Япония) фирмасининг EX3216-42P2/233 русумли тикув машинасининг ташқи кўриниши.

ланган. Коромисло 4 нинг иккинчи томонига игнаюритгич 6 нинг юқориги қисми кийдирилган.

Игнаюритгичнинг остки қисмига винт ёрдамида игнатутгич 7 маҳкамланган бўлиб, унга ўнг ва чап игна 8 ва 9 лар ўрнатилган.

Бош валнинг тирсаги таъсирида шатун 1 кўтарилса, коромислолар 2 ва 4 билан вал 3 соат милига қарши йўналишда бурилиб, игнаюритгич 6 билан игналарни туширади. Игналарнинг чалиштиргичларга нисбатан ҳолати игнатутгич винтларини бўшатиб, уни игнаюритгичга нисбатан вертикал сурилиб ростланади.


Чалиштиргич механизми. Бош валнинг чап қисмига ўрнатиш ва тирак винтлари ёрдамида кривошип маҳкамланган (84-расм). Кривошипнинг бармоғига втулка билан шарсимон шарнир кийдирилган. Шарсимон шарнирга шатун 1 нинг устки ажраладиган каллаги кийдирилган ва винтлар 2, 3 ёрдамида маҳкамланган. Каллакнинг пази билан шарсимон шарнир пазига цилиндрик шпонка киритилган. Шатуннинг остки ажраладиган каллаги шарсимон шарнир

Ўрдамида коромисло 4 билан боғланган. Коромисло 4 ўз жиёбатида чалиштириш ричаги 5 га кийдирилган ва винт 6 билан маҳкамланган. Ричаг 5 нинг ўнг томонига болт билан чалиштиргич тутгич 7 ўрнатилган. Чалиштиргич тутгич 7 нинг юқориги қисмига чалиштиргичлар 8 ва 9 винт ўрдамида маҳкамланган. Чалиштиргичларнинг игнага нисбатан биёландиғи ва улар орасидаги масофа винт 10 бўшатилиб риктланади ва винт қотирилади.


Материални суриш механизми. Дифференциал суриш (85-расм) механизмидаги олд ва орқа рейкалар эллипсимон траектория бўйлаб ҳаракатни горизонтал ва вертикал суриш валларидан олади. Бош валга эксцентрик 1 ўрнатилган бўлиб, унга шатун 2 нинг устки қаллаги игнали шилишник ўрдамида кийдирилган. Шатун 2 нинг иккинчи қаллаги коромисло 3 билан шарнирсимон боғланган бўлиб, коромислонинг иккинчи томони вал 4 га кийдирилган ва винт 5 ўрдамида маҳкамланган. Эксцентрик 1 таъсирида шатун 2 орқали коромисло 3 вал 4 билан биргаликда буралма-қайтма ҳаракатланиб тишли рейкалар 6 ва 7 ни горизонтал текисликда бўйлама ҳаракатини таъминлайди. Тишли рейкалар 6 ва 7 вертикал ҳаракатни вал 4 га ўрнатилган коромисло 8 ва унга боғланган ричаг 9 дан олади. Ричаг 9 нинг ички қисмига ползун ўрнатилган бўлиб, у ричаг 10 нинг кўтарилиб тушишини таъминлайди.

Пичоқ механизми. Кўзгалувчан (86-расм) пичоққа вертикал ҳаракат бош валдан шатун 3 ва унга шарнирсимон боғланган қўшалок коромисло 4 дан олинади. Кўзгалмас пичоқ машина платформасига винт ўрдамида ўрнатилган пичоқтутгич 5 га маҳкамланган. Кўзгалувчан пичоқни чиқариб олиш учун ричаг 6 юқориги ҳолатига келтирилади ва винт 7 бўшатилади. Пичоқ 1 ни ўрнатишда унинг кесувчи қирраси кўзгалмас пичоқ 2 ўткирланган қиррасига тўғри келиши керак. Винт 7 пластина 8 ўрдамида қотирилади. Кўзгалмас пичоқ 2 ни олиш учун винт 9 бўшатилади. Уни ўрнатишда эса орт томонидан колодка 10 га киритилади.


Тепки 1 (87-расм) винт 2 ўрдамида тепкитутгич 3 га маҳкамланган. Тепкитутгичнинг устки қисмига стержень ўрнатилган бўлиб, унга пружина 4 кийдирилган. Тепкининг материалга нисбатан босими созловчи винт 5 орқали ростланади.




83-расм. Игналар механизми.




84-расм. Чалиштиргич механизми.



85-расм. Материални суриш механизми.



86-расм. Пичоқ механизми.



87-расм. Тепки узели.

4.7. «ТЕКСТИМА» (Германия) бирлашмасининг 8515/700 русумли йўрмаб тикиш машинаси

«ТЕКСТИМА» (Германия) бирлашмасининг 8515/700 русумли машинаси аёллар енгил кўйлагининг ва болалар устки кўйлагининг деталларини икки ипли занжирсимон бахяқатор юритиб тикишга ва бир йўла уч ипли занжирсимон йўрма бахяли бахяқатор юритиб йўрмаб кетишга ҳам мувофиқлашган. Асосий валининг айланиш частотаси 7500 айл/мин гача, бахясининг йириклиги 1,6 дан 3,2 мм гача, бахяқатор оралиғи 3 мм, йўрмаш чокиннинг кенглиги 5 мм, тикиладиган материалларнинг тепки тагида қисилган ҳавотдаги қалинлиги 3 мм. Игналар В 27 № 70-80.


Машинада иккита игна ва учта чалиштиргич бор. Чап игна тикишга, ўнг игна эса йўрмашга хизмат қилади. Материалларни суврилган дифференциал рейкали механизм иккита рейкадан иборат бўлиб, олдинги дифференциал рейка материалларда солиқ ҳосил қилиши ҳам, материални чўзиб тикиши ҳам мумкин. Пичоқлар механизми қайчи принципида ишлайди. Машинада тишли филдиракли насос билан ишлайдиган марка белангирилган автоматик мойлаш тизими, шунингдек, шай қаргирини совуғадиган шамоллатувчи тизим бор.

Машина махсус иш столига ўрнатилади, унинг иккита педали бор: чап педали машинани ишга туширишга, ўнг педали эса тепкини кўтаришга хизмат қилади.

Йўрмаш игнаси ип тақишда ип юқоридан пастга томон найча ипйўналтиргич 21 га (88-расм) киритилади, соат мили ҳаракати йўналишида таранглик ростлагичи шайбалари 20 орасидан айлангириб ўнгдан чапга томон ипйўналтиргич 19 дан ўтказилади, кейин бурчакликлар 14 ва 13 нинг остки ипйўналтириш тешигидан, тирков 11 устки ипйўналтириш тешигидан, йўналтиргич 9 нинг устки ипйўналтириш тешигидан, юқоридан пастга игнатутгич 8 даги ўнг ипйўналтириш тешигидан ўтказилиб, тикувчидан нарига томон йўрмаш игнаси 7 нинг кузига тақилади.

Тикиш игнаси ипи юқоридан пастга томон найча ипйўналтиргич 18 га киритилади, таранглик ростлагичи шайбалари 17 орасидан соат мили ҳаракати йўналишида айлангириб, ўнгдан чапга томон ипйўналтиргич 16 га, кейин ипйўналтиргичлар 14, 13 нинг юқори тешигидан

ўтказилади, ип тортувчи пружина 12 нинг олд томонидан киритиб, тирков 11 нинг ипйўналтирувчи остки тешигидан ўтказиб, устки пичоқ ричагига маҳкамланган ипўзатгич 10 нинг илгагидан пастдан юқорига томон ҳамда йўналтиргич 9 нинг остки ипйўналтириш тешигидан ўтказилали, юқоридан пастга томон ипнатутгич 8 даги ипйўналтирувчи чап тешикдан ўтказилиб, кейин тикувчидан нарига томон йўналтириб, тикиш игнаси 6 кўзига тақилади.



88-расм. 8515/700 русумли тикув машинаси.

Чалиштиргичларга ип тақишдан олдин қопқоқ 32 ни очиб унга сурилади ва олдинга томон тикувчига қаратиб бурилади.


Чап чалиштиргичга мўлжалланган ип олдин ипйўналтирувчи найча 27 га киритилади, таранглик ростлиги шайбалари 26 орасида соат мили ҳаракати йўналишида айлантириб, юқоридан пастга томон ипйўналтиргич 25 қулогидан ўтказилади, юқоридан пастга томон ипни йўналтиргич 31 нинг ўртадаги ипйўналтириш тешигига киритилади, кейин йўналтиргич 33 нинг ўртадаги ипйўналтириш тешигидан, йўналтиргич 36 нинг остки

Ипйўналтириш тешигидан, олдиндан кейинга томон ипйўналтирувчи вилка 39 нинг чап қулогидан, ипйўналтиргич 38 нинг чап ўйигидан, ипйўналтирувчи вилка 41 нинг чап қулогидан, пастдан юқори томон ипйўналтириш 42 нинг ипйўналтириш тешигидан ўтказилади. Маховик гилдирак 30 ни буриб, чап чалиштиргич 43 ни ўнг чекка ҳолатга келтириб, пинцет ёрдамида орқадан илдинга томон ипни чап чалиштиргич 43 нинг чап тешигига, ёрдин олдиндан кетинга томон чап чалиштиргич 43 нинг ўнг тешигига тақилади.

Ўнг чалиштиргич ипни олдин юқоридан пастга ипйўналтирувчи найча 24 дан ўтказилади, таранглик ростлагичи шайбалари 22 орасидан соат мили ҳаракатига қарши йўналишда айлантириб, юқоридан пастга томон ипйўналтиргич 23 қулогидан ўтказилади, кейин ўнгдан чапга томон йўналтиргичлар 31, 33, 36 нинг ипйўналтирувчи юқори тешикларидан ўтказилади.

Кейин ипйўналтирувчи вилка 39 нинг ўнг қулогига киритиб, ипйўналтирувчи 38 нинг ўнг ўйигига, ипйўналтирувчи вилка 41 нинг ўнг қулогига киритиб, пастдан юқorigа қараб ипйўналтиргич 40 нинг ипйўналтирувчи тешигидан ўтказилади. Маховик гилдирак 30 ни буриб, ўнг чалиштиргич 5 ни ўнг чекка ҳолатга келтириб, олдиндан кетинга томон йўналтириб, унинг кўзига ип тақилади.

Тикиш чалиштиргичи ипни юқоридан пастга ипйўналтирувчи найча 28 дан ўтказилади, таранглик ростлагичи 19 шайбалари орасидан соат мили ҳаракатига қарши йўналишда айлантириб, юқоридан пастга томон йўналтиргичлар 31, 33 нинг ипйўналтирувчи остки тешигидан ўтказилади. Сим ипўтказгич ёрдамида ўнгдан чапга томон ипйўналтирувчи найча 48 дан ўтказилади, чапдан ўнгга томон симли чап ипйўналтиргич 2 нинг ҳалқасига киритилади, ипўтказгич 1 нинг устидан ипйўналтирувчи вилка 3 нинг шокчалари тагига, симли ўнг ипйўналтиргич 2 тагига олиб келинади, чапдан ўнгга томон ипйўналтиргич 4 нинг иккита қулогидан, ипйўналтиргич 46 нинг қулогидан ўтказилади. Маховик гилдирак 30 ни бураб, тикиш чалиштиргичи 44 ни чап чекка ҳолатига келтириб, пинцет билан чапдан ўнгга томон йўналтириб, ип унинг чап қулогига, кейин олдиндан орқадан томон ўнг қулогига тақилади.



89-расм. 8515/700 русумли машинасидаги
ростлашларнинг бажарилиши.

Машинани ишлатиш ва асосий ростлашлар.

Тикишни бошлашдан олдин мой курсаткич дарчиси 37 дан картердаги мойнинг қанчалигини текшириб кўриш лозим, агарда унинг мениски 1/3 дан кўпроқ пастга тушган бўлса, картерга мой қуйиш зарур. Мой системасининг ишлаб турганлиги назорат дарчиси 15 дан қараганда мой фонтан бўлиб отилаётганидан билинади. Туташган деталларни мойлаш учун гидро 36-20 мойи (Германия) ишлатилади. Картерга мой қуйиш учун картернинг устки қисмидаги винт 12 (89-расм) бураб олинади, картер тешиги 11 га воронка қўйиб мой қуйилади.

Тепки 5 ни оёқ билан кўтаришдан ташқари, материални жойлаштириш қулайроқ бўлиши учун тепки 5 ни ва унинг ричаги 7 ни чапга суриб қўйиш мумкинлигини эсда тутиш керак. Тепки 5 ни иш зонасидан чиқариш учун муштга 9 соат мили ҳаракатига қарши йуналишда бурилади, фиксатор 6 кўтарилади ва ричаг 7 бўшатилади. Тепки 5 ни иш ҳолатига ўрнатаётганда фиксатор ричаг 7 нинг юқори

қиррасини қамраб туришига эришиш керак. Уни педални босиб, тенги 5 ричаг 8 таъсирида вертикал бўйлаб турилишини текшириб кўриш керак.

Ассени рейканинг баҳя йириклигини ўзгартириш учун тугмача 45 ни (88-расм) босиб, маховик гилдирак 30 ни соат мида ҳаракатига қарши йўналишда бурилади. Тугмача 44 нинг стержени чуқурчага тушган пайтда маховик гилдирак соат мидага қарши йўналишда айланаётган бўлса, ассени рейканинг қадами майдалашади. Агар маховик гилдирак соат мида ҳаракати йўналишида айланаётган бўлса, қадами йириклашади. Дифференциал рейканинг қадмини ўзгартириш учун тугмача 47 ни босиб, маховик гилдирак мақсадга мувофиқ соат мида ҳаракати йўналишида соат мида ҳаракатига қарши йўналишда айланттирилади. Шундай қилиб, материални чузиб ёки солқи ҳосил қилиб тикилади.

Ассени рейка 2 нинг (89-расм) ёки дифференциал рейка 1 нинг кутарилиш баландлигини ўзгартириш учун винтлар 1,4 ни бушатиб, рейкалар вертикалига сурилади. Рейкалар тишининг игна пластинаси устидан юқори чиқиб туриши 0,9—1,4 мм га тенг қилиб ўрнатилади.

Тенгининг материалга босими винт 10 ёрдамида ростланади. Устки пичоқ 17 ни ўзгартириш ёки ўткирлаб олиш учун маховик гилдиракни буриб, ричаг 13 ни энг пастки ҳолатга келтириб, винт 14 бушатилади. Пичоқ 17 ни ўрнатишда унинг қирқадиган қирраси остки пичоқ 24 нинг қирқадиган қиррасидан 1 мм пастга тушадиган бўлиши керак. Винт 14 ни бураб киритганда қисил пружинаси 16 ордани пичоқ 17 қаттиқ маҳкамланади. Остки пичоқ 24 ни олиш учун винт 22 бушатилади. Остки пичоқ 24 ни қолип 11 пастга таг томондан ўрнатиб, унинг қирқил қиррасини игна пластинасининг юқори сатҳига тўгрилаб, винт 22 билан маҳкамлаб қўйилади.

Моқ кенлиги пичоқлар 17, 24 ни игнанинг ҳаракат йўлига нисбатан суриб ростланади. Ростлаш учун маховик гилдиракни буриб, ричаг 13 энг пастки ҳолатга туширилади, винтлар 15, 19 ни бушатиб, пичоқ 17 ричаг 13 нинг тешиги бўйлаб сурилади. Пичоқ 24 қолип 23 билан биргаликда, пружина 21 ва бармоқ 20 таъсирида йўналтирувчи винт 18 бўйлаб силжийди.


Агарда йўрмаш чокининг энини кенгайтириш қўрак бўлса, гайка 34 бушатилиб, винт 35 бураб киритилади, бунда очиладиган шчит 32 нинг горизонтал силжилиши орғади.

«ТЕКСТИМА» бирлашмаси 8515/700 машинаси билан бирга 8515/050, 8515/080, 8515/100, 8515/110 машиналари ҳам етказиб беради. Бу машиналар табиий толадан, шунингдек, табиий ва синтетик тола аралашмаларидан тайёрланган газламалардан костюм ва кўйлак деталларини уч ипли занжирсимон йўрма бахя билан йўрмашга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 7100 айл/мин гача, бахясининг йириклиги 0 дан 3,2 мм гача, йўрмаладиган чокнинг кенглиги 5 мм дан ошмайди. Тикиладиган материалнинг қалинлиги 3 мм гача.

Бу машиналар 8515/700 тикув машинасидан фақат тикиш чалиштиргичч йўқлиги ва биттагина йўрмаш игнаси борлиги билан фарқ қилади.

4.8. Яширин бахя ҳосил қилиб тикиш машиналари

Тикувчилик саноатида бир ипли яширин занжирсимон бахя машиналари ва икки ипли яширин моки бахя машиналари ишлатилади. Бир ипли яширин занжирсимон бахянинг тузилиши 90-расмда кўрсатилган. Расмда кўринишича, материалнинг устки букланган қисмини игна тешиб утган, остки қисмини эса игна қисман илиб олган, яъни материал остки қисмининг юзасида бахяқатор кўринмайди. Бундан ташқари, ҳалқа a_1 материал ичидан утказилиб, ҳалқа a_2 нинг ҳаракат чизигига тўғрилаб қўйилади.



90-расм. Бир ипли занжирсимон яширин бахя.

Бундай бахяқатор кўйлзқлар этагини, астарлар четини қайтариб тикишда, адип қайгармасини, остки ёқани қавиш- ва, шик остини букиб тикишда ва ҳоказода ишлатилади. Бир вақтдан занжирсимон бахяқатор деталлар орасида яширинган бўлади. Нағари икки ипли яширин моки бахяқатор устки ёқани қавиш вақтида улаш ва ёлғон қавиқ ҳосил қилиш учун ишлатиларди. Ҳозир бундай бахяқаторлардан кам фойдаланилади.

Бир ипли занжирсимон яширин бахя ҳосил бўлиши

Ҳалқа ҳосил қилишда эгик игна 1 (91-расм), игна пластинаси 2 тагидаги бўрттиргич ва иккита тепки, чалиштиргич 1 ва рейка 4 қатнашади. Тикувчи педални босиб бўрттиргични туширади ва тепкилар устига ўнгини пастга қаратиб материалларни қўяди. Шунда тепкилар материалларни игна пластинаси 2 га (91-расм, а) қисади, бўрттиргич эса материалларни игна пластинасининг устидан бўрттириб чиқаради. Игна 1 чапдан ўнга ҳаракатланиб, устки материални тешиб ўтади, осткисини эса қисман олиб олади. Бу пайтда чалиштиргич 3 тикувчи педалга сурилади.


Игна 1 (91-расм, б) чапга 2—3 мм ҳаракатланганда ҳалқа ҳосил бўлади, чалиштиргич 3 нинг шохчалари шу ҳалқага киради.

Игна 1 материаллардан чиқади (91-расм, в), чалиштиргич 1 эса ўнган чапга ёй бўйлаб ҳаракатланиб игна пластинасини кенгайтиради ва уни игнанинг ҳаракат чизигига сурилади қўяди. Шу пайтда рейка 4 пастга тушиб материалларни бир бахя бўйи суради, шунда бўрттиргич материалларни бўрттиришдан тўхтади. Кенгайган ҳалқа чалиштиргичнинг ёй бўйлаб ҳаракатланиши, материаллар ҳалқа пластинасининг ёй бўйлаб ҳаракатланиши, материаллар эса тикувчидан нарига сурилиши натижасида бахяқаторга фойдаланиб туриб қолади.

Игна 1 игна ўнга ҳаракатланиб (91-расм, г) чалиштиргич 3 шохчалари орасидан ўтади ва ўзининг биринчи ҳалқасига киради. Чалиштиргич 3 тикувчидан нарига ҳаракатланади.

Игна 1 бўрттиргич игна пластинаси ўйигидан бўрттириб чиқаришдан материалларни тешиб ўтади (91-расм, д). Шунда шунданги бахя дастлабки марта тортилади, шунингдек, дастлабки резерв ип чуватилади.

Чачиштиргич 3 ет буйлаб чапдан унга ҳаракатланади (91-расм, е). Игна 1 унг чекка ҳолатга қайтади, чачиштиргич 3 эса тикувчи томонга ҳаракатланади. Игна 1 материаллардан чиққан пайтда баҳя узил-кесил тортिलाди. Шундан кейин жараси такрорланади.



91-расм. Бир ипли занжирсимон яшириш баҳя ҳосил бўлиши

285. (Россия), русумли тикув машинаси

Русиядаги Подольск механика заводи ишлаб чиқарадиган бу машина қўйлак, юбкалар этагини бир ипли занжирнинг иширини бахяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Бу машинани қавиш ишларида ҳам ишлатиш мумкин. Асосий валининг айланиш частотаси 3200 айл/мин гача, бахяқаторнинг йириклиги 0 дан 7 мм гача ростланади, букиб тикиладиган материалларнинг қалинлиги 3 мм гача. Игналар 0871 № 65,75.

Машинада тебранувчи игна механизми, мураккаб ётақий ҳаракатланувчи чалиштиргич, материалларни буралган рейкали механизм, буралма ва вертикал ҳаракатланган тебранувчи бўрттиргич бор. Бўрттиргич буралма ҳаракатланганда игнанинг ҳар бир тешиб ўтишида кийим этаги букиб тикилади, унинг буралма ҳаракати билан вертикал ҳаракати қўйилганда эса кийим этаги игна бир соат тешиб ўтгандан кейин букиб тикади.

Машинага ип тақишда ипни ғалтакдан тушириб, юқоридан ипйўналтирувчи тешик 30 га (93-расм) буратилади, гаранглик ростлагичи шайбалари 29 орасидан соат мида ҳаракати йўналишида айлантириб, олдинга томон йўналтирувчи тешик 28 дан ўтказилади, сим йўналтиргич 16 ҳалқасига киритилади. Маховик ғилдирак 32 ни буриб, игнаюритгич 15 чап чекка ҳолатга келтирилади, юқоридан пастга томон ип ипйўналтирувчи тешик 14 дан, кейин сим ипйўналтиргич 13 дан ўтказилиб, пастдан юқори томон игна 7 кўзига тақилади.

Машина махсус иш столига ўрнатилади. Унинг чап ётақий электр фрикцион юритмани ишга туширишга, ўнг ётақий эса кўприкча 3 ни игна пластинаси 6 га нисбатан туширишга хизмат қилади. Букиб тикиш ишларининг бақаралиши қулай бўлиши учун машина очиладиган стол 2 билан таъминланган бўлиб, уни соат мида ҳаракатига қарши йўналишида буриб, иш ҳолатидан чиқариш мумкин. Очилган стол устига иккита винт ёрдамида йўналтиргич-линейка 4 маҳкамланган бўлиб, бу линейка этақни букиш ётақини чегаралаб туради. Игна пластинаси 6 тутиб турадиган тўхтатиш пластинаси 5 материал тикувчидан қаршига сурилаётганда уни ўтказиб туради, бўрттиргич


тикувчи томонга бурилганда материални туғиб қолади. Демак, кўйлак ёки юбка этагини букиб тикиш учун уш педальни босиш керак. Бунда кўприкча 3 билан тепкилар 9 бирга пастга тушади. Буюмнинг унги томонини пастга қаратиб тепкилар 9 устига қўйилади. Ички букилган шпунд йўналтиргич-линейка 4 га тегиб туради. Бу пайтда игна 7 ўзининг чап томондаги энг чекка ҳолатида бўлиши керак.

Этакни букиб тикишдан аввал материалнинг қамраш катталигини текшириб кўриш керак, зарур бўлса, уни ростлаш керак. Буни ростлаш винти 1 ни буриб ростланади. Агар винт бураб киритилса, кўприкча 3 пастга тушади, демак, материал камроқ бўрттириб чиқарилади. Энди этакни букиб тикишни бошласа бўлади.

Бахя йириклигини ўзгартириш учун гайка 20 ни бураб олиб, қопқоқ 21 олинади. Бахя йириклиги ростлагичининг корпуси 26 даги винт 27 бўшатилади, винт 24 ёрдамида эса корпус 26 пази ичида ползун 25 сурилади. Ползун 25 ни сураётганда у билан бирга эксцентрик 23 асосий вал 22 га нисбатан сурилади. Асосий вал 22 билан эксцентрик 23 нинг марказлари орасидаги масофа қанча катта бўлса, бахя шунчалик йириклашади.

Рейка 17 нинг материални қамраш миқдори винт 19 ни бўшатгандан кейин, ричаг 18 ни вертикал суриб ростланади.

Тепки 9 нинг материалга булган босимни ҳар қайси тепки учун алоҳида-алоҳида ростланади.




92-расм. Игнанинг бир гал санчилишидан кейин материални бўрттириб юритилган бир ипли занжирсимон яширин бахяли бахяқатор.

Винт 12 бураб киритилганда пружина 11 чўзилади ва тегишли ричаг материалга тепки босимини кучайтиради.

Илгари айтилганидек, бу машинада кийим этагини игнанинг бир гал санчилишидан кейин букиб тикиб бўлади (92-расм). Игна биринчи санчилиши 2 да материалнинг букилган қисмини те-

шиб, қисман буюм этагини илиб олади; иккинчи санчилиши 1 да игна фақат букилган материални тешиб ўтади, бунда материал бўрттирилмайди.

Бу юкм йиғини бир гал санчилгандан кейин букиб тикиш эчки тикка 36 ни бўшатиб (93-расм), унинг ричаги ўнгга бурилади. Игна синса ёки алмаштириладиган бўлса, махоратка подирик 32 ни буриб игнаюритгич чап чекка ҳолатга бурилади, винт 8 ни бўшатиб, игнанинг қисқа арқасини юқорига қаратиб, игнаюритгич билан қисувчи пластилиннинг назига ўрнатилади (винт 8 тагидан). Колба винт ёрдамида маҳкамланади.



93-расм. 285 русумли тикув машиниси.

Механизмларининг туташган жойларини мойлаш учун марказлаштирилган пиликли мойлаш системаси қўлланилган. Тикувчи назорат дарчаси 33 орқали мой сатҳини аниқлаб туриши керак. Агар унинг мениски остки белги чизигидан пастга тушган бўлса, мой куйиши керак. Бунда гўртга винт 35 ни бураб олиб, қопқоқ 34 олинади ва картер тешигидан мой куйилади. Машинада тикиш олдидаги мой системасини ишга тушириш учун тикувчи стержень 31 ни босиши керак. Тикиб бўлгандан кейин стержень 31 юқорига кўтариб қўйилади.

«ПАННОНИЯ» (Венгрия) фирмасининг Cs-790 русумли тикув машинаси


Бу машина кўйлак, костюм ва пальтоларни бир ипли занжирсимон яширин бахяқатор юритиб ҳам қавиб, ҳам букиб тикишга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 3500 айл/мин гача, бахясининг йириклиги 3 дан 7 мм гача ростланади, материалларнинг тепки тагида қисилган ҳолатдаги қалинлиги 3 мм гача. Игналар 3669 II № 70-110 (Венгрияда чиқарилади).

Машинада тебранувчи игна механизми, мураккаб фазовий ҳаракатланувчи чалиштиргич, материалларни сурадиган рейқали механизм, тебранувчи бўрттиргич ва иккита босиш тепкиси бор. Бу машинанинг бошқа яширин бахя машиналаридан фарқи шундаки, унда буриладиган кўприкчаси йўқ, унинг ўрнига цилиндрик платформа 4 (94-расм) ишлатилган. Бу амалда ҳамма қавиш ва букиб тикиш жараёнларини, ҳаттоки диаметри 60 мм дан ортиқ цилиндр деталларни ҳам тикишга имкон беради.

Ипларни тақиш. Фалтақдан тушган ип юқоридан чаппа томон ипйўналтирувчи тешик 21 га киритилади, таранглик ростлагичи шайбалари 20 нинг орасидан соат мили ҳаракатига қарши йўналишда айлантириб, олдинга томон ипйўналтирувчи тешик 19 дан ва ипйўналтирувчи найча 15 дан ўтказилади. Маховик филдирак 23 ни буриб игнаюритгични чап чекка ҳолатга келтириб, босиш пластинасининг ипйўналтирувчи 14 тешигидан ўтказилади, кейин пастдан юқорига томон игна 11 кўзига тақилади. Қалин (костюмбоп) материалларни тикишда ипни

ини уналтирувчи тешик 19 дан кейин ипйўналтирувчи тешик 16 дан ўтказиш тавсия эгилди, кейин юқорида кўрсатилгандек ўтказилади.

Машинани ишлатиш ва асосий ростлашлар. Машина махсус иш столи устига ўрнатилган бўлиб, унинг педали бор; ундагиси тўртқи ёрдамида ричаг 25 га уланган бўлиб, бўрттиргич 9 ни буришга ва тепкини туширишга, чапдагиси эса машинанинг фриксион юригмасини ишга туширишга хизмат қилади. Ишни бажариш қулай бўлиши учун машина



94-расм. 790 русумли тикув машинаси.

очиладиган столча 8 билан таъминланган бўлиб, уни ишлаш юнасидадан чиқариб қўйиш ҳам мумкин. Игна пластинаси 6 га (унинг тагида) винт 10 ёрдамида йўналтиргич-линейка маҳкамланган. Унинг ёрдамида букиб тикиш ишлари бажарилади. Игна пластинаси ўйиғига тўхтатгич 1 кириб туради, у бўрттиргич тикувчи томонга бурилганда материални сурмасдан тўхтатиб туради.

Игна 11 ни алмаштириш учун маховик гилдирак 23 ни буриб, игнаюртигични чап чекка ҳолатга келтирилади, винт 11 қисқа ариқчасини юқорига қаратиб игна 11 ўрнатилади.

Материални бўрттириб чиқариш баландлигини даста 27 ни буриб рхстланади. Агар даста соат мили ҳаракати йўналишида

бурилса, материал кўпроқ бўртиб чиқади, даста 27 да бўрттириш баланглигини аниқроқ ўрнатиш учун даражаланган шкала бор.

Рейка 12 нинг материални қамраш миқдори 285 русумли тикув машинасидагидек ростланади.

Баҳя йириклигини ростлашда тугмача 22 ни босиб, маховик филдирак 23 унинг айланиш йўналиши томонга то тугмача 22 нинг стержени пастга тушгунча айлантиради. Кейин маховик филдирак 23 соат мили ҳаракати йўналишида то яна шиқиллаган овоз эшитилгунча айлантиради. Шиқиллаган овоз баҳя йириклиги ўзгарганлигини билдиради. Шундай қилиб, асосий валнинг бир марта айланишида 3 мм дан 7 мм гача тўрт хил баҳя йириклиги ҳосил қилиш мумкин. Баҳя йириклиги ўрнатилгандан кейин тугмача 22 қўйиб юборилади. У ўз пружинаси таъсирида кўтарилиб чиқиши керак.

Тепкининг материалга босими винт 3 ёрдамида ростланади, бунда чапдаги винт 3 ўнг тепки босимини ўзгартиришга, ўнг томондаги винт 3 эса чап тепкининг босимини ўзгартиришга хизмат қилади. Винтлар бураб киритилса, тепкининг босими ошади.

Тўхтатгич пластинаси 7 нинг босими винт 5 ёрдамида пружина 1 нинг босимини ўзгартириб ростланади. Винт 5 бураб киритилса, гайка 2 пружина 1 ни чўзади ва тўхтатиш пластинаси 7 нинг материалга босими ошади.

Йўналтиргич-линейканинг букиб тикиш операциясини бажаришдаги ҳолатини винт 10 ни бушатгандан кейин, уни игна пластинаси 6 нинг кўндалангига суриб ростланади.

Буюмнинг этагини букиб тикишда игна бир, икки, уч гал тешиб ўтгандан кейин тикиш мумкин, чунки бу машинада махсус интервал механизми бор. Тўртта пази бош шчит 26 да ўнгдан чапга томон 0,1:1, 1: 2, 1:3 бўлинмалар қилинган. 0 бўлинмаси материал игна ҳар бир тешганда бўртиб чиқишига, 1:1 бўлинмаси материални игна бир гал тешгандан кейин бўртиб чиқишига ва ҳоказога мос келади. Кўрсаткич тугмача 24 ни шчит 26 нинг навбатдаги пазига ўтказиш учун тугмача 24 ни босиб, шчит 26 нинг бўлинмасига мослаб бурилади.

Деталларнинг туташган жойларини қўлда индивидуал мойлаш билан пилик ёрдамида мойлаш бирга ишлатилади. Машина танасининг кейинги томонидаги иккига жойидан ташқари ҳамма мойланадиган жойлари расмда стрелка билан кўрсатилган. Игна,

қўшиқтиргич ва материални суриш механизмлари деталларининг тўташмалари гайка 17 ни бўшатгандан кейин қопқоқ 18 ни олиб қўлиб, мойдон ёрдамида қўлда мойланади.

Савол ва топшириқлар

1. Бир ва икки ипли баҳяқаторлар ҳосил бўлиш жараёнини тўшунтиринг.

2. 1622 тикув машиналарида нусхалама баҳялар қандай ҳосил қилинади?

3. «PFAFF» фирмасининг 5487R16980b икки игнали ёпиқсимон баҳяли тикув машинасида остки ип қандай тақилади?

4. Тикувчилик буюмлари деталларини йўрмаш машиналарининг қандай турларини биласиз?

5. Икки ипли занжирсимон йўрма баҳяқатор ҳосил қилинишида қайси ишчи органлар иштирок этади?

6. MO-2516-DD4-300 («JUKI» фирмаси) йўрмаш машинаси қандай ишларга мўлжалланган?

7. «JUKI» фирмасининг M2516-DD4-300 йўрмаш машинасида ишчи ва қўшиқтиргичларга ип қандай тартибда тақилади?

8. «PEGASUS» фирмасининг EX3U6-42P2/233 йўрмаш машинасида игна механизмининг тузилиши ва ишлаш принципини тушунтиринг?

9. «PEGASUS» фирмасининг EX3I6-42P2/233 йўрмаш машинаси қўшиқтиргич механизмининг текисликдаги схемасини тўшинг.

10. «ТЕКСТИМА» (Германия) машинасозлик бирлашмасининг 8515/700 русумли машинаси тикувчилик саноатида қандай ишларни бажаришда қўлланилади?

11. 8515/700 русумли занжирсимон баҳяли тикув машинасида баҳяқатор ҳосил қилинишида қайси ишчи органлари қатнашади?

12. Бир ипли яширин баҳяқатор ҳосил бўлиш жараёнини тўшунтиринг.

13. Яширин баҳяқатор билан тикиш машиналарида бўрттиргичнинг вазифаси нимада ва у қандай ҳаракатланади?

14. 285 русумли (Россия) тикув машинасида устки ип қандай тақилади?

15. 285 русумли тикув машинасида игна бир гал санчилишидан кейин баҳяқаторни бўрттириб қўрилган яширин баҳяқатор қандай ҳосил бўлади?

16. «ПАННОНИЯ» (Венгрия) фирмасининг CS-790 русумли тикув машинасининг 285 русумли тикув машинасидан фарқи нимада?

17. CS-790 русумли тикув машинасида ип қандай тақилади?

18. CS-790 русумли тикув машинасида баҳя йириклиги қандай қилинади?

5-БОБ

ЯРИМАВТОМАТИК МАШИНАЛАР

Яримавтоматик тикув машиналар ишининг хусусиятлари

Тикувчилик буюмлари деталларига ишлов беришда алоҳида ишларни бажаришга мулжалланган яримавтоматлар ишлатилади.

Пухталайдиган ва фурнитура чатадиган яримавтомат машиналарда сермеҳнат технологик жараёнлар автоматик бажарилади. Баъзи ишларни бажаришда материалларнинг сурилиши, игнанинг огиши олдиндан белгиланган бўлиб, улар бажарилаётган технологик жараён охиригача материалларни босиб турадиган ва фурнитурани тутиб турадиган махсус конструкцияли механизм ёрдамида бажарилади.

Тикувчи деталларга ишлов бераётганида машинанинг олд қисми томонда ўтиради. Машина тикмаётган пайгида қисқич ёки тугматуггич кўтарилган бўлади. Педаль босилганда қисқич ёки тугматуггич пастга тушади ва машина ишлай бошлайди.


Яримавтомат тикув машиналарининг технологик жараёнларда қўлланилиши меҳнат унумдорлигини анчагини ошириш, тикиш сифатини яхшилаш, тикувчиларнинг чарчасини камайтириш имконини беради.

5.1. LK-981-555/BR-2 (Япониянинг «JUKI» фирмаси) тугма қадаш яримавтомати

Бу яримавтоматик машина устки кийимларга тугмаларни икки ишли моки баҳяси билан қадашга мулжалланган.

Бош валининг айланишлар сони 2000 айл/мин. 10–20 мм ли икки тешикли тугмаларни 9 та баҳя билан, тўрт тешикли тугмаларни эса 18 та баҳя билан қадайд. Тугмани қисувчи деталь кўтарилиш баландлиги – 13 мм гача, игнаюритгичи ҳаракат йўли–45,7 мм, битга тугма қадаш даври–1,6 сек, ДРх17=14 игналар қўлланилади.


Машина кривошип шатунли игна, шарнир типидagi ипторггич, марказий найчали моки, ипни автоматик қирқувчи пичоқ ва тугмани кўтариш механизмларидан тузилган. Автоматик мойлаш ва планетар шарикли тўхтатиш системалари мавжуд (95-расм).




95-расм. 1K-981-555/BR-2 тугма қадаш яримавтоматининг ташқи кўриниши.

Тугмани кўтариш механизми ишлов берилаётган кийим ва тугма орасидаги керакли оралиқни таъминлайди, яъни тугмага ҳалқа қулай ўтиш имконини беради.

Қуйидаги схемада тугма қадаш жараёнида кўтариш штифти жойлашиши кўрсатилган.



Тугма қадаб бўлингандан кейин тугмани қисиш мосламаси игна пластинаси сатҳидан кўтарилиб, кийим билан кетилади. Тугмалар кетма-кет (96-расм) тарзда тўқинишгичдан йўналтирувчи пластинаси 1 ва селектор пластинаси 2 орқали тўлдирувчи пластина 3 га юборилади ва ундан йўналтиргичлар орқали узатувчи мосламага тушади.



96-расм. Тугма билан таъминлагич қурилиши.


5.2. «DIORKOPP» фирмасининг 541-15105 яримавтоматик тикув машинаси

541-15105 русумли яримавтоматик тикув машинаси костюм ва кўйлақларнинг ён қирқимларини, енг қирқимларини бириктириб тикишга ва бошқа кийимларнинг цилиндрик шаклдаги деталларини моки баҳясини юритиб тикишга мўлжалланган. Асосий валининг айланишлар сони 2000 айл/мин, баҳя йириклигини 0 дан 4 мм гача ўзгартириш мумкин. Машина кривошип-ползули игна, кривошип-коромислоли иптортгич, вертикал ўрнатилган моки ва газламани суриш механизмларидан тузилган. Бу машинада солқи ҳосил қилиб тикиш имкони бор. Кодлантирилган ажратгич ёрдамида материални устдан сурилишини ўзгартириш мумкин. Агар тикилаётган материал қалинлиги ўрнатилган қалинликдан ошганда чокни бушатиш қурилмаси устки ипни ортиқроқ узатиб беради.

Устки ипни тақиб учун ипни бобинадан ёки ғалтақдан чиқариб, скоба (97-расм) 11 нинг ипйўналтиргич

Ташқидан, қўшимча таранглаш ростлагичи 10 нинг, асосий таранглаш ростлагичи 9 нинг пастга ростлагич 8 нинг шайбалари орасидан ўтказилиб, иптортиш пружинаси 7 ташқидан олиб ўтилади. Сўнг ипни пастдан юқорига йўналтириш пластинаси 6 нинг тагига ўтказилади, ундан пастга иптортич 5 нинг қулоғига киритилади, юқоридан пастга йўналтириш пластинаси 4 нинг тагидан ўтказилиб, давоничи ипйўналтириш пластинаси 3 нинг тагидан, иптортич 2 нинг тешигидан ўтказилади ва чапдан унга ипни 1 нинг кўзига тақилади.

Ипларни тақиб ва маҳсулотларни машина устига жойлаб ўрнатилган сўнг, педални оёқ билан босиб машина ишга тушибдилади. Машиналарда солқи ҳосил қилиш учун тикувчи педални педални босади ва тепки 12 кўтарилганда рейка ип материаллини йирик баҳя узунлигида суради; тикувчи педалдан оёгини олганда, рейкалар материалларни бир вақтда бир баҳя бўйи суради.



97-раш. 541-15105 русумли тикув машинаси ташқи кўриниши.

5.3. «ПАННОНИЯ» (Венгрия) фирмасининг CS1652K-303A пухталама яримавтомати

CS1652K-303A яримавтомати костюм ва пальтолларди икки ишли моки баҳя солиб пухталама ҳосил қилишти мулжалланган. Машина асосий валининг айланишлар частотаси — 2500 айл/мин. Кичик пухталама игнанинг 28 марта, катта пухталама 42 марта санчилишида тайёрланади. Тепкисининг кўтарилиш баландлиги 10 мм, габарит ўлчамлари 570x260x335 мм. Машина массаси 51 кг. Кирмаксимон узатманинг узатишлар сони 1:28, 2134-35, 134-35 системасининг игналари қўлланилади.


Машинада айланма ҳаракатланувчи, шарнирсимон иптаранглаш системали моки қўлланилган. Материални ушлаб турувчи таянч пластина ва қисувчи рама машини остида жойлашган ричагли механизм орқали бошқарув шкивидан ҳаракатланади. Устки ва остки ипларни қирқиш игна пластинаси остидаги контрпичоқ ёрдамида бажарилди. Ипқирққич кейинги жараён учун ипни тортиб ҳам беради. Машина иккита тасмали узатма орқали ҳаракатга келтирилади. Машина механизмлари деталлари марказлашган мойлаш системаси ёрдамида мойланади.

Машинада кривошип-шатунли игна, шарнир стерженли ипторггич бор. Материал машина платформасининг узунасига ва кўндалангига сурилиши мумкин. Машинада платформа тагида жойлашган ипқирқиш механизми бор. Машина қўш педалли.

Кичик пухталамани тайёрлаш. Чап педаль босилса, тепкилар кўтарилади. Буюм материални суриш механизми планкасининг устига — тепкилар тагига қўйилади. Унг педаль босилганда машина ишга тушади, игна фақат вертикал ҳаракат қилади, планка тепкилар билан бирга платформанинг кўндалангига сурилади ва игна саккиз марта санчилганда (98-расм,а) етти каркас баҳя тушади. Игна саккиз марта санчилгандан кейин каркасни ўраш бошланади. Материал платформанинг узунасига сурилади. Бундан ташқари, игнанинг ҳар бир санчилишидан кейин материал унг томонга пухталаманинг 1/12 бўйига сурилади. Ўрашнинг охирида игна 1 учта пухталоувчи санчилдида, машина автоматик тўхтайди. Чап педаль босилса, тепки 2 кўтарилади ва платформа тагида ип қирқилади.

Катта пухталамани тайёрлаш. Бу пухталамани тайёрлашда игна фақат вертикал ҳаракат қилади, материал платформанинг кўндалангига сурилади, игна 13 марта санчишганда 12 та каркас баҳя туширилади.


Каркасдаги оралиқ санчишлар пухталामа пишиқроқ бўлишига хизмат қилади. Каркасни ўрашда материал машина платформасининг узунасига сурилади. Бундан ташқари, игнанинг ҳар бир санчилишидан кейин ўнг тарафига пухталаманинг 1/26 бўйича сурилади. Ўрашнинг охиридаги учта пухталовчи санчиқдан кейин машина автоматик тўхтайдди, чап педаль босилганда эса тепкилар юзланиб, ип қирқилади.



98-расм. Кичик(а) ва катта(б) пухталамани тайёрлаш.


Устки ипни тақиб. Бобинадан тушган ипни ўнгдан чапга тавон сим ипйўналтиргич 10 дан (99-расм) ўтказилади, кўшимча таранглик ростлагичи шайбалари 9 орасидан, ўнгдан ипга асосий таранглик ростлагичи шайбалари 8 орасидан айлантириб, иптортгич пружинаси 7 нинг қалқасига киритилади ва ипйўналтиргич илгаги 6 нинг ортига ўтказилади. Кейин ип ўнгдан чапга иптортгич 5 нинг кўндалангига, ипйўналтиргич скобаси 4 га киритилади, иптортгич 3га маҳкамланган пластинасимон пружина 2 тарафдан олиб ўтиб, чапдан ўнгга игна 1 кўзига тақилади.

Умумий ва асосий ростлашлар. Машина оддий иш столи устига олд қисмини тикувчига қаратиб ўрнатилади. Найчага ип ўрайдиган (100-расм) ўрагич 1 машина танасининг кўндалангига ўрнатилади. Машинанинг ишлашидаги ўзига хос



99-расм. CS1652K-303A ярмавтоматта устки ипни тақиш.

хусусияти қуйидагилардан иборат: игна пастдалигида охиригидини олдинги ва охириги санчилишида ип қисилади. Ипни қисини




100-расм. CS1652K-303A ярмавтоматининг ташқи кўриниши.

ипни қирқатиш учун зарур, шундан кейин четлаткич 2 тепкилар
суририлиши билан қирқилган ипни чапга четлатади.

Пустиламанинг узунлиги кўндаланг суриш ричагининг
қўзилини бўшатгандан кейин, ричаг 3 ни суриш йўли
қўзили материални кўндаланг суриш катталигини узгартириб
ростланади. Агар ричаги тикувчидан нарига томон сурилса,
материалнинг кўндаланг сурилиши камаяди.

Остки ипни тақиш. Найча 1 найча (101-расм,а) қопқоғи
1 га шундай ўрнатилиши керакки, ип 3 соат мили ҳаракатиға
қарама-қарши йўналишда ўралган бўлиши керак.

Ип 3 найча қалпоғидаги ариқчадан ва таранглаш
қўзилиси остидан олиб ўтилиб, найча қопқоғи илмоғи
қўзилидан ўтказилади. Ипнинг таранглиги найча
қалпоғидаги винт 4 ни бураб ростланади.



101-расм. CS1652K-303A яримавтоматта остки ипни тақиш.

Ип ўрнатиш пайчани қурилма 1 мокининг (101-расм. б) марказий стержени 2 га киритилади. Моки учи ипнинг ип остки ҳолатида 1,5–2 мм кўтарилганида устки ип ҳалқаси 1 ни илиб олиши керак. Агар остки ип нотўғри тўлдирилган, игна 4 нотўғри танланган ёки игна игнаюритгичга нотўғри ўрнатилган бўлса ва моки учи ҳамда игна орасидаги масофа катталашган бўлса, остки ипнинг узилишига сабаб бўлади.

Меҳнат унумдорлиги юқори бўлган ушбу яримавтоматли тикилаётган газламага мос игна ва ип танланса, чиройли ва пухта чок ҳосил қилинади. Ипнинг қалинлиги тикилаётган газлама толаси қалинлигига тўғри келиши керак. Игнани алмаштириш учун игнаюритгичи энг юқори ҳолатга келтирилиб, игнатутгич винти бўшатилади, игна игнатутгич тешигига охиригача тақаб киритилади.


5.4. 3022-М русумли яримавтомати

«ОРША» энгил машинасозлик фирмаси ишлаб чиқарадиган 3022-М русумли яримавтомати соф жуи ил аралаш толали костюмбоп газламалардан эркаклар шимининг қийиқ қирқилмаган бурмаларини битта моки бахяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 4000 айл/мин, бахясининг йириклиги 2,5 мм, бурманинг узунлиги 70–190 мм, кенлиги 20–52 мм. Тикиладиган материалнинг тепки тагида қисилган ҳолатдаги қалинлиги кўпи билан 2 мм. Игналар 0203 № 100-120.

Яримавтомат машина тикадиган бош қисм 10 дан (102-расм), «иплар занжирини» узиш қурилмаси 9, кийим детали 8 ни суриш механизми ўрнатилган иш столи, бурма ҳосил қилиш қурилмаси 21, бошқариш пульти 14, деталлари қатламини тутиб туриш қурилмаси (қисқич) 3 ва дазмоллаш қурилмаси 2, машина бош қисмининг электрюритгичи 28, электр ва пневматик бошқариш аппарати, чиқариш педали 30 дан иборат. Демак, яримавтомат марказлаштирилган пневматик тармоққа уланган бўлиши керак.

Ишлашга тайёрлаш. Машина бош қисми механизмларининг туташган деталлари мойланади. Картерлар 7,10 даги (103-расм) мой сатҳи аниқланиб, камига мой қуйилади. Ип ғалтаги таянчи 5 га (102-расм) ғалтак ўрнатилган бўлади.

Кетон ва остки ишларни тақийш ҳамда найчага иш ўраш 1022-М русумли тикув машинасидагидек бажарилали. Ишлар бажариладиган кийин тумблёр 25 ёрламида электр қўғиси 24



102-расм. 3022-М русумли тикув машинаси (машинанинг ташқи кўриниши билан иш столи).

Ишнинг автоматик ажратгичи ишга туширилади ва ёриткич 10 ёнади. Сўнгра клапан 27 ёрдамида яримавтомат пневматик тармоғидаги ҳаво босими ростланади. Босим ўлчамометр 26 нинг кўрсатишича) 0,4–0,45 МПа га тенг бўлиши керак. Пневматик аппарат босим остида бўлганда рейка 3 (103-расм), тепки 3, қисқич 7 (104-расм) ва қирққич 8 дан иборат бўлган пичоқ қурилмаси юқорига кўтарилади. Ишларнинг пульти 14 нинг «ишга тушириш» тугмачаси 19 (102-расм) босилганда электрўритгич 28 ишга тушади. «Ишдан кўтариш» тугмачаси 15 босилганда машина бош қисмининг маховик гилдираги айлана бошлайди. Агар маховик гилдирак айланмаса, редукцион клапан 29 ни


айлантириб туриб, машина асосий валининг минимал айланиш частотасини ростлаш керак. Игна юқори ҳолатдалигида тугма 15 ёрдамида машинанинг бош қисми тўхтатилади. «Тепки» деб аталадиган тумблёр 16 ни унга бурганда, рейка 5 (103-расм) билан тепки 3 пастга тушади. Игна 12 га ип таққандан кейин ип учини тепки 9 нинг (104-расм) тешигидан ўтказилади ва игна пластинаси 3 нинг ариқчасига хиритиб қўйилади. Қисқич 7 ипнинг буш учини босиб туриши керак, бунинг учун «пичоқни кўтариш-тугмачаси 12 босилади (102-расм), шунда қисқич ва қирққич кўтарилади. Тугмача 12 қўйиб юборилганда, қисқич ипни қисиб қолади, натижада, бахяқатор бошланишида бахя ташлаб тикилиши бартараф этилади.

Тумблёр 16 ни (102-расм) чапга бурганда тепки 3 (103-расм) билан рейка 5 кўтарилади. Деталлар тахلامаси столча 23 нинг устига қўйилади (102-расм), кийим деталларининг чап учи қисқич 3 билан қисиб қўйилиб, пневмотақсимлагич 1 уланади. Ҳом ашёнинг унғ томонидаги учлари қисқич тагидан 60–70 см чиқиб туриши керак. Бурма тикилгандан кейин детални ҳаво оқими ёрдамида соплю 7 дан дазмоллагич 2 устига тушириш учун «пуфлаш» дастаги 13 ни чапга буриш керак. Бошқариш пульта 14 даги тугмача яримавтоматни инсталган вақтда тўхтагиш учун хизмат қилади.


Иш тартиби. Кийим детали 2 ни (105-расм) унинг қирқимларини бурманинг керакли узунлигига олдиндан ростланган бурчаклик 4 га етказиб қолип 1 устига қўйилади. Педаль 30 (102-расм) босилганда планка 3 (105-расм) пастга тушиб, хом ашёни қолип 1 га босади. Қолип 1, деталь 2 ва планка 3 тикувчидан нарига сурилиб, кўтарилиб турган рейка 5 билан тепки 3 нинг (103-расм) тагига киради, шу билан бирга хом ашёнинг осилиб турган қисми игна пластинаси 2 га тегади ва бурма букилади.

Планка 11 (102-расм) кўтарилиб, қолип 22 билан биргаликда тикувчига томон сурилади. Айни вақтда рейка 5 (103-расм) билан тепки 3 пастга тушади, бунда рейка 5 нинг игналари 1 хом ашёнинг игна пластинаси 2 устидаги ҳолатини тўғрилайди.

Машина бош қисмининг тикиш аппарати ишга туширилади, рейка 5 маҳсулотни чапга суради, бунда унинг ҳаракатини босувчи тепки 3 нинг кронштейни 6 туғиб турган роллклар 4 йўналтириб туради. Материални суриш




101-расм. 3022-М русумли ярмавтоматнинг олд қисми.



104-расм. 3022-М русумли ярмавтоматнинг ип қирққичи.

қилини рейка 5 ёрдамида ўзгартириш йўли билан базоватор бошида ва охирида баҳя пухталанади.

Шундай қилиб тепки 9 нинг тагидан чиққандан кейин «ип дашғири» қирқилиб, игна 8 билан моки ипларини қирқич 7 қисиб қолади. Тепки 9 билан рейка 8 (102-расм) ўзгарилиб, рейка 8 дастлабки ҳолатига қайтади. Сопло 7 ордан сиқилган ҳаво юборилади ва деталь ярмавтомат станцияси дазмоллагич 2 га пуфлаб туширилади. Дазмоллагич 2 ҳолат мили ҳаракатига қарши йўналишда бурилиб, тушган кўлим деталини дазмоллайди.



105-расм. 3022-М русумли ярмавтоматнинг қолипи.

Тикиладиган материаллар, игна ва ип ўзгартирилганли яримавтоматнинг механизмларини қайта ростлаш керак. Ипларнинг таранглигини, материалга тепкининг босими кучини, игна ипи ҳалқасини моки ўз вақтида илиб кетини ва игна билан моки учи орасидаги масофа 1022-М русумли тикув машинасидагидек ростланади. Бурманинг узунлигини ва кенглигини ўзгартириш учун чизғич 4 да унинг бўлинмаларига мувофиқ кўрсаткич 6 нинг ҳолати ўзгартирилади, яъни рейканинг ҳаракат йўли қисқартирилади ёки узайтирилади. Қолип 1 ни (105-расм) керакли бурма узунлигига созлаш учун ғайкалар 5,7 ни бўшатиб, бурчаклик 4 ни қолипдаги белги чизиқлардан бирига тўғри келтирилади (ҳар бир белги чизиқ ёнида унинг қандай бурма узунлигига тўғри келиши кўрсатилган), яъни тутғич 6 ни суриб, бурчаклик 4 ни тутғичга нисбатан буриб ростланади.

Қолипни бурманинг керакли кенглигига мослаб созлаш учун ғайка 10 ни бўшатиб, қолип 1 ни унинг қиялиги 9 ни тутғич 8 даги А, Б, В, Г ҳарфлари билан белгиланган чизиқчалардан бирига келтиргунга қадар буралади.

Рейка 5 нинг (103-расм) хом ашёга бўлган босими тугмача 8 ни босгандан кейин, юкча 9 ни штанга 11 бўйлаб суриб ростланади. Юкча 9 ни тикувчига томон яқинроқ сурилса, рейка 5 нинг босими ошади.

Иш зонасини ёритиш бурчагини ўзгартириш учун ёриткич 17 ни (102-расм) унинг маҳкамланган ўқи бўйлаб буриб ростланади.

Бурмаларни тикишда яримавтомат қўлланиши ишлов бериш сифатини анча яхшилайти. Яримавтоматнинг унумдорлиги минутига 7 та бурма.

5.5. 827 (Россия) русумли тугма қадаш яримавтоматик тикув машинаси

Бу яримавтомат тикув машинаси Подольск механика заводида ишлаб чиқарилади ва ич кийим, костюм ва пальтолларга икки ва тўрт тешикли ясси тугмаларни икки ипли баҳя билан қадашга мўлжалланган. Бош валининг айланиш частотаси 1500 айл/мин, 35 мм тугмалар 20 марта санчиб қадалади.


Машинада кривошип-шатунли игна механизми бор. Игна платформанинг кўндаланги бўйича оғади, мокуси марказий вақтинча, импортчи 1022-М русумли тикув машинасидагидек импорт эерженги. Материал тугма билан бирга фақат машина платформасининг узунасига сурилиши мумкин. Машина бир йилдан бўлиб, педаль тўхтатилганда тугматуггич билан экран кўтарилган бўлади. Экран тикувчининг кўзини тугма платформасидан, жароҳатланишидан сақлаш учун хизмат қилади.

Тугма қадан. Машина махсус иш столига ўрнатилган. Унинг асосий валини машинанинг танаси тутиб туради. Асосий вадининг кейинги учигаги филоф 37 (106-расм) тегсида иш ва салт шкивлар маҳкамланган. Машина тўхтатилганда, юритиш тасмаси салт (тикувчидан узокдаги) шкивда бўлади. Автоматик қўшиш ёрдамида тасмани иш шкивигга ўтказиб (машинанинг олд қисми томондан яраганда соат мили ҳаракати йўналишида бурилади) машина ишга туширилади. Яримцилиндрик платформа 3 шкивда моки механизми ва ип қирқиш механизми бор. Машина платформасининг устида материални суриш механизмининг планкаси 4 ва тугматуггич 5 бўлади.

Тугмани қулайроқ жойлаштириш учун тикувчининг ёки ип даста 9 ни босади, тепкилар 13, 15 бир-биридан қочади, тирак 14 бса тикувчидан нарига томон сурилади. Даста 9 пастга тушганда тепкилар 13, 15 ва тирак 14 тугмани қисиб қилади. Планка 4 нинг устига материал жойлаштирилади, бунда тугма қадаладиган жойи дарча 12 нинг рўпарасига туғри келиб туриши керак. Педаль босилганда тугматуггич 5 пастга тушиб, экран 20 вертикал ҳолатга ўтади.

Машина игнаси туширилади, игна 16 машина платформасининг кўндалангига оғиб, тугмани олдинги иккита тешигидан қадайд.

Игна 10-марта санчилгандан кейин ўнгга оғади, тугма билан материал эса тикувчига томон сурилади. Кейин игнанинг кўндаланг оғишида тугма унинг кейинги иккита тешигидан қадалади. Иккита пухталаш санчигидан кейин машина автоматик тўхтайд, платформа тагидаги асосий эерженчи ишни қирқади, симчетлатгич 17 соат мили ҳаракати йўналишида бурилиб, кейинги тугмани қадаётганда ип игна 16 тагига тушиб қолмасин учун қирқилган устки ипни суриб ташлайди. Тугматуггич 5 ва экран 20 кўтарилади.



106-расм. 827 русумли тикув машинаси схемаси.

827 русумли тикув машинасида платформа тагида жойлашган қўшимча ип қирққичи қўлланган. Бу қирққичнинг вазифаси фақат ипни тақиш эмас, балки устки ипнинг учини тугма тешиги билан материалдан тортиб чиқариб, тугма устида энг калта (5 мм гача) ип қолдиришни таъминлашдан иборат. Қўшимча қирққич тугма қадаш бошланганда ишлатилиб, кейин тўхтатиб қўйилади.

Ип тақиш. Устки ип ғалтакдан ипйўналтиргич 28 нинг тешигидан ўтказилади, асосий таранглик ростлагичи 27 нинг шайбалари орасидан соат мили ҳаракати йўналишида айлантриб, кейин қўшимча таранглик ростлагичи 22 нинг шайбалари орасидан яна соат мили ҳаракати йўналишида айлантриб ўтказилади. Ип унгдан чапга сим ипйўналтиргич 21 нинг ҳалқасига киритилади, юқоридан унгдан чапга томон иптортгич 23 нинг қулогига киритилади, кейин тикувчидан нарига томон игна 16 кўзига тақилади.

Остки ип 1022-М русумли тикув машинасидагидек тақилган. Остки ип найчага машина танасига монтаж қилинган ўрагич ёрдамида ўралади. Ип ғалтакдан, найча ипйўналтиргич 34 нинг

Тугма тешикдидан ўтказилади, таранглик ростлагичи 33 нинг ўзгартириб орасидан соат мили ҳаракатига қарши йўналишда ўрнатириб ўтказилади, кейин найчани ўрагичнинг шпиндели 10 га сиқдириб ишга туширилади.

Асосий ростлашлар ва машинани ишлатиш. Тугма шпиндели ўзгарганда тепкилар 13, 15 билан тирак 14 ўраб ишга оралиқ ростланади. Бунинг учун винтлар 8 ни ўрнатиб, тирак пластина 7 тугматутгич 5 бўйлаб сурилади. Агар пластина тикувчидан нарига сурилса, тепкилар билан тирак орасидаги масофа ошади. Тугматутгич 5 нинг материалга босими гильза 6 ичида жойлашган ички пружинанинг босимини винт 30 ёрдамида ўзгартириб ростланади. Агар винт 30 бураб чиқарилса, тугматутгич 5 нинг материалга босими ошади. Тепкилар 13, 15 бир-бирига оқаролаёт бўлиши керак, уларнинг ҳолати винт 11 ни ўрнатгандан кейин тепки 13 ёки 15 ни ричаг 10 бўйлаб ўртиб ростланади.

Планка 4 нинг бўйламасига сурилиш катталигини винт 1 ни бўшатгандан кейин муфта 2 ни ричаг 35 пази ичида сўрибди. 36 бўйлаб суриб ростланади. Агар муфта 2 юқори пазага ҳолатга кўйилса, планка 4 бўйламасига силжймайди, агар икки тешикли тугма қадаш имконияти ҳосил бўлади.

Агар тугма тешикларининг ўртасидаги оралиқ машина платформасига кўндаланг йўналишда ўзгарса, бунда винт 11 ни бураб чиқариб, қопқоқ 32 олинади, гайка 25 бўшатилиб, шатун 26 нинг устки каллагини ричаг 24 пази бўйлаб сурилади. Агар шатун 26 нинг устки каллагини чапга, ричаг 24 нинг таянч нуқтасига яқинроқ сурилса, игнанинг платформа 3 кўндалангига оғиши камаяди.

Игна 16 ни унинг узун ариқчасини тикувчига қаратиб иттикоригич 19 га ўрнатиб, винт 18 ёрдамида маҳкамланади.

Машина танасида мой қартери бўлиб, ундан мой пиликлар орқали механизмлар деталларининг тугашмаларига боради.

5.6. 220-М русумли яримавтоматик тикув машинаси

«ОРША» (Белоруссия) енгил машинасозлик фирмаси ишлаб чиқарадиган бу яримавтоматик машина костюм ва пальтолларда икки ипли моки баҳя солиб пухталама ҳосил қилишга мўлжалланган. Машина асосий валининг айланиш

частотаси 1200 айл/мин, кичик пухталама (узунлиги 1—1 мм бўлган) игнани 21 марта санчиб, катта пухталама (узунлиги 7—16 мм бўлган) игнани 42 марта санчиб тайёрланади. Пухталаманинг эни 2—3 мм. 0518 № 100, 191 игналари ишлатилади.

Машинада кривошип-шатунли игна механизми, марказий найчали тебранма моки, шарнир-стерженьли илпортгич бор. Материал машина платформасининг узунасига ва кўндалангига сурилиши мумкин. Машинада платформа тагида жойлашган ип қирқиш механизми бор. Машина кўш педалли.

Кичик пухталамани тайёрлаш. Чап педаль босилса, тепкилар 2 (107-расм) кўтарилади. Буюм материални сўриш механизмининг планкаси 3 нинг устига — тепкилар тагини қўйилади. Ўнг педаль босилганда машина ишга тушади, игна 1 фақат вертикал ҳаракат қилади, планка 3 тепкилар 2 билан бирга платформанинг кўндалангига сурилади ва игна олти марта санчилганда бешта каркас бахя тушади. Игна олти марта санчилгандан кейин каркасни ўраш бошланади. Материал платформанинг узунасига сурилади. Бундан ташқари, игнанинг ҳар бир санчилишидан кейин материал ўнг томонга пухталаманинг 1/12 бўйича сурилади. Ўрашнинг охирида игна 1 учта пухталовчи санчилади-да, машина автоматик тўхтайди. Чап педаль босилса, тепки 2 кўтарилади ва платформа тагида ип қирқилади.


Катта пухталамани тайёрлаш. Бу пухталамани тайёрлашга ўтиш учун копир ўзгартирилади.

Машина ишга туширилганда игна фақат вертикал ҳаракат қилади, материал платформанинг кўндалангига сурилади, игна 13 марта санчилганда 12 та каркас бахя туширилади.


Каркасдаги оралиқ санчишлар пухталама пишиқров бўлишига хизмат қилади. Каркасни ўрашда материал машина платформасининг узунасига сурилади. Бундан ташқари, игнанинг ҳар бир санчилишидан кейин ўнг томонга пухталаманинг 1/26 бўйича сурилади. Ўраш охиридаги учта пухталовчи санчиқдан кейин машина автоматик тўхтайди, чап педаль босилганда эса тепкилар кўтарилиб, ип қирқилади.

Устки ипни тақийш. Ғалтақдан тушган ипни ўнгдан чапга томон сим ипйўналтиргич 8 дан (108-расм) ўтказилади.

Сўнгинчи таранглик ростлагичи шайбалари 7 орасидан, унчадан чапга асосий таранглик ростлагичи шайбалари 15 орасидан айлантириб, иптортгич пружинаси 14 нинг маъданига киритилади ва ипйўналтиргич илгаги 16 нинг ортгага ўтказилади. Кейин ип ўнгдан чапга иптортгич 6 нинг калдондан, пастандан юқори томон сим ипйўналтиргич 5 нинг қалқондан ўтказилади ва ипйўналтиргич скобаси 4 га киритилади. Сўнгра игнаюритгичга маҳкамланган пластинасимон пружина 2 тагидан олиб ўтилиб чапдан ўнгга икки 1 кўзига тақилади.



107-расм. Кичик (а) ва катта (б) пухталамани тайёрлаш.



108-расм. 220-М яримавтоматик тикув машинаси.

Иш усуллари ва асосий ростлашлар. Машина оддий иш столи устига олд қисмини тикувчига қаратиб ўрнатилган. Найчага ип ўрайдиган ўрагич 12 машина танасининг қуйилмасига ўрнатилган. Машинанинг ишлашидаги ўнги хос хусусияти қуйидагилардан иборат: игна пастдалигида охиридан олдинги ва охири санчилишда ип қисилди, ричаг 3 кофир 11 нинг таъсирида соат мили ҳаракатига қарши йўналишда бурилади ва икки марта пластинасимон пружина 2 ни босади. Ипни қисиш уни қирқиш учун зарур, шундан кейин четлатгич 17 тепкилар кўтарилиши билан қирқилган ипни чапга четлатади.

Пухталаманинг узунлиги кўндаланг суриш ричагининг гайкасини бушатгандан кейин, винтли шпилька 9 ни ричаг ўйиғида суриш йўли билан материални кўндаланг суриш катталигини ўзгартириб ростланади. Агар винтли шпилькани тикувчидан нарига томон сурилса, материалнинг кўндаланг сурилиши камаяди.

Пухталаманинг кенлиги 827 ярмавтоматидагидек, ипни 11 ни бушатгандан кейин муфтани стержень бўйлаб суриб ростланади.

Илгари чиқариладиган баъзи машиналарда пухталама бажарилаётганда, масалан, игна синиб қолганда, тугмачи 10 ни босиб машинани тўхтатадиган қурилма кўзда тутилган.

Машина худди 827 ярмавтоматидагига ўхшаш мойланади ва тозаланаяди.

5.7. «MINERVA» (Чехия) фирмасининг 811 ярмавтомати

Бу машина ич кийим ва трикотаж буюмларида бир ипни занжирсимон баҳя солиб, ҳалқани тўғри йўрмаб, икки учини пухталашга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 3000 айл/мин, бу игнанинг бир минутда 3 000 марта санчишига тенг, ҳалқа узунлиги 6 дан 33 мм гача ростланади, ҳалқа кенлиги (пухталама узунлиги) 4,5 мм дан ошмайди. Ҳалқа милкининг кенлиги 1,5–2 мм, пухталамада 5–6 та баҳя бўлади. Чехияда ишлаб чиқариладиган игналар 16x231 № 70-100 ёки 0277 № 75-100 қўлланилади.


Машинада кривошип коромислюли игна механизми, тебранма чалиштиргичлар бор. Материал машина

пачка) формасининг узунасига ва кўндалангига сурилиши мумкин. Пичоқ иш дашрининг охирида ҳалқа тешигини ўяди. Ипқирқиш оқсанини бор. Машина махсус иш столи устига ўрнатилади. Недални машина тизза ричагини босиб тўхтатилади.

Ҳалқани синиқ бахяқатор ёки мунчоқсимон бахяқатор билан йўрмаш мумкин.

Ҳалқа ҳосил қилиш. Тикувчи кўтарилган тепки тагига босиб иш қилиши ва недални босиб машинани ишга туширади. Тепкилар автоматик пастга тушади (109-расм). Игна машина пастформасининг кўндалангига оғади, материал игнанинг ҳар икки санчилишидан кейин тикувчидан чап томонга сурилади. Ҳалқанинг олд милки йўрмаб бўлгандан кейин ҳалқанинг ўнг томонини пухталаш бошланади. Шу пайтда материални узунасига суриш механизми тўхтаб, кўндалангига суриш механизми ишга тушади. Иккита қиракат (игнанинг ҳалқа кенглигича оғиши ва материалнинг кўндаланг сурилиши) қўшилиши натижасида ҳалқанинг ўнг томони пухталанади. Ҳалқалаб бўлингандан кейин материал тикувчи томонга силжиганича қолади. Материални кўндалангига суриш механизми ишдан тўхтаб, узунасига суриш механизми ишга тушади. Игнанинг ҳар икки санчилишидан кейин материал ўнгга сурилади ва ҳалқанинг ортқи милки йўрмаланади.

Ҳалқа чап томони ҳам ўнг томони сингари пухталанади. Кейин материал тикувчидан нарига силжийди, игна бахяқаторни пухталайдиган бахя туширади ва машина автоматик тўхтайди. Машинани автоматик тўхтатиш пайтида автоматик ажратгич пастга туширган пичоқ ҳалқа милклари орасини ўяди; пичоқ чалиштиргичдаги ипни қирқади, тепкилар автоматик кўтарилади.




109-расм. 811 русумли тикув машинасида ҳалқа ҳосил қилиш.

Бахялар ҳосил бўлиши. Бахялар ҳосил қилишда игна (110-расм) олд чалиштиргич 2 ва кейинги чалиштиргич 3 қатнашади. Бахя ҳосил бўлиш жараёнини беш босқичга бўлиш мумкин. Игна 1 (110-расм, а) чап санчилишдан кейини ортки чалиштиргич 3 тутиб турган ўз ҳалқасига киради, чалиштиргич соат мили ҳаракатига қарши йўналишда ҳаракатлана бошлайди ва ҳалқани игнада қолдириб, ундан чиқади.

Игна 1 (110-расм, б) энг пастки ҳолатга тушади, кейин 3—3,2 мм кўтарилиб, ҳалқа ҳосил қилади, олд чалиштиргич 2 соат мили ҳаракатига қарши йўналишда ҳаракатланиб, шу ҳалқага киради.

Игна 1 (110-расм, в) материалдан чиқади, тикувчи томонни оғали ва иккинчи марта санчилади. Шу пайтда олд чалиштиргич 2 игна ҳалқасини кенгайтиради ва игна шу ҳалқага киради. Олдинги чалиштиргич 2 соат мили ҳаракати йўналишида бурилади ва ҳалқани игнада қолдириб, ундан чиқади.




110-расм. 811 русумли тикув машинасида бахя ҳосил бўлиши.

Кейинги чалиштиргич 3 (110-расм. д) соат мили жаракати ийўналишида бурилиб, игна ҳалқасини айраттиради. Игна материалдан чиқади ва тикувчидан қилишга томон оғади. Материал тикувчидан ўнгга томон кўрилади. Кейин жараён такрорланади.

Устки ипни тақиб. Ғалтакдан чиқариб, стержень ийўналтиргич 7 нинг (111-расм) учта тешигига биринчи тақилди, юқоридан пастга томон қушимча таранглик ростлагичи шайбалари 9, асосий таранглик ростлагичи шайбалари 10 орасидан айлантириб ўтказилади, ўнгдан чапга томонга сим ийўналтиргич 8 нинг ортига олиб ўтилади ва ҳалқа ҳосил қилиш охирида пичоқ ҳалқа ўяётганда оқланган ип ҳосил қиладиган ипчетлаткич 5 қулоғига тақилади.

Кейин ипни юқоридан пастга томон ипузаткич 6 нинг қулоғига киритилади, игнаюриткичнинг рамкасига маҳкамланган қушимча таранглик ростлагичи 4 нинг шайбалари ёқоидан ўтказиб, ўнгдан чапга игна 2 қўзига тақилади.



111-расм. 811 русумли яримавтоматик тикув машиниси.

Иш усуллари ва асосий ростлашлар. Машинанинг асосий валдини унга қаттиқ бириктирилган иш шкиви 16 айланма ҳаракатга келтиради. Салт шкив 17 асосий валга параллел ўқда бемалол айланиб туради. Агар машинанинг олд қисми ўнг томондан қаралса, иш шкиви 16 соат мили ҳаракати йўналишида айланиши керак. Иш шкивини буриш учун қопқоқ 13 кўтарилади, махсус калит 15 ёки 5--6 мм ли учи тўмтоқ мих олиб, уни иш шкиви 16 нинг бирорта тешигини киритилади ва шкив бурилади. Бу ишни қўл билан эмас, балки калит 15 ёки учи тўмтоқ мих билан бажарган маъқул, чунки машина тўхтатилганида автоматик ажратгич 14 иш шкиви 16 нинг торецига қаттиқ қисилиши сабабли қўл бармоқларини шикастлантириб қўйиши мумкин.

Игна 2 ни ўрнатиш учун иш шкиви 16 винт 40 рамка ўйигидан чиқиб турадиган ҳолатгача бурилади. Игна 2 ни унинг узун ариқчасини ўнг томонга қаратиб, игнаюритгич 43 тешигининг охиригача тақаб қўйилади ва винт 40 ёрдамида маҳкамланади.

Игна 2 нинг чалиштиргичга нисбатан баландлигини машина иш органларини ўрнатиш учун мўлжалланган шаблон 39 ёрдамида текшириб кўриш маъқул. Текшириш учун шаблон 39 ни худди расмда кўрсатилгандек қўйилади. Кейин игна 2 энг юқори ҳолатда эканлиги текшириб кўрилади. Бу ҳолда игна кўзининг маркази шаблон 39 нинг юқори қирқимига тўғри келиши керак, яъни игна кўзининг маркази игна пластинасидан тахминан 13 мм оралиқда бўлиши керак. Агар бундай оралиқни ўрнатиб бўлмаса, унда ўнг томонда поводок 44 ичига жойлашган винт 45 ни бўшатиб, игнаюритгич 43 вертикал сурилади.

Ҳалқа милкининг кенглиги винтли шпилька 46 ни гайкаси 48 ни бўшатгандан кейин, ричаг 47 нинг ўйиги ичида суриб ростланади. Агар винтли шпилькани тикувчидан нарига томон йўналишда сурилса, яъни ричаг 47 нинг таянч нуқтасидан нари сурилса, ҳалқа милки энсизроқ бўлади.

Чалиштиргич 35 нинг игна ёнига вақтида етиб келиши ва игна билан чалиштиргич орасидаги масофанинг катталиги машина платформаси устидан, иложи борича назорат зонасини кенгайтириб ростланади. Шу мақсадда винт 3 ни бураб чиқариб, ничоқ 20 олиб қўйилади, винт 40 ни бўшатиб, игна 2 чиқариб олинади. Кейин бешта

вент 1 ни бураб олиб, пластина 19, олиб қўйилади, шундан кейин чап томонга бир силтаб, материални суриш ва пластина пластинаси тепкилар 21 билан бирга олинади, шундан кейин пластинасини маҳкамлаб турган винт 22 ни буриб чиқариб, игна пластинаси олинади, винт 22 бўшатилиб, шундан кейин пластинаси тикувчига томон сурилади. Коромисло ва барчани 27 дан қирққич 28 чиқариб олинади. Қолқоқ 13 ни очиб, иш шкиви 16 игна 2 ўзининг энг остки ҳолатига тушиб турадиган қилиб бурилади, игна билан чалиштиргичлар 35 учининг орасига кўрсатилгандек, игна билан чалиштиргичлар 35 учининг орасига қўйилади, бунда чалиштиргичларнинг оралиғи 6,3—7,1 мм бўлиши керак. Агар бундай оралиқни ўрнатиб бўлмаса, унда винт 38 ўрнатилди ва туггич 36 чалиштиргич вали 37 га нисбатан бурилади. Машина платформаси 12 ни очиб машина таг платформадан винтлар 38 ва 34 ларни ечиш мумкин. Чалиштиргичнинг учи игна ёнига вақтида келишини ростлашда игна 2 энг остки ҳолатидан 3,2 мм кўтарилганда чалиштиргич 35 нинг учи игна кўзидан 1—1,5 мм юқорида бўлишига эришиш керак. Чалиштиргичнинг учи билан игна платформадан масофа 0,1 мм га тенг бўлишини винт 34 ни буришдан кейин чалиштиргич 35 ни туггич 36 га нисбатан буриб ўрнатилди. Ростлаб бўлингандан кейин ҳамма олиб қўйилган деталлар тескари тартибда жой-жойига қўйилади.

Игна сўйса ёки ип узилса тикувчи тизза ричагини босади. Машина тўхтайдди. Кейин ричаг 11 ни (чалга) босиб, тепки 21 ни кўтаради ва буюмни тепки тагидан олади. Тугмача 18 ни босиб, тикувчи машинани ишга туширади ва унинг салт ишловига имкон беради, кейин тугилмаган ҳалқа ипини сўкиб, тикувчи машинани бартараф этиб, машинани ишга туширади.

Ҳалқа узунлиги гайка 25 ни бўшатгандан кейин белгили пластина 24 ни шкала линейкаси 26 га нисбатан суриб ростланади. Бундай ростлаш машина платформаси 12 нинг таг томонидан бажарилади. Агар пластина 24 ўнгга сурилса, ҳалқа узунлиги қисқаради.

Ҳалқа милкининг йўрмаш зичлиги машина платформаси 12 нинг таг томонидан винтли шпильканинг гайкаси 31 ни бўшатиб, уни шатун 32 каллагига билан биргаликда роликли шатун диски 33 нинг пазида суриб ростланади. Агар шатун 32 нинг каллагига юқорига кўтарилса, йўрмаш сийраклашади.

Халқа узунлигини ўзгартириш учун пичоқ 20 ни ҳалқа узунлигига мослаб ўзгартириш керак. Пичоқ 20 ни ўрнатишда пичоқнинг қирқувчи қисми икки пластинасининг ўйиғига тўла кириб туришига ишонч ҳосил қилиш керак, яъни винт 3 ни бушатгандан кейин пичоқ 20 нинг пастга тушиб туришини ростлаш керак.

Пичоқнинг ҳаракат чизигига нисбатан халқа ҳолати таъки 42 ни бушатгандан кейин винтли эксцентрик шпилька 41 ни буриб ростланади.

Қирққич 28 нинг кесувчи қиррасининг чалиштиригичи кийдирилган ип халқасига нисбатан ҳолати машина платформаси 12 тагидаги винт 30 ни бушатгандан кейин коромисло 29 ни буриб ростланади. Агар ип текис қирқилмаса, винт 22 ни бушатиб, пластина 23 тикуччи томонга сурилади-да, қирққич 28 ўзгартирилади ёки чархланади.

Халқанинг олд ва орқа милклари ўргасидаги оралиқ винт 49 ни бушатгандан кейин винт 50 нинг ҳолатини ўзгартириб ростланади. Агар винт 50 бураб киритилса, халқанинг орқа милки олд милкка яқинлашади, халқанинг олд милкининг ҳолати эса ўзгармай қолади.

Машинани тозалаш ва мойлаш. Механизмларнинг туташмалари чоклаш машиналаридагидек тозаланади ва мойланади. Машинада мойлаш жойлари қизил рангга бўялган бўлади. Мойлаш учун Т мойи ёки индустриал 20 мойини ишлатиш тавсия этилади. Роликли муфта ва диск 33 нинг ичига мой қуйилмаслигини эсда тутиш керак.

Савол ва топшириқлар

1. Яримавтоматик тикув машиналарининг асосий хусусиятлари нимада?
2. LK-981-555/B12-2 тугма қадан яримавтоматида тугма қилиш жараёни қандай бажарилади?
3. «DЮRKOPP» фирмасининг 541-15105 яримавтоматига устки ип қай йўсинда тақилади?
4. CS 1652-303 яримавтоматида катта ва кичик лухталамалар қандай тайёрланади?
5. CS 1652-303 яримавтоматида остки ип қандай тақилади?
6. 3022-M яримавтомати қайси ишларни бажаришни мўлжалланган?

7. 3022-М яримавтоматини ишга тайёрлаш тартиби қандай?
8. 327 русумли яримавтомат машинада тугма қадаш жараёни қандай бажарилади?
9. 327 русумли яримавтоматида тугма диаметри ўзгарганида қандай сойланишлар бажарилади?
10. 220-М пухталаш яримавтоматида кичик пухталама ҳосил бўлиш жараёни қандай бажарилади?
11. 220-М пухталаш яримавтоматида пухталаманинг эни ва кўлини қандай ўзгартирилади?
12. 220-М пухталаш яримавтоматида устки ип қандай тақилади?
13. «MINERVA» фирмасининг 811 яримавтомати қайси шаклнинг ип узеллардан тузилган?
14. «MINERVA» фирмасининг 811 яримавтоматида ҳалқа ҳосил қилиниши қандай кечади?
15. 811 яримавтоматида баҳя ҳосил бўлишида игна ва шунтиригичлар ўзаро ҳаракатларини тушунтиринг.

II БЎЛИМ

ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ

6-БОБ

ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИНИ БИЧИШ ИШЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖИҲОЗЛАР

6.1. Бичиш усуллари

Пойабзал ишлаб чиқариш саноатида ишлатиладиган материаллар хусусияти ва тузилиши жиҳатидан хилма-хил бўлади. Ёзги ва енгил пойабзалларнинг устки қисмлари асосан юнқа тери, сунъий материаллардан ёки газламалардан тайёрланади.


Пойабзал маҳсулотларини тайёрлашда асосий технологик жараёнлардан бири материалларни бичишдир. Тайёрланаётган пойабзал маҳсулотлари ассортименти турли-туман бўлганлиги сабабли, уларнинг материалларини бичиш усули ҳам бир хил бўлмайди. Материалларни бичишда механик, ток манбаи, кимёвий ва иссиқлик энергияларидан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда пойабзал корхоналарида материалларни бичишнинг турли усуллари қўлланилади (6.1-схема).

Кесиш механизми механик, термик ва термомеханик характерга эга бўлиши учун материалга таъсир кўрсатиш жараёнига қараб бичиш усулларини 3 та асосий турга ажратиш мумкин: механик, термофизик ва термомеханик. Материалларни механик бичиш усулида материал махсус ишчи асбоблар (катоклар, валиклар, кескичлар ва қўзғалувчан пичоқлар) ёрдамида кетма-кет деформация-

олиб қирқилади. Термофизик усулда бир хил кўринишдаги
 ширини ёрдамида таъсир кўрсатилиб материал қирқилади.



6.1-схема. Бичиш усуллари.



112-расм. Материалларнинг бичишнинг механик усуллари.

Термомеханик усулда бир нечта энергиялар қўлланилиб, материалга таъсир кўрсатилади. Материалларнинг бичиш усуларининг асосий хусусиятлари туғрисида тўхталиб ўтамиз.

Материалларни бичишнинг катокли усулида ишчи асбоб сифатида кескичлар қўлланилади (112-расм, а). Бу усулда плита 4 устига жойлаштирилган материал 3 нинг юқориги қисмидаги кескичлар 1 нинг устки юзаси бўйлаб каток 3 лар босим остида ҳаракатлантирилади. Демак, бичиш параллел – кетма-кет усулда амалга оширилади. Бу усулнинг асосий камчилиги шундан иборатки, катокларнинг ҳаракати пайтида кескичлар материалга нисбатан силжиши натижасида қирқиш аниқлиги пасаяди. Қуйидаги усул қўлланилганда қирқиш сифатини анча ошириш мумкин, яъни каток 3 плита 4 га (112-расм, б) ўрнатилган кескич 1 ларнинг устига жойлаштирилган материал 3 бўйлаб ҳаракатлантирилганда кескичнинг материалга нисбатан силжиши анча камаяди.

Валикли усулда материалларни қирқиш кесиш 2 ва қисувчи 3 валлари ёрдамида амалга оширилади (112-расм, в). Материалларни валикларда бичиш усули сирпантириб бичиш усулига бир қадар ўхшайди. Бунда бичиладиган газлама айланиб турадиган иккита валик орасидан ўтказилади. Валиклардан бири қирқадиган, иккинчиси эса газламани босиб турадиган бўлади. Қирқадиган валикка бичиладиган деталларга мос шаклда пичоқлар терилади. Валикларда бичиш усулининг афзалликлари ниҳоятда кўп. Бунда технологик жараёнларни узлуксиз қилиш, бичишни автоматлаштириш, бичилган деталларни ва чиқиндиларни чиқариб олишни автоматлаштириш, материаллар узатишни механизациялаштириш осонлаштирилади.


Валларининг кесувчи юзачарини тайёрлаш ва қайта тиклаш мураккаб бўлганлиги учун бу усул ишлаб чиқаришда кенг тарқалмаган.

Штамповка усулида пойабзал деталлари пуансон 2 ва матрица 1 кўринишидаги асбоблар ёрдамида қирқилади (112-расм, г). Материал 3 матрица ва пуансон орасида жойлаштирилиб, пуансон 2 га таъсир кўрсатилади. Бу усул ҳам қирқиш аниқлиги наслиги ва материалнинг деформацияланиши, ишчи асбобни тайёрлаш мураккаблиги туфайли энгил саноатда кам қўлланилади.


Хосирги пайтда материалларни ниҳоятда қатта босим кески билан отилиб чиқаётган ингичка сув оқимида қирқиш усули ҳам синаб кўрилмоқда. Сув заррачалари (сув билан инертлар аралашмаси) 0,075–0,3 мм диаметрли соплодан 130 м/с тезликда 70–350 МПа босим остида узатилади. Кескиш тезлиги 0,4 м/с. Бу усулда қирқиш сифати оширилган бўлиб, бичиш жараёнини автоматлаштириш мумкин.

Материалларни контактсиз усулда ҳам қирқиш мумкин. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, механик усулда қирқиш асбобларига материал бевосита тегиб туриши шарт бўлса, механик бўлмаган усулда газламага қирқиш асбоби бевосита тегиб турмайди. Шунинг учун бу усул контактсиз қирқиш усули дейилади.

Материалларни лазер нури билан қирқиш усулида материал 4 га лазер нурларини йўналтирувчи оптик кескич 1 йўналтиргич 5 да ҳаракатланади (113-расм). Материал стол 1 билан биргаликда горизонтал йўналтиргич 1 бўйлаб кескич



113-расм. Материалларни лазер нури билан қирқиш усули.



114-расм. Материалларни электр учқуни билан қирқиш усули.

қисқиницага перпендикуляр ҳаракатланади. Иккала ҳаракат ҳам дастурлаштирилган бошқарув системали қадамли электроритмичи ёрдамида амалга оширилади.

Бичишнинг плазмали усулида материални қиздириш ва қирқишда микроплазма ёйи ишлатилади. Бу усул асосан бир қатламли материални 0,3 м/с тезликда қирқишга мувожазланган.

Материалларни контактсиз бичиш усулларида яна бири электр учқунларидан фойдаланиш усулидир. Электр учқуни

билан бичиш усулида плита 1 га жойлаштирилган материал устига графит чизиқ чизилиб, унга электрод уланади. Иккинчи электродлар барабан 2 га ўрнатилган. Электродларга юқори кучланишли ток берилса, материал бугун графит чизиқ бўйлаб қирқилади (114-расм).

Енгил саноатда термомеханик усуллардан асосан иссиқлик ва механик энергия қўлланилган турлари ишлатилади. Буларга электротермик, юқори частотали токни ва ультраовушли усуллар киради.

Электротермик кесишда кескичлар ва симлар кўринишидаги кесиш асбобларидан фойдаланилади. Бу усулда электр энергияси иссиқлик энергиясига айлантирилади. Юқори частотали ток ёрдамида кесиш усули юқори частотали электр майдони таъсирига асосланган. Ишчи асбоб — электрод кескич — 7–10 Н куч ёрдамида юқори частотали ток таъсири билан материални қирқали.

6.2. Пойабзал деталларини чопиш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар

Механик бичишнинг яна бир усулида кесувчи асбоб сифатида кескичлардан фойдаланилади, қўлда бичишда эгик пичоқлардан фойдаланилади. Бичиладиган материал учун юзи таянчи бўлиб ёғоч ёки махсус картондан тайёрланган колодалар, худди шундай металл ёки полимер материалларидан тайёрланган бичиш плиталари хизмат қилади.

Кескичлар пичоқ кўринишида бўлиб, унинг шакли чопилаётган деталь конфигурациясига тўғри келади. Кескичнинг ўткир қисми (учи) кескич тиғи деб аталади. Кескичлар У7 ва У8 маркали махсус асбобсозлик пўлатларидан тайёрланади.

Пойабзал деталларини металлмас плита ёки колодалардан бичиш учун тиғи ўткир кескичлар қўлланилади. Металл плиталарида ишлан вақтида кескичнинг тиғи 0,2–0,3 мм гача ўтмаслашади. Баландлиги 5–8 мм гача бўлган кескичларнинг тиғи 50–52 HRC гача қаттиқликдаги термик ишлов берилади. Кескич тиғининг ташқи ва ён томонининг юзаси силлиқлангандан кейин $Ra = 1,25 \dots 6,3$ гадир-будирлигига эга бўлиши керак.

Кескич тиғи ички юзасининг баландлиги 7 мм бўлганда $Ra = 10$ П... 5 гадир-будирликкача ишлов берилиши керак, бошқа юзаларига ишлов берилмайди.

Пойабзал ости деталларини бишиш кескичлари 1 (115-расм, а) баландлиги 90–105 мм, деворининг қалинлиги эса 4,5–5,5 мм ёки баландлиги 48 мм, деворининг қалинлиги 7 мм қилиб тайёрланади. Кескичларнинг қаттиқлигини ва шунингдек ҳамлигини ошириш учун уларнинг девори кесиш бурчидан 25 мм масофада 10 мм гача қалинликка эга бўлиши керак. Бичилган деталларни кескичдан осон чиқариб олиш учун деворининг ички девори унинг ўткир қисмидан обухигача 1–3 градусли конуссимон шаклда кенгайтирилган. Баландлиги 98–104 мм бўлган кескичларда ишчининг қўли пресс зарба берувчиси билан кескичнинг ўртасида қолиб кетмаслигини таъминлаш учун кескичларда ҳимоя тўсиғи 2 бўлади. Тўсиқлар 16x10 мм дан 16x20 мм кесимгача бўлган резина тасмаларидан ёки 1,2–1,5 мм қалинликдаги пўлатдан тайёрланиб, кескичга икки 3 бўраида ёки пайвандлаб бириктирилади. Пойабзал деталларини номерлаш учун кескичнинг тигига маълум белгилар 4 (белгилар) қўйилади. Бу белгилар эса бичилган деталларни из қолдиради. Кескичнинг юзаси, тигидан ташқари барча қисмлари занглашдан ҳимоя қилиш учун бўялади.

Пойабзал устки деталларини бичиш кескичларининг (115-расм, б) баландлиги 48 мм, деворининг қалинлиги 6 мм қилиб тайёрланади. Худди шундай, пўлат тасмаларидан осонроқ эгиш усули билан тайёрланган юлқа деворли кескичлардан фойдаланилади.

Материални тежаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун бир нечта кескичлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланилади. Шу билан биргаликда материалларни бичишда эгик пичоқлари ҳам қўлланилади.

Бичиш пичоқлари (115-расм, в) ичи бўш металл дастакка илтифатланган ва винт 2 билан қотирилган пичоқ 1 дан тузилган. Пичоқнинг қалинлиги 1–1,5 мм, эни 10–12 мм.

Эгик пичоқлари асосан понасимон (115-расм, г) ёки эгри қанниди (115-расм, д), қиррали пўлат тасмалардан тайёрланади. Пичоқларнинг қалинлиги 1,5–2 мм гача бўлади. Ишлашга қулай бўлиши учун пичоқнинг дастасига ҳимояловчи лента ўралади ва поливинилхлоридли труба кийгизилади.

Кўп қатламли материалларни бичиш кескичлари 32 ёки 48 мм баландликда ва тигининг ўткирлик бурчаги 20° – 23° қилиб тайёрланади. Улар иссиқ катоклардан чиқарилган У7 ёки У8 маркали тасмали пўлатлардан тайёрланади.

Бичишда материал қатламлари силжишининг олдини олиш ва деформацияни камайтириш учун сиқувчи пружинали кескичлар қўлланилади. Кескич ичидagi пружина бичилган деталарни чопиш плитаси устига итариб чиқаради. Кескичдаги бичилган биринчи деталь билан охириги деталарнинг ўлчамлари бир хилда сақланади.

Ёғочдан тайёрланган бичиш колодалари (116-расм, а) қаттиқ ёғочлардан (дуб, бук ёки граб) кесилган бруслардан йиғилиб елимланади. Пойабзал остки деталарини бичиш учун 900x420x300 ёки 1500x420x300 мм габарити ўлчамли тўғри бурчакли колодалар қўлланилади. Пойабзал устки дегалларини бичиш учун эса 550x420x130 мм габарити ўлчамли тўғри бурчакли колодалар қўлланилади. Ёғочдан тайёрланган барча кесиш колодалари периметри бўйича металл рамкали махсус тортқичлар билан тортилади.




Махсус картондан тайёрланган бичиш колодалари (116-расм, б) ҳам олдиндан прессланган ва елимланган пластинкалардан блоklarга елимланиб йиғилади. Йиғилган колодалар иккита ёки учта металл стерженлар билан гайка ёрдамида тортилади. Гайкаларнинг остига ёғоч брусоклар ва пўлат пластинкалар қўйилиб қотирилади. Махсус картондан тайёрланган колодалар билан ёғочдан тайёрланган колодаларнинг ўлчамлари бир хил.

Металлдан тайёрланган бичиш плиталари (116-расм, в) КЧ 18 маркали чўяндан қўйиб тайёрланади. Чидамлилигини ошириш учун бу плиталарнинг ишчи юзасига 12–20 мм қалинликда пўлат қопланади.


Бундай плиталар чопиш пресслари учун 500x350x60 мм ва 1600x400x180 мм ўлчамли қилиб тайёрланади.

Ҳозирги пайтда ҳимояловчи элемент (плёнка) ёпиштирилган алюмин плиталар кенг қўлланилади. Плёнка юзасига латекс сурилган газлама қопланган. Бу платада ишлаган вақтда кескичнинг ўткир тиғи сурилган материални ҳам, плёнкани ҳам кесиб, деталнинг тўлиқ бичилишига аниқ қафолат беради.

Пластмассадан тайёрланган бичиш плиталари (116-расм, г) шаклга келтириш усулида ёки поливинил смоласи асосидаги аралашмалардан зичлашган, асосан поливинилхлориддан тайёрланади.



115-расм. Кескичлар (а,б), бичиш (в) ва этик (г,д) пичоқлари.



116-расм. Чопиш колода ва плиталари.

6.3. Пойабзал остки деталларини чопиш пресслари

Пойабзалнинг остки деталлари НПЕ, ПВ-38, ПВГ-18-0, ПВГ-18-1-0, ПВГ-18-2-0, ПВГ-18-1300, ПВГ-18-1600 прессларида чопилади. НПЕ ва ПВ-38 электромеханик пресслари ҳам конструкцияси ва ишлаш принципи жиҳатидан бир хилда тузилган бўлиб, улар фақат иш йўлининг кенглиги, зарба қилувчи механизмнинг йўли ва ташқи ўлчамлари билан фарқ қилади. ПВГ-18 дан ПВГ-18-1600 прессигача бўлган пресслар ҳам иш йўлининг кенглиги жиҳатидан фарқ қилади.

ПВГ-18-1300 ва ПВГ-18-1600 прессларида алоҳиди бошқарув пульти ва прессни ишга қўшиш мосламаси мавжуд.

ПВГ-18-2-0 пресси

ПВГ-18-2-0 пресси пойабзалнинг остки деталлари (чарм, картон, резина ва бошқа материаллар) ни ўткир тигли кескичлар ёрдамида металмас плита ёки колодаларда чопиш учун қўланилади. Пресснинг юқорига ва пасита ҳаракатланувчи устки трансверса қисми унинг асосий ишчи органи ҳисобланади.

ПШГ-18-2-0 пресси (117-рasm) электргидравлик бўлиб, теппани босиб ишга туширилади. Прессда технологик фарди куйидагича бажарилади: бичиш плитасининг устига материал тўшалиб, унинг устига кескич қўйилади. Кейин кескичнинг муҳофазаланган ён томонидан ушлаб қўшиш тегиси босилади, сўнгра устки траверса пастга томон ҳаракатланиб кескичнинг устки қисмига урилади ва материал кесилгандан кейин юқорига кўтарилади.

Кейинги зарбани ҳосил қилиш учун оёқни тепкидан олиб кескич қайтадан қўйилади ва яна тепки босилиб, пресс ишга туширилади.

Пресс станина, юқори траверса механизми, гидроузатиш куримаси, электр жиҳози ва ҳимоя блокидан тузилган. Ёрилган деталларни қўйиш учун пресс орқасида ёрдамчи стол мавжуд. Пастки траверсага ва пресснинг орқа томонининг ўнг бурчагидаги таянчга электр шкафи маҳкамланган. Пресс рамкасига гидроузатмали мой баки жойлаштирилган. Мой бакини прессдан чиқариб олиш учун пресснинг олд томонида — мой бакининг қопқоғи устида дастак мавжуд. Шу дастак ёрдамида мой бакини прессдан чиқариб олиш мумкин.

Пресснинг станинаси остки траверса 1 га боғланган ўнг 2 ва 3 устунлари маҳкамланган таянч рамаси 4 дан тузилган. Остки траверса устига бичиш плитаси жойлашган. Остки траверса рамка 5 га маҳкамланган чап 3 ва ўнг 2 чўян устунларига ўрнатилган.

Устки траверса механизми гидроузатмадан керакли кескич кучини кескичга узатади. Устки траверса 6 пресс станинасининг йўналтирувчилари 10 ва 5 га ўрнатилган шканига скалкага корпуслар 7 ва 8 ёрдамида маҳкамланган. Пастдан траверса 6 га муҳофазаланган қистирма орқали плита 9 маҳкамланган. Остки станинанинг ҳар бир йўналтирувчиларига фланцлар 13 маҳкамланган бўлиб, улардан трапецидиал резьба кесилган ва унга шток 12 бириктирилган. Штокка пресс ишлаётган вақтда кўзгалмай турувчи поршенлар маҳкамланган. Ишчи цилиндрлар скалканинг пастки қисмида жойлашган.

Тортгич 14 га юқори траверсани дастлабки ҳолатига қайтариш учун пружина 11 кийгизилган. Тортгич скалканинг ичидан ўғиб, кирмаксимон филдирак 15 ни шток

12 билан бириктиради. Устки траверсанинг ичида траверсанинг баландлик бўйича ҳаракатга келтирувчи узатиш механизми жойлашган. Узатма электрюритгичдан, иккита тишли филдирак, валиклар 16 ва 17 ҳамда учта муфта 19, 20 ва 21 лардан иборат. Устки траверсани ҳаракатга келтирувчи электрюритгич қўшилгандан кейин ҳаракат унли цилиндрик тишли узатма орқали, иккита скалка ва тортич, кирмаксимон узатмаси орқали штокка узатилади. Кейин штоклар фланцларга буралиб кириб ёки фланцдан чиқиб, скалкаларни траверса билан биргаликда кўтариб ёки тушириб туради.

Созланиши. Устки траверсанинг вертикал ҳолати бошқарув пульти 25 панелидан ўнг томон вертикал қатордаги тугмачалардан бирини босиб созланади. Бунинг учун электрюритгичи 22 дан тишли филдираклар 21, валиклар 16 ва 17, муфта 19 орқали иккита скалканинг кирмакли узатмалари, тортич 14 орқали ҳаракат штокларга узатилади ва траверса 6 кўтарилиб-тушиб туради. Филдирак 23 корпус 6 билан боғланган ва пресснинг ишлаши вақтида юқорига ва ластга ҳаракатланувчи штанга 18 га қаттиқ маҳкамланган. Юқори траверсадан кескичнинг устки қисмигача бўлган масофа 70 мм дан ошмаслиги керак.


Гидравлик узатма электрюритгичдан ҳаракат олувчи насос, гидродозатор — тезлатгич, тўйингириш гидроклапани, гидробак, иккита қайтарма клапан, мой ўтувчи труба ва мой бакидан тuzилган. Гидробакка мой филтър орқали куйилади. Мойнинг сафди мойкўрсаткич бўйича назорат қилиниб турилади. Ишчи сувоқнинг сифатида Т22 ва Тп- 22 маркали турбин мойдан фойдаланилади.

6.4. Кескичларда пойабзал деталларини қирқини жараёни

Кўндаланг кесимли кескичларда эластик материалларни (натурал ва сунъий) кесиш жараёнини кўриб чиқамиз (118-расм).

Материалларнинг бўлақларга ажралиш жараёни кескич учига контакт кучланиш ҳосил бўлгунга қадар бажарилади.

Кескичга тушадиган кесиш кучи P_k материалнинг кескич учига нисбатан қаршилиқ кучи Q , нормал кучлари N_1 ва N_2 материал ва кескич учи орасидаги ишқаланиш кучлари билан мувозатланади:



117-расм. ПВГ-18-2-0 типдаги пойабзал остки деталларини чопиш пресси.

$$P_A = Q + N_1(\sin \alpha_1 + \mu_1 \cos \alpha_1) + N_2 \mu_2 \quad (1)$$

Бу ерда: μ_1 ва μ_2 — кескич тиғи ва материал орасидаги шиклланиш коэффициенти.

Кескичларнинг 1 см кесувчи қисмига таъсир қилувчи кучни қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$G_n = q/\nu$$

Бу ерда: q — кескич учининг таъсири натижасида ҳосил бўладиган материал қаршилиги.

n — кескич учининг ўтмаслигини билдирувчи узунлик. Материал қаршилик кучи:

$$Q = q \cdot L = \nu L G_n \quad (2)$$

Бу ерда: L — кескичнинг кесиш қисми периметрлари.
 N реакцияни аниқлаш учун материалдаги деформация тақсимланишини кўриб чиқамиз.

Умумий ҳолда материал x , z ўқлар йўналишида ва α текислигига перпендикуляр йўналишда деформацияланади.

Кескич контурининг тўғри чизиқли қисмларида материал x ва z ўқлари бўйлаб деформацияланади. Эгри чизиқли жойларида эса материал деформацияси кесиш радиусига боғлиқ бўлади.

Агар материал чети кескич ўткир қисмига яқинроқ жойлашган бўлса, у ҳолда эластик материал чекка юзаси бўйлаб кескич ўткир қисмининг ҳолати ef' чизиққа тўғри келади. Эластик материал тор чекка юзаси ef ҳолатда бўлади.

β бурчак материал ва кескич ўткир қисмигача бўлган масофага, кескич ўткирланиш бурчагига, материалнинг физик-механик хоссасига ва куч ўлчамларига боғлиқ бўлади.

Кескич контурининг тўғри чизиқли жойларига таъсир қилувчи N , кучни аниқлаймиз.

Материал деформацияланадиган жойларини элементар бўлақларга ажратамиз. dN , реакциянинг элементар қий-матларини топамиз:

$$dN_1 = dR_1 \cos \varphi$$

Бу ерда: dR_1 — материалнинг деформацияланиш йўналишини билдирувчи $\theta = \alpha + \varphi$ бурчак остида $d\xi / \cos \alpha$ юзага таъсир қилувчи реакция кучи.

φ — ишқаланиш бурчаги.

$$\text{Бунда: } dR_1 = \frac{dx_1}{\cos(\alpha + \varphi)}$$

dx — x ўқи бўйлаб элементар реакция проекцияси.

Агар x ўқи бўйлаб кучланиш δ_x , нисбий кучланиш ϵ_x , материал эластиклик модулини E_x деб белгиласак, у ҳолда

$\delta_x = (\epsilon_x E_x)^m$ бўлади. Юқори полимер материал учун:

$$\delta_x = (\epsilon_x E_x)^{1/2}$$

Бу ерда коэффициент $m=0,8 \div 1$ ни ташкил этади.

$$\text{Агар: } \varepsilon_x = \frac{\Delta x}{l} = \frac{c'c'' - c''c'}{l} = \frac{\xi(\operatorname{tg}\alpha - \operatorname{tg}\beta)}{l}$$

Булар, у ҳолда $\frac{\operatorname{tg}\alpha - \operatorname{tg}\beta}{l}$ ни К орқали белгилаб қуйида-
ни оламиз:

$$dX_1 = (kE_x)^m L^m d\xi.$$

Демак:

$$N_1 = \frac{\cos\varphi(kE_x)^m}{\cos(\alpha + \varphi)} L \int_0^z \xi^m d\xi = \frac{m \cos\varphi(kE_x)^m}{(1+m)\cos(\alpha + \varphi)} Lz^{\frac{1+m}{m}}. \quad (3)$$

N_1 реакция кучини аниқлаш учун Х ўқи бўйлаб таъсир
қилувчи барча кучлар проекциялари йиғиндисини оламиз:

$$\Sigma x = 0; \quad N_2 = N_1 \cos\alpha + N_1 \mu_1 \sin\alpha - T, \quad (4)$$

Бу ерда: T — кескичнинг кўндаланг эгилишга қаршилиги.

T — қаршилиқ N_1 нинг мураккаб функцияси
қисобланганлиги сабабли уни биринчи яқинликда $T = k_z$
деб қабул қиламиз.

K_z — кескичнинг кўндаланг йўналишдаги қаттиқлик
коэффициенти.

(1) тенгламага (2) — (4) ифодаларни қўйиб, кесиш
кучини аналитик усулда аниқлаймиз:

$$P_A = bL\delta_A + \frac{m \cos\varphi(kE_x)^m}{(1+m)\cos(\alpha + \varphi)} Lz^{\frac{1+m}{m}}$$

$$(\sin\alpha + \mu_1 \cos\alpha + \mu_2 \cos\alpha + \mu_1 \mu_2 \sin\alpha) - k_2 z \mu_2$$

Амалий ҳолларда кесиш кучини аниқлаш учун қуйидаги
ифодадан фойдаланилади:

$$P_k = qLk_1 k_2 k_3$$

q — солиштирма оғирлик, н/м.

L — кескичнинг максимал периметри.

k_1 — кескич утмаслиги коэффициенти.

(1) — 10 — 30° да $k=1, 1 \div 1,8$ га тенг)

k_2 — кескич ўткир қисмининг радиуси.


k – таъсир қилувчи кучнинг ўзгариш коэффициенти.
 $\mu = 0,1 \div 0,4$ – материал ва кескич орасидаги ишқаланиш коэффициенти.

$$K = 1 + \mu, \vartheta$$

v – кескичининг ҳаракат тезлиги м/с.

Кесиш кучининг ўзгариш диаграммасидан маълумки, плита амортизаторларга ўрнатилган ҳолда иш материал деформациясига сарф бўлади.

Бундан маълумки, сундиргич қаттиқлиги ва кескич баландлиги чегарасини оширишга ва пресс Ф.И.К. пасайишига сабаб бўлади.



18-расм Кесиш жараёнида таъсир қилувчи кучлар схмаси

6.5. Пойабзал устки деталларини чопиш пресслари

Орлов (Россия) машинасозлик заводида ПВГ-8-2-0 прессен асосида яратилган бир қанча пресслар ишлаб чиқарилади.

Пойабзалнинг устки деталлари ПВГ-8, ПВГ-8-1-0, ПВГ-8-2-0, ПКП-10 ва ПКП-16 прессларида чопилади.

Бу прессларнинг барчасида бурилиб зарба бериш механизми асосий ишчи орган ҳисобланади.

ПВГ-8 пресси конструктив тузилиши жиҳатидан жуда оддий бўлиб, зарба бериш механизмнинг бурилиши қўлда бажарилади. Бу прессда ишлаш жуда оғир бўлганлиги сабабли ҳам унинг иш унумдорлиги анча паст.

ПВГ-8-1-0, ПКП-10 ва ПКП-16 прессларида зарба бериш қурилмаси автоматик тарзда бурилади.

ПКП-16 пресси конструктив тузилиши жиҳатидан ПКП-

Шу прессига жуда ўхшаш бўлса-да, ташқи ўлчамлари ва чопиш дучошнинг катталиги билан кескин фарқ қилади. ПКП-16 прессига йирик ўлчамли чармлардан пойабзал устки деталларини чопиш учун қўлланилади.

ПВГ-8-2-0 пресси

Ишқор ва сунъий чармдан тайёрланадиган пойабзал устки деталларини консол ўрнатилган автоматик бурувчи ПВГ-8-2-0 электрогидравлик прессида чопиш мумкин. Чопиш ўткир тунги кескичлар ёрдамида алюмин ва пластмассали плиталарда ёки ётоқ ва махсус картонли колодаларда амалга оширилади.


Технологик жараён қуйидагича бажарилади: чопиш плитасининг устига материал жойлаштирилади ва унга кескич қўйилиб, бир вақтнинг ўзида ўнг томондаги тугмача, чап қўл билан эса чап томондаги тугмача босилади. Бу пайтда зарбадор бурилиб, чопиш плитасининг устида зарба берилади, сўнгра зарбадор автоматик тарзда дастлабки ҳолатига қайтади. Кескичдан чопилган деталь олиниб, кескич яна қайтадан материал устига қўйилади ва иш даври такрорланади.

Пресс зарба бериш, зарбадорни буриш, зарбадорни қўтариш механизмлари, электр жиҳози ва гидроузатмадан тунолган (119-расм).

Пресснинг станинаси асос 1 ва стол 6 билан тўртта тунги 4 ёрдамида бирлашган. Столнинг устида чопиш плитаси 2 жойлашган. Чопиш плитасида технологик контакт 7 мавжуд бўлиб, пресснинг электр схемасига ва чопиш плитасига уланган.

Станинанинг ичида гидроузатма, ўнг томонида эса электр шифафи 5 жойлашган. Станинанинг олд томонида иккита тугмачали кронштейн ва бошқарув пульти 9 бор. Иккинчи технологик контакт зарбадорнинг остида — корпусга шўхланган бўлиб, кескич детални чопиб, плитага 0,5 мм гўна ботгандан сўнг пресси тоқдан ажратиш учун хизмат қилади.

Станинанинг вертикал цилиндрик йўналтирувчиси 3 да скалка зарбадори билан жойлашган бўлиб, юқори томондан сайка билан қотирилаган. Скаланинг пастки қисмида штокка



119-расм. ПВГ-8-2-0 типидagi пойабзал
устки деталларини чопиш пресси.

қаттиқ маҳкамланган, ишчи поршени бўлган цилиндр жойлашган.

Зарбадорни вертикал бўйича қўтариб, тушириш ва унинг йўлини созиш учун штокнинг пастки учида резъбали қисми ва унга бирлашиб турувчи тишли филдираги 8 бор. Тортқичга иккита пружина кийгизилган, пружиналар деталь чопилгандан сўнг зарбадорни юқори ҳолатга қайтариш учун хизмат қилади.

Зарбадорни буриш механизми. Бу механизм зарбадорни скалка билан биргаликда иш ҳолатига ва материал чопилгандан кейин уни дастлабки ҳолатига қайтариш учун хизмат қилади. Скалкага тишли рейка билан ҳаммавақт илашиб туришини таъминлаш мақсадида тишлар очилган ва тишли рейка ҳаракати натижасида скалка зарбадор билан биргаликда бурилади. Зарбадорнинг бурилиш механизми пресс станинисида маҳкамланган иккита цилиндрдан ҳаракатни олади. Цилиндрларда поршенлар ҳаракатланади. Поршенлар рейкани ҳаракатга келтиргач скалканинг зарбадор билан биргаликда бурилишини таъминлайди.

Гидравлик узатма. Гидравлик узатма электрқуритгичдан

қармақ олувчи насос, гидродозатор – тезлатгич, тушин-
тириш гидрокланани, гидробак, иккита қайтарма кланан,
мой үгучи груба ва мой бакидан тузилган. Гидробакка мой –
шпальт орқали қуйилади. Мойнинг сатҳи мойкўрсаткич
буйича назорат қилиб турилади. Ишчи суюқлик сифатида
Г-22 ва Гп-22 маркали турбин мойларидан фойдаланилади.

Савол ва топшириқлар

1. Поиабзал тайёрланадиган материалларни бичишнинг қайси усуллари мавжуд?
2. Материални лазер нури билан қирқиш усулини тушунтиринг.
3. Бичишнинг термомеханик усулини тушунтиринг.
4. Поиабзал устки деталларини чопишда қандай асбоб-
ушлар ишлатилади?
5. Бичиш плиталари қандай материалдан ва қайси улчамларда
тайёрланади?
6. Поиабзал остки деталларини чопишда қандай пресслар
қўлланилади?
7. ПП1-18-2-0 прессиинг тузилишини тушунтиринг?
8. Поиабзал деталларини қирқиш жараёнида кескичга
тушадиган кескиш кучи қандай аниқланади?
9. Кескиш жараёнида материалнинг қаршилик кучи қайси
формуладан аниқланади?
10. Поиабзал устки деталларини чопишда қайси пресслардан
қўлланилади?
11. ППГ-8-2-0 прессида технологик жараён қандай
бардирилади?
12. Чопиш прессларида ишлаш вақтида қандай техника
амфилиги қоидаларига риоя қилиш керак?

7-БОБ

ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ЖИҲОЗЛАРИ

7.1. Пойабзал деталларига кесиб ишлов бериш жараёнлари ва ишчи асбоблари

Кейинги йилларда пойабзал деталларини ва ҳар хил турдаги чарм-галантерия буюмларини иккига ажратувчи иш турли хил профил (фасон) ларда кесиш ҳамда текислаш зарурати ошиб бормоқда.

Деталларни кесиб ишлов бериш жараёнларининг куйидаги турлари маълум:

1) Пойабзал устки ва остки деталларини қалинлиги бўйича текислаш.

2) Пойабзал устки деталлари четларини керакли чуқурликда қирқиш.

3) Устки деталь четларидан юпқа кант олиш учун қирқиш.

4) Фрезалаш ёки силлиқлаш (асосан устки деталга бириктирилган ёки ҳали бириктирилмаган тагликларнинг четларига ишлов беришда қўлланилади).

5) Деталь юзаларини елимлашдан олдин тирналаш.


Материалларни кесиш турли хил усулларда амалга оширилади. Қўзғалмас пичоқ билан қаттиқ терилар кесилди. Қаттиқ бўлмаган материалларни иккига ажратиш ёки юпқа қатламни кесиш қўзғалувчан пичоқлар ёрдамида амалга оширилади. Баъзан чангитиб кесиш ўрнига тебранувчи пичоқ ёрдамида кесиш қўлланилади. Қўзғалувчан пичоқда материалларни кесишда кесиш бурчаги камаяди.

Чангитиб кесиш буюмга ишлов беришда юқори узатиш тезликларини қўллашни талаб қилади, натижада ишлов бериш сифатини туширмасдан жиҳознинг унумдорлигини оширади.

Кесиб ишлов бериш жараёни материални илиб олиб, уни қўзғалмас ёки қўзғалувчан пичоққа узатиш йўли билан бажарилади.

Машиналарнинг ишчи органлари ишлов бериш усули жиҳатидан конструктив характерга эга (120-расм).

Пойабзал остки деталларининг қалинлиги бўйича текислаш машиналарида қўзғалмас пичоқ 1 га материал 3 (120-расм, а) ташувчи валлар 2 ва 4 ёрдамида узатилади.



120-расм. Пойабзал устки ва остки деталларини қалинлиги бўйича иккига ажратиш машиналарининг ишчи органлари схемаси.

Пастки ғадир-будир юзали вал ҳар хил қалинликдаги деталларга ишлов бериш учун пружинали қилиб тайёрланган. Пойабзал устки деталларини текислаш учун узлуксиз ҳаракатланувчи лента пичоқли махсус машиналар ишлаб чиқарилган. «Свит» фирмасида (Чехия) 06020/Р3 машинаси ирилди. Бу машинада эни 32 мм ва диаметри 50 мм бўлган 12 га ҳалқача эркин кийдирилган пастки ташувчи валик 3 (120-расм, б) бўлиб, у резина қопланган вал 4 га тегиши билан ҳаракатга келади. Валдаги резина қопламанинг қалинлиги 17 мм га тенг. Бу эса ишлов бериладиган материалнинг вал 2 ва 3 орқали утиб пичоқ 1 га етказишда материал қалинлигини компенсациялаб туриш имконини беради.

СКОМ (АҚШ) фирмаси машиналарининг ишчи органлари бўлиб лентали пичоқ 1 (120-расм, в), мажбурий ҳаракатда бўлган юқориги узатувчи 2 ва пастки ҳалқали

вал 3 хизмат қилади. Ҳалқали вал 3 пастдан ролик 4 нар мажмуаси билан тегиб туриб, ўз навбатида пружина 3 ишгирокида таъсир қилиб туради. Роликлар сони ҳалқалар сонига тенг.

«FORTUNA» фирмаси (Германия) деталларни иккига ажратувчи ва уларга контур бўйича ишлов берувчи лентали машиналарни ишлаб чиқаради (120-расм, г). Бундай машиналарга юқори узатувчи вал ўрнига пойабзал устки деталдан юпқа қатлам кесиб олишни таъминловчи йўналтирувчи линейка 1 ўрнатилган.

Пойабзал устки ва остки деталларининг четини (юпқалаштириш) кесиш машинасининг асосий ишчи органи косасимон пичоқ 5 ҳисобланади (121-расм, а). Материалларни айланувчи пичоққа узатиш ботиқ (фасонли) ва қавариқ (гадир-будирли) роликлар 3 ва 6 ёрдамида бажарилади.


Пойабзал устки деталларининг четларини кесиш машинасининг остки деталларининг четини кесиш машиналаридан конструктив фарқи шундаки, улар анча енгил конструкцияга эга ва мажбурий айланувчи ролик ўрнига қисувчи тепки 7 ўрнатилган (121-расм, б).

Деталларнинг қалинлиги бўйича текислаб иккига ажратувчи лентали такомиллаштирилган машиналар учун профилли текислаш янги усул ҳисобланади. Машинада деталлар 1 ни контури ва контур ичи бўйлаб фасонли кесиш ўзгармас кесимли узатувчи валиклар 3, 5 ва профилли шаблон-матрица 7 ни қўллаш натижасида бажарилади (122-расм). Детални қўзғалмас линейка 6 босиб туради. Материал валиклар ёрдамида пичоқ 4 га узатилади.

Шаблон-матрицалар сунъий чарм ёки пластик материаллардан тайёрланади. Шаблон-матрица ёрдамида кесишда материалларнинг бир учи узатувчи валиклар орасидан шундай ўтказиладики, бунда шаблон-матрицанинг юзаси юқори узатувчи валикка тегиб туриши керак.


Профил ишлов бериш деталнинг четларини ва ички қисмларини кесиш жараёнларини бирлаштириш имконини беради.

Бу усул юқоридаги профилли вални қўллаш билан пойабзал тағлиги четларини профилли кесиш ва қалинлиги бўйича текислаш усулига ўхшашдир. Бундай машиналарнинг



121-расм. Пойабзал устки ва остки деталлари четларини қирқиш машиналарининг ишчи органлари схемалари:

- 1 — материалнинг қирқиладиган қатлами; 2 — ён таянч;
 3 — ботиқ ролик; 4 — ишлов берилаётган деталь;
 5 — косасимон пичоқ; 6 — қавариқ ролик; 7 — тепки.



122-расм. Пойабзал устки деталларига профили уштовчи вал ёрдамида фисонли қирқиш машиналарининг ишчи органлари схемаси:


- 1 — деталнинг устки бўлиги; 2 — деталнинг остки бўлаги; 3 — устки уштовчи валик;
 4 — пичоқ; 5 — остки уштовчи (ҳалқали) шлик; 6 — линейка;
 7 — шаблон матрица.

ишлаш принципи қуйидагича: агарда деталь 2 ни (123-расм, а) профилли бўшлиқ 1 га силжитсак ва деталь четини шикел текислиги устидан чиқариб қуйиб асосга қиссак, у ҳолда cd чизиқ бўйича жойлашган пичоқ 4 деталнинг чиқиб турган қисмини кесиб ташлайди.

Бу ҳолатда ишчи органларнинг кўриниши схемаси 123-расм, б да кўрсатилгандай бўлади. Текис пойабзал таглиги иккита ёки битта профилли 3 ва эластик 5 валиклар ёрдамида қўзғалмас ўрнатилган пичоқ 4 га узатилади.

«Эмхарт» фирмаси (АҚШ) машиналарида деталларни профилли кесиш ва текислаш учун диаметри 200 мм га тенг бўлган пулат кескичли ёки жилвирли материалдан иборат диски фреза қўлланилади. Текислаш билан бир вақтнинг ўзида таглик юзаси елим суриш учун тирналади.



Пойабзал таглиги илгариланма-қайтма ҳаракат қилувчи, столга маҳкамланган матрица устига қўйилади. Матрица пойабзал таглиги ўлчамига қараб қандайдир масофани



123-расм. Деталларнинг қалинлиги бўйича профилли текислаш машиналари ишчи органлари схемаси.

Варақат қилади. Таглик фрезага узатилганда эластик пружиналар ёрдамида матрицага босилади.

Матрица 0,5 мм қалинликдаги тўғри бурчакли шаклда олтин полистирол варақларидан тайёрланади. Варақлар



124-расм. Қўндаланг ариқчали жилвирлаш тилдираги.

125-расм. Пойабзал устки детали тортилган четини тирналаш ҳалқалари.

ўлчами ва уларнинг сони таглик ўлчами ёки қалинлигига қараб аниқланади.

Пойабзал остки деталарининг янги кўринишлари абразив тўлдирилганлиги фрезанинг тез сийилишига сабаб бўлади.


Резинанинг ҳар хил турларидан ва бошқа материаллардан олинган пойабзал тагликлари айрим ҳолларда жилвирланади.

Фрезалаш жараёнидан олдин жилвирлаш бир қанча ариқчаларга эга: жилвирловчи тошлар фрезадан анча арзон, уларни тезлаш талаб этилмайди, жилвирловчи тошларда ишлов бериш натижасида материалга қаттиқ босилмаса-да, сифат даражаси юқори, пойабзал таглиги формасига юқори даражада ишлов берилади (124-расм).

Жилвирловчи тошга қўндаланг ўйилган ариқчалар кесиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Жилвир тоши айланганда ундаги ва пойабзал таглигидан чиққан чанг ва инфлюстиклар шамол таъсирида чиқиб кетади ва жилвир тошининг юзаси ҳамда ишлов бериладиган материал шамоллардан совиб туради, чанг ҳам ўз навбатида кам бўлади. Баъзи машиналарда пойабзал устки деталанинг четлари ҳалқачалар ёрдамида тирналанади (125-расм). Ҳалқачалар асосан ягона олтига сектор 1 дан тузилган мослама 3 дан иборат. Мослама 3 га маҳкамланган олтига

бармоқ 2 га пулат юлдузча 4 лар кийдирилган. Юлдузчалар тешигининг диаметри бармоқ диаметридан 2 мм га каттароқ, шунинг учун ҳам айланиш вақтида юлдузчалар ҳалқалари марказдан қочма куч таъсирида бармоқ ўқларини нисбатан ён томонга эгилиб пойабзал устки деталига тегади, натижада устки деталь ҳеч қандай зарарсиз тирналанади. Сектор 1 лар пойабзал деталарининг нотекис юзалари учун таянч ҳисобланади ва ишлов бериш вақтида устки деталнинг товон ва бармоқ қисмларидаги нотекис, гадир-будир юзаларга юлдузчанинг санчилиб кетмаслигини таъминлайди. Пойабзал деталлари юзаларини елимлашга тайёрлаб тирналашда металл чўткалардан ва катта ўлчамдаги жилвир тошлардан ҳам фойдаланилади. Ишлов бериладиган буюмнинг (пойабзал таглиги ёки устки детали) кўринишини қараб чўтканинг икки хил конструкцияси: ҳар хил диаметр ва узунликка эга бўлган ҳалқалар орасида қисилган пулат (126-расм, а) ва иссиқлик ёрдамида резинага бириктирилган симлар (126-расм, б) мавжуд.

Кейинги йилларда пойабзал деталларини ва ҳар хил турдаги чарм-галантерия буюмларини иккига ажратувчи шун турли хил профилларда кесиш, шунингдек, текислаш зарурати ошиб бормоқда.



126-расм. Материал юзасини тирналовчи металл чўтка конструкцияси:
1 — симлар урами,
2 — шайба; 3 — гайка,
4 — втулка.


7.2. Материални кесишда таъсир қилувчи кучлар

Пичоқ учининг горизонтал ўққа нисбатан симметрик жойлашган ҳолатидаги таъсир қилувчи кучларни кўриб чиқамиз (127-расм).

Агар пичоқ ўткир қисмининг иккала қиррасига материал томондан босим бир хилда таъсир қилса, у ҳолда қуйидаги ишқаланиш кучи таъсир қилади:

$$T = N_1 \operatorname{tg} \rho$$

Бу ерда: N_1 — материалга пичоқ томондан таъсир қилувчи нормал куч; ρ — материал ва пичоқ орасидаги ишқаланиш бурчаги.



127-расм. Кесиш жараёнида материалга таъсир қилувчи кучлар схемаси.

Материал ва сурувчи валиклар орасида қаршилик юзага келмаслиги учун $S_0 = 2F_1 \cos \psi$ ташқи таъсир берилади. Ушбу валиклар иккита бўлганда материал йўналишига нисбатан ишқаланиш кучлари проекцияси қуйидагича бўлади:

$$F_1 = 2N_1 \operatorname{tg} \rho_1 \cos \psi$$

Бу ерда: $\operatorname{tg} \rho_1$ — материал ва валиклар орасидаги ишқаланиш бурчаги; ψ — валиклар марказлари ва радиусларидан ўтувчи чизиқлар орасидаги бурчак; N — материалга валиклардан тушадиган радиал босим.

127-расмдан кўриниб турибдики, N босим кучининг горизонтал тузувчилари материал ҳаракатига

қарама-қарши таъсир қилади. Бу кучлар қиймати $2N \sin \psi$ га тенг.

Шундай қилиб, валиклар томонидан материал ҳаракат йўналиши бўйлаб таъсир қилувчи кучлар қуйидагича аниқланади:

$$S_{\max} = 2N(\operatorname{tg} \rho_1 \cos \psi - \sin \varphi)$$

Валиклар томонидан таъсир қилувчи кучлар мувозанат шартлари қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$S_0 = R_0 + RN_1 + R_T$$

Бу ерда: R_0 – пичоқ тиғига нисбатан материалнинг қаршилик кучи; RN_1 – тенг таъсир қилувчи нормал кучларнинг горизонтал проекцияси; R_T – материални пичоқ орасидаги тенг таъсир қилувчи ишқаланиш кучларининг проекцияси:

$$RN_1 = 2N_1 \sin \frac{\beta}{2}; \quad R_T = 2T \cos \frac{\beta}{2} = 2N_1 \operatorname{tg} \beta \cos \frac{\beta}{2};$$

$$S_0 = R_0 + 2N_1 \sin \frac{\beta}{2} + 2N_1 \operatorname{tg} \beta \cos \frac{\beta}{2};$$

У ҳолда:
$$S_0 = R_0 + 2N_1 \left(\frac{\sin \frac{\beta}{2} \cos \beta + \cos \frac{\beta}{2} \sin \beta}{\cos \beta} \right) = R_0 + 2N_1 \frac{(\cos \frac{\beta}{2} + \beta)}{\cos \beta} \quad (1)$$

(1) тенгламага биноан S куч R_0 ва N кучлар ошгани билан ўсиб боради. Пичоқ қиррасининг бир томонида таъсир қилувчи N_1 ва T тенг таъсир қилувчи кучларининг R орқали белгилаб, қуйидагича ёзамиз:

$$R = \frac{N_1}{\cos \rho} = \frac{S_0 - R_0}{2} \frac{1}{\sin(\frac{\beta}{2} + \rho)}$$

R кучни горизонтал $R_B = (S_0 - R_0)/2$ куч ва вертикал R_V кучлар тузувчиларига ажратамиз:

$$R_B = R \cos(\frac{\beta}{2} + \rho) = \frac{S_0 - R_0}{2} \operatorname{ctg}(\frac{\beta}{2} + \rho)$$

R куч бурчаклар кичиклашиши билан R куч ошиб боради, материалнинг пичоқ тиғига нисбатан қаршилигини

қилибди. Валиклар томонидан материалга таъсир қилувчи умумий кучлар қуйидагига тенг бўлади:

$$R_B = \sqrt{2R_r^2 + 2R_\lambda^2} \sqrt{\left[\frac{2N_1 \sin\left(\frac{\beta}{2} + \rho\right)}{\cos \beta} \right]^2 \left[1 + \text{ctg}^2\left(\frac{\beta}{2} + \rho\right) \right]^2}$$

Бундан кўриниб турибдики, ишлов берилаётган материал валиклар ва пичоқ орасидан ўтаётганда материалнинг кенгайиши ва бўйлама силжиши содир бўлмайди. Агар материалда кўндаланг кенгайиш бўлмаса у ҳолда R_B куч учун қуйидаги тенглама ўринлидир:

$$R_B = R_r \text{ctg}\left(\frac{\beta}{2} + \rho\right)$$

Агар R_B ва R_r кучлар материалнинг кўндаланг кенгайишига нисбатан аниқланса, у ҳолда қуйидаги ифода ўринлидир:

$$R_B = \mu R_r$$

Бу ерда: μ — ўлчамсиз кўпайтма.

Ҳақиқатан ҳам кучлар билан биргаликда барча мураккабланган факторлар таъсир қилади, шунинг учун:


$$R_{B \text{ ум}} = R_B + R_B' = \frac{S_0 + R_1}{2} \left[\text{ctg}\left(\frac{\beta}{2} + \rho\right) + \mu \right]$$

Агар $\left[\text{ctg}\left(\frac{\beta}{2} + \rho\right) + \mu \right], \text{tg}(90^\circ - \varphi)$ бўлса, қуйидагига эри бўламиз:


$$\frac{R_{B \text{ ум}}}{R_2} = \text{tg}(90^\circ - \varphi) = \text{tg} \varphi_0$$

Юқорида кўрсатилган барча омиллар пичоқнинг ишлатишига таъсир қилади. Яъни, пойабзал деталларини иккига ажратишга, қирраларини кесишга ва бошқа кесиш шартларига. Материалнинг пичоққа нисбатан таъсир кучи ўндан настга йўналган бўлиши мумкин (128-расм).

Пойабзал деталларини иккига ажратиш ва текислаш машиналарида тенг таъсир қилувчи кесиш кучларининг



128-расм. Материални кесиш жараснида тенг таъсир этувчи кучлар йўналишлари.




129-расм. Пойабзал остки деталлари четларини кесиш жараснида тенг таъсир этувчи кучлар йўналишлари.

Йўналиши ва қийматини пичоқ тигига бураб созлаш мумкин. Пойабзал устки деталлари четини қирқиш машиналарида эса ҳаракатлантирувчи роликнинг айланиш ўқини пичоқнинг вал айланиш ўқига нисбатан ўзгартириб созланади. Мисол тариқасида деталларнинг четларини кесувчи машиналар пичоғига таъсир қилувчи кучларни кўриб чиқамиз. Машинанинг нормал ишлашида ишлов берилган материал ишчининг иштирокисиз (129-расм) стол 3 га жойлашсин учун пичоқ 1 нинг материалга нисбатан ишқаланиш кучи R_n ва ҳаракатлантирувчи роликларнинг материалга нисбатан ишқаланиш кучлари $P_{\text{ши}}$ пичоқ айланиш ўқига параллел йўналиши лозим. Бунга эришиш учун ҳаракатлантирувчи роликни бош вал 2 нинг айланиш ўқи 4 га нисбатан бурчак остида ўрнатилади. Бу бурчакни қуйидагича аниқланади:

$$\varphi = \text{arctg} \frac{P_n}{P_{\text{ши}}}$$

Пичоқнинг ўткирланиш бурчаги чархловчи айланма марказининг пичоқнинг А тигига нисбатан ҳолатига боғлиқ бўлади (130-расм). Чархловчи айлана марказий координатлари, унинг диаметри ва пичоқ кесувчи қисмининг ҳолати орасидаги боғлиқлик қуйидаги тартибда аниқланади. Пичоқнинг ўткирланиш бурчагини аниқлаш учун А нуқта



130-расм. Пичоқнинг жойлашиши схемаси.

О айлана маркази билан туташтирилиб, OA га tt перпендикуляр ўтказилади. $I-I$ пичоқ ўқи йўналишидан ва tt перпендикулярдан ҳосил бўлган бурчак — пичоқнинг икки тарафлама ўткирланган бурчаги дейилади.

XOY учбурчакли координаталар системасида уринмадан ҳосил бўлган бурчак тангенсини $Y=f(x)$ функцияси

урининчи ҳосиласига тенг бўлади. Бу ҳосиладан бурчакни ва $I-I$ ўқи йўналиши ва tt уринма йўналишлари орасидаги бурчакни аниқлаш мумкин.

Ўткирлаш қурилмаси айланма тенгламаси қуйидаги шартинида бўлади:

$$Y^2 + X^2 = r^2$$

$Y=f(x)$ функцияни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = \pm\sqrt{r^2 - X^2}$$

Агар A нуқта 130-расмда кўрсатилганидек тасвирланган бўлса, y ҳолда:

$$Y = -\sqrt{r^2 - X^2}$$

Бу тенгламани дифференциаллаб, ҳосиласини аниқлаймиз:

$$\frac{dY}{dX} = -\left(\frac{-2X}{2\sqrt{r^2 - X^2}}\right) = -\frac{X}{\sqrt{r^2 - X^2}} = \operatorname{tg}\beta$$

Бу ерда:

$$\beta = \operatorname{arctg} \frac{X}{\sqrt{r^2 - X^2}} = \operatorname{arctg} \frac{x}{4}$$

Пичоқнинг ўткир бурчаги пичоқ тигининг айланма марказининг жойлашишига ва айлана диаметрига боғлиқ бўлади.

Узатувчи валиклар марказларини туташтирувчи пичоқ қирраларига бўлган масофани аниқлаш.

Пойабзал деталларини кесиш машиналарида пичоқ ўрнатилганда, унинг узатувчи валикларга нисбатан оптимал ҳолати топилади.

Машинани созлашда пичоқ тифидан текисликкача бўлиши a масофа асосий факторлардан бири ҳисобланади.

a масофанинг катталашиши материалнинг деформациялашига — кесиш сифати ёмонлашишига сабаб бўлиши. Материалнинг куч таъсирида эластиклик хусусиятини йўқотиш критик кучланиш дейилади ва Эйлер формули-сидан аниқланади:

$$\delta_{кр} = \pi^2 E / \lambda^2 \quad (1)$$

Бу ерда: E — материалнинг эластиклик модули:

$$\lambda = a / i \quad (2)$$

a — валик марказидан пичоқкача бўлган масофа:

i — инерция радиуси.

Кесиш зонасидаги материалнинг кўндаланг кесимининг инерция моменти шу кесиш юзаси F нинг радиус i га кўпайтмасига тенг бўлади:

$$I = F \cdot i^2 \quad (3)$$

Бу ердан тўғри учбурчак учун инерция моментини топамиз:

$$I = bh^3 / 12, \quad aF = bh \quad (4)$$

Шунинг учун:

$$i = \sqrt{\frac{1}{F}} = \sqrt{\frac{bh^3}{12bh}} = h / 12 \quad (5)$$

га тенг бўлади.

b ва h — материал эни ва қалинлиги.

(5) ва (2) ларни (1) тенгламага қўйиб қуйидагига ола-бўламиз:

$$a = \pi E h / \sqrt{12} \delta_{кр}$$

Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, a — масофа шундай бўлиши керакки, устки валик ва пичоқ тифи орасидаги минимал масофа кесиш текисликлари орасидаги масофадан катта бўлиши керак.


7.3. Пойабзал остки деталларига ишлов бериш машиналари

Пойабзалнинг остки деталлари устки деталлари билан бириктирилишдан олдин, уларга керакли бўлган ўлчамлар, шакллар ва хоссалар бериб ишлов берилади. Деталларга ишлов бериш асосан қалинлиги бўйича текислаш, четки қисмларини кесиш, силлиқлаш, елимлаш, шаклга элтириш ва бошқа жараёнлардан иборат. Пойабзал остки деталларини қалинлиги бўйича текислаш ДН, ДН-1-0, ДН-2-0, ДН-3-0 ва бошқа машиналарда бажарилади.

Бу машиналарнинг ишлаши ва асосий механизмларининг конструкцияси бир хил. Технологик жараёнлар машиналарда қуйидагича бажарилади. Остки деталь 5 бир-бирини қарама-қарши айланаётган иккита вал 4 ва 6 лар орасидан ўтиб (131-рasm), кўзгалмас пичоқ 2 га узатилади. Деталь қалинлиги бўйича иккига ажратилгандан кейин, кўтари қисми 3 деталь йиғиладиган қутига, пастки қисми 1 ва иккинчидилар тушадиган махсус қутига тушади. Пастки пружинали вал 6 иш пайтида пастга босилиб деталнинг қалинлиги бўйлаб нотекисликларни компенсациялаб туради.

ДН машинаси станина ва бош қисмдан, пойабзал остки қисми ишчесини автоматик узатиш қурилмасидан тузилган.

Машинанинг бош қисми (132-рasm) унинг ишчи органларини бириктириб туриш учун хизмат қилади ва станинага нисбатан кўтарилиши ёки тушиши мумкин. Пастки ташувчи вал 9 электрюртгичи 19 дан ҳаракатни олиб, муфта 18 орқали бош вал 20 га, ундан 17 ва 16 тишли гилдиракларга узатади. Устки етакловчи вал 34 га бош вал 20 дан ҳаракат тишли гилдираклар 39, 40, 38 орқали узатилади. Вал 34 вертикал ҳаракат қилганда тишли гилдираклар 39, 40, 38 нинг ҳаммавақт бир-бири билан ўлашиб туришини таъминлаши учун тишли гилдирак 38 нинг ўқи 36 ва 37 ричакларга шарнирли боғланган. Устки вал 34 нинг подшипниклари 22 пружина 21 устида поналарнинг 23 қия текислигида таянган ҳолда туради. Остки вал 9 нинг подшипниклари 15 пружина 13 нинг устида боғланган. Пичоқ 30 кронштейн 24 га винт 25 ёрдамида маҳкамланган.




131-расм. Устки деталлар қалинлигини текислаш машиналари ишчи органлари схемаси.

Созланиши. Деталнинг қалинлиги ишлов берилгандан кейин шкала 33 чизиқлари бўйича аниқланади, бу эса устки вал 34 дан пичоқнинг тигигача бўлган масофага боғлиқ. Маховик 29 ни айлантирганда тортқи 32 га уланган поналар 23 чапга ёки ўнг томонга қўзғалиб ўзининг қия текислиги билан подшипниклар 22 ни туширади ёки уларни пружина 21 таъсирида юқорига қўтариши мумкин.

Устки вал 34 нинг пичоқ тиғи 30 га нисбатан айқашлиғи ўнг ва чап томонига резьбалари бўлган тортқи 32 ни буриб созланади. Пастки вал 9 га нисбатан пичоқ тиғи 30 нинг параллеллиги ва улар орасидаги масофа (0,3–0,4 мм) гайка 10 ёрдамида созланади. Ишлов бериладиган деталга вал 9 нинг берадиган босими материалнинг зичлиги ва қаттиқлигига боғлиқ бўлиб, бу босим пастдан пружина 11 таъсиридаги втулка 12 ни бураш билан созланади.

Пичоқнинг қиялик бурчаги винт 27 билан боғлиқ бўлган маховик-гайка 26 ни бўшатгандан сўнг кронштейн 24 ни буриш билан созланади. Пичоқнинг оптимал қиялик бурчаги 5–70. Пичоқ тиғи 30 дан валларнинг 9 ва 34 ўқи орқали ўтувчи текисликкача бўлган масофа 4–8 мм бўлиши керак, бу эса ўз навбатида кронштейн 24 даги винт 25 ни бўшатиб пичоқни силжитиш йўли билан амалга оширилади.



132-расм. ДН машинасининг кинематик схемаси.

Автоматик узатиш қурилмаси машинанинг бош қисмига ўрнатилган бўлиб, пойабзал остиги тайёрламасини донадан чиқиб ҳаракатланувчи лента I орқали машинага узатиб туради. Лентани ҳаракатга келтирувчи барабан 8 айланама ҳаракатни вал 9 дан тишли гилдираклар 41, 42 ва 43 орқали олади. Вал 7 пружина 6 ёрдамида даста босилади ва барабан 8 дан тишли гилдираклар 44 ва 45 орқали айланма ҳаракатни олади (132-расм).

Созлашиши. Лента I нинг таранглиги винт 4 ни бўшатиб барабан 3 ни силжитиш йўли билан созланади. Пластина 2 баландлик бўйича гайка 35 ёрдамида остидан фақат битта деталь ўтишига мўлжаллаб масофа қолдирилиб созланади ва фиксатор 5 билан қотириб қўйилади.

7.4. Пойабзал устки деталларига ишлов бериш машиналари

Иштиш учун келтирилган устки деталлар тайёр ҳолатда бўлиши шарт. Кўпчилик ҳолларда хом ашё ёки пойабзалнинг устки деталларига тайёрлов бўлимида ишлов берилади.

Пойабзал деталларини йиғишида деталь жуфтларини тез таниши ҳамда назорат қилиш осон бўлиши учун деталлар номерланади.

Пойабзалнинг кўриниши ва мустаҳкамлиги унга берилган ишловга боғлиқ бўлади, яъни ранглаш, четларини эгиш, тикиш ва ҳ.к.

Пойабзал устки деталларини эгишдан олдин чиройли кант ҳосил қилиб четлари қирқилади. Устки деталларини кўринмайдиган четлари қалинликларини йўқотиш учун қирқилади.

«BOMBELLI» (Италия) фирмасининг MOOO4/ФV3 пойабзал устки деталларига ишлов бериш машинаси

«Bombelli» (Италия) фирмасининг MOOO4/ФV3 машинаси пойабзал устки деталлари четларини қирқиш учун ишлатилади. Шпинделнинг айланишлар сони – 1650 айл/мин, тортиш вентилятори электржуритгичининг айланишлар сони – 2800 айл/мин. Пичоқ ва тепки орасидаги масофани юпқа чармлар учун 0,2 мм, қалин чармлар учун 1,5 мм гача созлаш имкони бор (133-расм). Машина пичоқ, пичоқни тезлаш, остки ташувчи роликни механизмлар ва тепки қурилмаларидан тузилган.


Машина электр манбаига улангандан кейин пичоқнинг керакли йўналишда айланишини текшириш лозим. Ҳавонини сиқиш қурилмаси ишга туширилганда монометрдаги босим 4 атм га туғри келиши керак. Машина ўнг томонида узлуксиз ишчи даврни таъминловчи дастурлаштирилган система ўрнатилган. Ишчи чап қўли ёрдамида ишлов бериладиган маҳсулотни пластинага ўрнатиб, йўналтирувчи тепки туширилади. Тортувчи вентилятор чарм қирқимларини йўналтирувчи роликка ўралмаслигидан сақлайди.

Пойабзал устки деталлари ишлов бериладиган четлари энига қараб йўналтиргични қуйидагича ростлаш мумкин:


– ишлов бериш зонасининг ўзгартириш педалини босиб, керакли ҳолатга келтирилади;

– уч кулачокли диск тизимининг керакли ўлчамига штифт ўрнатилади.

Жилвирли материалдан тайёрланган ролик 7 нинг ичидан металл втулкаси бўлиб, ундан ўқ ўтган (134-расм). Ўқнинг бир учи туткич 8 га маҳкамланган. Туткич 8 нинг цилиндрик томони ричаг 10 нинг тешигидан ўтиб туради. Ричаг 10 нинг остига иккита созловчи 4 ва пружина 6 кийдирилган



133-рasm. «BOMBELLI» (Италия) фирмаси
MOOO4/ФV3 машинасининг умумий курилиши.



134-рasm. Узагувчи ролик механизми.

винтлар 9 ёрдамида ричаг 3 маҳкамланган бўлиб, у таянч 1 га ўрнатилган. Таянч ричагининг ўнг томониغا тароқсимон штифт 5 пружина 11 билан биргаликда ўрнатилган.

Узатувчи роликни икки йўналишда созилаш мумкин:

1. Чармни параллел иккига ажратиш учун тагига ўрнатилган соловчи винт 2 ростланади.

2. Чарм четларига ишлов беришда туткич 3 га ўрнатилган винт 4 бушатиб ростланади.

Енгил ишларни бажаришда узатувчи ролик йўналтирувчи роликка жуда яқин жойлашиши лозим. Деталь четларига бир текисда ишлов берилиши учун таянч 1 ричаги ва туткич 3 бир хилда тебраниши лозим. Узатувчи ролик пичоқ тиғига параллел тегиб туриши лозим.


7.5. 01280/P1 (Австрия) русумли пойабзал деталлари четларини букиб елимлаш машинаси

01280/P1 машинаси Австрияда ишлаб чиқарилган бўлиб, натурал ва сунъий чармдан тайёрланадиган пойабзал устки деталларининг четларини букиш учун хизмат қилади. Машинада букилган жойга елим суриш ва унга арқончани елимлаш мумкин.


Машина асоси. Машина тумба кўринишида бўлиб (135-расм), у плита 5 га ўрнатилган. Тумба 3 да устун 8 га таянган ҳолда қопқоқ 2 ўрнатилган. Машинада ишчи органларни кўтариш ва машинани ишга қўшиш ёки ажратиш учун мўлжалланган иккита бошқарув тепкиси мавжуд. Тумба 3 да электржўртгич ва электржиҳозли қути 4 жойлашган. Қопқоқ 2 нинг устида букилган деталга қўл билан ишлов бериш учун плита 9 маҳкамланган.

Қопқоқ 2 га болтлар билан бириктирилган машинанинг бош қисми 1 да машина механизмлари жойлашган. Машинада технологик жараён қуйидаги тартибда бажарилади. Елим сурилиб букилган, ишлов бериладиган деталь стол 7 (136-расм) нинг устига юз томонини пастга қаратиб қўйилади. Деталь четининг бошланғич қисми қўл билан букилади ва букилган қисмини тепки 2 нинг остига киритиб, уни йўналтирувчи таянч 5 га тираб қўйилади, деталь контурининг чети эса букилган жойни чегаралаб турувчи 3 га тегиб туриши лозим. Кейин деталь четини қўл

билан гаянч 5 га йўналтириб, ўнг тепкини босиш билан машина иш режимига қўшилади. Натижада деталнинг чети букилади ва болгача 1 билан туйилади ҳамда тепки 2 ва ташувчи 6 ёрдамида деталнинг силжиши содир бўлади.



135-расм. 01280/P1 русумли машина.



136-расм. 01280/P1 русумли машина ишчи органлари.

Агар пойабзал устки деталнинг чети мустаҳкамловчи тасма билан букилса, у ҳолда машинанинг бош қисмига елим солинган идиш, тасмани йўналтириб берувчи ва ғалтакли кронштейндан тузилган мослама ўрнатилади. Ғалтақдан идишнинг трубкаси орқали тасма елим билан туйинтирилиб йўналтирувчи 4 орқали деталнинг букилган чеккасига узатилади.

Савол ва топшириқлар

1. Пойабзал устки ва остки деталларига кесиб ишлов бериш жараёнларининг қайси турлари мавжуд?
2. Пойабзал деталларини қалинлиги бўйича иккига ажратиб машиналарида кесиш жараёни учун қайси ишчи қисмлар иштирок этishi?
3. Пойабзал остки деталларига ишлов бериш машиналарининг қайси турларини биласиз?
4. ДН машинасининг ишлаш принципини тушунтиринг.
5. Машина асосий механизмларининг соловчи қисмлари тўғрисида сўзлаб беринг.
6. Пойабзал деталларига жилвирлаб ишлов беришдан мақсад нима?
7. Материал юзасини тирналовчи металлтозалагич тузилишини тушунтиринг.
8. «BOWBELLI» фирмасининг М 0004/ФV 3 машинаси қандай ишларни бажаришга мўлжалланган ва қайси механизмлардан тузилган?
9. «BOWBELLI» фирмасининг М 0004/ФV 3 машинасида узатувчи ролик ҳолати қандай ростланади?
10. Кесиш жараёнида материалга узатувчи валиклар томонидан қандай кучлар таъсир қилади?
11. Материалнинг куч таъсирида критик кучланиши қайси формуладан топилади?
12. 01280/P пойабзал деталларини елимлаш машинасида технологик жараён қандай тартибда бажарилади?

8-БОБ

ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИНИ ЙИҒУВ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖИҶОЗЛАР

8.1. ЗНК-2М-О русумли пойабзал устки тайёрламасини елимлаб қолишга тортиш машинаси

ЗНК-2М-0 машинаси пойабзалнинг устки тайёрламаси бармоқ қисмини чўзиб тортиш ва бир вақтнинг ўзида столкага елим суриш учун ишлатилади. Машина иккита секциядан иборат бўлиб, биринчи секцияда унғ пойабзалга, иккинчисида эса чап пойабзалга ишлов бериш мумкин. Машинанинг ҳар бир секцияси қуйидаги механизмларга эга: стелка таянчи, товон таянчи, ён ва бармоқ қисмини тортувчи қисқичлар ва текисловчи пластина. Бундан ташқари машинада алоҳида гидроузатма ҳам мавжуд.

Машинада технологик жараён қуйидагича бажарилади: хом ашё колодка (қолип) билан биргаликда четки қисми елимланган ҳолда стелка таянчи 1 га елимланган томонини пастга қилиб жойлаштирилади. Тортиладиган хом ашёларни четки қисми 6 қисқич 3, 4 ва 5 лар тишига қистирилади. Кейин эса колодка бармоқ таянчи 7 га тиралади. Секциянинг тўлиқ иш даври 3 даврга бўлинади. Чап тепкини бир марта босиш билан қисқичлар ёпилиб, хом ашё қисиб олинади ва бир неча вақтдан сўнғ стелка таянчи 1 обойма 6 билан юқори кўтарилиб хом ашё тортилади. Агар хом ашё етарлича тортилмаса, у ҳолда дастак 10 ёрдамида (137-расм) бармоқ ва ўрта қисқичлар пастга туширилади, худди шундай хом ашё йиғилиб қолса ҳам дастаклар ёрдамида тўғриланади.

Колодкага хом ашёнинг қийшиқ келиши тирсақли ричағни босиб стелка таянчи ва обоймани пастга туширилиб тўғриланади, кейин эса ричағ яна бўшатилади, стелка таянчи ва обойма юқори ҳолатга кўтарилади.


Чап тепкини 2- марта босиш билан ишчи органларга ҳаракат келади. Тайёрлама кийдирилган колодкага бармоқ қисқич, товон қисми таянчи ва ён таянчлар яқинлашади. Тортиш пластинаси ҳаракатланиб қисқичларни кетма-кет очади ва стелка таянчи билан обойма пастга тушади. Пластина охирига бергунча ён таянчлар ва учки қисқичлар

бошланғич ҳолатга қайтади. Тайёрлама колодка билан биргаликда елимлаш учун босим остида ушлаб турилади. Вақт тугаши билан ўнг тепки босилиб, ишчи органлар бошланғич ҳолатга келтирилади.

Машинанинг ҳар қайси секцияси қисқич, қўшимча тортиш, стелка таянчи, обойма, товон қисми таянчи, бармоқ қисми қисқичи ва тортиш пластинкасидан иборат.

Қисқич механизми иккита бошланғич, иккита ўрталик, иккита четки қисқичдан иборат бўлиб (137-расм), пойабзалнинг контури бўйича қўйилган. Бармоқ қисми қисқичлари хом ашёнинг четини тортиб ушлаш учун хизмат қилади. Қисқичнинг юқори лаби таянч ёрдамида цилиндрга уланган, пастки лаби эса цилиндр штокка маҳкамланган. Қисқичларни ёпиш цилиндр остига мойни юбориш натижасида содир бўлади. Қисқич пружина ёрдамида очилади. Тортиладиган хом ашёнинг четки қисмининг эни штирлар ёрдамида чекланади, штирлар қисқич лабининг устки қисмига прессланган бўлиб, пастки лабининг тешигига кириб туради. Цилиндрнинг пастки қопқоғи винтлар ва ўқ ёрдамида поводокка уланган. Поводок кулисанинг эгри чизиқли ўйиғига киритилган, кулиса эса ўққа маҳкамланган. Ўқ корпуснинг йўналтирувчисига ўрнатилган бўлиб, юқори ва пастга ҳаракатланади. Ўқ қисқичлар билан биргаликда қўшимча тортиш механизми ёрдамида туширилади ва ўз ҳолатига қайтиш пружина ёрдамида бўлади. Ўрта қисқичлар ҳам шу усулда ишлайди. Четки қисм қисқичлари 9 эса четки қисм хом ашёни тортиб ушлайди ва букиб беради. Бу қисқичлар очилиб ёпилади, пастга ва юқорига ҳаракатланади ва вертикал ўқ бўйича қайтарилади. Қисқичнинг юқори лаби цилиндр корпусига, пастки лаби эса корпус билан шарнирли бириктирилган ва штокка тиралган цилиндр 2Ц устунга, устун эса цилиндр 4Ц корпуси тешигига киритилган, устунга маҳкамланган бармоқ корпус ўйиғидан ўтади. Бармоқнинг ҳолати ва устун баландлиги цилиндр корпусидаги винтлар ёрдамида созланади. 4Ц цилиндри ўқ ва корпус орқали 5Ц цилиндри билан уланган.

Стелка таянчи 1 ва тортиш механизми колодка билан хом ашёни ўрнатиш ва тайёрламани тортиш учун, товон таянчи 8 эса хом ашёни тортиш вақтида колодкани ушлаб туриш учун хизмат қилади.



117-расм. ЗНК-2М-О машинасининг ишчи органлари схемаси.

8.2. «SVIT» фирмасининг 02146/РЗ машинаси

02146/РЗ машинаси пойабзалнинг товон қисмини тортиш учун қўлланилади. Машинада турли хил фасон ва ўлчамли шакллар, аёллар, ўғил ва қиз болалар пойабзалларининг товон қисмиари тортиб михланади ёки совуқ елим суртилади.

Тайёрлама четларини тортиб елимлаш учун унинг бирлаштириладиган жойларига дастлаб елим сурилган бўлиши керак. Машина конструкциясида товон қисмининг баландлиги 45–150 мм ли колодкалар қўлланилиши имконияти яратилган.

Бу машина текислаш қурилмаси 1, колодка таянчи 2 (138-расм), товон шакли 3, мих қоқиш механизми 4, ушtmали мих таъминлагич 5, қўл дазмоли 6, таянчларни кўтариш муфтасини созловчи винт 7, асбоб-ускуна қутиси 8, шит 9, кулачокли механизм 10 ва ҳаво тозалагичлардан тузилган.

Асосий техник кўрсаткичлари:


1. Пойабзалнинг кўринишига қараб машина унумдорлиги, соатига 480 жуфт
2. Асосий валининг айланишлар сони.....44 айл/мин
3. Қўлланиладиган михларнинг ўлчами:
 қалпоқ диаметри 2,8 мм
 стержен диаметри 1-1,1 мм
 узунлиги 7-12 мм
4. Пойабзалнинг кўринишига қараб бир томонга қоқиладиган михлар сони 14,16,18,20 дона
5. Ҳавонинг ишчи босими, мПа 0,4-0,6
6. Бир жуфт пойабзал учун эркин сўриладиган ҳавонинг сарфи 24 л та яқин
7. Умумий қуввати 2 кВт
8. Таъминлагич электржуритгичининг қуввати 0,18 кВт
9. Таъминлагич электржуритгичининг айланишлари сони 1350 айл/мин
10. Машина электржуритгичининг қуввати 1,5 кВт

Машинада эркаклар ва аёллар пойабзаллари томон қисмига 1 ва баланд пошналар аёллар пойабзалларига ишлов бериш 2, 15-18 михли бириктириш 4 да мўлжалланган мосламалар ва машинани тозалаш 5 қурилмаларини қўлланиш имкони бор (141-расм).

Машина электр магбага улангандан сўнг дастак 1 белгиси томонга буралади ва электржуритгичи улагичи ўнг томонга, 1 белгисига қараб бурилади. Машина тўғри ишлашида тасмали шкив соат мили йўнадиши бўйича айланиши керак. Сўнгра қисилган ҳавони тақсимловчи пневматик система ишга туширилади. Сиқилган ҳаво босими 0,4-0,6 МПа ни ташкил қилади. Ҳаво босими махсус монометр ёрдамида назорат қилинади.

Ишлов бериладиган пойабзал қалинлигига ва шаклига қараб машина ишчи ҳолатга келтирилади. Ишлов бериш даврини 0 дан 10 с гача сошлаш мумкин. Ўрнатилган даврда технология жараён тугайди ва машина автоматик равишда тўхтади.

Машинани ишга туширишдан олдин пойабзал тайёрламаси 1 колодка 2 билан (139-расм) биргаликда цапфага кийдирилади. Созловчи втулкани айлантириб колодка цапфаси шундай ўрнатилиши керакки,



138-расм. «SVIT» фирмасининг 02146/P3 машинасининг умумий кўриниши.

колодканинг устки чети пойабзал формасининг устки четига нисбатан 1,5 см масофада жойлашиши лозим.


Тугри созланган машина ишга туширилганда колодка чети пойабзал товон қисми четига нисбатан пастда бўлиб таянч кўтарилиши ҳамда пойабзал товон қисми юзаси дазмол текислигига параллел жойлашиши керак.

Дазмолларнинг очилиши ва қисилиши машинада ўрнатилган филдираклар ёрдамида амалга оширилади. Филдираклар буралиб, иккала дазмол ҳам бир хил ўрнатилади.

Техника хавфсизлиги. Машинанинг нормал ишлатиши таъминлаш учун ҳар 2 йилда резинали ҳалқа ва манжетлар, ейилган дазмолларни алмаштириб туриш лозим. Ҳаракат келтирувчи механизм тасмаси доимо таранг ҳолда бўлиши керак.

Машинани ишлатишда гигиена ва санитария қоидаларига риоя қилиш керак. Машина ихтиёрий ишга гушиб кетишдан ҳимояланган.


Машинани ишлатиш учун бошқарув ва созлаш элементлари эргономик талабларга биноан жойлаштирилган. Иш жойи бир хил ёритилган. Машинани бир киши бошқаради. Ишлов бериладиган пойабзал кўринишига қараб созланишлари бажарилади ва керакли мосламалар ҳамда михлар танланган.



139-расм. Пойабзални колодкага ўрнатиш.

8.3. «SVIT» фирмасининг 03012/P3 машинаси

Машина барча турдаги эркаклар, аёллар ва болалар пойабзалларининг таглигига пойабзал тайёрламаси ва



110-расм. «SVIT» фирмасининг 03012/P3 машинаси.
Асосий техник кўрсаткичлар.

стелкаларини бирлаштириш учун қўлланилади (140-расм).


Машина тепкисини ўнгга буриб ва уни босганда қесувчи тепки ва ён таянч кўтарилади. Ишчи органларнинг бу ҳолатида қисилган таглик пойабзал кийдирилади. Педални қўшиб юборилганда қесувчи тепки пастга томон ҳаракатланади. Тепкини чапга буриб ва уни босганда машина ишга тушади. Пойабзал икки қўл ёрдамида бурилувчи шохда ушлаб турилади. Пойабзал таглигини унинг устки қисмига бирлаштиришда тепки босими сусайтирилади, натижада машина валининг айланишлар сони камайди. Тагликни тула-туқис бирлаштириб бўлингандан кейин тепки бушатилади ва машина тўхтаётган сўнгра ип қирқилиб, пойабзал шохдан ечиб олинади.

Машинанинг бош вали подшипник втулкалари ичида айланади. Шохнинг бурилувчи столи шарикли подшипникларда айланувчан қилиб тиқилади. Бахянинг узунлигини созлаш мумкин.

Тикиш тезлиги конусли фрикцион икки тезликли муфта орқали бошқарилувчи тепки ёрдамида созланади. Машина тасма узатмали алоҳида электрюртгичини унинг плитаси устида силжитиб амалга оширилади. Йўналтирувчи тепки ва игнаюртгич йўли тикиладиган материалнинг қалинлигига боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Асосий техник кўрсаткичлар:

— 8 соат ишлаганда машинанинг иш унумдорлиги — 10 жуфт;



141-расм. «SVIT» фирмасининг 02146/P3 машинасига ўрнатиладиган мосламалар.

- бош валнинг айланишлар сони (бахялар сони) – 440
ни 765 айл/мин;
- машинанинг қуввати – 1,2 кВт;
- ишчи жойи баландлиги – 1400 мм;
- машинанинг габарит (ташқи) ўлчамлари:
- эни – 800 мм;
- узунлиги – 900 мм;
- баландлиги – 1700 мм;
- оғирлиги – 330 кг га яқин.

8.4. «VIGEVANO» (Италия) фирмасининг СК-24 машинаси

Машинада устки детални пойабзал тағлигига термопластик елим суриб тағликнинг таянч юзасига михли бириктириш жараёнилари бажарилади (142-расм).

Машинада механизмларни ҳаракатга келтириш ва тўхлатиш автоматик равишда бажарилади.


Асосий техник кўрсаткичлари:

- габарит ўлчамлари, мм 1400x1800x2000
- гидроузатмадаги мойнинг миқдори, кг..... 65
- оғирлиги, кг 1420
- қуввати, кВт 4.75
- ўргача энергия сарфи, кВт 3.8
- қиздириш қуввати, кВт 1.2
- умумий ишчи босим. Па 60
- ҳаво босими. Па 4–6
- меҳнат унумдорлиги, соатига жуфт пойабзал – 60–200


Пойабзал устки деталларига тағлигини бириктириш учун қўлланиладиган елимнинг таркибий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

2-жадвал

Қовуш- шонлик деградацияси	Эчилиш ISM °C	Ҳарорат нуқтаси °C	Қовушқоқлиги			Қовушқоқлик индекси
			40 °C	100 °C	50 °C	
4б	0,874	216	44,7	6,74	3,9	104



142-расм. «VIGEVANO» (Италия) фирмасининг СК-24 машинасининг умумий кўриниши.



143-Расм. Пойабзал тайёрламасини стелка таянчига ўрнатиш.

Машинада ишлайдиган оператор бажариладиган жараёндарни бажариши учун у жисмонан ва руҳан тетик ҳолатда ишлашга тайёр бўлиши керак.

Машинанинг барча хавфли қисмларига ҳимоя элементлари иш тўсиқлар маҳкамланган. Ишлаб турган вақтда бирор хавф туғилиб қолса, ҳаракатланувчи тўсиқ очилиб, хавфсизлантириш ажратгичи ёрдамида машинани ишдан тўхтатади. Бу вақтда у машина асосининг ичида ҳаракатланиб, охири таянч устун, резинали тўсиқ қисмига бориб қолади.

Машинани ишга туширишдан олдин колодка 1 га кийдирилган пойабзал устки қисми таглиги 2 билан биргаликда таянчга ўрнатилади (143-расм).

Машинанинг ён томонида жойлашган дастаклар РЗ ва Р4 бир вақтда босилиши натижасида иш жараёни бошланади. Бу вақтда пойабзал устки деталига елим сурилиб, бир вақтнинг ўзида таглигига бирлаштириш учун михли бириктирилади. Иш жараёни тугагандан сўнг пойабзал кийдирилган колодка таянчдан чиқариб олинади. Шу тариқа иш даври такрорланади.

Машинадаги барча созланишлар машина тўхтаб турган вақтда бажарилади.

8.5. 02146/P2 яримавтомати

Оркаклар, аёллар ва болалар пойабзалининг устки тайёрламаси товон қисмини тортиш учун 02146/P2 яримавтомати қўлланилади. Устки тайёрлама товон қисмининг чўзилган четини михли ёки елимлаб бириктирилади. Елимлаб бириктиришда устки тайёрламанинг чўзилган чети олдиндан елимлаб қўйилган бўлиши керак.

Яримавтомат қўшма кинематик юритмага эга бўлиб, унда оғир пойабзалларнинг устки тайёрламаларига товон қисмининг баландлиги 45 дан 150 мм гача бўлган колодкаларни қўллаб ишлов берилади. Яримавтоматда беш хил кўринишда матрица мавжуд бўлиб, унда барча ўлчамли ассортиментдаги тайёрламага ишлов берилади. Товон матричасини алмаштириш тез ва қулай бажарилади. Тортиш настиналари электр токи билан қиздирилади. Тайёрламанинг чўзилган четини иссиқ текислаш муддатини

созлаш мумкин. Иссиқ текислаш давомийлигини соддан иш чўзиш пластинасининг ҳарорати, айниқса қаттиқ материалдан устки тайёрламага ишлов беришда муҳим ўрин тутгани ва чўзишнинг сифатини оширади.


Яримавтомат болга механизмига эга бўлиб, иш вақтида бирмунча шовқин билан ишлайди. Яримавтоматни ҳақ пуркагич билан тозалаб туриш ҳам мумкин.

Иш бошлашдан олдин тугмача 19 (144-расм) ёрдамида яримавтомат ишга туширилади, кейин тугмача 20 босилиб, юритма электрюритгичи 6, тугмача 21, мих узатиш 16 механизмининг электрюритгичи қўшилади. Тугмалар 22 ва 23 ёрдамида машина ишчи органлари қизитилади, тугмача 24 орқали эса маҳаллий ёриткич 11 ишлайди. Пневмасетдан яримавтоматга ҳайдаланадиган сиқилган ҳавонинг босимини назорат қилиш учун дастак 13 ёрдамида бажариладиган манометр 14 хизмат қилади.

Яримавтоматда технологик жараён қуйидагича бажарилади. Ён томонлари ва олд қисми тортилган пойабзал устки тайёрламаси колодкаси билан биргаликда остини юқори қаратиб пастки таянч 1 га ўрнатилади. Бунда колодканинг товон қисми пастки таянч колонкаси 2 га маҳкамланган шуцерга кийдирилади, олд қисми эса таянч 4 нинг устига қўйилади. Устки тайёрламани колодкаси билан ҳолатини иш ўрнатилишини назорат қилиб, уни буриб машинанинг ишчи зонасига йўлланади. Бунда пастки таянч товон қисмга теккунига қадар кўтарилиб юқори таянч 9 га бориб тиралади ва машини механизмлари автоматик равишда қўшилади. Товон матрицаси колодкадаги устки тайёрламани қисади, чўзиш пластиналари товон қисмининг чўзилган четларини икки марта текислаб ўтади. Иккинчи марта текислагандан кейин мих қоқилади ва чўзилган четки қисмлари стелкага бириктирилади. Шунинг билан ишчи даври тугайди.

Михлар қоқилгандан сўнг машина тўхтатилади, колодка устки тайёрламаси билан автоматик бўшатилади.

Колодканинг ишчи зонада баландлик бўйича ҳолати маховик 15 ёрдамида юқори таянч 9 ни кўтариш ёки тушириш билан соланади, колодкадаги товон қисмининг тортилш пластиналарининг ҳаракат текислигига нисбатан параллелигини, тумшуқ ости таянчи 4 нинг вертикал ҳаракатида, маховик 1 ёрдамида соланади.



144-расм. 02146/P2 яримавтомати.

Товон матрицаси 25 ни олдинга ёки орқага маховик 27 ёрдамида силжитиш мумкин. Устки тайёрламага тоvon қисмининг босилиш кучини аниқловчи матрицанинг бошланғич ҳолати маховик 26 ёрдамида соzланади.

Қоқилган михлардан колодка четигача бўлган масофа δ мм га яқин бўлиши учун тортиш пластинкаларининг бошланғич ҳолати маховик 7 орқали ўрнатилади. Болга механизми дастак 28 ёрдамида тўхтатилади.


Дастак 12 ни соат мили йўналишида 300° га бурғанди устки тайёрламанинг тоvon қисмини тортиш пластинкалари иккинчи марта текислаб бўлгандан кейин тўхтатилади.

Яримавтоматда электрдазмоли 8 ҳам мавжуд. Яримавтомат асбоб 17 ёрдамида ёғлаб турилади.

8.6. Пойабзал остки деталларини михлар, шпилкалар ёрдамида бириктиришда ишчи органлари ҳаракати таҳлили

Пойабзал остки деталларини металл элементлари билан бириктириш асосан икки босқичда амалга оширилади:

1-босқич: металл бириктиргичларни материалнинг иккинчи қисмига бириктириш, яъни биринчи материал билан боғланишини содир этиши ҳисобланади.



145-расм. Пойабзал деталларини мих билан бириктириш машинаси иш органлари схемаси (а) ва зарбдор механизмнинг иш диаграммаси (б).

- 1—мих ёки шпилка (бириктирувчи металл элементлар);
2—зарбдор; 3—пружина; 4—материал; 5—таянч.

2-босқич: металл бириктиргичларни материални иккинчи қисмида бириктириш, яъни биринчи материал билан боғланишини содир этиши ҳисобланади. Пойабзал металлларини михли бириктиришда мих қоқиш механизмининг тузилиши ва таъсир этувчи кучларнинг (145-расм) таҳлилини кўриб чиқамиз.

Зарбадорнинг михни қоқиш ҳаракат тенгламасини қуйидагича ёзамиз:

$$\frac{mv^2}{2} - \frac{mv_1^2}{2} = A_{\text{пр.}} + A_{\tau} - A_{\text{ишк. кучи иши}} - A_{\text{карш. кучи иши}}$$

Бу ерда: m — зарбадор массаси;

v — зарбадор болга ҳаракатининг ўзгарувчан тезлиги;

v_1 — зарбадор болгани мих устидаги тезлиги;

$A_{\text{пр.}}$ — пружинанинг эластик кучи бажарган иши;

A_{τ} — оғирлик кучи;

$A_{\text{ишк.}}$ — ишқаланиш кучлари бажарган иши;

— михни қоқишга таъсир этилган кучни бажарган иши.

Материал қалинлиги δ , мих ёки бириктирувчи элементларнинг узунлиги l , материалга мих ботиши « h » орқали зарбадор болғасининг тезлигини қуйидаги формуладан топамиз:

$$v_{\text{вазгон}} = \sqrt{\frac{2}{m} \left[\frac{mv_1^2}{2} + \frac{(P_1 + P_2)h}{2} + mgh - \left(F_{\text{ишк.}} h + \frac{P_{\text{карш.}} h}{2} \right) \right]}$$

Бу ерда: v_1 — болга ва михни силжиш биргаликдаги тезлиги;

P_1 ва P_2 — зарбадор болгани мих ҳаракатини бошланишдаги ва охиридаги зарба кучлари;

h — михнинг материал устидаги баландлиги;

$F_{\text{ишк.}}$ — зарбадор болгани ишқаланиш кучи;

$P_{\text{карш.}}$ — материалнинг қаршилиқ кучи;

m — зарбадор болганинг массаси.

Материал ичида бириктирувчи элементнинг тезлигини оний вақтда ошириш пружинани сошлаш йўли билан амалга оширилади ва:

$$A_{\text{карш. иши}} \geq 1,5 A_{\text{карш. иши}}$$

шарти бажарилиши талаб этилади.

Кулачокли-пружинали механизмлар учун:

$$A = K \cdot A_1$$

сарфланадиган иш пружинанинг ўлчамига ва звеноларнинг ўлчамларига, материалнинг қалинлиги ҳамда хоссаларига боғлиқ бўлади.

A_1 — ишнинг графикдаги $P=f(l)$ ифодага боғлиқ бўлади, максимал қийматга эришганда P_{max} катта шовқин ҳосил қилади.

K — эҳтиётлик коэффиценти, катта қиймати механизм звеноларида кучли зуриқишларни содир этади.

Лойиҳалашда $K=1,5-2,0$ қиймат оралиғи қабул қилинади. Зарба кучи миқдори ва сони бирикма ҳосил қилаётган материални физик-механик хоссаларига, конструкциясига, ўлчамларига боғлиқ бўлади.

Зарбадор болға механизмнинг конструкциясини лойиҳалашда:

m зарб = 0,2–0,6 кг,

зарба бериш оралиқ вақти: $t = 0,01 - 0,25$ сек.,

U зарб=3–6 м/с қийматларини қабул этиш тавсия этилади.

8.7. ПЛК-3-0 ярмаавтоматик қатори

ПЛК-3-0 ярмаавтоматик қатори мактаб болалари, қизлар, аёллар ва эркаклар оёқ кийимларини суяқ слим суриб ёғоч колодкаларга ёки пластмасса йиғмаларга автоматик йиғиш учун қўлланилади. Қаторда ўрта ва паст пойабзаллар, берец (орқа томон) нинг баландлиги 135 мм бўлган ботинкаларга ишлов берилади.

Қаторни умумий бошқариш 1-ўринда жойлашган (146-расм) ПУ-3 бошқарув пульта ёрдамида бажарилади.

Қатордаги технологик жараён қуйидагича бажарилани. Бошқарув пульта қаршисида турган оператор колодкага стелкани бириктириб, унга устки тайёрламани кийгизили ва колодкани йўлдан майдончага ўрнатади, кейин конвейернинг юриш қисми 1-босқичда ишга туширилади. 2-босқичда бошқа оператор йўлдош майдончадан колодкани счиб олиб Т-0 термонамлагичга устки тайёрламани ҳушлаб олади. Устки тайёрлама олд қисмини алоҳида турган ЗПК

1М 0 машинасида тортади. Кейин колодка устки тайёрламаси билан йўлдош майдончага ўрнатилади.

3-босқичда икки секцияли ПЛК-3-0 автоматидан пойабзал устки тайёрламасининг устки ён томонлари елимли тортилади.

Жараён тугаши билан автоматнинг ишчи органлари дастлабки ҳолатига қайтади, колодка эса устки тайёрлама томон қисмини елимли тортувчи икки секцияли ПЛК-3-0 автоматидан 4-босқичга силжийди. Бунда томон матричасининг устки тайёрламаси томон қисмини қисиб, термопластик елим суради, иссиқ тортиш пластинкалари уш тортади ва босим устида ушлаб турилади.

Тортиш жараёнлари бажарилгандан сўнг 5-босқичда икки секцияли СФ-0 автоматидан шаклга тортилади. Кейинчалик 6-босқичда жойлашган ТФ-0 қурилмасида тортилган пойабзал устки бўлагига ҳўллаб – иссиқлигида ишлов берилади. ТФ-0 қурилмаси колодкадан буриб термофиксацион камерага киритувчи иккита барабанга эга иш ҳар 4,5 мин да ишлов берилган пойабзал дастлабки ҳолатга қайтади.


7-босқичда тайёрламанинг тортилган четлари ва ён томонлари ташқи томондан тирналади ва ички томони АВ-6-0 автоматидан ишлов берилади.

8-босқичда АВ-7-0 автомати ўрнатилган бўлиб, томон иш олд қисмининг тортилган четлари ва ёнлари ички томондан тирналади.

Колодкадан йўлдош майдончаси тирналгандан кейин АН-5-0 машинасида тортилган тайёрламанинг елим суриш жараёни 9-босқичда бажарилади.

Қурилган пойабзал қуритиш камерасидан тортиш станцияси СП га чиқарилади. 10-босқичда оператор етлаждаги пойабзал таглигини қўяди. Шу ернинг ўзида таглик учун ТА-0 термоактиватори ўрнатилган.

Шундан кейин колодка ПК-3-0 прессида пойабзал остки таглиги елимланиши учун 11-босқичга йўналтирилади. 12-босқичда АС-3-0 автоматидан пойабзал колодкадан олинади. Бу жараён билан айланиш даври тугайди, ундан сўнг колодка ПУ-3 бошқарув пульти зонасига биринчи ишчи ўринга келади. Шу йўсида иш даври такрорланаверади.



146-расм. ПЛК-3-0 яримавтоматик қатори.

Савол ва топшириқлар

1. ЗНК-2М-0 машинасида технологик жараён қандай бажарилади?

2. «SVIT» фирмасининг 02146/Р3 машинаси вазифаси ва техник кўрсаткичларини айтинг.

3. «SVIT» фирмасининг 02146/Р3 машинасида қандай мосламалар ишлатилади?

4. «VIGEVANO» фирмасининг СК-24 машинасида қўлланиладиган елимнинг таркибий кўрсаткичларини айтинг.

5. 02146/Р2 яримавтоматида технологик жараён қандай бажарилади?

6. 02146/Р2 яримавтомати асосан қайси ишларни бажаришга мўлжалланган?

7. ПЛК-3-0 яримавтоматик қаторининг вазифаси нимадан иборат?

8. ПЛК-3-0 яримавтоматида технологик жараён қандай бажарилади?

9. Тортиш жараёни тугаллангандан сўнг пойабзал деталларига қандай ишлов берилади?

10. Пойабзал деталларини миҳли бириктириш машинасида зарбадорнинг ҳаракат тенграмасини ёзинг.

МАҲСУЛОТЛАРГА НАМ-ИССИҚЛИК БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ВА ДАЗМОЛЛАШ УСКУНАЛАРИ

9.1. Нам-иссиқлик билан ишлов беришнинг вазифалари

Нам-иссиқлик билан ишлов бериш кийим деталларига ва тайёр буюмларга муайян шакл бериш ва уни харидорга маҳсулот кўринишли қилиш учун керак. Нам-иссиқлик билан ишлов бериш жараёнлари жуда хилма-хил. Турли чокларни ёриб дазмоллаш ва букиб дазмоллаш, маҳсулотлар четини (чўнтаклар, хлястиклар ва ҳоказо четини) букиш, кийим деталлари эзилган жойларини дазмоллаш, кириштириб дазмоллашнинг турли хиллари (костюмлар, пальтолар олд бўлагини, борт қотирмасини кириштириб дазмоллаш ва ҳоказо) нам-иссиқлик билан ишлов бериш ишларига киради.

Нам-иссиқлик билан ишлов бериш вақтида материални намлаш, қизитиш, кераклигича деформациялаш керак, кейин эса қуритилади ва материални совитишга қўйилади. Демак, материалнинг қанчалик намлиги, унинг қизитилиш температураси, босим, ишлашнинг ва нам сўрилишининг давомийлиги нам-иссиқлик билан ишлов бериш натижаларини кўрсатадиган асосий омиллар ҳисобланади.

Ана шу кўрсаткичларнинг энг мувофиқ қийматларини танлаб олиш нам-иссиқлик билан ишлов беришнинг рационал режимини белгилайди. Турли толалардан тўқилган материаллар учун нам-иссиқлик билан ишлов бериш режимлари ҳам турлича бўлади.

Нам-иссиқлик билан ишлов бериш жараёнлари

Тикувчилик ишлаб чиқаришида нам-иссиқлик билан ишлов беришнинг уч тури ишлатилади: дазмоллаш, пресслаш ва буғлаш.

Дазмолнинг иш қисмини намланган маҳсулот устида 14700 Па гача босим билан бирин-кетин суриб нам-иссиқлик билан ишлов бериш дазмоллаш деб аталади. Дазмоллаш учун қўл дазмоллари ва механизацияланган

дазмоллар, дазмол столлари ишлатилади. Ишлов беришнинг рационал режимига риоя қилиш қийинлиги ва меҳнат унумдорлиги камлиги дазмоллашнинг камчиликлари ҳисобланади.

Пресслашда маҳсулот бугланади, пресс ёстиқчаларида муайян босим ҳосил қилинади, намлик сўрилади. Берилган параметрларни таъминлаш учун керакли пресслаш вақти 60 секундгача бўлади. Маҳсулотлар ва буюмлар хилма-хил конструкцияли прессларда дазмолланади.

Буглашда материал толаларида олдинги ишловлар натижасида ҳосил бўлган кучланиш йўқотилади, шунингдек баъзи бир ялтираб қолган жойлар (ялтироқ доғлар) йўқотилади. Буглаш буюмга ишлов бериладиган жойларга буг оқимини юбориш йўли билан бажарилади. Буглаш учун буглагичлар, бугли ҳаво манекенлари, махсус буг қурилмалари ишлатилади.

Истигиш элементларининг қуввати пресс ёстиқчасини иссиқлик балансига қараб аниқланади.

Газламага кетадиган ва сувни қизитиб бугга келтириш учун сарф бўладиган иссиқлик миқдори қуйидаги формуладан топилади:

$$Q_{\text{газлама}} = G_{\text{газл}} \cdot C_{\text{газл}} \cdot (t_{\text{газл}} + t_0); \quad (1)$$

$$Q_{\text{сув}} = G_{\text{сув}} \cdot C_{\text{сув}} \cdot (t_{\text{сув}} - t_0) + G_{\text{сув}} \cdot r \quad (2)$$

Бу ерда:

$G_{\text{газл}}, G_{\text{сув}}$ — газлама ва сув оғирликлари.

$C_{\text{газл}}, C_{\text{сув}}$ — газлама ва сувнинг иссиқлик сифими, ккал/кг с;

t_0 — сувни қиздириш температураси $t = 100 \text{ C}$ қабул қилинган;

$t_{\text{газл}}$ — газламани қиздириш температураси;

r — иссиқликнинг бугга айланиш — 539 ккал/кгш;

t_0 — атроф-муҳитни ўраб турган ҳаво температураси;

Янги лойиҳаланаётган пресс кучи қизитиш вақтига боғлиқ бўлиб, қуйидаги формуладан топилади:

$$P_{\text{қиздир}} = \frac{1,16 \cdot G_{\text{ёст}} \cdot c \cdot (t_{\text{ёст}} - t_0)}{\eta \cdot T} \quad (3)$$

$G_{\text{ёст}}$ — ёстиқча оғирлиги;

c — металлни солиштирма иссиқлик сифими.

Масалан: чўянлар учун — 0,12 ккал/кг С,
алюминий учун — 0,2 ккал/кг С.

$t_{\text{эсм}}$ — ёстиқча силлиқ юзасининг талаб этувчи температураси.

T — пресс ёстиқчасини қиздириш учун ўрнатилган вақт, соат.

η — иссиқлик ёстиқчасини ФИК амалда 0,8–0,9 ни ташкил этади.

Прессни талаб этувчи электр токи кучи қуйидагича топилади:

$$J = \frac{P}{U} \quad (4)$$

Ўтказгичнинг ток зичлигига қараб қўндаланг кесими юзасини қуйидаги формуладан топамиз:

$$S = \frac{J}{j} \quad (5)$$

Ўтказгичнинг узунлиги қуйидагича топилади:

$$l_{\text{утк.}} = \frac{U}{J} \cdot \frac{S}{\rho_{500}} \quad (6)$$

Ўтказгичнинг солиштирма қаршилиги ρ_{500} $t = 500$ С бўлганда: $\rho_{500} = \rho_{20}(1 + \alpha \cdot \Delta t)$ бўлади. (7)

(7) ва (6) формулага қўйсақ:

$$l = \frac{U}{J} \cdot \frac{S}{\rho_{20} \cdot (1 + \alpha \cdot \Delta t)} \quad (8)$$

Бу ерда: $\Delta t = t_1 - t_0$ (9)

Прессларни лойиҳалашда

$\Delta t = 500 - 2 = 480^\circ \text{C}$ қабул қилинади.

Агар корхоналарда керакли диаметрли ўтказгич бўлмай қолса, у вақтда шу диаметрга яқин катта диаметр $d_{\text{я}}$ танлаб, унинг янги узунлиги топилади.

$$l_{\text{янг.}} = l \cdot \frac{d_{\text{я}}^2}{d^2}$$

Юқори қувватга эга бўлган прессларда исситиш элементлари учбурчак усулида уланади.

9.2. Дазмоллаш прессларининг турлари

Тайёр буюмларга иссиқлик ва намлик билан ишлов беришда жуда кўп хил дазмоллаш пресслари ишлатилади. Ўттиз саноат корхоналарида пресслардан самарали фойдаланиш, ишлов бериш ва тайёр кийимлар сифатини яхшилаш, шунингдек, нормал иш шaroити яратиш учун тайёр кийимларни нам-иссиқлик билан ишлов бериш ва пардозлаш алоҳида бўлимда бажарилади. Бу эркаклар ва аёллар пальтолари, эркакларнинг жун костюмлари, эркаклар кўйлаклари ва ҳоказо муайян буюм турларини дазмоллаш учун доимий пресс тизимлари барпо этиш имконини беради.

Ҳамма дазмоллаш пресслари пресслаш кучига қараб энгил пресслар (10кН гача), урта пресслар (15 дан 20 кН гача) ва огир пресслар (30 кН дан ортиқ) га бўлинади.

Юритмасига қараб электромеханик, пневматик ва гидравлик дазмоллаш пресслари бўлади.

Дазмоллаш прессларининг механизациялаштирилганига ва автоматлаштирилганига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Механизациялаштирилмаган пресслар.

2. Электромеханик, гидравлик ва пневматик юритмали пресслар.

3. Механизациялаштирилган узатиш механизми ва технологик ишлов бериш дастурлаштирилган пресслар.

Прессларнинг кўп конструкцияларида остки ёстиқча буг билан, устки эса электр манбаи билан қизитилади. Устки ёстиқчалар сирпанувчан хусусиятли алюминлар, остки ёстиқчалар эса чуян металлардан тайёрланади. Дазмоллаш прессларига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

а) минимал энергия ва қувват сарфлаб керакли пресслаш кучини таъминлаш;

б) дазмолловчи юзаларга нисбатан материалнинг силжини йўқотиш;

в) ишлов берилувчи юзаларга текис босим бериш;

г) дазмоллаш юзларининг текис қизишини таъминлаш;

д) юқори даражали автоматлаштириш ва иш заифсизлигини таъминлаш.


Технологик жараёнларда буг (электрда қизитиш билан бирга) маҳсулотларни намлаш ва қизитишга, вакуум —

сўриб олиш эса уларни қуритиш ва совитишга хизмат қиладиган затанимизда ва чет элларда чиқарилган янги пресслар ишлатилади. Бундай пресслар эски конструкцияларга қараганда анча унумлироқ бўлиб, уларда дазмоллаш ишлари юқори сифатли бажарилади. Технологик буғ ва вакуум-сўргичларни ишлатиш ускуналарнинг иш унумини ўрта ҳисобда 50%, айрим дазмоллаш ишларида эса 2–3 баравар оширади.

9.3. Cs-311, Cs-313 (Венгрия) пресслари

Бу иккала пресс ҳам электромеханик юритмали ўртачи куч билан прессловчи прессларга киради. Уларнинг бири-биридан фарқи шундаки, Cs-311 пресси буғни марказлашган тазмоқдан олса, Cs-313 прессининг индивидуал буғ генератори бор.

Бу пресслар костюмбоп ва пальтобоп материаллар гуруҳи маҳсулотлари ва тайёр буюмларни жараёнлар ичида ва узил-кесил ишлашда ишлатилади ҳамда 20 кН гача куч билан



147-расм. Cs-311 пресси.


пресслайди. Пресслаш, буглаш, сўриш давомийлиги алоҳида-алоҳида ростланади ва 0-40 С ни ташкил этиши мумкин. Устки ёстиқчанинг қизиш температураси 80° дан 250 С гача ростланади.

Прессда бугдан ва ТЭН лардан қизийдиган устки қўзғалувчан ёстиқча 13 (147-расм) ҳамда буюмдаги буг ва намлик сўриб олинадиган остки қўзғалмас ёстиқча 14 бор. Пресс автоматик тартибда ишлайди, шунинг учун унинг панелида бирон жараён бошлангани ҳақида сигнал берадиган ёриткичлар бор. Пресснинг электр автоматикаси ажратгич 5 ни буриб, унинг дастасини 1 рақамига тўғри келтириш йўли билан ишга туширилади.

Пресснинг механик қисмини иккита тугмача 8 ва 15 ни босиб ишга туширилади. Устки ёстиқча 13 қизиб олгандан кейин прессни конденсатдан тозалаш учун икки-уч марта сўриш ишлатилади ва шундан кейингина буюм остки ёстиқча 14 устига қўйилади. Кейин иккита тугмача 8 ва 15 босилади, устки ёстиқча 13 пастга тушади, ёриткич 11 ёнади.

Пресс ишга тушганда устки ёстиқча 13 нинг қизиганлиги ҳақида маълумот берувчи ёриткич 12 ҳам ёнади. Устки ёстиқча пастга тушгандан кейин прессланаётган буюмга устки ёстиқча 13 нинг дазмоллаш плитасидаги тешикдан буг берилгани ҳақида сигнал берадиган ёриткич 7 ёнади. Кейин пресслаш даври бошланади. Бу давр тугагандан кейин буг ва намни сўрувчи вентилятор ишга тушгани ҳақида маълумот берадиган ёриткич 10 ёнади. Сўриш тугагандан кейин устки ёстиқча 13 кўтарилиб, буюмни пресслаш тугайди.

Пресснинг панелида хавфсизлик тугмачаси 6 бўлиб, у босилса устки ёстиқча кўтарилади, шу билан бир вақтда ёриткич 9 ёнади. Бундан ташқари, панелда тумблёр 3 бўлиб, уни юқорига бурилганда, буюмдан буг билан намнинг сўрилиш вақти ортади; тумблёр 3 остки ҳолатдалигида сўригич автоматик тартибда ишлайди. Электр автоматик қурilmасига ток келмай қолганда қопқоқ 2 билан ёпилган тешикка киритиб қўйилган дастани қўлда буриб, устки ёстиқча 13 юқорига кўтарилади. Устки ёстиқчанинг қизиш температураси манометрик терморостлагич 16 нинг дастасини буриб ўрнатилади.



148-расм. Cs-311 ва Cs-313 прессининг ёстиқлари.

Нам ва иссиқлик билан ишлов беришнинг белгиланган тартиб ва унинг лавомийлигини ўрнатиш учун электрон вақт релелари ишлатилади. Уларга қўл етиши учун винтлар 4 бураб чиқарилиб, олд шчит 1 олинади.

Нам-иссиқлик билан ишлов беришнинг турли жараёнлари учун Cs-311 ва Cs-313 прессларида ҳар хил дамоллаш ёстиқчалари бор.

148-расмда шаклидагина эмас, балки иссиқлик элтувчиларнинг тури ва қиздирувчиларнинг қуввати бўйича бир-биридан фарқ қиладиган ёстиқча турлари кўрсатилган: 1 – устки кийимлар борт қотирмасини, шимларнинг ён ва одим чокларини, пальто бортини ва ҳоказони пресслайдиган универсал ўртача ёстиқча; 2 – пальто аврасини, пальто астарини пресслаш, аёллар кўйлақларини, жомакор ва трикотаж буюмларни узил-кесил намлаб-иситиб ишлайдиган универсал катта ёстиқча; 3 – болалар пальтолари билан пиджаклари астарини, болалар шимларини, қиз болалар кўйлақларини ва ҳоказони


пресслайдиган универсал кичик ёстиқча; 4 – шим юқори қисмини пресслайдиган, пиджаклар, пальтолар ва ҳоказони пресслашда ҳам ишлатса бўладиган ёстиқча; 5 – шимнинг ийларини, пальтонинг четларини, тўғри деталларни пресслайдиган ёстиқча; 6 – пальто олд бўлагидаги кўкрак қисмига шакл берадиган ва тайёр пальтоларни узил-кесил пресслайдиган ёстиқча; 7 ва 8 – эркаклар пальтоси аврасини пресслайдиган ўнг ва чап ёстиқчалар (уларни борт қотирмасини ва ҳоказони пресслашга ҳам ишлатса бўлади); 9 ва 10 – аёллар пальтоси аврасини пресслайдиган ўнг ва чап ёстиқчалар; 11 – тўғри шаклдаги турли деталлар ийларини пресслайдиган ёстиқча.

Кийим пресс станинанинг устки плитасида ўрнатилган остки дазмоллаш ёстиқчасига жойлаштирилади. Машина ишга туширилгандан сўнг устки ёстиқ пастга ҳаракатланиб, материални пресслайди.

Ёстиқ ишчи юзасидаги тешиклардан материал булангирилади. Ишлов берилгандан кейин намлик сўриб олинади. Устки ёстиқ кўтарилиб маҳсулот чиқариб олинади. Ишлов бериш давомийлиги автоматик равишда таъминланади (149-расм).

Кўтариш ва тушириш механизми ричаглар системасидан тузилган бўлиб, устки ёстиқнинг сурилишини таъминлайди. Устки ёстиқ 4 пружиналар 5 ва фланц 6 билан биргаликда ричаг 7 га маҳкамланган. Бу ричаг станок ўқи 14 га ўрнатилган.

Резьбали тортқич 11, гайка 12, пружина 9 ва созловчи маховиклардан тузилган ричаг 13 нинг устки қисми ричаг 7 билан боғланган, ричаг 13 нинг остки қисми 15 бармоқ орқали 17 ричаг билан бириккан. Ричаг 20 бармоқ 22 га ўрнатилган бўлиб, унинг ўрта қисми шатун 21 билан бириккан. Вал 27 га ўрнатилган кирмак гилдираги 26 ва кривошип 23 билан шатунлар 21 шарнирсимон боғланган. Кирмак гилдираги электрюртгичи 29 дан тасмали узатма 28 орқали олади. Тасмали узатма узатишлар сони $i=2:1$, редукторники эса $i=40:1$ га тенг. Шундай қилиб электрюртгичи 29 ишга туширилганда, кирмак гилдираги 26 соат мили йўналиши бўйича буралиб, кривошип 23, шатунлар 21, ричаглар 20, 17 орқали устки ёстиқчанинг тушишини таъминлайди. Маҳсулотни пресслаш босими пружина 9 ва маховик 10 ёрдамида созлаш мумкин.



149-расм. Cs-311 дазмоллаш пресси кинематик схемаси.

Автоматик бошқариш системаси пресси ва алоҳида элементларининг ўз вақтида қушилиш ва ажратилишини таъминлайди. Автоматик бошқариш системаси реле, реле бошқарувчиси, технологик жараён параметрларини назорат қилувчи қурилмалардан тузилган.

9.4. Пойабзал устки деталларига иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш ускуналари

Пойабзалга колодкаларда керакти шакл берилгандан сўнг, дастлаб иссиқлик ва намлик, кейин иссиқ ҳамда совуқ ҳаво ёрдамида ишлов берилади. Пойабзалга 30 С давомида 60–70 С ва 100 % нисбий намлик иссиқлик таъсирида ишлов берилганда унинг керакти шакли сақлаб қолинади ва материалдаги кучланиш камаяди.

Иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш чармнинг эластиклик хусусиятини оширади. Чармга ишлов беришнинг

оптималь вақти иссиқ ҳаво температурасига боғлиқ бўлиб, 0,5–2 минутни ташкил этади.

Пойабзалга иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш жараёнида теридаги кучланиш ўзгаришининг учта характерли даврини кузатиш мумкин, яъни пойабзал ички қисмига иссиқлик ва намлик таъсири, чармнинг микроструктураси ва физик хоссалари.

Биринчи даврда пойабзални намлаш ва қиздириш мобайнида чарм структуравий элементларининг ўзаро таъсир энергиялари ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида чарм элементларининг кўзгалувчанлик даражаси ошади ва чармнинг кенгайишига сабаб бўлади.

Иккинчи даврда чарм иссиқ ҳаво таъсирига дуч келади ва намлигини интенсив йўқотади.

Учинчи даврда қуритилган тери ҳаво ёрдамида совитилади.


Сунъий териларнинг кенгайишига асосан иссиқ ҳаво температураси таъсир этади.

9.5. «РИНАЛЬДИ» (Италия) фирмасининг пойабзалларга иссиқлик ва намлик билан ишлов берувчи аппарати

«Ринальди» фирмаси асосан пойабзалга вакуумда иссиқлик ва намлик ёрдамида ишлов берувчи аппаратларни ишлаб чиқаради.

150-расмда тасмали конвейерли аппаратнинг схемаси кўрсатилган. Конвейер 14 тўхтаган ҳолатида ишчи пойабзалларни тасмага ўрнатади. Пойабзал конвейер ҳаракатланиши билан тасма орқали силжиб плитага қисилади ва унга қиздирувчи элементлар ёрдамида намлаш учун буғ юборилади.

Маълум вақтдан кейин колокол 5 остидаги босим текис тақсимланади ва конвейер бир қадамга силжийди. Пойабзал пентиллятор ёрдамида иссиқ ҳаво билан қуритилади. Пойабзал конвейерларда ҳаракати давомида қуйидаги жараёнлар кетма-кет бажарилади: қуритилиш, совитилиш ва ишчи зонасидан чиқарилиш. Конвейернинг ҳаракат даври ва технологик режим автоматик бажарилади.



150-расм. Пойабзалга шакл беришда иссиқлик ва намлик билан ишлов берувчи «Ринальди» фирмасининг вакуум аппарати.

Аппарат асос 1 ва унинг ичига жойлаштирилган тасмали конвейер 14, узатма 15, вакуум насос 13 ва резервуар 12 дан тузилган. Тасмали конвейер асосининг олдинги қисмига плита 4 жойлаштирилган бўлиб, унга иккита пневмоцилиндрли колокол 5 жойлаштирилган. Асоснинг худди шу қисмига колокол 5 билан боғланган буғ генератори 7 ўрнатилган. Конвейер остидаги станинага туннель 8 ва унинг устки қисмига қиздирувчи 9 ва вентилиацион 10 қурилмалар жойлаштирилган. Аппаратнинг олдинги қисми кожух 3 билан ёпилган бўлиб, унинг ичига бошқариш пульти 2 ўрнатилган.

Савол ва топшириқлар

1. Маҳсулотларга нам-иссиқлик билан ишлов бериш ишларига нималар кирadi?
2. Нам-иссиқлик билан ишлов бериш ишларида қанақа жиҳозлар ишлатилади?
3. Пресснинг маҳсулотни қиздириш кучи қандай аниқланади?
4. Дазмоллаш прессларини қайси гуруҳларга ажратиш мумкин?
5. Дазмоллаш прессларига қандай талаблар қўйилади?
6. Cs 311; Cs 313 пресслари қандай асосий механизм ва элементлардан тузилган?
7. Cs 311 прессида устки ёстиқчанинг ҳаракати қандай таъминланади?
8. Пойабзал устки деталларига иссиқлик ва намлик билан ишлов бериш жараёни қайси даврларда амалга оширилади?
9. «Ринальди» фирмасининг вакуум аппаратида технологик жараён қандай бажарилади?
10. Дазмоллаш прессининг талаб этувчи электр ток кучи қандай топилади?

III БЎЛИМ

ЧАРМ ВА МЎЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНАЛАРИ ВА АППАРАТЛАРИ

10-БОБ

ЧАРМ ВА МЎЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш билан инсон бундан бир неча юз йиллар илгари ҳам шуғулланиб келган. Чарм ва мўйнани ошлаш ва ишлов бериш оддий асбоблар ёрдамида қўлда бажарилган. Махсус технологик машиналар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўлланила бошланган. Бу машиналар асосан Германия, АҚШ ва Франция давлатларида ишлаб чиқарила эди. XX асрнинг бошларида дастлабки териға ишлов бериш заводлари қурилиб, ишга туширилган ва хом ашёға механик усулда ишлов бериш учун қўлланиладиган машиналар билан таъминланган. Ҳозирги чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналарида технологик жараёнлар механизациялаштирилган, автоматлаштирилган машина ва аппаратлар билан таъминланган.

Чарм ва мўйна ишлаб чиқариш корхоналаридаги машиналар ишлаш принципи жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:


а) хом ашёға бир мартада ишлов берувчи машина ва аппаратлар;

б) хом ашёға бир неча мартада ишлов берувчи машина ва аппаратлар.


Иккала турга кирувчи машиналарнинг меҳнат унумдорлиги оширилган, ишлаш хавфсизлиги яхши таъминланган ва автоматлаштирилган.

10.1. Чарм юзасини ўлчаш машиналари

Механик ҳисоблаш қурилмаси машиналарида чарм юзалари энига бир хил элементар тўғри бурчакларга бўлинади. Ҳар битта тўғри бурчакли юзалар ўлчаниб, йиғиндиси ҳисобланади. Ток манбаида ишлайдиган машиналарда ҳар бир тўғри бурчак узунлигига мос келадиган импульслар сони йиғинди ҳисобланади. 151-расмда чарм юзасини ўлчашнинг принципиал схемаси кўрсатишган.



151-расм. Чарм юзасини ўлчашнинг принципиал схемаси.



152-расм. ЭКИМ-1 машинасининг ўлчаш қурилмаси.

Датчиклар бўйлама йўналишда ҳаракатланади. Тери юзаси деб, L узунликдаги ва h — энга штрихланган тўғри бурчаклар юзалари йиғиндиси қабул қилинади.

Юқори самарали ва аниқликда ҳисоблашни контактсиз ўлчаш усули таъминлайди. Контактсиз ўлчаш усулида ўлчаш қурилмаси остида жойлаштирилган ёриткич нури тасвир кўпайтиргичига тушади. Ўлчаш машиналари вазифаларига кўра қуйидаги 2 турга бўлинади:

- 1) Қаттиқ чармларни ўлчаш машиналари.
- 2) Хромли чармлар юзасини ўлчаш машиналари.

Механик таъсирда ишлайдиган машиналарга 07179/Р1, 07483/Р2 ва 07485/Р1 (Чехия), ППМ ва ММ-1 (Россия) лар кирази. Ҳозирги пайтда чарм ва мўйна ишлаб чиқариш

корхоналарида ток манбаида ишлайдиган МЭИ-1625 ва ЭКИМ-1 типидagi машиналар кўп қўлланилади.

ЭКИМ-1 машинаси автоматик ўлчаш қурилмаси бўйлаб қаттиқ тери юзаларини ўлчашга мўлжалланган. Бу машина қуйидаги тартибда ишлайди. Ўлчанадиган тери 3 (152-расм) конвейер 9 ёрдамида ҳаракатлантирувчи валлар 10 ва 6 га узатилади. Ўтаётган тери остидаги ёруғлик узатгичлар қоронғилаши натижасида генератордан келаётган импульслар ўлчаш қурилмаси ёрдамида саналади.

Ҳаракатлантирувчи вал айланиш частотаси ва генераторлар импульслари частотаси шундай танланганки, тери юзаси ҳар бир тақсимланган элементига битта импульс туғри келади. Электрик қурилма тўлиқ квадрат диаметридаги импульсларни ҳисоблаб, натижаларни босмага чиқарувчи қурилмага узатади.

Терини суриш механизми конвейер 9, ҳаракатлантирув валлар 10 ва 6 дан тузилган. Остки вал 10 кирмаксимон редуктордан ҳаракатлантирилади. Устки вал 6 эса занжирли узатма орқали остки вал билан боғланган.

Датчиклар сифатида фотоэлектрон кучайтиргич — ёруғлик узатгичлари 5 қўлланилган. Ёруғлик узатгичлар юқориги қисми валлар 10 ва 6 ўзаро тегадиган йўналиш бўйлаб жойлаштирилган. Устки қисми эса қўзғалмас диск 4 га ўрнатилган. Импульслар генератори 13 кирмаксимон редуктор ўқиға маҳкамланган. Ротор 13 ёриткич фотоэлемент 16 лардан тузилган. 3-қаторға ёруғлик узатгич 15 маҳкамланган бўлиб, унинг бир томони қўзғалмас ёруғлик узатгичлар 5 га, иккинчи томони кирмак ўқиға қарама-қарши жойлаштирилган.

Импульслар генератори ва тасвирли кўпайтиргичлар ток манбаи орқали ҳисоблаш қурилмасиға уланган.

10.2. Хом ашёға суюқлик билан ишлов бериш аппаратлари

Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда хом ашёға суюқлик билан ишлов беришда қуйидаги технологик жараёнлар бажарилади: хом ашёни ҳар хил чиқиндилардан тозалани, бўктириш, ювиш, туксизлантириш ва терини кейинги жараёнға тайёрлаш.

Хом ашёга суюқлик билан ишлов бериш аппаратлари конструкцияси жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳга қўзғалмас корпусли аппаратлар, яъни чанлар, чан-баркаслар, баркаслар, барабанлар, қўй териларини ювиш аппаратлари киради. Иккинчи гуруҳга қўзғалувчан корпусли аппаратлар, яъни осма барабанлар, терини бўктириш ва ювиш аппаратлари ҳамда шнекли аппаратлар киради.

Чарм ва мўйна саноатидаги чанлардан қотиб-қуриб қолган хом ашёни бўктириш учун фойдаланилади. Айрим ҳолларда эса чанлардан керакли суюқликларни, кимёвий аралашмаларни тайёрлаш ва сақлаш учун фойдаланилади. Чанлар гиштдан, ёғочдан, темир бетондан ва бетондан тайёрланади. Чаннинг девори полдан 0,5 м юқорида бўлиши керак.

Цехларда чанлар бир қаторда ёки икки қаторда 4–10 донагача бўлим-бўлим қилиб жойлаштирилади. Бўлимлар орасидаги масофа ишлашга қулай бўлиши учун 1 м қолдирилади.

Хом ашё ўлчамига қараб чанга солинади. Кичик хом ашёлар кассеталарда, йириклари эса рамаларда ишлов берилади.

Чанга юқоридан стационар узатгич ёки резина шланг орқали сув қуйилади. Ишлаб бўлинган суюқлик чиқариш клапани орқали ташқарига чиқарилиб юборилади. Мўйна ишлаб чиқаришда чанларнинг ҳажми 5–8 м³ ни ташкил қилади.

Чан баркасларда терини ювиш, бўктириш, унинг тузилишини ўзгартириш каби жараёнлар бажарилади.

Чан-баркасларнинг чанлардан фарқи шундаки, улар ярим айлана кўринишида бўлиб, қўзғалувчан аралаштиргичи бор.

Баркаслар терига кислота ва туз билан ишлов бериш, ошлаш, бўяш, ҳўллаш, тери тузилишини кальций гидроксид ёрдамида яхшилаш, тери таркибидаги кальций гидроксидини ювиш ва уни юмшатиш жараёнларини бажаришда кенг қўлланилади.

Баркасларнинг корпуси тахтадан тайёрланади. Баркасларнинг қўзғалмас аралаштиргичи бор. Баркас қопқоқли ваннадан иборат. Ваннанинг ичида паррак жойланган ва у ваннада 80–300 мм суюқлик қоришмасига ботиб айланади. Баркасга

терини юқоридаги қопқоқни очиб тўлдириш мумкин. Баркас, иннасининг тўла ҳажми 5–7 м³ га тенг.

Йирик хом ашёларни бўктириш ва ювиш жараёнларини бажаришда чуқурлаштирилган барабанлар қўлланилади. Конструкцияси жиҳатидан бу барабанлар латокли ва рамали барабанларга бўлинади.

Рамали барабан қалинлиги 80 мм бўлган тахта бўлиб, металл белбоғ билан тортилган цилиндрик бочка қурилишида бўлади. Бочканинг таги яримайлана шаклида бўлган чанга жойлаштирилади. Бочканинг ён томонларида бир-бирига нисбатан 120° бўлган 3 та дарча жойлашган. Рамалар бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин. Бўлинмайдиган рамаларга терилар илмоқларга илиб ишлов берилади.

Бўлинадиган рамаларга хом ашё штирға илиниб, сўнгра кран балка ёрдамида барабанга жойлаштирилган ҳолда ишлов берилади. Бундай рамаларда хом ашё ишлов бериш жараёнида кўп ёйилиб йиғилади, шунинг учун хам хом-ашёга ишлов бериш вақти анча қисқаради.


Латокли барабанларда хом ашёни юклаб тушириш анча қийин бўлганлиги сабабли саноатда кам қўлланилади.

10.3. Кўзгалувчан корпусли аппаратлар

Кўзгалувчан корпусли аппаратлардан хом ашёга суюқлик билан ишлов беришда жуда кенг қўлланилади. Мўйна ишлаб чиқаришда эса улардан терини қуриштириш, силкитиш, текислаш жараёнларини бажариш учун фойдаланилади. Бу аппаратларда ишчи қоришмаларни алмаштириш ва хом ашёни автоматик усулда юклаш ва тушириш ҳамда бир қалча жараёнларни бир вақтда бажариш мумкин (153-расм).

Кўзгалувчан корпусли аппаратлар бир ваннали ёки бир нечта ваннали бўлиб, қайсики хом ашё бир ваннадан 2-ваннага механик йўл билан ўтказилади. Бир ваннали аппаратларда ишчи ванна тўлиқ цилиндр шаклида бўлиб, ички қисмига қозиқсимон поналар қўйилган ва улар хом ашёга механик таъсир кўрсатади.

Тери ишлаб чиқаришда физик-кимёвий жараёнларни бажариш, мўйнани бўяш, ачитиш, мойлаш ва бошқа ишларни бажариш учун осма барабанлар қўлланилади.



153-расм. «МЕНУС» фирмасининг хом ашёга суюқлик билан ишлов бериш аппарати.

Ҳозирги пайтда саноатда ишлатиладиган барабанларнинг технологик иш жараёнлари бир хил бўлиб, ўлчамлари, диаметри, узунлиги ва ҳажми билан фарқ қилади.

Барабанлар электрмагнитли тўхтатгич, электрюритгичи, релуктор, ҳар хил диаметрға эга бўлган шкивлар, тасмали узагма, пулат белбоғ, чўян диск, подшипниклардан тузилган. Хом ашё бочка айланиши билан қозиқчалар таъсирида ҳаракатланиб, ўрам ҳосил қилади. Остки терилар барабан бўйича айланиб, маълум битта бурчакка кўтарилганда қозиқчалардан сирпаниб тушади ва ишқорға урилиб, бочка айланишига тескари ҳаракат қилади. Нагижада тери механик таъсир остида эгилади ва маълум деформациядан сўнг ишчи қоришмани ўзига олади ва ўз ҳолатини тиклайди. Тери ўрамининг ҳаракати қуйидаги параметрларга:

а) ўрамининг айланиш марказидан барабан марказигача бўлган масофага; б) ўрамининг ўртгача радиусига; в) терининг тўлиқ тушиш бурчагига; г) терининг қозиқдан сирпаниш бурчагига боғлиқ бўлади.

Барабаннинг ҳажмий фойдаланиш коэффицентини ошириш суюқлик концентрациясининг камайишига олиб келади. Тери ўрамининг тезлиги ошиб, суюқликни тери ўзига олишга улгурмайди. Барабаннинг бурчак тезлиги ошиши эса қозиқчаларнинг параметрларига таъсир кўрсатади.

10.4. Терини мездраш машиналари

Мездрани олиш жараёни — бу тери устидаги ёғ ва гўшт қолдиқларидан ажратишдир.

Мездрани олаётганда тери чўзилиш, сиқилиш ва эгилиш деформацияларига учрайди, натижада тери толалари бири-бирига нисбатан силжиб, уни юмшоқ эгулувчан ҳолга олиб келади. Мездрани теридан ажратишда мездра машиналарининг пичоқлари маълум босим остида яриммаҳсулотга босим беради.

Мездраш машиналари қуйидаги асосий механизмлардан тузилган:

- 1) Пичоқли вал (пичоқли чархловчи қурилмаси билан).
- 2) Терини пичоқли валга қисиб турувчи вал.
- 3) Ҳаракатлантирувчи валлар.
- 4) Гидрожиҳозлар.

Пичоқли вал икки томондан сирпанадиган ёки тебраниб ҳаракатланадиган подшипникларга ўрнатилган бўлади. Пичоқли валга ҳаракат электрјуритгичдан тасмали узатма ва муфта орқали узатилади.

Чархловчи қурилмаси кареткага ўрнатилган тўғри бурчакли силлиқловчи тош бўлиб, йўналтиргичда пичоқли вал бўйлаб ҳаракат қилади. Каретканинг қўзғалиши ва силлиқловчи тошнинг пичоқли валга узатилиши механик ва автоматик бажарилиши мумкин.

Мездраш машиналари икки гуруҳга бўлинади:

1. Электромеханик узатмали.
2. Гидравлик узатмали.

Электромеханик узатмали машиналарга қуйидагилар киради: 07410\Р4, 07410\Р4 (Чехия) типдаги машиналар йирик шохдор мол терисини хромлангандан кейин иккига ажратиш учун қўлланилади. Терининг оғирлиги $G=15-30$ кг гача бўлиши мумкин. 07434\Р2 ва 07435\Р2 типдаги машиналар эса қуруқ яриммаҳсулотни ва хромланган яриммаҳсулотни иккига ажратиш учун хизмат қилади.


Ҳамма лента пичоқли машиналардаги сингари 07410\Р4 машинасида ҳам лентасимон пичоқ иккита шкивда, яъни стакчи ҳамда стакланувчи шкивларда тортилган бўлади. Шкивларнинг диаметри 750 мм. Улар асосан чўяндан тайёрланади. Лентали пичоқ кесиш жараёнида қизийди ва

узаяди. Шу пайтда пичоқни тортиб, таранглаш қурилмаси, ёрдамида тортилади.

ММП-1800 (Россия) типдаги мездралаш машинаси.

Йирик шохдор моллар, майда ва ўрта териларни мездралаш учун ММП-1800 (Россия) типдаги машина қўлланилади. Машина иккита пичоқли валга эга бўлиб, ҳар бир пичоқли вал алоҳида электрюритгичларидан ҳаракатни олади. Ажратувчи вал 3 ва 8 жуфтдан иборат резинкали винтли пичоқларни 755 айл/мин частотада айлантиради, иккинчи пичоқли валга терини созлаб беради. Қисувчи валлар 4 тебранувчи ричагларда осилган бўлиб, улар узатувчи механизмлар ёрдамида гидроцилиндр 1 ва тишли рейка 2 орқали ҳаракатланади (154-расм).

Ҳар бир узатувчи механизмлар тишли кривошип 11, шатун 9 ва уларга ўрнатилган гидроцилиндр 10 дан иборат. Булар яриммаҳсулотларни пичоқли валга қисиш учун керакли куч билан таъминлайди. Ҳаракатлантирувчи рифли вали 7 гидроцилиндр 5 орқали ҳаракатланади ва ажратувчи вал учун терини қисишни кучайтириш заруриятини яратади. Машинанинг ишлаш принципи қуйидагича:



154-расм. ММП-1800 мездралаш машинаси ишчи органлари схемаси.

Ишчи терини столга шундай жойлаштирадигани, бунда терининг машинага узатилаётган томони ажратувчи вал билан ҳаракатлантирувчи валлар орасига тушадиган бўлиши керак. Устки пичоқли вал соат мили ҳаракати бўйича айланади. Остки вал эса соат мили ҳаракатига тескари айланиб, терига ишлов берилади. Ишчи педални босганда гидроцилиндр ишга тушади ва ҳаракатлантирувчи вал билан кесувчи валлар орасидан ўтиб, пичоқли вал ёрдамида ишлов берилади ва хом ашё пастга қараб ҳаракатланади. Баъзи ҳолларда терининг охири остки пичоқли валдан шикастланиши мумкин. Ишланган тери эгилувчан конвейердан ўтказилиб, машинадан чиқариб олинади.

ММГ-1500-М типигаги мездралаш машинаси.

ММГ-1500-М машинаси юнгли қўй териларни қолдиқ ёғ ва гўштлардан тозалаш учун ишлатилади. Хом ашё иккита резина қопламли валлар ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Бу валларнинг биттаси узатувчи бўлиб, унинг юзаси силлиқ, иккинчи вал эса ҳаракатлантирувчи бўлганлиги учун юзаси гадир-будир қилиб тайёрланган.


Қолдиқ гўшт ва ёғлар пичоқли вал ёрдамида тозаланadi. Пичоқли вал диаметри 205 мм, пичоқсиз вал диаметри эса 155 мм га тенг.

Машина қуйидаги асосий механизм ва қурилмалардан тузилган:

1. Пичоқли вал механизми.
2. Ҳаракатлантирувчи механизм.
3. Узатувчи вални ҳаракатга келтирувчи гидроузатгич.
4. Пичоқни ўткирловчи қурилма.
5. Электр қурилмаси.

Пичоқли вал 5 асинхрон уч фазали электржуритгич 10 орқали шкив 14 ва тасма 12 ёрдамида ҳаракатланади. Ҳаракатлантирувчи вал 3 га эса редуктор 13, занжирли 11 ва тишли узатмалар 7 ёрдамида пичоқли валдан ҳаракат узатилади (155-расм).


Узатувчи вал 6 тишли узатма 1,2 ва 4 ёрдамида ҳаракатлантирувчи валдан ҳаракат олади. Узатувчи вални пичоқли валга ҳамда ҳаракатлантирувчи валларга яқинлаштириш ва узоқлаштириш эса тишли узатма ва тўрт звеноли механизм орқали гидроцилиндр ёрдамида таъминланади. Тўрт звеноли механизм пичоқли вал билан



155-р.с.м. ММГ-1500-М мездраш
машинаси кинематик схемаси.

узатувчи вал орасидаги масофани ва қисиш кучини созлаш
учун ишлатилади.

Гидросистема (156-расм) насос Н, мой тозалаш фильтри
Ф, хавфсизликни таъминловчи элемент, винтел, манометр
М, тақсимловчи клапан, иккита қайтарувчи клапан ОК 1,
ОК 2, дроссел Д ва гидроцилиндр Глардан тузилган.



156-расм. ММГ-1500-М машинаси гидросистемасининг схемаси.

Узатма ишга туширилганда насосдан мой фильтр ва тақсимловчи клапан орқали уни ёпади, бунинг натижасида гидроцилиндрларда босим пайдо бўлади ва ўз навбатида узатувчи вални пичоқли валдан узоқлаштиради. Бу пайтда гидроцилиндр поршенидаги мой тақсимловчи клапан орқали бакка қуйилади. Поршень охириги ҳолатига борганда унинг ортидаги мойлар учун йўл очилиб, OK_2 орқали тақсимловчи вал ва бакка қуйилади.

Валларни ишчи ҳолатга келтириш учун электромагнит ёрдамида клапан ёпилади. Бу пайтда ҳосил бўлган юқори босим поршенни суради ва клапан OK_2 ёпилиб, шток чапга ҳаракатланади.

Валлар ишчи ҳолатга келганда дроссел орқали мойга йўл очилиб OK_1 га ва тақсимловчи P га, сўнгра бакка қуйилади.

Пичоқни ўтқирловчи қурилма пичоқ орасида жойлашган бўлиб, у ҳаракатни алоҳида электрюритгичдан олади.

10.5. Мездралаш жараёнида хом ашёга таъсир қилувчи кучлар

Пичоқли валлар диаметри D бўлган валга h баландликка эга бўлган пўлат тасмани винтли чизиқ бўйича айланиб ўралишидан ҳосил бўлади. Тери ва мўйналар юмшоқлик хоссасига эга бўлгани сабабли улардаги мездраларни кетказиш учун пичоқ босим остида ишлаши талаб этилади.

Хом ашёдан мездрани ажратиш жараёни уни таранг ҳолатга келтиришни талаб этади. Шу сабабли пичоқларнинг винтлари ун-чап томонли қилиб тайёрланади.


Чарм ишлаб чиқаришдаги валлар қуйидаги турларга бўлинади:

Ишчи валлар — бевосита хом ашёга ишлов бериш жараёнини бажаришни амалга оширади.

— Сиқувчи (таянч) валлар — хом ашёни ишчи валларга сиқиб, жараён бажарилишини таъминлайди.

— Узатувчи валлар — хом ашёни жараёнга узатиб, цикл тўлиқ бажарилиб бўлгунга қадар уларни узатади ва ушлаб туради.

Чарм машиналарининг ишчи валлари бевосита хом ашёга таъсир этади ва унинг физик-кимёвий хоссаларини ўзгартиради.



157-рasm. Винтли пичоқ схемаси.

Хом ашёни физик-кимёвий хоссалари чўзилганда:

– Мустаҳкамлик оралиғи ошганда унинг узилиши «Н» кундаланг кесими юзага нисбати.

– Чўзилувчанлиги – кучланиш содир булишидаги, МПа.


– Чўзилишга бўлган қаршилиқ кучи, яъни $D=E \cdot F$.

Бундан ташқари хом ашёнинг юзасида тўпламлар, тўлқинлар, зиначалар мавжуд бўлади.

Шу сабабли винтсимон қилиб тайёрланиши юқорида кўрсатилган нуқсонларни йўқоғишга ёрдам беради.

Пичоқ кўп ишлаши натижасида тез емирилади, конструкцияси мураккаб бўлганлиги сабабли пичоқлар алмаштириш усули қўлланилади.

Шу алмашувчи кесувчи элементлар п и ч о қ л а р деб айтилади.



158-рasm. Пичоқнинг терини кесиш жараёни: 1 – пичоқ тиғи қирраси; 2 – орқа тиғи юзаси; 3 – хом ашё; 4 – пичоқ кесиш тиғи. γ – бурчаги винт чизигини кўтариш бурчаги; β – винт чизигининг кўтарилиш бурчаги; t – пичоқлар қалами.

Терини мездралаш жараёни тўғри бажарилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

1) $N_{\text{пич.}} = N_{\text{мах}}$ бўлганда терини кесади.

2) Агар $N_{\text{пичок}} \rightarrow N_{\text{мах}}$ бўлганда тери юзасининг тозалиги ошади.

Пичоққа қуйидаги кучлар таъсир этади:

P_1 — қаршилиқ кучи;

$P_1 \cdot f$ — хом ашёнинг ишқаланиш кучи;

f_k — хом ашёни валга сиқилишидан ҳосил бўладиган ишқаланиш кучини хом ашё оғирлик кучи кичик бўлганлиги учун эътиборга олмаймиз.

Қуйидаги расмда тери ва пичоқли валнинг жойлашиш схемаси кўрсатилган (159-расм).


Пичоқнинг айлантирувчи кучи $P_{\text{ай.}}$

$$P_{\text{ай.}} = \frac{M_{\text{бур.}}}{r_1} = P_1 \cdot \sin \alpha + f \cdot P_1 \cdot \cos \alpha + f_k \quad (1)$$


формуладан топилади.

P_1 — кучининг йўналиши винтли юза текислигига перпендикуляр бўлади.

f_k — айланма тезлик йўналишига тескари бўлади.



159-расм. Тери ва пичоқли валнинг жойлашиш схемаси.



160-расм. Винтли пичоққа таъсир қилувчи кучлар.

Хом ашё пичоқни тўла ишчи зонасига тўғри келганда, яъни $h \leq p$ бўлганда унга таъсир этувчи P кучини максимал қиймати 2-формуладан топилади:

$$\rho \approx (AB)^2 / 2l$$

Амалда айлантирувчи куч P хом ашё кенглигига боғлиқ бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$P_d = \frac{B}{t} (P_1 \cdot \sin \alpha + f \cdot P_1 \cdot \cos \alpha + f \cdot K) \quad (3)$$

Хом ашёнинг чўзилишига олиб келувчи Q кучини:

$$Q_L = \frac{L_1}{t} \cdot P_1 (\cos \alpha - f \cdot \sin \alpha) \quad (4)$$

формуладан топамиз.

Агар пичоқлар ўнгга ва чапга томон хом ашёни тарангликка олиб келиш жараёни бўйича ишлаганда:

$$\frac{Q_L}{2} = \frac{L}{2t} \cdot P_1 (\cos \alpha - f \cdot \sin \alpha) \quad (5)$$

ифода орқали топиш мумкин.

Ишлов берилаётган хом ашёни кенглиги орқали топсак:

$$Q_d = \frac{A}{t} P_1 (\cos \alpha - f \sin \alpha) \quad (6)$$

$$\frac{Q_d}{2} = \frac{B}{2t} P_1 (\cos \alpha - f \sin \alpha) \quad (7)$$

тенг бўлади.

Валдаги пичоқлар сони 8 – 16 донагача бўлади, яъни жараённинг турига боғлиқ бўлади.

Пичоқларнинг хом ашёга таъсири бўйича уларни 3 турга бўлиш мумкин.

1. Кесувчи пичоқлар — хом ашёнинг маълум қатламини кесиш учун хизмат қилади. (Мездралаш, қиртишлаш машиналари ва ҳоказолар).

2. Тозаловчи пичоқлар тукларни, тук ости қолдиқларини, эпидермисни тозалайди (тук кетказиш, тозалаш машиналари).

3. Текисловчи, сидирувчи валлар териларнинг нотекис жойларини, тўпламларни ёйиш ва текислаш учун хизмат қилади.

10.6. Хом ашёни юмшатиш машиналари

Чарм маҳсулотларини тортиш ва юмшатиш асосан қуритгандан ҳамда ҳўллангандан кейин бажарилади.

Бу босқични бажаришдан мақсад хромли ошланган териларга ва пойабзал устки деталларига керакли бўлган юмшоқлик ва эгилувчанлик хусусиятини беришдир.

Ишлов бериш натижасида яриммаҳсулот юзаси катталашади ва тери толалари мустаҳкамланади. Терининг чузилиши эса камайди. Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган тартиб юмшатиш машиналари, ишчи органлари конструкцияси ва ишлаш принципи жиҳатдан ричагли, вибрацион ва ротацион машиналарга бўлинади. Бу машиналар ўтказувчан ва ноўтказувчан бўлиши мумкин.

Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда майда ва ўрта ўлчамдаги хромли ошланган терилар ва қўй териларига ишлов бериш учун ТМ-750-2\3 , 07178\Р2 (Чехия), РМ-2М ва «Молисса» типдаги машиналари қўлланилади. ТММ-2 машинаси эса пойабзалнинг юқори деталларига, хромли ошланган йирик териларга ва қўй териларига ишлов бериш учун қўлланилади.


РМ-2М хом ашёни юмшатиш машинаси.

РМ-2М хом ашёни юмшатиш машинаси қўй, қорақўл, эчки, қуён ва бошқа майда мўйналарни юмшатиш ва қисман тозалаш учун ишлатилади.

Машинанинг ишчи асбоби ёйсимон пулат пичоқлар 1 ҳисобланади. Пичоқлар цилиндрик чўян барабан 2 нинг агрофида қотирилган бўлиб, унинг вали эса подшипниклар орқали машинанинг станинаси 4га ўрнатилган (161- расм).

Яримайлана пичоқ бир томонлама ўткирилган бўлиб, унинг радиуси 105 мм га тенг. Барабан 2 кожух 5 билан ёпилган бўлиб, олд томони очилиб-ёпилувчи хавфсизлик қопқоғи 6 ва орқа тарафига чанг ва бошқа чиқиндиларни машинадан сўриб олувчи труба 7 ўрнатилган ва бу ўз навбатида ҳам ашёни пичоққа ўрнатилишига ёрдам беради. Пичоқли барабан тасмали узатма 9 ёрдамида электрюртигичи 8 да ҳаракатланади. Бундан ташқари машина электромагнит тухтатгич билан таъминланган. Тухтатгичнинг ишга тушириш қурилмаси қопқоқ 6 тагида жойлашган бўлиб, қопқоқ 6, кўтарилиши билан тухтатиш қурилмаси пичоқли барабанни ҳаракатдан тухтатади.

Ҳом ашёга ишлов бериш жараёнида ишчи ҳам ашёни стол 10 га ёйиб қўяди. Столнинг ўртасида махсус тешик



161-расм. РМ-2М типдаги ҳам ашёни юмшатиш машинаси кинематик схемаси.

бўлиб, унда ҳаракатланувчи эластик зарм тасма жойлашган ва тасманинг олд учи тортувчи қурилма 11 нинг илмоқларига илинган. Юқорига ва пастга ҳаракатланувчи зарм тасма ричагли қурилмалар педаль 12 орқали ҳаракатланади. Педаль 12 қўйиб юборилганда ричагли қурилма пружина ёрдамида аввалги ҳолатига қайтади. Хом ашёнинг юнгли қисми пастга қаратилган ҳолда ёйилиб, ишчи зонага узатилади. Ишчи хом ашёни ушлаган ҳолда педальни босиб керакли зонага — бир неча марта пичоқли барабанга узатади ва хом ашё юмшатилади.

Савол ва топшириқлар.

1. Зарм ва мўйна ишлаб чиқариш машина ва аппаратлари ишлаш принципи жиҳатидан қайси гуруҳларга бўлинади?

2. Зарм юзасини ўлчаш машиналарининг ишлаш принципини тушунтиринг.

3. Чанлар ва чан-баркаслардан қайси ишларни бажаришда фойдаланилади?

4. Қўзғалувчан корпусли аппаратлардан қайси ишларни бажаришда қўлланилади?

5. Мездралаш машиналари қайси асосий механизмлардан тузилган?

6. ММП-1800 мездралаш машинасининг ишлаш принципини тушунтиринг.

7. Мездралаш жараёнида хом ашёга қандай кучлар таъсир қилади?

8. РМ-2М хом ашёни юмшатиш машинасининг ишлаш принципини тушунтиринг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. М.Ш.Жабборова. Тикувчилик технологияси. Т., «Ўзбекистон», 1994.
2. A.Koller, W.A.Fukin. Allgemeine Konstruktions – technik, Methode zur Modellierung und Optimierung technischer Systeme. Aachen. Voeksbildung-Verlag, 1997.
3. Ф.А.Курбонов, Ҳ.К.Раҳмонов, Қ.Т.Олимов. Пойабзал ишлаб чиқариш жиҳозлари. Т., «Меҳнат», 2002.
4. К.Т.Олимов. Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари. – Т.: Ф.Фулум, 2002.
5. К.Т.Олимов ва бошқалар. Тикув машиналари. Т., «Ўзинкомцентр», 2002.
6. Швейные машины фирмы «JUKI». Руководство для инженеров. Токуо. 1999.10, Printed in Japan.
7. В.С.Лебедев. Технологические процессы машин и аппаратов в производствах бытового обслуживания. М., «Легпромбытиздат», 1991.
8. High-speed Over lock/Safety Stitch Machine. MO2516. Series. Catalog No. 1999. Printed in Japan.
9. Poet and flat-bed, high-speed sewing machines for shoe Manufacturing. PRAFF. Geddruckt in de BRD. Printed in Germany. 2000.
10. Pegasus sewing machine. Co, LTD: Catalog No. 102555. Printed july. 1996.
11. Single needle or twin meddle lockstitch longarm machine with bottom feed, needle feed and alterhating foot ton feed 221-76, FAR. Catalog. Printed in Germany/D/GD/SU 08/1999.
12. А.В.Флерова. Технология и оборудования швейно-трикотажного производства. М., «Наука», 1996.
13. Т.А.Набалов. Оборудование обувного производства. М., «Легпромбытиздат», 1990.
14. А.А.Анастасиев. Машины, машины-автоматы, автоматические линии легкой промышленности. М. Легкая и пищевая промышленность, 1983.

ҚАХРАМОН ОЛИМОВ

ЕНГИЛ САНОАТ МАШИНАЛАРИ ВА АППАРАТЛАРИ

Тўлдирилган иккинчи наشري

Муҳаррир *М. Йўлдошева*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусахҳиҳ *Ф. Ортиқова*

Компьютерда тайёрловчи *Б. Ашуров*

ИБ № 4121

Босишга 25.05.2003 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Таймс
гарнитура. Офсет босма. 17,5 шартли босма тобоқ, 18,2 наshr
босма тобоғи. Жами 1000 нусха. рақамли шартнома. Баҳоси
шартнома асосида. *№135*

Ўзбекистон магбуот ва ахборот агентлигининг Абдулла
Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 700129. Тошкент,
Навоий кучаси, 30.

Фан ва технологиялар маркази босмахонаси. Тошкент, Олмазор
кўчаси, 171.